ИСМОИЛ БИЛГИН

57-ПОЛК. ФАЛАСТИН



Китоб бу ерда курсатилган муддатдан кечиктирилмай кайтарилиши лозим

Бундан олдин берилган китоблар сони_____	

Исмоил БИЛГИН

57-ПОЛК. ФАЛАСТИН

Роман

Мутолаа бошланган сана _____

Мутолаа тугатилган сана _____



821.512.161-31
Б69

ИСМОИЛ БИЛГИН

57-ПОЛК. ФАЛАСТИН

«МИСБАҲ КИТОБЛАРИ» ЖАМОАСИ

Лойиҳа муаллифи:	**Шаҳзод Рамазонов**
Директор:	**Бекзод Рамазонов**
Таржимон:	**Нодир Шаме**
Муҳаррир:	**Озод Муҳаммад**
Мусаҳҳиҳ:	**Феруза Қувонова**
Дизайнер:	**Исмоил Абдулбосит**
Саҳифаловчи:	**Исмоил Ҳошимов**
Ижтимоий тармоқлар бўйича масъул:	**Дилшод Алиев**

Ушбу китобнинг ўзбек тилидаги таржимаси бўйича барча ҳуқуқлари «Мисбаҳ китоблари» жамоасига тегишли бўлиб, рухсатсиз нусха кўчиришнинг барча турлари шаръан ҳаром ҳисобланади ва қонунан ман этилади.

УЎК: 821.512.161-31
КБК: 84(5Turk)
В 69

misbahkitoblar
(94) 121 10 20

ИСМОИЛ БИЛГИН
Исмоил Билгин. 57-полк. Фаластин - Тошкент: FACTOR BOOKS, 2022. - 288 б.

ISBN: 978-9943-7667-5-4

QR. MA'LIMLEME KITAPXANA ORAYI
INV № 2022|55-209

© Исмоил Билгин.
© «Мисбаҳ китоблари», 2022.

ИСМОИЛ БИЛГИН



57-ПОЛК. ФАЛАСТИН



ТЎҒАН

Исмоил Билгин

1964 йили Гелиболунинг[1] Аврача ноҳиясида туғилган. Бошланғич ва ўрта мактабни шу ерда тамомлаб, Гелиболудаги лицейда ўқишни давом эттирди. 1984 йилда Истанбул университетининг Геология муҳандислиги факультетига ўқишга кирди. Факультетни 1988 йили битириб, илм таҳсилини аспирантурада давом эттирган ҳолда 1990 йили ўзи ўқиган университетга ассистент вазифасига ишга қабул қилинади. 1993 йилда аспирантурани туғатиб, 1999 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2000 йилда ўз хоҳишига кўра университетдан кетиб, давлат идораларидан бирида ишлай бошлайди.

Исмоилда болалигидан ўқиш-ёзишга иштиёқ кучли эди. Мана шу иштиёқ уни 2000 йили Умар Сайфиддин ҳикоялар танловида иштирок этишга чорлайди. Танловда Исмоилнинг Истанбул зилзиласига бағишланган «Нима бўляпти дейилган пайт» номли ҳикояси ғолиб топилиб, бўлажак адибнинг келгуси ишларига туртки бўлади.

Исмоил Билгин ўша пайтдан бошлаб ёзувчиликка астойдил киришади. 2014 йили тарихий мавзудаги «Қутъул-амора» номли романи Eskader (Ада-

[1] Гелиболу ёки Галлиполи ярим ороли – Туркиянинг Европа қисмидаги ярим орол.

биёт, санъат ва маданият тадқиқотлар уюшмаси) томонидан, 2015 йили Чаноққалъага бағишланган романлари ва тадқиқот ишлари туфайли Ёзувчилар уюшмаси томонидан тарихий йўналишдаги романлар учун илк бор таъсис этилган «Буюк мукофот»га лойиқ деб топилган.

Исмоил Билгин яқин тарихга оид мавзуларни, хусусан, Биринчи Жаҳон уруши воқеаларини ўз ичига олган асарлари орқали ёш авлоднинг тарихий билимларини орттиришга ҳисса қўшиш мақсадида бир қанча ҳикоялар, ёшларга оид романлар ёзган ва ёзишда давом этмоқда.

Ёзувчи қаламига оид асарлар:

«Гелиболу», «Чаноққалъага кетганлар», «Чаноққалъа достони», «Чаноққалъа кундаликлари», «Чаноққалъа тўфони», «57-полк. Чаноққалъа-Галичя-Фаластин учлиги», «Чаноққалъанинг қаҳрамон аёли», «Сариққамиш – оқ ҳазинлик», «Алвидо, Болқонлар!», «Мадина мудофааси», «Қутъул-амора», «Илк тирилиш», «Анқаранинг оловли йўллари», «Қушчибоши Ашраф», «Занжи Мусо», «Мустақиллик қаҳрамонлари» (икки қисмли, 10 та китобдан иборат), «Алп Арслон жангчиси» (5 та китоб), «Турк денгиз қаҳрамонлари» (10 та китоб).

Кириш сўзи

Фаластин жанги Усмонийлар давлатини тормор қилган жанг сифатида маълум. Сўнгги жабҳада жуда қийинчилик билан жанг олиб борилган ва афсуски, енгилиш аниқ бўлиб қолгач, «Мандрос яраш сулҳи» орқали давлат таслим бўлади. Фаластин жанги – бўлиб ўтган тарихий воқеалардан хулоса чиқаришнинг, бу давр тарихини чуқур ўрганиб, бугунги кун масалаларига оид жиҳатларни яхшироқ ўрганишнинг ҳам энг яхши намунасидир. Бу ерда бўлиб ўтган жараёнлар яқин ўтмишдаги бир қанча сиёсий ўзгаришларга сабаб бўлган.

* * *

«57-полк. Фаластин» учлик романларимнинг охиргисидир («Миллий Озодлик кураши даври» деб ҳам номланиши мумкин эди, аммо бунинг учун ишончли манба топиш қийин). Бу китобда турк ҳарбий тарихида муҳим ўрин тутувчи 57-полк иштирок этган энг катта муҳораба[2]нинг оқибатларини баён қилишга ҳаракат қилдим. Шу боис тадқиқотларимиз натижасида қаҳрамон, забардаст қўшинимиз ҳақидаги айрим хато қарашлар ўрнини тарихий ҳақиқатлар эгаллаб боради. Китобларим турли изланишларга асос бўлса ва эслатма сифатида китобхонга нафи тегса, мен учун улкан бахт бўлур эди.

[2] Жанг.

Фаластинда кечган турли катта-кичик жангларда 57-полк ҳам иштирок этади ва буюк қаҳрамонлик, жасорат кўрсатади. Аммо тобора кучсизланиб бораётган катта қўшиннинг енгилиши муқаррар экан, 57-полк аскарлари ҳарчанд жон фидо қилмасин, ғалабадан нажот бўлмай, Наблус[3] яқинидаги Шариа дарёси бўйларида инглизларга асир тушадилар.

Китобим Истанбулдан Фаластинга гоҳ поездда, гоҳ пиёда юриб борган 57-қўшин аскарлари ҳақидаги ҳақиқатларни янги авлод вакилларига етказиш ва улар томонидан доим ёдга олиниб туриш учун қаламга олинган.

Шу кунларда ҳам тез-тез тилга олинувчи Фаластинда 1918 йилда бўлиб ўтган воқеаларни 57-полкимиз мисолида кўриб чиқамиз.

Азиз шаҳидларимизнинг руҳи шод бўлсин!
2011 йил, январь

[3] Наблус губернаторлиги – Фаластиннинг Қуддусдан 53 км. шимолда, Ғарбий соҳилнинг марказий тоғли қисмида жойлашган маъмурий тумани.

1917

1917 йил 23 июнь

Поезд пўлат излар узра учиб бораркан, хаёлимда битта ўй – тезроқ она Ватанимга етиб олиш эди. Жуда чарчагандим. Ўй-хаёллардан чарчаган бошимни дераза ойнасига суядим. Шу тарзда бироз йўл юрдим. Сал ўтиб, негадир ўзимни яна жанг майдонида тасаввур қилдим. Ёнимда Солдиролим Иброҳим, олдимда сержантлар Меҳмет Човуш ва Камол Афанди... Ўнг ва чап ёнимизда портлаган бомба парчалари аскарларни йиқитарди. Устимиздан тош-тупроқ ёғар, хандақка етиб олиш учун бор кучимиз билан ҳаракат қилардик. Бир пайт Солдиролим Иброҳим ўқ тегиб, йиқилди. Мен унинг ортидан бориш учун жойимдан отилдим. Аммо кучли билаклар ёқамдан тутди. Мен югуриб бориб, Иброҳимни олиб келмоқчи эдим. Аммо нима қилсам ҳам, жойимдан силжий олмасдим. Кўп ҳаракат қилаверганимдан терлаб кетдим. Шунга қарамай, у томон боришга уринар, тинмай бақирардим:

– Қўйвор мени! Қўйвор! Уни қутқаришим керак!

Шу пайт қайсидир аскар белимга ёпишди. «Йўқ, қўмондоним! У ерга бориш – ўлим дегани!» дея йўлимга тўсқинлик қилди. Аскарни ўзимдан нарига итариб юборишга уринардим, аммо унинг қўлидан қутулолмасдим. Бошқа чорам қолмади. Кўзларимни косасидан чиққудек қилиб бақирдим:

«Йў-ўқ, ўлма! Ўлма-а-а!!!»

Иброҳим бўлса ётган жойида букчайиб, тиришар, овози ҳам чиқмасди. Фақат ўнг қўлини кўтариб, «Келинглар» дегандек ишора қиларди. Кўзларим унинг қўлидан узилмас, бориб ўша қўлни тутмоқчи эдим. Кўзларим эса мудом унинг қўлида эди. Тепага кўтарилиб турган бўлса, демак, тирик, яшаяпти, деб ўйлардим. Ўзимга шу тарзда тасалли бераётган эдим. Мени хандақка тортиб туширмоқчи бўлишар, аммо мен бунга эътибор қилмасдим, кўзларим эса фақат тепага кўтарилган қўлда эди. Ич-ичимдан пичирлаб: «Аллоҳим, у ўлмасин! Ўзинг асра, у яшасин...» дер эдим.

Гўё атрофимдаги нарсалар ўчиб кетгандек эди. На аскарларим, на жанг майдони қолган, фақат мен ва Иброҳимнинг ҳавода муаллақ турган қўли бор эди. Мени ҳали ҳам ҳандақка тортишар, аммо мен ғайриихтиёрий куч билан чиранар эдим. Бироз жим турдим-да, яна ҳайқирдим: «Иброҳим, ўлма! Мана, боряпман!»

Аммо ёнига бора олмас эдим... Бироз ўтиб, Иброҳимнинг тик турган, мени умидвор этаётган қўли ерга тушди. «Ҳаммаси тамом», деб ўйладим. Иброҳим учун ҳаммаси тамом. Бундан сўнг биз нима бўламиз энди? Кўзларимни юмдим. Олдинда чексиз бўшлиқ бор эди. Худди жаҳаннам чуқурлари каби қоп-қора бўшлиқ. Кимдир мени ўша чуқур бўшлиққа итараётгандек эди. У ерга юзлаб, йўқ, минглаб метр юксакдан тушардим гўё. Чирпирак бўлиб, урилиб-қоқилиб, оҳ-фиғонлар чека-чека юмалардим чуқурга. Яна бор кучим билан бақирдим: «Йў-ў-ў-қ! Йў-ў-ў-қ!»

Елкамдан кимдир тутганини ҳис қилдим. Кимдир мени силкитарди: «Аҳмад Музаффар! Аҳмад Музаффар!»

Негадир бу овоз таниш эди. Доктор Акрамнинг овози бўлса керак...

Кўзларимни базўр очдим. Рўпарамда доктор кулимсираб қараб турарди: «Алаҳсираяпсан!»

– Солдиролим Иброҳимнинг ўлимини такрор кўргандек бўлдим, доктор.

Доктор Акрам бироз жим турди. Кейин:

– Солдиролим Иброҳим, Камол Афанди, Меҳмет Човуш ва яна кўп одамларимизни Галичяда қолдирдик, катта лейтенант, – деди.

Нима дейишни билмасдим. Жим бўлиб қолдим. Бошимни яна ойнага суяганча олисларга чўзилиб кетган текисликларга ўйчан боқардим. Кўз ўнгимдан дарахтлар, қир-адирлар соя каби лип-лип ўтарди... Поезд ҳам тўлғанганча йўлида давом этарди.

Йўллар... Жанг майдонидан Ватаним сари узалган йўллар... Бу йўллар инсонни соғинчга, висолга, ўлим ва ҳаётга ҳам олиб боради. Сафар бошида шу пўлат излар орқали ўлим билан юзлашишга борган эдик, энди эса уйимизга қайтяпмиз. Ошиёнимизни, яқинларимизни кўрамиз...

Худди бирон гап айтишимни кутгандек менга қараб турган доктордан:

– Нега доим йўлдамиз?– деб сўрадим.

Доктор саволимга жилмайганча жавоб берди: «Йўловчилар доим йўлда бўлади-да, қўмондон. Биз жабҳадан[4] жабҳага ўтиб юрувчи йўловчилармиз. Полкимиз шу пайтгача қаерларда жанг қилмади: аввалига Траблусғарбда[5], Болқонларда[6], кейинроқ эса Чаноққалъа[7] ва Галичя[8] жангларида...

[4] Фронт.

[5] Усмонийлар давлатининг Шимолий Африкадаги ерлари, ҳозирги Ливия ҳудуди.

[6] Болқон яриморoли – Жанубий Европадаги ярим орол.

[7] Туркиянинг жануби-гарбий қисмида жойлашган порт шаҳар.

[8] Галиция (Галичя) – Ғарбий Украина ва Польша ерлари бир қисмининг тарихий номи.

Қайтяпмиз. Аммо ишончим комилки, бизни яна жанг майдонларига йўллашади...»

Индамадим. Доктор айтган гаплар ақлимни чувалаштирар эди: «Йўловчилар доим йўлда бўлади...»

– Биз жанг майдонларида юрган йўловчимиз, шундайми, доктор?

– Худди шундай, қўмондон... Баъзан ўз-ўзимдан куламан.

– Нега куласиз?

– Ўлиш учун, жанг қилиш учун шунча олис масофа босиб келиш сал ғалати кўринади-да менга.

– Ғалати денг... Бунинг ҳеч ғалати жойи йўқ, доктор. Биз «чанқоқ арслонлар қўшини», жанг майдонларида курашиб, йўқ бўлган сари бор бўламиз, тириламиз. Бизни, бизларнинг бу фидокорлигимизни ва жангга доим тайёр эканлигимизни биздан кейин келганлар яхши тушунсалар керак.

– Не ажаб?

– Ишончим комил, шундай бўлади, доктор!

– Лекин...

– Нима «лекин»?

– Лекин «Булар Галичяга нима учун борган?» деб сўрайдиганлар ҳам бўлади ҳали.

– Майли, бўлсин. Бу бизнинг муаммомиз эмас... Бор дейилди, бордик. Вазифамизни аъло даражада уддаладик. Мен учун энг муҳими шу. Қолгани ҳамма нарсага ақли етадиган сиёсатшунослару, оғзига зеб берувчи идора ходимларига ҳавола... Тарих учун бу саволнинг жавобини ана ўшалар бераверсин, доктор. Йиллар ўтиб, зиёрат қилгани қабристонга келсалар, қатор-қатор турган мозор тошларимиз уларга энг яхши жавобни сўйлайдилар... Ер

юзида бирон та қабримиз бўлса, албатта. Ҳозир эса келинглар дейилди, мана – кетяпмиз.

Доктор жим бўлиб қолди. Менинг эса асабим бузилди. Кўкрак қафасим тез-тез кўтарилиб туша бошлади.

Бизни бу ёқларга юборганлар – сиёсатчилар, идора ходимлари... «Боринглар, ўзга юртларда бутун дунёга ёрдам беринглар», дейишди. Бу қилмиши учун улар тарихнинг сўроқлагувчи қўлидан у дунёю бу дунё қутула олишмайди, деб ўйлайман.

Доктор менга қараб турарди.

– Унутма, биз – асл жанг майдонларининг эрларимиз.

– Нима учун биз бошқачамиз? – дея сўрайман яна.

– Ғалати-да... Атрофингга бир қарасанг-чи... Ота-онасидан, оиласидан, ёру юртидан айрилган қанчадан-қанча ўғлонлар бор. Бизга йўқчилик, соғинч, қон, борут[9] йўлдош бўлмадими? Шунинг учун ғалати, шунинг учун бошқача, дедим-да.

– Бу – ҳеч кими йўқ, кимсасиз дегани. Маҳзунлик дегани. Биз ростдан ҳам шунақамизми?

– Ҳа, қўмондон, шундаймиз. Жанг майдонига, муҳорабага борган ҳар бир аскар ғалатироқ бўлади ўзи. Сен ўша оломон ичидан чиққан қаҳрамонларга қарама, улар ҳам ўз ички дунёсида ғариб, нотавон. Улар ҳаёт билан ўлим ўртасида, ҳарбий топшириқ билан яқинлари ўртасида доим қарама-қарши ҳиссиётда яшайдилар. Барибир, нима бўлса-да, тарозисида вазифа оғир босади... Ҳарбий вазифа – «Ҳар ишга тайёрман», дегани. «Нима бўлганда ҳам, ҳаммасини ортда қолдирдим, ўлишга тайёрман», дегани...

– Аскарлик шундай бўлади-да.

[9] Усмонийлар давлатининг Шимолий Африкадаги ерлари, ҳозирги Ливия ҳудуди.

– Ҳа, шундай.

– Хўш?

– Демоқчи бўлганим шуки, инсон ўз ички дунёсида ортида қолганлар сабабли бошқача бўлишга мажбур...

– Майли, шундай бўлақолсин, доктор. Чарчаган бошим бу файласуфона сўзларингни илғамай ҳам қолди.

Доктор мени яхши танийди, руҳимдаги зарб изларини ҳам яхши билади. Мен тортишишдан, баҳслашишдан безорман. Шунинг учун жим юраман. Худди дам оладигандек жимман.

«Бизни биздан айирган Галичя... Сендан кейин қаерга боришимиз муҳим эмас. Модомики, йўловчи – жанг майдонларининг йўловчиси эканмиз, бор дейилган ерга муҳаққақ борамиз».

Бу қароримдан сал енгиллагандекман. Бошимни яна ойнага суяйман. Ичимда бир гул ғунчалайди. Бу – Гулниҳол туфайли ўйлаган ўйларим, умидларимнинг рамзи бўлган ғунчадир. Гулниҳол мен учун ёқимли хаёлдир. Сабабини билмадим-у, миямга ўрнашиб олган бу ўй-хаёллар унга ёзган мактубларимни сатр-сатр ўзимга қайтадан ўқитар эди...

Галичядан юртга қайтар эканмиз, вазифамизни тўла адо этганимиздан мамнунлик ҳис қилсак-да, ўша жойларда тупроққа топширган қанчадан-қанча мард йигитларимизнинг бир умрлик хотиралари юрак-бағримизни эзар эди.

* * *

Галичяга қатор-қатор вагонларда борган эдик. Энди эса поездимиз Яшилкўй[10] (Аё Стефан) темир йўл бекатига кириб келмоқда. Ҳаммамиз қаттиқ

[10] Истанбулнинг Яшилкўй районининг тарихий номи.

ҳаяжондамиз. Бир-бирини қучоқлаганлар, бақириб-чақирганлар, хурсандчиликдан кўз ёш тўкаётганлар, деразалардан, эшиклардан бош чиқарганлар, қўйингки, вагонда гўё байрам ҳавоси ҳукмрон эди. Ватанга қайтиш ҳақиқатан ҳам байрам эди-да! Бекатга йиғилганлар катта қизиқиш билан поезддагиларга қарар, аксариятининг қўлида гуллар, ширинликлар, егуликлар, дастрўмоллар ва мева тўла саватлар бор эди. Улар ҳам аскарлар поезддан тушишини сабрсизлик билан кутишмоқда.

Мен эса оломон ичидан кўзларим билан Гулниҳолни излайман. Уни бир кўриш учун ҳар нарсага тайёрман...

Кўп ўтмай, аскарлар поезддан туша бошлашди. Худди селда қолган сомон каби мен ҳам тушдим. Қандай тушганимни билмайман, тушириб қўйишди, шекилли, ўзимни бекатда кўрдим. Ҳеч танимаган ота-оналар келиб мени қучоқлар, турли-туман совғалар беришар, кимлардир мендан ўғлини сўрарди: «Айюбли Жамол ўғлимни кўрмадингми, болам?», «Ҳасаним келдими?», «Солиҳим тирикми?»

Саволларнинг охири йўқдек эди. Уларга қандай жавоб беришни ҳам билмасдим. «Билмадим» дердим, холос. Шунда: «Сен қўмондон эмасмидинг?» дейишар, сўнг яна давом этишарди: «Қўмондон ўз аскарини билмайдими?»

– Бошқа бўлимда ёки бошқа сафда бўлса керак, – дейман.

Улар сўраётган йигитларнинг баъзилари Солдиролим Иброҳим, Меҳмет Човуш ва Камол Афандига ўхшаб, шаҳид бўлган бўлса-чи! Унда нима деб жавоб бераман? Аллоҳим, бу қандай қийин ҳолат! «Ўғлингиз шаҳид бўлди», дейиш жуда оғир...

Мен тинмай ўз бўлимимдаги шаҳид аскарларнинг ота-онасига дуч келиб қолмаслик учун дуо қилар, бир томондан эса оломонни ёриб, олдинга интилардим. Кўзларим Гулниҳолни изларди. Диққат билан рўпарамга қарардим, аммо у кўринмасди. Келмаган бўлса-я? Бу савол мени жуда ўйлантириб қўйди. Ўзимни йўқотиб қўяёздим. Тинмай ён-атрофга қарардим. Олдимдан чиқаётганларни нари сурар, ораларидан аранг ўтар ва яна атрофга аланглардим. Ҳали ҳам уни кўрмадим. Ақлдан озай дедим-ку! Келмадимикин? Балки хабари бўлмагандир? Ким билсин, балки тоби қочгандир? Савол ортидан савол ёғилавергач, миям ғовлаб, нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Шу қисқа вақт ичида шунчалик кўп ўйладимки, ҳатто оёқларимнинг титраганини ҳам ҳис қилардим. «Аллоҳим, ишқ савдоси деганлари шуми? Инсонни ўтдан чўққа солувчи севги шуми?» дея ўз-ўзимни сўроқлардим. Ҳар бир сўроқ мени тўзғитар, ўзимни йўқота борардим. Уялганимдан ҳеч нарса дея олмасам-да, ич-ичимдан ҳайқирардим: «Гулниҳол, қаердасан? Келдингми, Гулниҳолим?..»

Фақат ёлғиз ўзимгина эшитаётган фарёдимнинг чеки кўринмасди. Уни кўравермагач, ичимдан тошиб келаётган алаҳсирашлар тина бошлади. Мен гўё саробга дуч келгандим. Ҳолбуки бу учрашув онини қанчалар кутган эдим. Худди бемор тонгни кутгандек, янги қазилган қабр шаҳидини кутганидек кутган эдим... Барча умидларим пучга чиқди. Умид тўла қурган дунёим улкан сароб бўлиб чиқди. Унга ёзган мактубларим ёдимга тушди. Сатрларига ҳасратларим битилган мактублар...

Елкаларим шалвираб, кўзимни ҳам, кўнглимни ҳам ҳазин ҳислар чулғади. Жанг майдонларида наъ-

ра тортган қаҳрамон эр эндиликда бечораҳол кўринишга тушиб қолган эди. Сал қолса ерга ўтириб қолардим. Она тупроғимга қовушган бу улуг кунда ўзимни етим боладек ҳис қилаётгандим.

Ота-онасини қучоқлаётганлар, яқинларига етишганларни кўриб, ҳавасим келар, уларга ўхшагим келарди. Истанбулнинг бир четида, темир йўл бекатида ёппа-ёлғиз қолиб кетгандим. Ўша жойда тугаб, изтиробларга кўмилиб қолдим. Бу сафар жангда эмас, ўз уйимда ёрсиз қолган эдим...

Мажолим қолмай, йиқилмаслик учун деворларга суянардим. Елкамдаги юкхалтамни ерга ташладим. Куролимни ҳам... Шу пайт тепамга бир соя келди. Узун соя эди. Ким бўлиши мумкин? Гулниҳолми?..

Хурсанд бўлиб, бошимни кўтариб қарасам, Бадал Рашид экан.

– Тинчликми, қўмондоним? – сўради у.

– Яхши. Яхшиман.., – дея уни нари кеткизмоқчи бўлдим. Ўй-хаёлларим билан ёлғиз қолмоқчи эдим. Ҳозир энг яхши аскаримни, мақтовларга сазовор бўлган аскаримни ҳам кўзим кўрмаётган эди. Рашид ҳақида бундай хаёлга борганимдан уялиб кетдим...

– Яхшиман, Рашид, – дедим такроран. – Бошим айланиб кетди, шунга бироз ўтирай дедим-да...

– Келинг, сизни ўриндиққа ўтқизай. Менга суянинг, – деди у.

– Йўқ, кераги йўқ. Ҳозир ўтиб кетади, – дея қаршилик қилдим, лекин Бадал Рашид мени ўз ҳолимга ташлаб қўймаслигини ҳам билиб турардим. Ниҳоят, ўрнимдан турдим. Унинг ёрдамида бир ўриндиққа бориб жойлашдим. Туйғуларим ҳам ўлиб бўлганди.

– Рашид, бўшсан, боравер, – дедим. Бироз тепамда кутиб турган аскарим мендан кўзини узма-

QR. MA'LUMLEME
KITAPXANA ORAYI
INV № 2022155-209

ган ҳолда нари кетди. Унинг садоқати бебаҳо эканлиги рост!

Ўтирдим. Вокзалда худди бир ўзим эдим. Ҳеч ким йўқ эди гўё. Уйимга қайтган кун туманлар ичра ғойиб бўлган эдим. Қалбим яраланган, ичимда ғунчалаган гул эса тиканли бўлиб, ҳозирда юрагимни тилиб қонатаётган эди. Севгим, юрагим қонамоқда эди. Ёлғиз эдим, энг гавжум бекатда бўлсам ҳам, худди қабристонда, маййитнинг бошида унибўсган сарв дарахтидек хомуш эдим. Йўқ, бу ёлғизлик бўрининг ёлғизлигига ўхшамас эди. Бу – кўкси яраланган ёлғизлик эди...

Шу аҳволда яна бироз кутдим. Демак, энди у келмайди. Шунча вақт бекорга кутдимми? Бир томондан ўзимни овутар, тасалли беришга ҳаракат қилардим: «Балки келиб қолар, кеч қолгандир-да...»

Орадан қанча ўтди, билмадим, шундоққина ортимдан бир овоз эшитилди. Бу овоз булбулнинг овозига ўхшар эди. Самимий, соф, нозик ва мулойим бир сас: «Аҳмад Музаффар бей, хуш келибсиз!»

Бу овоз!.. Ё Аллоҳим, бу ўша овоз-ку! Наҳотки?.. Ростдан ҳам унинг овозими бу?.. Ерга қадалган кўзларимни дарҳол овоз соҳиби томон бурдим. Ё Аллоҳим! Рўпарамда турган Гулниҳол эди... Қўлида кичкина гулдаста, эгнида пуштиранг кўйлак, менга қараб кулиб турарди. Ё Худо, тушимми, ўнгимми? Йўқ-йўқ, бу на туш, на бир хаёл эди. Қаршимда Гулниҳолнинг ўзи турарди. Дарҳол ўрнимдан турдим.

– Хуш кўрдик, – дедим зўрға.

– Бироз кеч қолдим. Бу ерга келишга фойтун тополмадим.

– Зиёни йўқ, – дедим.

– Сўлғин, хафа кўринасиз, – деди у.

– Йўл чарчоғидан бўлса керак, – жавоб бердим мен. – Саккиз ҳафтада борган бўлсак, етти ҳафтада қайтдик, – дедим жилмайиб.

У менга қўлидаги гулдастани узатди. Сўнг шундай деди:

– Менга айтадиган кўп гапингиз бўлса керак?

– Жуда ҳам кўп, – дейман жавобан. Аммо унга жангдан, қондан, ярадан гапириб ўтирмайман. Уни соғинганимни айтаман, севгимиз ва келажак ҳаётимиз ҳақида гапираман фақат. Чунки бунга ўзимнинг ҳам эҳтиёжим бор. Шу пайт ёнимизга доктор Акрам келди.

– Мен Ускудорга[11] бораман. Мен билан кетасизми?

Мен ҳеч нарса дея олмадим. Гулниҳолга савол назари билан қарайман. У ҳам жим.

Доктор Акрам жавобимизни ҳам кутмасдан, «Аллоҳга омонат», деди.

Иккимиз ҳам «Яхши боринг», деб, уни кузатиб қолдик...

Сал кейинроқ фойтун бизни гўёки баҳорлар юртига олиб борар экан, қалбимда тирналган, қонаган ва ишқимизнинг зарб еган излари бирин-кетин ғойиб бўлиб бораверди. Йўлда кетар эканман, ўз-ўзимдан «Бу шаҳарда мендан ҳам бахтлироқ инсон бормикин?» деб сўраб қўярдим.

* * *

Мақрикўйда[12] (ҳозирги Бақиркўй), Анжирли далалари яқинида ўтлоққа чодирли ўрдугоҳ[13] қурган эдик. Бу жой оппоқ тошдеворлар билан ўралган оҳактош ўчоқларига яқин эди. Бўлакларга бўлинган харсанг-

[11] Истанбулнинг Осиё қисмидаги мавзе.
[12] Истанбулнинг соҳил бўйидаги мавзеси.
[13] Лагерь.

лар майдаланиб, бир ҳовузга ташланар ва сўндирилган оҳак ҳолига келтириларди. Аммо бу ерда ҳеч кимни учратмадик. Жанубимизда Анжирли деҳқонларига оид икки-учта ёнма-ён қурилган уйлар кўриниб турарди. Янаям жануброқда, соҳилга яқин ерларда Истанбулнинг янги даҳаларини ташкил этувчи баланд уйлар кўриниб турарди. Соҳилга яқин уйлар олдидан темир йўл ўтган. Шимоли-шарқда эса Довутпоша қишлови[14] жойлашган. Бу қишловга олиб борувчи сўқмоқ сарғая бошлаган ўт-ўланлар орасидан узайиб кетарди.

Келган кунимиз биз – зобитларга уч кунга ижозат берилган, аммо ижозат вақтимиз тугаши билан иш бошида бўлишимиз талаб этилган эди. Мен ҳам бундай фурсатдан фойдаланиб қолиш мақсадида гуруҳимни Гавур Аҳмадга қолдирдим. Уч кун ичида гоҳ Гулниҳол билан Холич[15] соҳилларини кездик, гоҳида зобит дўстларимни кўргани бордим. Охирги кун Гулниҳолдан айрилишим жуда қийин бўлди. Гулниҳол биз борадиган жанг майдонларининг қийинчиликларини биларди. Чунки мен ундан ҳеч нарсани яширмас эдим.

– Фаластинга борсангиз, сизларни яна жангга ташлашади...

– Биламан, гулим...

– Сал берироқларда хизмат қилсангиз бўлмайдими?

– Билмадим, гулим. Бу менга боғлиқ эмас.

– Доим оташ ўчоғига борасиз. Сизларни оловнинг ўртасига юборишади...

---

[14] Казарма.

[15] Истанбулнинг Европа томонидан жойлашган Босфор бўғозининг асосий кириш жойидаги ботиқ (Олтин шох, Golden Horn, арабчада Халиж).

– Вазифамиз шунақа-да, гулим.

– Мен бунга қандай чидайман? Мана, келди деб севинган жойимда яна кетасизми?..

– Биз йўловчимиз, доим сафардамиз. Буни унутма!

– Шундоқ ҳам унутганим йўқ, бегим.

– Унда...

– Лекин...

– Сенга яна хатлар ёзаман. Жанг майдонидан бўлса ҳам юбораман. Хавотир олма, сени бехабар қолдирмайман. Албатта, хабар юбораман, хотиржам бўл.

– Бошқа мавзулар-чи? Келажагимиз-чи? Тақдиримиз...

Бу гапларга кулмасликнинг иложи йўқ эди.

– Бизнинг тақдиримиз ҳам, келажагимиз ҳам шу Ватан тақдирига, унинг келажагига боғлиқ, Гулниҳол! Ватан тақдири яхши томонга ўзгармас экан, бирон қониқарли натижага эришилмас экан, бизнинг келажагимиз нима бўлиши ҳам маълум эмас... Бўлмайди ҳам...

– Бўлмайдими?

– Йўқ, бўлмайди. Чунки жангда нима бўлишини ҳеч ким олдиндан айтиб бера олмайди.

– Чаноққалъада, Галичяда жанг қилдингиз, соғ-саломат қайтдингиз. Ишонаманки, Фаластиндан ҳам соғ-омон қайтасиз. Ичимдаги овоз шундай демоқда...

– Ичимиздаги овоз... Аммо туйғу ва тушунчаларимиз ҳам турлича гапириши мумкин. Келажакда нима бўлишини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билолмайди.

– Албатта, билолмайди.

– Энди мени яхшилаб эшит.

– Қулоғим сизда.

– Жанг майдонида жанг қилар эканман, энг умидсиз, қийин вазиятларда ҳам сен доимо ёдимда, қал-

бимда ғунчалаган гул бўлдинг. Умидим бўлдинг. Менинг энг қаро тунларимни ҳам ойдинлаштирдинг. Доимо тирик қолишимга васила бўлдинг. Ишқ савдоси мана шундай бўлади, Гулниҳол, инсонни не кўйларга солади. Мен буни ҳаммадан яхши биламан... Сени ҳам билишингни истардим.

– Қандай бахтиёрман...

– Баъзан ягона тасалли бергувчим ўзинг бўлардинг. Баъзан оғриқларимни бостирувчи ҳамшира, баъзан изтиробли дамларни тарқатиб юборган нур эдинг. Сўнгсиз бахт... Энди... сенга ёзган хатларимни гапирмасам ҳам биласан...

– Биламан, неча марта ўқидим уларни, ёдлаб ҳам юборганман...

– Ҳозир сенга бир хат бераман. Фақат буни мен жабҳага кетгачгина очасан. Ўшанда ўқийсан, хўпми?

– Нега энди?

– Шундай бўлиши керак.

– Худди топишмоқдек гапиряпсиз...

– Ўзи шу кунларда ҳамма нарса гўё топишмоқдан иборатдек, Гулниҳол. Бу топишмоқнинг жавобини балки хатимни очиб ўқигач, топарсан...

– Ичимда ғалати бир ҳиссиёт уйғоняпти.

– Хатимни кейин ўқишга ваъда бер...

– Ваъда бераман. Сўз бераман сизга...

Мактубимни унинг қўлига узатар эканман, худди барча япроқларини тўкиб юборган дарахтдек, бутун вужудим, бутун туйғуларим сийқалашиб кўринарди. Ўзимни яланғоч қолган дарахтдек ҳис қилмоқдаман. Бир томонга қийшайиб, худди қияликдан думалаб тушаётгандек эдим. Кеча туни билан қаламимдан ҳижрон сиёҳи тома-тома ёзган хатимни титроқ қўлларим билан Гулниҳолга узатдим...

Нозик, аммо озғингина қайноқ қўлларидан тортина-тортина ушладим. Худди асло қўйиб юбормайдигандек маҳкам сиқдим. Кейин қўлларимиз ўзўзидан бўшашди. Ана ўша онда ичим «жиз» этди. Қалбим яна тилинди, яна вайрон бўлди. Руҳим яна бир бор қонай бошлади.

Кун ботиш пайти Гулниҳолим билан видолашдик...

* * *

Хизматга қайтгач, 28 июнгача камчиликларимиз бор-йўқлигини текшириб олишимиз талаб қилинди. Шу билан бирга, барча камчиликлар энг қисқа фурсатда бартараф этилажаги ҳам айтиб ўтилди.

Гуруҳимизнинг учта камчилиги бор: Солдиролим Иброҳим, Меҳмет Човуш ва Камол Афанди... Бундан ташқари, пулемётта ҳам эҳтиёжимиз бор эди. Бу орада дивизия қўмондонлик таркиби ҳам янгиланган эди:

19-чи дивизия қўмондони – подполковник Седат Бей, полк қўмондони –мингбоши Ҳожи Меҳмет Бей.

1-батальон қўмондони: юзбоши Умар Фавзи афанди.

2-батальон қўмондони: юзбоши Меҳмет Солиҳ афанди.

3-батальон қўмондони: юзбоши Сулаймон афанди эди.

Полкнинг қувват кучлари қуйидагича эди: 54 та зобит, 3689 та аскар ва саркор, 331 та ҳайвон, 2351 та милтиқ ва 6 та оғир пулемёт.

Кўп ўтмай, бўлимга уч нафар янги аскар юборилди. Бири наблуслик Абдулваҳҳоб, алоиялик Карим ва Албан Бадур бўлиб, кейинроқ таркибимиз янада кучайтирилиши билдирилди. Сон жиҳатидан тўлиқ бўлишимиз керак эди. Биз сўраган пулемётни кейинроқ беришга ваъда қилишди.

Гавур Аҳмад янги келган аскарлардан наблуслик Абдулваҳҳоб кўнгиллилардан бўлиб Фаластин жабҳасига[16] бормоқчи эканини айтиб қолди.

– Бирон муҳим сабаби бор эканми? – деб сўрадим.

– Тўғриси, сўрамадим, – деди.

Мен унинг кўнгилли бўлишидан шубҳаланаётган эдим. Шу онда ақлимга «Йўлда ёки уйига борганда қочиб қолса-чи?» деган фикр кела бошлади.

– Уни кўздан қочирмайлик, – дедим.

– Нега? – деди Гавур Аҳмад.

– Ҳеч... Ўзим, шундай... – дедим.

– Яхши.

– Ҳа, айтмоқчи, ўша Албан Бадур менга учрасин.

– Хўп бўлади, қўмондон.

Сал ўтиб, Албан Бадур қаршимда турарди. Уни кўриб, ҳайрон бўлиб қолдим – у қирқ-қирқ беш ёшлардаги аскар эди. Юзлари қуёшда қорайиб, худди куйиб кетганга ўхшарди. Ўрта бўйли, кўк кўз, калта мўйловли эди. Оёғидаги «фотин»[17] каттароқ бўлса керак, бемалол турарди.

– Мени чақиртирибсиз, қўмондон? – деди у.

– Сени қаердан жўнатишди бизга?

– Измирдаги захира батальонидан.

– Милтиқ отишни яхши биласанми?

– Бу савол мен учун бироз эриш, қўмондоним... Сўрамасангиз ҳам бўлади.

– Демак, яхши биласан...

– Македония тоғларида жуда кўп юнонларни ер тишлатганман... У ерларда номим танилган. Номим Македония тоғларида ҳали ҳам жаранглайди.

– Сеними?...

[16] Фронтига.

[17] Қўнжи баланд аскар оёқ кийими.

– Ҳа, мени... Ҳозир ишонмаяпсиз, лекин ҳали жангда кўрасиз қанақалигимни...

– Лекин сизникилар у ёқда янги давлат қуришяпти-ку.

– Бу уларнинг иши.

– Бу масалада сенинг фикринг қандай?

– Тақдирим сизнинг тақдирингиз билан бир хил. Бошқа хаёлга борсангиз, менга оғир ботади...

– Яхши... Кетишинг мумкин.

Янги келган аскарлардан бири Карим эса паст бўйли йигит эди. Мулойим кўринарди. Онасидан бошқа ҳеч кими йўқ экан дунёда. Ачиниб кетдим...

Ҳозир шуниси аниқ эдики, шошилишимиз керак экан. Сафаримиз яна жанг майдонлари сари эди. Бир нималарни сезган бўлсак-да, барибир қаерга боришимиз борасида турлича фикрлар бор. Баъзиларимиз «Кавказ жабҳасига борамиз» дейишяпти, лекин менимча, бунга унчалик эҳтимол йўқ. Чунки инқилоб туфайли энди Русия у ерларда кўп тура олмайди. Битта уруш ўчоғи қоляпти – у ҳам бўлса Фаластин жабҳаси. Чунки илк бошда, 1915 йилнинг январида Канал[18] қамали муваффақиятсизликка учраб, кейин Ғазо муҳорабаларида ортга чекинган қўшинимиз Фаластинда оёққа туриб олишга ҳаракат қиларди. Бизни айнан ўша жойга юборишлари эҳтимолдан холи эмас. Ўша пайтда биз зобитлар ўртасида энг кўп гаплашиладиган мавзулардан бири ҳам Фаластин эди. Қуддуснинг аҳволи ҳақида кўп гаплашардик. Бизни Фаластинга юборишларини ўйлар ва очиғи кутмоқда ҳам эдик. Галичяда жанг қилдик, у ерда ҳам жанг қила оламиз. Устига-устак, ўша муқаддас тупроқлар ҳали ҳам бизнинг ҳудудимиз-

[18] Биринчи Жаҳон урушида Усмонлиларнинг Сувайш каналини қўлга киритиш учун қилган ҳаракати.

га қарашли эди. Ахир, Галичя сарҳадимиз ташқарисида бўлса ҳам, ўша жойда жанг қилдик-ку!

Аммо у ерларда ҳам аҳвол яхши эмаслигини таъкидлаган зобитлардан эшитаётган эдик. Инглизлар олтин эвазига ўз сафларига олган урбанларнинг[19] анчадан бери исён кўтаришга тайёрланаётгани хусусида хабарлар ҳам келиб турган эди. Бундан ташқари, яҳудийлар Фаластинда алоҳида давлат қуриш борасидаги ҳаракатларни давом эттираётган экан. Инглизлар уларга бу борада ёрдам берамиз деб, катта ваъдалар қилганини айтишмоқда эди. Бундай жойда жанг қилиш минг турли балоларни келтириб чиқариши муҳаққақ эди. Аммо нима фарқи бор? Ҳеч бўлмаса, ўз ватанимизда ўз аскаримизга ёрдам бўлсин, деб жанг қилардик. Очиғи, бу мавзуда бироз шошаётгандик ҳам.

Фаластинда ҳар бир нарса Жамол Пошодан сўралишини эшитгандик. Бунинг устига Пошо Шариф Ҳусайннинг исён кўтариши ҳақида хабар топган бўлса-да, уларни Усмонлиларга боғлаш учун олтин беришда давом этибди, аммо олтиннинг сариқ юзи Шариф Ҳусайнни инглизлар сафига қўшибди. Бундай гапларнинг бари зобитлар орасида очиқ-ойдин гаплашилар, ҳали Фаластинга бормасимизданоқ у ер ҳақида жуда кўп нарсадан хабар топаётган эдик. Сўнгги ҳужумлардан кейин қўшинимиз ортга чекинишга тайёргарлик кўраётганини ҳам билардик. Биз 19-дивизиянинг бу чекинишни тўхтатиб қола оламизми? Буни билмас эдик, лекин у ердаги ўта қийин вазиятни тахмин эта олардик, холос...

Яна узоқ сафар кутмоқда бизни. Йўл дейилгач, бошқа зобитлар каби мен ҳам огоҳлантирилдим. Йўлда қочоқлар кўп бўлиши айтилди, қўлимиздан

[19] Маҳаллий талончи гуруҳлар.

нима келса бажаришимиз буюрилди. «Қўлимиздан нима келса» деган гапнинг маъноси «Керак бўлса, қочоқ аскарни отинг!» дегани эди. Мен ҳам шундай ҳодисага дуч келсам, ўз аскаримни қандай ўққа тутаман? Айниқса орқасидан қандай ўқ узаман? Бу фикр миямни тинимсиз пармалаб, мени кўп ўйлантира бошлади. Ўтлоқда гуруҳим билан тайёргарлик машқларини бажарар эканмиз, ҳаммага қочоқ назари билан қарар ва асабийлашардим.

Чўлда эриб кетамизми, йўқ бўлиб кетамизми ёки яна зафар билан қайтамизми, билмайман. Бундай саволларнинг охири кўринмасди. Буларга жавоб тополмасликнинг юки остида эзилардим.

Фаластинга бормай туриб, у ерда қўлдан келган ишни қилмай туриб, бу саволларга жавоб топа олмаслигимни ҳам билардим. Ҳолбуки, Галичяга ҳеч нарсадан бехабар борган эдик. Юз берган муаммою қийинчиликларнинг уддасидан чиқа олгандик ўшанда. Аммо Фаластин ундай эмас эди. Ишонаманки, у ер Усмонлининг ҳамон курашаётган сўнгги жабҳаси эди. Бу ерда ё буюк давлат йиқилиб қумга ботади, ёки зафар қозониб, кулидан янгидан униб чиқади. Чаноққалъада бошқа, Галичяда бошқа тушунчалар билан жангга кирганмиз. Фаластинда эса давлатнинг тақдири ётарди. Бу тақдир ўйинида биз қандай роль ижро этамиз экан?

* * *

1917 йил 30 июнь куни дивизия қўмондонимиз подполковник Седат Бей тафтишга келди. Ўрдагоҳда ташкиллаштирилган расмий парадлардан сўнг қўмондонимиз аскарларнинг сўнгги ҳолатидан мамнун экани яққол сезилиб турарди. Биз ўзимизга ҳам, қўшинимизга ҳам ишонардик, чунки иккита асосий

майдонда жанг олиб борган ва муҳим вазифаларни аъло даражада бажарган эдик. Энди эса янги топшириққа тайёр эдик. Бизга қаерда, қандай вазифа юклатилса ҳам, аъло даражада бажарардик.

Қисқа вақт ўтгач, чодирларни йиғиштиришга тушдик. Ҳеч қанча ўтмай, 1917 йил 8 июлгача дивизияни Ҳайдарпошо поезд вокзалига кўчиришни якунлашга доир кўрсатма олдик. Ўшандаёқ ҳаммаси ойдинлашган эди.

Янги жабҳа – Фаластин эди. Бўлимимдаги аскарларни «Чанқоқ арслонлар» дер эдим, энди эса улар билан чиндан ҳам чўлга кетаётган эдик.

Поездларга чиқиб, жойлашдик. Ҳамма ўзини поезд деразасига урган, Истанбулни ҳеч қачон қайта кўрмайдигандек, унинг ҳар бир қаричини ёдига муҳрлашга уринар эди. Оқшом қуёши бўғознинг шундоққина кираверишида, Сулаймония жомеъ масжиди гумбазлари ортига яширинар экан, бу нафис манзаранинг гўзаллиги ҳаммамизни сеҳрлаб қўйган эди. Поезднинг хабар берувчи овози аччиқ-аччиқ янграй бошлагач, кескин ва амирона бир овоз купелар деворини ҳам титратиб юборди: «Поезддан тушинг! Тез бўлинг, имилламай! Дарҳол пастга тушинг! Поездни бўшатинг...»

Рўпарамда ўтирган Гавур Аҳмадга қарадим.

– Нима бўляпти ўзи?

– Билмадим, қўмондоним. Ҳозир билиб келаман, – у шундай деб, вагондан пастга тушди.

Пастда аскарлар кутиб туришарди. Уч-тўртта зобит тинмай бақирарди: «Ҳамма пастга тушсин! Тез бўлинг! Дарҳол поездни бўшатинг!»

Поезддаги аскарлар ўзини ерга отишарди. Поезд бир зумда бўшаб қолди.

Нима гаплигини билиб келган Гавур Аҳмад: «Поездга бомба қўйилди, деган хабар бўлибди», деди.

Ҳайрон бўлдим.

– Бомба дейсанми?

– Ҳа. Инглиз жосусларининг иши эмиш. Баъзилар эса ичимиздаги хоинларнинг иши, деяпти. Ҳамма саросимада...

– Ё Аллоҳим, энди нима қиламиз?

– Кутамиз. Поездни текширишар экан.

– Кўп вақт кетади бунга?...

– Ҳа, кўп кетади.

Юрагим сиқила бошлади. Бу ерда кутиш жуда қийин. Ўзимизни йўлга ҳозирлаган жойимизда ҳеч кутилмаган бу хабар асабларимизни таранг қилган эди. Бунинг устига, ўша хабар тўғрими ҳали? Атайин уюштирилган ёлғон бўлиши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, юрагим роса сиқилди. Чунки бироздан сўнг тарк этадиган шаҳримизда қўрқув ва хавотирда кутиб ўтириш жуда қийин эди. Қўлимиздан кутишдан бошқа ҳеч нарса келмасди. Шу пайт Албан Бадур гапира кетди:

– Нима бўлганда ҳам, буни юнонлар қилгани аниқ. Қанийди, бирортаси қўлимга тушса, нима қилишни ўзим билардим.

– Нима қилардинг? – сўрадим ундан.

У жим бўлиб қолди, саволимга жавоб бермади. Бир пайт кўзларини кўзларимга қадаганча, менга ғолибона оҳангда шундай деди:

– Македон тоғларида нима қилган бўлсам, ўшани қиламан!

– Бу фикрингдан қайт, – дедим мен.

– Қўмондоним, мени хафа қиляпсиз, – деди у. – Тақдирим тақдирингиз билан бир дедим-ку...

– Унисини тушундик...

– Сиз яна нималарни тушунасиз, қўмондоним?

Юрагим баттар сиқила бошлади. Бу аскарга нима ҳам дердим? Жим бўлишни афзал кўрдим... Хаёлим ҳали ҳам поездга қўйилган бомбада эди. Жабҳаларда жанг қилмоқчи бўлган бизларнинг йўлимизга тўғаноқ бўлишмоқчими булар? Ичимизда ҳам, ташқарида ҳам душманимиз жуда кўп эди. Шу онда жанг майдонида бўлиб қолишни жуда истардим. Чунки у ерда душман аниқ. Бу ерда эса зимдан иш қилаётган қанчадан-қанча яширин душманларимиз бор.

Аскарлар ҳар ер-ҳар ерда тўпланиб, ўзаро гаплашишарди. Сал нарида эса байроқни муҳофаза қилувчи «манга»[20] турар, қўшин байроғи эса йиғиштирилган ҳолда турарди. Улар қўшин байроғини қўриқлашяпти. Жанжал чиқса, бошига бир бало келмаслигини ўйлашган бўлса керак-да.

Вақт ўтган сари кутиш ҳам чўзилиб борарди. Ҳамманинг юзида қўрқув. Бирдан поезд портлаб, осмонга учса-чи? Қаерга қўйилгани номаълум бомбалар бирданига портлаб кетса-чи? Ҳали жанг майдонига етмай туриб, аскарлар бошига тушиши мумкин бўлган ташвишлар бизни чуқур ўйлантириб қўйди.

Атрофга тарқалиб кетган аскарларимга қарайман. Гавур Аҳмадга:

– Аскарлар тарқалиб кетмаслиги керак, – дедим.

– Бош устига, – жавоб берди у.

Аслида бундай вазиятларда қандай йўл тутиш керак? Шуларни ўйлар эканман, бирдан шовқин эшитилиб қолди. Жим туриб қулоқ тутдим. «Янглиш эшитдим, шекилли», деб ўйладим. Йўқ, янглиш эшитмабман. Мотор овози эшитиларди. Бу

[20] Гуруҳ.

овоз худди учоқнинг[21] овозига ўхшар ва борган сари яқинлашиб келарди. Бизнинг учоқлар учдимикин? Шу пайт осмонда икки қора нуқта пайдо бўлиб, биз томон яқинлаша бошлади. Перронда ва атрофда юрганларнинг ҳаммаси осмонга аланглаб, тобора яқинлашаётган учоқларга қарашарди. Учоқлардан чиқаётган қора тутунлар мовий осмон бўйлаб бошдан - оёқ узун из чизиб борарди. Мусаффо осмонда бир парча ҳам булут йўқ. Шундай кунда поезд излари узра икки улкан бургут каби катта тезликда парвоз қилаётган учоқлар борган сари пастлаб борарди.

Нима бўлганини бироз ўтибгина тушуниб етдик. Ўнг ва чап томонларимизга учоқдан бомбалар ёғила бошлади. Ўзимизни ҳимоя қилишга ҳаракат қилардик. Аскарлар каклик болаларидек ҳар томонга тарқаб кетди:

– Лаънатилар! Инглиз учоқлари!..

– Ҳаво ҳужуми!!!

– Аҳмад афанди, қўшинни тарқатайлик!

– Ёйилинг! Тез! Нишонга тушиб қолманг! Тарқалинглар!

Керак бўлса, Чаноққалъада, керак бўлса, Галичяда тажриба орттирган аскарларимиз ўз-ўзидан тарқалиб бўлганди ҳам. Кимлардир ерга ётиб олган, кимлардир писиб олганча бир чеккада жим ўтирарди. Фақат Албан Бадургина тик турганча жаҳл билан бақирарди:

– Ҳей баҳайбат қушлар! Жанг шунақа бўларканми? Ерга тушинглар, бир кўрай ҳолингизни. Сенларга кўрсатиб қўяман. Ҳей юнонлар, ҳе сенларни...

– Албан Бадур, нишонга тушмасанг-чи, қоч!

[21] Самолёт.

– Нега қочарканман? Булардан қўрқиш керакмас, нари борса пирпиракли тайёра-да[22] бу.

– Бомба ташлаяпти-ку, кўрмаяпсанми?

– Нишонга уролмайди, қўрқманг. Аслида буларнинг ўзи қўрқоқ.

Мен эса ниҳоятда дарғазаб эдим. Албан Бадурнинг қасдлашиб, тик туриб олгани жаҳлимни чиқарарди. Инглиз учоқларини ҳам юнонларники деб ўйлаётган ўрта ёшли бу аскар ҳамон тик турар, шу турганича ёнидаги аскарларга бақирарди: «Қочманглар! Қўрқманглар! Ҳеч нарса қилолмайди, беркинманглар!»

Мен бўлсам аскарларимга: «Беркининг, атрофга тарқалинг!» дер эдим. Албан Бадур эса бунинг аксини айтиб ҳайқирар, бўлимимиз аскарлари ҳайрон эди. Ўнбоши Вали: «Бунча қайсар одам экан-а», деди.

– Албанлар қайсар бўлади, – деди Сами.

Ўрхон:

– Ҳеч қандай тажрибаси ҳам йўқ.

Сувчи Умар:

– Аммо жасур одамга ўхшайди...

Ҳамма ўзича гапирарди.

Гавур Аҳмад ҳам ғазаб отига миниб, тинимсиз ғўлдирарди: «Ё Аллоҳ! Боринглар, шу одамга бирон нарса денглар...»

У гапини тугатмай туриб, ўрнимдан отилиб чиқдим. Атрофимизда бомбалар портларди. Гоҳ ўнгга, гоҳ чапга кескин ҳаракатлар қилиб илгарилардим. Мўлжалим аниқ – Албан Бадур... Бир томондан ғазабим қайнар, бир томондан эса ҳадиксирардим, «Ҳозир бир бомба тушмаса эди», деб ич-этимни ер эдим. Бўлар иш бўлганди. Бошқа аскарлар ҳам

[22] Учувчи жисм.

уни кўриб, аҳмоқона жасорат кўрсатаман деб, ўртага чиқиб олиши, нишонга тушиши мумкин эди. Тезроқ ҳаракат қилиб, бунинг олдини олишим керак.

– Бадур, ёт ерга!

– Қўяверинг, булар ётишга арзимайди.

– Майли, ёт ерга!

– Ётмайман! Мени хафа қилманг, қўмондоним! Ётмайман!

– Ётсанг-чи, қанақа одамсан ўзи?

У қўлларини мушт қилганча ҳамон тик турарди. Ортиқ чидаб туролмадим, Албан Бадурнинг устига ўзимни отиб, уни ерга қулатдим.

– Бу нима қилганингиз, қўмондоним? Бадурнинг елкаси шу кунгача ерга тегмаган эди. Мени қаттиқ хафа қилдингиз...

– Жим бўл!

Ниҳоят, у жим бўлди. Бу ҳаракатимга ҳеч қандай маъно беролмаётгани ҳайрон кўзларидан билиниб турарди. Ёнгинамизга тушган қўл бомбаси[23] портлагач, бор кучим билан ерга қапишдим. Шрапнель[24] парчаларидан бири Албан Бадурнинг пешонасини тилиб ўтди.

– Кўрдингми, тик турганингда ўлган бўлардинг!

– Аллоҳ Каримдир, қўмондоним. Демак, ҳали яна оладиган нафасимиз бор экан...

Бу одамга нима дейишга ҳам ҳайронман... У аскарликнинг аксар тамал қоидаларини ҳам билмас эди. Жангда жасорат ҳар доим ҳам ярайвермайди. Қаерда, қандай ҳаракат қилиш лозимлигини билиш ва шунга кўра иш қилиш керак.

[23] Граната.

[24] Ичи думалоқ ўқлар билан тўлдирилган снаряд.

Учоқларнинг овози узоқлаша бошлади. Кетишдимикин? Ердан аста қад ростладим.

– Тур, бўлинмамиз ёнига борайлик, – дедим. Бу сафар ҳеч нарса демади. Аммо мендан жаҳли чиқаётгани кўринишидан маълум эди. Чунки сиртини ерга теккизиб қўйгандим-да. Аскарларим ёнига чопа бошладик. Худди шу пайт учоқларнинг шовқини яна эшитила бошлади. Яна ҳужум қилишармикин?

Бу аснода Гавур Аҳмадга бақирдим:

– Янаям орқароққа югур!

Аскарлар эътиборни жалб қилмаслик учун дарҳол ортга чопишди. Хавотир ва қўрқув ичра кутардик. Бу учоқларнинг шу жойгача қандай етиб келаётганига ҳайрон бўлардим. Шунча йўлни қандай қилиб бемалол босиб келишяпти булар? Демак, Истанбулда ҳақиқатан ҳам инглиз жосуслари ёки уларга ишловчи хуфиялар бор экан-да... Турган еримиздан қимирламасдик. Бироз ўтиб, овозлар тинди. Учоқ овозлари ўчди, аммо «Яна келиб қолса-чи», деган иккиланиш бор эди... Яна бироз кутдик... Кўзларим тинмай уфқни кузатар, аммо ҳеч нарса кўринмасди...

– Ҳамма турсин! – дедим.

Аскарлар ўрнидан туришди.

– Сен ҳам тур, Албан Бадур, – дедим.

– Қўмондоним, мени ҳамманинг ичида изза қилдингиз, – деди у. – Хафаман сиздан...

– Қани, тур ўрнингдан! Ҳозир буларни ўйлама...

– Ўйламаймми?

– Гапни чўзма.

– Яхши, яхши...

Кейинроқ билдикки, бу ҳаво ҳужумида бир киши шаҳид бўлибди, бешта аскар ярадор бўлибди. Ме-

нинг бўлимимдан эса фақат Албан Бадурнинг пешонаси енгил жароҳат олибди, холос.

Осмонда учоқлар кўринмасди...

Ҳали жанг майдонига етмасимиздан Ҳайдарпошо темир йўл бекатида бошга тушган кўргиликлар ҳаммани саросимага солиб қўйган эди. Узоқ сафарга шундай «кузатиш маросими» билан йўлга чиқиш яхши иш бўлмаса-да, нима ҳам қила олардик... Аммо поездга қўйилган бомба ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўла олмадик. Кимдан сўрасам, «Билмайман» деб жавоб берарди. «Билмаймиз...»

Маълум вақт ўтгач, «Вагонларга чиқилсин!» деган буйруқ берилди. Дарҳол аскарларимни йиғдим. Гавур Аҳмад билан бирга аскарларни купеларга жойладик... Поездга қайта жойлашдик, аммо яна бирдан «Тушинг, бомба бор экан!» дейиладигандек эди назаримда. Ёки қўққисдан ҳаво ҳужуми ҳам бошланиб қолиши мумкин... Шукрки, буларнинг ҳеч бири бўлмади. Поездда анчагача ўтирганимиздан сўнг сафар бошланди...

Тақдир бизни яна бир бор жанг майдонига олиб борар эди. Қийин аҳволда қолган Ватанимизга ёрдам бериш учун яна бир бор ўзимиздан кечиб, барча севган инсонларимизни ортимизда қолдириб, жабҳага кетаётган эдик. Неча йилдирки ўзини қондан, борутдан халос қилолмаган, жангу жадалдан қутула олмаган Ватанимизга ёрдам бериш учун отланган эдик. Бу орада Фаластин жанги ҳақидаги узунқулоқ гапларга, сўнгги хабарларга ҳам қулоқ тутардик. Тўртинчи ўрду[25] ўзига сўнгги таянч нуқтаси пайдо қилиш учун баъзан ортга чекинишлар ҳам қилганини эшитган эдик. Фақат бу мавзуда ортиқча маълумотга эга эмасдик. Охирги вазият қандай

[25] Қўшин.

эканини билмасдик. Балки борар жойимизда маълумот берилар...

Поезд икки ёнга тебранганча йўл олар экан, миямни қандайдир сирли маҳзунлик чулғай бошлади. Ўйламасликка қанчалик уринмай, Гулниҳолни ўйламай иложим йўқ эди. Айниқса, унга кейинроқ ўқиши учун берган хатимни эсласам, ичим алланечук бўлиб кетарди. Кўнглимда чуқур кўчкилар пайдо бўлар, гўё бир ёним чўкиб кетарди. Ватаним учун энг қийин даврларда куртак очган ишқ савдоси мени ниҳоятда қийин аҳволга солар, мувозанатни тенг тутишга мажбурлар эди...

Жанг сари отланишга мажбур бўлиш... Жанг майдонига сафарбар бўлиш, дам олмасдан жангдан жангга ўтиш. Бунинг учун энг яхши кўрган инсонларингни ортда қолдириш... Бари-барини ўйлаётган эдим. Жанг майдонига кетар эканмиз, бизни қучоқлаб олган ўша изтироблар тортинмасдан, оғриганига ҳам қарамай, бизни қўйиб юбормасди. Чунки ота-онадан, дўст-ёрдан, севган инсонингдан, бола-чақангдан айрилиш инсонга қаттиқ изтироб беради. Аммо бу изтиробларнинг чидашимиз керак бўлган томонлари ҳам бор. Алам-изтиробларнинг тасаллиси, юпанчи ҳам бор. Бизга Ватан учун жанг қилиш, душманни тупроқларимиздан қувиб чиқариш, яхши кунлар келишини орзу қилиш ҳам тасалли берар эди. Шунинг учун бу аламга, қайғуга, соғинчга осонгина кўнар эдик.

Кеч тушди. Жабҳа йўлларида тушган нечанчи оқшом эди бу, билмайман. Қоронғиликни ҳеч суймайман. Ухламоқчи бўлар, аммо ухлай олмасдим. Миямга михдек қоқилган қатор-қатор мавзулар мени ухлатмас эди. Уйқу – бир нави унутиш дегани, ўзингга келмоқ дегани. Аммо купеда ҳамма ухласа-да, мен ухлолмаётгандим. Шуни яхши билар эдимки, мен ухлама-

ганим учун ухлай олмаган Бадал Рашид бор эди шу атрофларда... Қаерда эди у, билмайман. Аммо ишончим комилки, у мени кузатиб турибди.

Атрофга зулмат чўкарди. Поезд уқубатли қоронғиликни ёриб, илдамларди. Ҳар замонда ой шуъласи ёритган жойларда тоғлар, дарахтлар шарпадек кўзга ташланар, сўнг тезда ғойиб бўларди. Уйқунинг чидаб бўлмас жозибасига қарши турган ҳолда, ухлай олмаётган эдим. Ҳолбуки, жанг майдонида уйқумни бўлмасдан ухлаб олсам эди, дея ўйлардим. Аммо ҳозир кўзимга уйқу кирмаяпти. Бошқа чора йўқ, ўрнимдан турдим. Вагон ичида бироз юрдим. Кейин дераза ойнасидан қарадим. Юзимга тунги салқинлик урди.

Ниҳоят, хаёлимда ҳеч қандай ўй қолмади. Тилимда фақат ҳар сатри ёд бўлиб кетган мактубимнинг мисраларини такрорлардим. Уларни яна бир бор ичимда ўқийман:

«Гулниҳол!

Тушларимга кирасан, сени ўйлаб уйқуларим қочмоқда... Ухлолмайман. Хаёл қилавериб, кўзларим ҳам толди. Қаерга қарасам, сени кўргандек бўламан...

Тушлар қисқа бўлади, дейишади. Ҳолбуки, менинг энг узун тушларимнинг бари сен ҳақингда. Кўрган ва кўрдим деб ўйлаган барча тушларим бўйнимга осган ҳасрат арқонига яна бир ечилмас тугун боғламоқда.

Нигоҳинг энг тубдаги яраларни ҳам янгилашини биламан. Улар гўё бир дайди ўқ каби бағримни тешади. Мен ким – бу жанг майдонларининг жанговарман. Ўша майдонларда бир ўзим қолсам ҳам қайсарман, жаҳд билан йиқилмасликка ҳаракат қилмоқдаман.

Хотиринг жам бўлсин, ерга йиқилмайман.

.....»

* * *

Позантига келганимизда Гулеккача пиёда юриш буйруғи келди. Ўша жойдан яна поездга ўтириб, Маъмурагача[26] борар эканмиз. Полк байроғини олдинда тутганча йўлга тушдик. Шу пайт Гавур Аҳмад ёнимга суқилди:

– Қўмондоним, – деди у. Кўриниши жуда безовта эди.

– Эшитаман...

– Қочоқлик бўлиши мумкин, дейишяпти. Аскарлар орасида қочишни режалаштириб юрганлар бор экан. Эътиборлироқ бўлиш керак.

– Тўғри.

– Мен наблуслик Абдулваҳҳобдан шубҳадаман.

– Йўқ. Наблусга боргунча қочмайди.

– Иншааллоҳ... Афандим, аскар қоча бошласа, олдини олиб бўлмай қолади.

– Бизнинг аскарлар қочмайди. Қочмаслиги ҳам керак.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман... Аввалги жангга юборишларда йўл гузаргоҳларида жуда кўп қочишлар рўй берди, дейишяпти. Айниқса, кун исиган сари бу жойларда қочишлар бошланиши мумкин экан.

– ...

Мен жим эдим. Нима дейишни ўйлаётгандим. Аскаримиз чиндан ҳам қоча бошласа, нимаям қила олардим? Уларни қандай қилиб орқадан отишим мумкин? Бу мен учун ҳам, ортидан ўқ еган аскар учун ҳам шармандалик. Шу пайтгача 57-полкка зар-

[26] Мерсин вилоятининг Анамур туманига қарашли қалъа номи.

рача доғ туширмаган эдик. Бунинг учун қўлимиздан келганча, ҳатто жонимизни фидо қилиб бўлса-да, ҳаракат қилгандик.

– Қочмоқчи бўлганларга эътиборлироқ бўлайлик.

– Мен барибир наблуслик қочиб кетса керак, деб ўйлаяпман.

– Кўрамиз-да, вақт ўтсин-чи.

Бўлимимдагилардан шубҳаланмаётган эдим. Аммо барибир диққатли бўлишим керак. Чунки инсон боласи қийинчиликлар қаршисида ҳар он енгилиши мумкин. Айниқса, бир-иккитаси қочишга муваффақ бўлса, қолганлар ҳам ўшалардан жасоратланиб, қочмоқчи бўлганлар сони ортиб кетиши мумкин. Қочоқлар қўлга тушса, ҳамманинг кўз ўнгида отишимиз керак. Бу хаёл юрагимни сиқа бошлади. Юришни бошлаганимиздан бери икки кўзим аскарларда. Худди ҳозир ҳаммаси қочиб кетадигандек кўринарди. Гўё улар Галичяда қон кечиб жанг қилган қаҳрамонлар эмас эди.

Карим гуруҳнинг орқасида қолиш учун атайин қадамини секинлатди. У тез-тез ён-атрофга олазарак боқар, атрофни диққат билан кузатарди. Мен унинг бу ҳаракатларидан шубҳалангандим. Шунинг учун атайин аскарнинг орқасида борардим. Тўппончамнинг ғилофини очиб қўйдим. Ўз-ўзимга «Қочоқ ким бўлса бўлсин, қўлим титрамасдан, ҳеч иккиланмай отиб ташлайман», деб сўз бердим. Буни қанчалик истамасам ҳам, шундай қилишга мажбур эдим.

Карим поездда гапирмади ҳам. У доим жим эди. Унинг бу хусусияти то Анжирли далаларида сафимизга илк қўшилгандаёқ эътиборимни жалб қилди. У билан зўрға гаплаша олган эдим. Сас-садосиз,

оғир-босиқ аскарга ўхшарди. Ҳозир эса ҳар бир хатти-ҳаракатидан қочишни кўзлаётганга ўхшайди.

– Карим, яхшимисан?

– ...

– Карим...

– Лаббай...

– Нима гап, яхшимисан?

– Яхшиман, қўмондоним.

– Яхши... Бирор муаммо бўлса, менга айтишинг мумкин.

– Раҳмат, соғ бўлинг.

Мен уни гапиртирмоқчи эдим, лекин у яна қисқа жавоб билан кифояланди. Бу аскарни назоратга олишим керак.

Юришимиз илк бошда анча жадал бўлса-да, ҳозирга келиб, бироз секинлаб қолди. Кун қизигандан қизиб борар эди. Галичяда роса совқотгандик. Энди эса қаттиқ жазирамада юришга тўғри келяпти. Янада жанубга – Шомга, Ҳалаб ва Наблус томонга юрган сари иссиқ янада кучайишини ўйлаб, ҳозирги аҳволимизга шукр қилар эдим. Чўлга ўхшаган бу жойларда жанг қилиш ҳам жуда қийин бўлса керак.

Каримга яқин юришда давом этаётгандим. Ундан кўзимни узмасдим. У ҳам мени кузатиб келяпти. Мен унинг нима қилишига қизиқаётган эдим. У баъзан атрофига аланглар, кейин эса юришда янада секинлашарди. Нима учун атайлаб ортда қолишга ҳаракат қилаётганининг тагига етмоқчи эдим.

– Карим, мазанг йўқми?

– Йўқ, яхшиман.

– Унда бироз тезлашсанг-чи.

– Хўп.

Унинг қисқа жавоблари гаплашгиси келмаётганини билдирарди. Мана, бироз тезлашгандек бўлди. Бир неча бор ортга, менга қараб-қараб қўйди ҳам. Шу пайт тойиб кетгандек бўлди. Сўнг яна ўзини қўлга олиб, йўлида давом этди.

Ёнига секин-аста яқинлашиб, елкасидан енгилгина тутдим.

– Ғайратлироқ бўл...

– ...

– Йўл узоқ, ортда қолмасликка ҳаракат қил.

– Хўп бўлади...

57-полкка оид «Чанқоқ арслонлар»дан иборат бўлимим эса мардонавор олға борарди. Сафлар борган сари чўзилиб кетяпти, бироқ аскарлар юриш суръатини пасайтирмаслиги керак. Бунинг учун ортда қолганлар тезроқ юриб, сафга қўшилиб олса бўлди. Гуруҳ ва бўлим қўмондонлари тез-тез аскарларни огоҳлантиришга мажбур бўлардилар: «Тезроқ юринглар, ўртоқлар, бироз ғайрат қилайлик... Ораларингиз очилмасин, имилламанглар. Қани, сал тезлашамиз! Ҳали йўл узоқ, сустлашмайлик!»

Аскар бундай буйруқларни эшитгач, бироз жонланади-да, кейин яна ўз ҳолида судралишда давом этаверади. Чунки энди Гулек довонига етиб келган эдик. Рўпарамизда қояликлар. Кейин эса чуқур даралар бўйлаб юришга тўғри келади. Юқорига кўтарилган сари атроф манзаранинг гўзаллиги кишини сеҳрлаб қўярди.

Тепага тирмашган сари ҳаво ҳам салқинлар, аскарлар ҳам анча жонланиб қолган эди. Бу ерда офтобнинг таъсири камроқ. Лекин роса чарчадик. Тоғда кислород сийраклашади. Шунинг учун бўлса керак, Ўнбоши Валининг бурни қонай бошлади. Бурнига

пахтадан тиқин қилиб, йўлида давом этиши мумкинлигини айтдим. Бироз ўтиб, сақо[27] Умарнинг ҳам боши айланиб, кўнгли айний бошлади. Аскарларнинг бари чарчаган, дармони йўқ. Тепага тирмашиш жуда қийин кечаётган эди. Йўлда бир четда ўтирганларга, ўзини ерга ташлаб, дам олаётганларга тез-тез дуч келиш мумкин эди. Аммо менинг эътиборим фақат Каримда. Бу довон ошишда ҳамма чарчоқдан ҳолсизланиб қолган бўлса-да, у бирон марта уф демай, ҳеч ким билан гаплашмай, ўз йўлида илдам бораради. Биз тўхтатмагунча тўхтамасди. Каримнинг қандайдир дарди борга ўхшарди, аммо қандай дард? Ёки нималарни ўйлар эди, нималар қилмоқчи? Жуда билгим келаётганди. Чунки унда бошқа аскарлардан фарқли жиҳатлар, тушунарсиз хатти-ҳаракатлар кўраётган эдим.

– Карим, чарчадингми?

– Йўқ.

– Хоҳласанг, бироз дам ол. Мана бу жойга ўтир, салқинга.

– Хўп.

У тортинибгина ёнимизга келди, аммо биздан сал нарига ўтирди. Ҳамма жим, бунинг устига терлаб кетган, ҳаммамиз тез-тез нафас олаётгандик. Ўнбоши Валининг бурни қонашдан тўхтаган, лекин сақо Умарнинг боши ҳали ҳам айланяпти экан.

– Бошим чирпирак бўлиб айланяпти. Пастга қарай олмаяпман, – деди у.

– Қарама.

– Сақо, сув ҳам тарқатмадинг-а?

– Сақолик жангда бўлади, Ўрхон.

– Ким хоҳласа, сув бераман, – деди Бадал Рашид.

[27] Сувчи.

Бу гапдан кулиб юборишди.

– Ҳамманинг сувдонида суви бор.

Бир ҳамлада Каримнинг ёнига ўтиб олдим. У бошини икки қўли орасига олганча ўйга толганди.

– Карим, нималарни ўйлаяпсан?

– Ҳеч нарсани, ўзим...

– Ҳеч нарсани деганинг нимаси? Уйда яқинларингдан ким бор?

Ёлғиз онаси борлигини эшитгандим. Уни гапиртириш учун шундай гап бошладим.

– Онам бор.

– Яхши эканми?

– Йўқ, касал экан.

– Қандай касал?

– Билмадим. Менга ҳам ўша ёқдан келганлар айтишди. Алаҳсираб, тинмай мени чақираётган экан.

– Ҳа, фарзанд соғинчи осонмас, – дедим.

– Уйга бориб, онамга қарайин, деб қўмондонлардан бир неча бор рухсат сўрадим.

– Рухсат беришмадими?

– Йўқ. «Юртнинг боши ташвишда, ҳозир бунинг мавриди эмас», дейишди.

Нима дейишни билмай, жим бўлиб қолдим. Аммо Карим мени яна ҳайрон қолдириб, гапида давом эта бошлади:

– Аслида мен изн сўрамас эдим. Онамнинг касал бўлиб қолганини хабар қилишди, шунинг учун. Жангдан қочмоқчи бўлганим учун эмас.

– Мен сени жанг майдонидан қочиб кетишингни тасаввур ҳам қилолмайман, – дедим.

– Лекин анавилар...

– Қайси анавилар?

– Сиздан аввалги қўмондонларим шундай ўйлашди. Ҳатто устимдан кулишди ҳам. «Шунақа пайтда ё оналар, ё оталар касал бўлиб қолади-да», дейишди. Отам аллақачон оламдан ўтган. Ёшлигимда ўлиб кетган.

– Жангдами?

– Йўқ, силдан. Кундан кунга озиб-тўзиб, рангрўйи сарғайиб, сўлиб, охири ўлган экан. Отамни унчалик эслаёлмайман.

– Хафа бўлма, Карим. Балки онангнинг касали унчалик оғир эмасдир.

– Қанийди. Кун сайин оғирлашиб боряпти экан.

– Кимдир бордир ёнида?

– Қўни-қўшнидан бошқа ҳеч ким йўқ. Шунинг учун бориб, онамга қарамоқчи эдим, лекин...

Карим бошқа гапиролмади. Охирги сўзлари титраб чиққанди. Мана шундай, инсонни чорасиз қолдирувчи, ёрдам қўлини чўзсаю, аммо бундан ҳеч қандай наф бўлмайдиган дамлар ҳам бўларкан. Бу ҳам ўшандек ҳолатлардан бири эди. Ўз дардига ғарқ бўлган аскар жабҳа йўлларида хаста онасини ўйлаётган эди. Нима ҳам қила оларди? Қанийди, шу дардини менга аввалроқ айтса. Масалан, Ҳайдарпошода ёки Позантида эканлигимизда айтса... Балки изн олиш учун бор имконимни ишга солармидим. Энди эса довонга тирмашар эканмиз, нима ҳам қила олардим?

– Аҳмад афанди!

– Эшитаман, қўмондоним.

– Аскарлар яна ўн дақиқа дам олсин. Кейин тезлик билан йўлга тушамиз. Қоронғига қолиб кетмайлик тағин.

– Яхши.

Каримнинг ёнида яна бироз ўтирдим. На мен гапирдим, на у тилга кирди. Шу ҳолатда анча ўтирдик. Сўзимиз ҳам тугаб қолган эди. Бизнинг ўрнимизга тоғ қарағайларидаги қушлар сайрашарди. Ора-чорада эсиб қолувчи салқин шамоллар юзларимизни силаб ўтарди. Худди ёшлигимиздагидек. Бошимиз чўғдек қизиб, иситмалаб ётганимизда оналаримизнинг муздек, лекин шифобахш меҳрибон қўллари силарди. Қаердан билай, шундай туйғуларга берилдим-да. Бунинг устига, Каримнинг иложсизлиги менга ҳам қаттиқ таъсир қилган эди. У ҳақда нотўғри хаёлга борибман. Қочмоқчи бўлиб, орқада қоляпти, деб ўйлабман. Ҳолбуки, унинг дарди мана бу тоғлардан ҳам баланд экан. Қаерга кетаётганига аҳамият бермай, нима қилаётганини ҳам билмай, фақат онасини ўйлаб йўл босиб келаётган бу аскар мени ич-ичимдан яралади. Гўё снаряд парчаси текандек бағрим куйди. Оғриди. Жабҳа йўлларида аччиқ изтиробларга дучор бўлиш ҳам тақдиримизга ёзилган экан. Ўз оғриқларимизни, ўз дардларимизни доимо унутишга ҳаракат қилдик. Аммо нима қилсак ҳам, асло унутолмадик.

Бош кийимимни ечдим. Пастга яна бир бор қарадим. Пастда водий ястаниб ётарди. Атрофдаги дарахтлардан ҳосил бўлган белбоғ ҳам яққол кўриниб турарди. Тоғ этакларидаги айрим далаларнинг чегара ҳудудлари ҳам кўзга ташланмоқда. Кейин қалин кўкаламзор бошланарди. Бу кўкаламзор аслида зич ўсган қарағайзор эди. Ҳар жой-ҳар жойда тоғ ёнбағирларидаги улкан харсанглар оқ-кулранг кўриниши билан худди қирқ ямоқли тугунни эслатарди. Ён бағирлаб юқорига ўрмалаган эгри-бугри йўл эса тоғ белига чирмашган улкан илонни эслатарди. Қанчалик атрофга қарамай, барибир Карим

ва унинг онаси ҳеч хаёлимдан кетмасди. Нима ҳам қила олардим, нима ҳам дея олардим.

Энди туришга чоғланаётгандик, наридан ўқ овози келди. Ичим бир титраб кетди. «Қочишга уринганлардан бўлмасин тағин!» дея ичимдан дуо қилдим. Тўппонча фақат зобитларда бор эди. Қочмоқчи бўлган бировни отишга мажбур бўлдимикин?

Фикрларим остин-устин бўлиб кетди. Энди туришга шайланаётган аскарларим ўқ овозини эшитиб, турган жойида қотиб қолишди. Ҳамма бир-бирига қарарди. Ўйлайманки, улар ҳам худди шу нарсани ўйлашаётган эди: «Кимдир қочдимикин?» Каримга қарадим. У ҳам менга қаради. Унинг кўзларида ёлворувчи маҳзунлик сезиларди. Дарҳол аскарларнинг олдига ўтдим.

– Қани, йўлда давом этайлик! Бундан кейин дам олиш йўқ, билиб қўйинглар!

Гавур Аҳмад ёнимга келди.

– Қўмондоним, эшитилган ўқ овози нима эди?

– Билмадим.

– Ёки кимдир...

– Жим!... Аскарлар эшитмасин. Кейинроқ гаплашамиз.

– Хўп.

Нима учундир қочоқнинг отилганини аскарларим эшитишини истамасдим. Уларнинг қочмаслигига ишонардим. Ҳолбуки, агар бирортаси қочган тақдирда ҳам бу ҳолат дарҳол эшиттирилиши, қочоқ ҳаммага кўрсатилиши керак бўлади. Мен эса бундай қила олмайман. Шунинг учун ҳам Гавур Аҳмадга «Жим!» дедим. Нима учун бундай деганимни ўзим ҳам билмайман.

Нима бўлди ўзи? Ўқни ким узди экан? Мен шуни тезроқ билишни истардим. Бу ўқ овози тепага тир-

машаётган аскарларни ҳаракатга келтириб юборганди. Юришимиз анча тезлашди. Лекин тепага кўтарилган сари йўлимиз тик қоялар ва жар ёқаларидан давом этаётганди. Дарахтлар сийраклашиб, қоятошлар зичлашган жойларда пастликка қарасанг, ваҳима босарди. «Чўққига тезроқ чиқа қолайлик», дея дуо қилардим.

– Зарурат бўлмаса пастга қаралмасин! Юрганда мувозанатни сақланг! Қани, қани...

Албан Бадур семизлигидан «уф-уф» дея олға юришга интиларди. Унинг бу аҳволини кўриб, тегишдим:

– Ҳа, Албан Бадур, чарчадингми?

– Менми?

– Ҳа, сен. Ўзинг айтгандек, Македон тоғларига кўп тирмашгансизлар-ку...

– Ҳа, тирмашганман тоққа.

– Бизнинг тоғлар бошқа тоғларга ўхшамайди.

– Мени ранжитяпсиз, қўмондон.

– Ёки чарчадингми?

– Мен чарчамайман. Аммо энди хафа бўлиб кетаман-да.

– Яхши, яхши.

Аскарларнинг ортидан келаётган Бадал Рашиднинг узун бўйи эътиборни тортар эди. Аммо тоққа чиқиш борган сари қийинлашиб борарди. Зўрға нафас олаётганимизда ёнимга Гавур Аҳмад келди.

– Тўғри тахмин қилибсиз.

– Э Худойим...

– Афсуски...

Яна бироз юрилгандан сўнг кенглик жойга етганимизда тўхташ учун буйруқ бўлди. Тўхтадик. Кейин мен танимайдиган мингбоши гапира бошлади.

Саҳарнинг олақоронғисида эшикларимизга кескин бир овоз урилди: «Туринглар! Поездни бўшатинглар! Келдик! Имиллама! Қани, бўлақолинглар қўзичоқлар!»

Поезддан тушдик. Ташқарида нафис бир ҳаво... Қуёшнинг қизиллиги шарқ томонни гўё қонга бўягандек. Узоқларда тўп-тўп хурмозорлар кўзга ташланади. Атроф теп-текис, чанг кўтарилувчи текислик эди. Яримчўл деса ҳам бўлади. Омонатгина, наридан-бери қурилган иккита уй бекат ходимлари учун қурилган эди. Бундан ташқари, сал нарида яна беш-ўнта уй бор экан. Маъмура деган жой мана шу экан. Шўр тупроқ устида йиқилган-бузилган, вайрона ҳолдаги яроқсиз уйлар кўринарди. Наридаги уйлардан мўралаган араб аёллари бизга ҳайрон бўлиб қараб туришарди. Бундан кейинги борар манзилимиз Ҳалаб эди. У ерга пиёда боришимиз керак.

Манзил сари одимлар эканмиз, хаёлимдан Карим кетмас эди. Унга рухсат берсаммикин, деб ўйланардим. Бориб, онасини кўриб келсин, тўғрими? Жанг майдонига етиб бормасимиздан бир қарорга келишим керак эди. Шунинг учун ўйлаб ўйимга етолмасдим. Агар рухсат берсам, бирон гап бўлса, кейин ўзимни нима деб оқлайман?

Сафар давом этарди.

Оқшомга яқин ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда Каримни ёнимга чақирдим.

– Карим, уйга бориб келишинг учун рухсат берайми, нима дейсан?

– Ростданми, қўмондоним?

– Фақат ўз вақтида бориб келишинг керак.

– Сўз бераман сизга! Вақтида бориб келаман. Ё қасам ичаймми?

– Ҳозирча мана бу қоғозларни ола тур. Хабарчи ва озиқ-овқат келтирувчи бир нечта аскар ортга қайтишади. Сен ўшаларга қўшилиб оласан. Аввал Гулекка, у ердан эса Позантига етиб оласан.

– Раҳмат, қўмондоним, илоҳим муродингизга етинг!

– Вақтида қайтишни унутма, шартим шу! Билиб қўй, сен учун ўзимни хатарга қолдиряпман.

– Сизни хатарга қўядиган бўлсам, бормай қўяқолай, қўмондоним?

– Йўқ, боравер. Лекин қайтишни унутма!

– Албатта, қайтаман!

Карим севинчдан мени маҳкам қучоқлаб олди. У бирданига ўзгариб, бутунлай таниб бўлмас инсонга айланган эди. Хурсанд бўлганидан ўрнида туролмай қолди.

– Онамга борадиган бўлдим... Онажон!..

Карим кутилмаган бу хабардан ақлдан озаёзди. У қўлларимни сиқар, миннатдорчилик билдирар ва яна қучоқларди.

– Бўлди, Карим, бўлди!

– Хўп, қўмондоним.

– Энди аскарлар қайтишини кутиб тур.

– Аллоҳ рози бўлсин, қўмондоним!

Ортга қарамай, кетавердим. Бу гапни батальон қўмондонига айтмоқчи бўлдим, аммо қулай фурсат тополмадим.

Ҳаво ниҳоятда иссиқ, аммо йўл юришда давом этардик. Қуёшнинг жазирама нури тупроқни тандирдек қиздирарди. Бу чўлу биёбонда гоҳ қум, гоҳида шағал-тошларни босганча илгарилар эдик. Кўп ўтмай, сувдонларимиздаги охирги қултум ҳам адоғига етди. Сувчи Умар шу яқин атрофдаги қудуқлар-

дан бизга сув олиб келарди. Албан Бадур эса тинмай ғудранарди:

– Қаерда қолди Македон тоғлари? Ҳар қадамда сув, дараларда сув. Бу ер эса худди чўлнинг ўзи.

Гавур Аҳмад дарҳол жавоб ёпиштирди:

– Сен ҳали чўлни кўрганинг йўқ.

– Қанақасига кўрганим йўқ? Мен-а?

– Ҳа, сен. Сен ҳақиқий чўлни кўрмагансан. Қолаверса, Болқон тоғларини мен ҳам яхши биламан.

– Болқон тоғлари нима бўпти, қўмондоним? Асл тоғ – Македон тоғлари. Ҳавоси бошқача, суви бошқача. У ерларда юнонларни роса қувганман.

– Энди чўлларда инглизларни қувасан.

– Қуваман-да, албатта.

– Тағин ўзингни қувиб қолишмасин!

– Мана энди хафа бўлдим, қўмондоним. Хоҳ юнон, хоҳ инглиз бўлсин, нима фарқи бор?

– Хўп, хўп.

Қориндор Албан Бадур ҳаллослаб юрар, тердан жиққа ҳўл бўлиб кетганди. Шу туришда ҳам тинимсиз ғудранарди.

Бирдан қанотлар ҳаракатга тушиб қолди. Маъмурадан ёнимизга қўшиб берилган соқчи суворийлар ҳам жадаллашиб, отларини тезлик билан ортга буришди.

– Урбанлар бўлмасин яна? – деди Гавур Аҳмад.

– Ундай бўлса, огоҳлантиришарди.

– Бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?

– Қочоқлар дедим-ку.

– Ҳа, бўлиши мумкин.

Худди шу ондан бошлаб ичимни сичқон кемира бошлади. Юрагим ғашланар, ичим сиқиларди. Қан-

ча ҳаракат қилмайин, барибир ўзимни чалғита олмаётгандим. «Бошимдан кун ўтиб кетган бўлса керак», деб ўйладим. Узоқдан эшитилган ўқ овозлари мени янада хавотирга солди. Тикан устида тургандек эдим. Худди ерда эмас, пичоқ тиғида юраётганга ўхшардим. Чўғдек қизиган қумтупроқ устида оёқларимни оғир-оғир судраб босарканман, ортимдан отларнинг дупур-дупури эшитилди. Ўгирилиб қарамадим ҳам. Бақир-чақир овозлар тобора яқинлашди. Ниҳоят, оёғим остига ниманидир ташлашди.

Бирдан кўзларим косасидан чиқай деди. Тилим тутилиб, гапиролмай қолдим. Нима ҳам қилардим, карахт эдим. Манзарани кўриб кўнглим айнир, бошим айланарди. Тиззаларимдан мадор кетди, ерга чўккалаб ўтириб қолдим. Суворий юзбоши:

– Бу аскар сенинг бўлимингданмиди? – деб сўради.

Бошимни қимирлатиб тасдиқладим.

– Хоин экан. Бир четга кўмиб юборинглар!

– Ё Аллоҳим. Бу не кўргилик!

Гавур Аҳмад ёнимга келиб, елкамга қўлини қўйди.

– Ўзингизни қўлга олинг.

– Аҳмад Афанди.

– Эшитаман қўмондоним.

– Кўрдингми?

– Кўриб турибман, қўмондоним.

– Ғалвирдек илма-тешик қилиб юборишибди-ку.

– Афсуски шундай.

Базўр оёққа турдим. Отлиқ юзбошининг ортидан чопмоқчи бўлдим. Гавур Аҳмад тутиб қолди.

– Қўмондоним, ўзингизни қўлга олинг.

– Қўйиб юбор, Аҳмад Афанди! Ўлдираман бу юзбошини!

Мен ақлдан озган эдим. Гавур Аҳмад мени аранг тутиб турарди. Бир томондан унинг қўлидан қутулмоқчи бўламан, бир томондан тўппончамни ғилофидан олишга уринаман.

– Бадал Рашид, Ўнбоши Вали, Сами, Рами, Ҳасан! Ёрдамга...

Аскарлар чопиб келиб, менга ёпиша кетдилар. Бири оғзимни беркитса, кимдир оёқ-қўлларимдан тутиб, мени тинчлантиришга ҳаракат қилишарди.

– Қўмондоним, ўзингизни қўлга олинг! Тинчланинг! Бунақада бошингизга бало орттириб оласиз.

– Қўйворинглар мени!

«Қўйворинглар» деганим сари улар маҳкамроқ ёпишар, нафас ололмайдиган ҳолатга келиб қолгандим. Шунақанги жаҳлим чиқаётган эдики, аламимдан йиғлаб юборай дердим. Тугмаларимни ечиб, ёқамни очиб қўйишди. Уч-тўрт аскар мени ҳамон маҳкам ушлаб турарди. Тупроққа беланиб кетгандим.

– Қўмондоним!

– Қўйвор! Ушламанглар мени!

– Бунга мажбурмиз, қўмондоним. Сизни жазолашлари мумкин.

– Майли, жазоласа жазоласин! Гапини қара, биз кўмармишмиз. Ўзинг кўмасан! Ўзлари отдими, ўзлари кўмсин!

Ниҳоят, оёқ-қўлимни бўшатишди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши тайёр туришибди.

Елкасининг тўрт жойидан еган ўқ изидан ҳали ҳам қон ёқиб, юзтубан ётган Каримга қарайман. Жазирама қум оқаётган қонни иштаҳа билан ютаётгандек эди.

– Карим... Оҳ, Карим... Шўрпешона, Карим...

– Чўнтакларини қаранглар, бирон нарса бормикан, – дедим.

Қараб кўришди.

– Биздан аввал обдан тинтишибди, қўмондоним.

– Мен ёзиб берган рухсатнома бўлиши керак, яхшилаб қаранглар.

– Қарадик, ҳеч нарса чиқмади.

– Яна қараб кўринглар!

– Йўқ.

Каримнинг бош томонига чўк тушдим. Юзтубан ётган аскаримни ўгиришга қўрқардим. Унинг жонсиз кўзларига боқишга жасоратим етмаса керак. Унинг олдида юзим шувут бўлди, уятга қолдим.

– Оҳ, Карим... Шўрлик, Карим...

– Афандим, уни бирон яхшироқ жойга дафн этишимиз керак.

– Мен уни қочоқмаслигини исботлайман!

– Энди жуда кеч, қўмондоним.

– Ҳеч нарсанинг кечи йўқ ҳали.

– Келинглар, шу ердан қабр кавлайлик, – деди Гавур Аҳмад.

Йўл четидаги бир хурмо дарахтининг остини хас-хашаклардан тозаладик. Ҳеч бўлмаса, ётган жойи маълум бўлишини истардик.

Бироз ўтиб, қабр ҳам тайёр бўлди. Аччиқ изтироб ва алам билан Каримни тупроққа топширдик. Бу шўрпешона етим онасига эмас, тупроққа қовушди.

Ҳар тупроқ отганимда баттар қайғуга ботар, фиғоним тоғдек юксаларди. Каримни нима учун отишди? У қочоқ эмас-ку! Қанақасига қочоқ деб отиш мумкин? Нима бўлса бўлсин, бу ишнинг ортидан тушаман энди. Ниятим қатъий эди.

– Сен аскарларга кўз-қулоқ бўлиб тур, – дедим Гавур Аҳмадга.

– Сиз қаёққа?

– Ҳисоб-китобим бор!

– Қўмондоним...

– Бу буйруқ, Гавур! Шу ерда қоласан, аскарларга кўз-қулоқ бўласан! Уларга Карим қочоқмаслигини исботлайман! Ҳаётимни ўртага қўйиб бўлса ҳам, бу ишни қиламан. Қарорим қатъий, тушуняпсанми?!

– Тушундим, қўмондоним.

– Ундай бўлса яхши, ишингга қара.

Ортга қайтиб, бор кучим билан югура бошладим. На жазирамага, на менга ҳайрон бўлиб қараб турганларга эътибор берардим. Хаёлимда битта ўй: ўша юзбошини топиш эди. Каримга мен рухсат берганман. У нима учун отиб ўлдирилганини билмайман. Уни қочоқ деб отишган, лекин бу иш улар ўйлагандек эмаслигини исботлашим керак.

Бироз ўтиб, омонат ашёларни йиғувчи аскарлар ёнига бордим. Уларнинг тепасида турган сержантга:

– Отиб ташланган аскарлар ёнидан чиққан нарсаларни нима қилдингиз? – деб сўрадим.

– Шу ерда, афандим.

– Уларни нима қиласизлар энди?

– Оилаларига юборамиз. Ёнига «Қочишга уринган учун отиб ташланди» деган бир парча ёзув қўшиб қўямиз.

– Каримнинг ёнидан чиққан нарсаларни кўрсат.

– Булардан қай бири?

– Манави йўл-йўл халта бўлиши керак.

– Шуми?

– Ҳа. Оч оғзини.

Халтани очишди. Ичидан иккита қизил терига ўралган, кимлигини тасдиқловчи темир ҳалқа, бир жуфт эски чориқ, иккита «мажидия пули»[28] ва аскар эканлигини тасдиқловчи ҳужжати чиқди.

– Бори шу, афандим.

– Рухсатномаси қани?

– Чиқмади.

– Бер-чи бу ёққа!

– Мана, марҳамат...

Ҳужжатларини очиб қарадим. Ичида яна бир қоғоз ҳам бор эди. Шоша-пиша ўшани оча бошладим.

– Мана у, рухсатнома қоғози!

– Кўрсам бўладими?

– Мана, кўр!

– Қўмондон, биз уни қочоқлар билан бирга қочаётганда отдик.

– У ортга қайтиши керак эди. Озиқ-овқат ва хабар олиб келувчилар билан қайтиши керак эди.

– Улар билан эмасди бу аскар.

– Унда қанақасига... Тушунтир менга!

– Вой-бў, манавини қаранглар. Битта хоинни деб шунча овора бўласанми?

Сал нарида от минган юзбоши масхараомуз тиржайиб қараб турарди.

– У қочоқ эмас эди!

– Қочоқ бўлмай нима унда?

– Мен рухсат бергандим унга. Онаси оғир касал эди, кўриб, қайтиб келмоқчи эди.

– Ёлғон!

[28] Усмонли Давлатида 1840 йилда зарб қилинган, 20 тийин қийматга тенг кумуш танга.

– Мана далили. Ўзим ёзган рухсатнома қоғози. Аскарлик ҳужжатлари орасида экан, одамларинг кўрмабди.

– Бўлиши мумкинмас. У қочоқлар билан бирга эди. Ўз кўзим билан кўрдим.

Юзбоши томон бир-икки одимладим. Аммо ўзимни қўлга олишим керак эди. Тўхтадим.

Юзбоши ҳалиям ўша кайфиятда эди:

– Энди менга қарши чиқяпсанми? Хоинни деб-а?

– У хоинмас!

– Йўқ, хоин!

– Йўқ!

Энди ўзимни тўхтатолмай қолдим. Бир ҳамлада унинг узангида турган оёғидан олиб, пастга тортдим. Юзбоши кутилмаган ҳаракатимдан шошиб қолди, ўзини ўнглолмай, ерга йиқилди. Устига миниб олиб, роса дўппосламоқчи эдим, аскарлар ажратиб қолишди.

– Бунинг учун ҳали жавоб берасан!

– Сен ҳам бегуноҳ аскарни ўлдирганинг учун жавоб берасан!

– У хоин эди.

– Йўқ, хоин эмас!

– Сержант, тушунтир бунга!

– Қўмондон, биз уни қочоқ аскарлар билан бирга отдик.

Сержант ёнида турган аскар нимадир демоқчи эди. Ниҳоят у тилга кирди:

– Афандим...

– Ҳа? Гапир!

– Бу аскар қочоқлардан «Хабарчилармисизлар?» деб сўрабди. Улар ҳам «Ҳа, хабарчилармиз, юр биз билан», дейишибди. Бу ҳам билмай, уларга қўши-

либди. Ҳатто рухсатномаси борлигини ҳам айтибди. Улар эса буни масхара қилишибди. У қочоқларга янглишиб қўшилиб қолгани аниқ. Сиз барини отинг деб буйруқ берганингиз учун биз ҳам...

– Отдингиз, шундайми?

– Буйруқ шундай эди-да.

– Хўп, яхши, сен буни қандай билдинг?

– Кейинроқ билдим, афандим. Аскар сўнгги нафасини олаётганда «Мен қочоқ эмасман, булар хабарчимиз дегани учун қўшилган эдим. Сизлар мени янглишиб отиб қўйдинглар», деди. Охирги гапи «Онам...» деди, лекин тўлиқ жумлани тушунмай қолдим.

Юзбошига дарғазаб бўлиб тикилдим. Унинг юзлари қизариб кетган, нима дейишини билмасди. Кейин сержант ва ёнидаги аскарга осила кетди:

– Нега менга буни аввалроқ айтмадинг?

– Айтолмадик, афандим. Қолаверса, аскар ўлиб бўлганди.

– Кўрдингми, энди тушундингми? – бор кучим билан қичқирдим мен. Томоғим йиртилиб кетгандек бўлди.

Ичимдаги бўшлиқ борган сари каттариб борарди. Қайғуга ботганча ортга қайтдим. Хурмо дарахти остида пайдо бўлган қабр устига «Шаҳид Карим – Алоия» деб ёзиб қўйдим.

* * *

Бир ярим кунлик йўл босиб, Ҳалабнинг шимолида жойлашган «Қатма» темирйўл бекатига етиб келдик.

Бекатдан бекатга кўчиб юрар эканмиз, Карим бир лаҳза ҳам мени ёлғиз қолдирмади. Унинг ўли-

ми руҳимга қаттиқ зарба бўлди. Аммо бу ҳолва экан, асосий зарба умумий йиғилишда, аскарларимиз ҳақидаги маълумот билдирилганда урилди. Бу полк қароргоҳидан 4 та, 1-батальондан 395 та, 2-батальондан 343 та, 3-батальондан 259 та; оғир артиллерия бўлимидан 66 та, автомат қуроллар бўлимидан 77 та, ҳужумчи десантчилардан 27 та, мудофаа қўшинларидан 21 та, алоқа бўлимидан 4 та, енгил артиллериядан 6 та, жами 1238 та аскар жангдан қочган экан.[29]

Бунча аскарнинг қочиб кетиши барча қўмондон ва зобитларни таажжублантирарди. Ҳар биримиз худди 1238 маротаба ўққа тутилгандек, қаттиқ яралангандек бўлдик. Вужудимизда ҳам, руҳимизда ҳам чидаб бўлмас оғриқ пайдо бўлди. 57-полкнинг шаънига доғ туширмаслик учун бор кучимизни сарфлар эканмиз, 1238 нафар аскаримиз ўз қуролдошларини ташлаб қочиб кетганди. Улар Ватан учун душманга қарши жанг қилишдан қочган эдилар. Фахрланган, ғурурланган полкимиз қай аҳволда қолди энди? Бунинг устига ҳали сафаримизнинг бошида шундай бўлса-я. Ҳали жанг майдонини кўрмай туриб, тўртдан бир қисмимиз йўқ эди энди. Ҳолбуки, Чаноққалъада, Галичяда қочиш у ёқда турсин, аскарнинг тўртдан уч қисми шаҳид бўлган эди. Биронта аскар қочишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Тўғри, жанг майдонига боғлиқ келиб-кетишлар бўлиб турарди. Баъзан чекинар, баъзан эса ҳужумга ўтиб, душманни қамал ҳам қилардик. Энг кўп ҳужумга ўтган биз эдик ўшанда. Энди эса полкимиздан 1238 та аскар қочиб кетибди. Бу қандай бўлиши мумкин? Нимага шундай бўлди? Буни ҳеч ҳазм қилолмас, ўз-ўзимга ғудраниб гапирар, тинмай аса-

[29] Миллий мудофаа вазирлиги, 57-чи пиёда полки, 92-бет.

бийлашардим. Аҳволимни кўрган Гавур Аҳмад ҳайрон бўлиб, сўради:

– Тинчликми, қўмондон, бирон гап бўлдими?

– Тинчлик эмас-да, Аҳмад афанди, тинчликмас! Бундан баттари йўқ биз учун.

– Нима гап ўзи?

– Қочоқлар...

– Ҳа, жуда кўп дейишаётганди.

– Кўп, кўп, жуда кўп.

– Бўлиши мумкинмас.

– Мумкин экан. Мана, бўлди-ку.

– Эй, Худо... Демак, бу полкдан ҳам қочишар экан-да.

– Афсуски, шундай экан. Йиғилишда айтишди.

– Қанча экан?

– 1238 киши. Ҳаммаси аскар. Аксарияти яқин ҳудудлардан, аммо узоқроқлардан ҳам бор экан қочганлар.

– Афсус, афсус!

– Ҳа, минг афсус!

– 57-полкнинг жангдаги мардонавор курашлари тилларда достон эди, афсона эди. Демак, афсоналар ҳам бир куни ниҳоясига етар экан, битар экан.

– Битмайди, қўмондоним. Буни сиз ҳам, бошқалар ҳам билиб қўйсин! Шу қолган аскарларнинг ўзи ҳам яна шаънимизни, ғуруримизни, ўша эски жасорат ва жангдаги маҳоратимизни бутун оламга достон қилади!

– Иншааллоҳ. Бу иш – шаънимизга доғ. Уни қайта поклаш учун улкан жасорат, фидокорлик керак бўлади.

– Ўша фидокорликни бизнинг жанговар аскарларимиз кўрсатади, – у шундай деб, бўлинма аскар-

ларини кўрсатди. – Қаранг, биздан бир киши ҳам қочғани йўқ.

– Худога шукр.

– Қўшиндан қочишлар бизни қаттиқ ранжитди. Бундан кейин ҳам ранжитиши, тириклай тилимлаши мумкин. Шуни унутмангки, дарахтнинг соғлом меваси шохидан энг охирида тушади. Шу қолган аскаримиз билан ҳам достонлар ёзамиз ҳали. Нима бўлса бўлсин, бизга юклатилган вазифани аъло даражада бажарамиз. Бунга менинг ишончим комил, сиз ҳам ишонишингиз керак.

– Ишонишни истайман, Аҳмад афанди. Буни жон-дилдан истайман. Тилагим ҳам шу ўзи.

У жим бўлиб қолди. Секингина «Қочоқлар сонини ҳеч ким эшитмасин», дедим.

– Хўп бўлади, қўмондоним.

Бошим қаттиқ оғрирди. Кун борган сари қиздирарди. Бу ерда сўрмақанддек эриб, яна бироз кутадиганга ўхшаймиз. Кейин Ҳалабга борамиз-да, у ерда «Айни Тел» қишлоғида жойлашган ҳарбий қароргоҳда бироз дам оламиз. 1917 йил 29 июлгача ўша жойда қолар эканмиз.

Ҳамма чанқаган, сақо Умар эса атрофдаги қудуқлардан бизга сув ташийвериб, тоби қочиб қолганди. Илк кунларда олиб келган сувидан Албан Бадурга ҳам берибди. Анчадан бери чанқаб, тили танглайига ёпишган Бадур сувдонидаги сувни бир кўтаришда ичдию, ерга туфлади.

Сўнг сақо Умарга ўдағайлади:

– Нима бу?

– Оддий сув, Бадур.

– Шуни сув деяпсанми ҳали? Бизнинг Македонияда бундай сувни ичиш у ёқда турсин, та-

тиб ҳам кўришмайди. Бунинг ҳаммом сувига ўхшайди-ю!

– Нима қилай, мен қудуқдан олиб келгунча жазирамада қайнаб қоляпти-да. Борига қаноат қиласан энди.

– Менга қара, сақо, сен бола жаҳлимни чиқаряпсан. Бор, янги сув топиб кел!

– Сен шу эски сувни топганингга ҳам шукр қил.

– Шукр қилишга-ку қиламан, лекин бундай сувни ичиб бўлмайди-да. Неча кундан бери йўл юрамиз, на жанг қилдик, на душманни кўрдик. Ҳали поездда, ҳали пиёда юриб келдик бу ерларга. Бунга на жон чидайди, на осмон!

Сафар ҳақида гап кетганда доктор Акрамнинг гаплари ёдимга тушади: «Йўловчилар доим сафарда бўладилар». Чаноққалъадан Галичяга, у ердан мана энди Фаластинга. Энг қийин, энг машаққатли йўлларда этик йиртаётгандик.

– Мен жанг қилиш ҳавасида эдим, – деди Албан Бадур. – Бунчалик юришимизни билганимда, келиб-келмасликни ўйлаб кўрган бўлармидим.

– Нима демоқчисан, келганингга пушаймонмисан?

– Қанақа пушаймонлик? Ошдан қайтганнинг қошиғи синсин! Сиз қаерда бўлсангиз, мен ҳам ўша жойдаман! Чўлдан чўлга, кўлдан кўлга, дейишади-ку. Тоғдан тоққа, қаерга десангиз, ўша жойга бораман. Чунки бу давлат бир вақтлар менга ўз қучоғини очган. Отамга ҳам, бобомга ҳам. Биз энди Усмонлилармиз. Унинг нон-тузини едик. Мени хафа қиляпсан, сақо.

– Бўлди, бўлди. Ҳазиллашдим.

– Ҳозир ҳазил сиғадими?

– Бўлди, дедик-ку.

– Бўпти, бор, янги сув топиб кел!

Гавур Аҳмад бешта туя етаклаб келди. Менга бир қараб қўйиб:

– Сами ва Рами, ёнимга келинглар, – деди.

– Лаббай, афандим.

– Бу туялар сизларнинг замбилингизни ташийди.

– Қанақа замбил? Шу туялар таширканми?

– Ҳа.

– Булар ҳеч замбил ташийдиганга ўхшамайди-ку, – деди Сами. Рами уни қўллаб-қувватлади:

– Ҳа, тўғри.

– Булар чўлда хаста ва ярадорларни ташиш учун энг қулай восита экан. Буйруқ шунақа. Қўрқманглар, ўзим юклашвораман.

– Лекин касалларни бунда қандай қилиб ташиймиз?

– Ҳар ҳолда ўркачларида эмасдир?

– Менимча ҳам шундай.

– Туяларнинг ёнида тахтанинг устига жойлаштирилган саватларни кўряпсизларми?

– Ҳа.

– Ана ўшаларда ташийсизлар.

– Ростданми?

– Ҳа, рост.

Бу гапдан кейин менга қўшилиб, ҳамма аскарлар қаҳ-қаҳ отиб кула бошладик. Сами билан Рами ҳайрон эди. Гавур Аҳмад бўлса мутлақо жиддий оҳангда сўзида давом этди:

– Булар жуда тез юради. Бунинг устига жуда кам сув ичади. Йўлидан ҳам адашмайди. Яна нима керак сизларга?

– Оти нимайди бу «Тез ёрдам» машиналарни? Замбилчиларни демоқчиман.

– «Какула» дейишар экан.

– Какула?

– Бурунги одамлар ҳажга кетаётган кексалар, хасталар ва аёлларни шу саватларга миндириб, йўл юрар экан. Биз ҳам шундай қиламиз. Ҳар бирига иккитадан одам юклаймиз.

– Какула денг?

– Ахир бунинг ичига ётқизилган касал ва ярадорлар лўкиллайвериб, ўлиб бўлади-ку!

– Ярадорларга Аллоҳнинг Ўзи ёрдам беради.

– Йўқ, мен саватда одам ташимайман, – деди аскарлардан бири.

Буни кўрган Албан Бадур ўзини тутиб туролмади:

– Ҳей, буюк Усмонли! Шуниси етмай турувди. Мен чиндан ҳам хафа бўлиб кетдим-ей.

Бу гаплардан кейин қаҳқаҳалар янада авж олди. Аскарларимиз анчадан буён энди кулаётган эди. Бу ернинг суви ҳам, овқати ҳам яхши эмас эди, лекин шунча қийинчиликка қарамай, аскарнинг кайфияти яхши, иймони бут эди. Ортга чекинаётган буюк ўрдуга тиргак бўлиш учун жуда узоқлардан келаётган эди улар. Уларни, яъни Онадўлининг итоаткор, фидокор эр йигитлари, қалби иймонга бой ўғлонларини кўргач, қалбимда умид учқунлари пайдо бўлди. Қандай ҳолат бўлмасин, қўлимиздан келганини бажарамиз. Юрагимда эсонлик балқди. Сафар давомида сонимиз озайган бўлса-да, қолган аскарлар, Аҳмад афанди айтганидек, ўз вазифаларини адо этадилар...

* * *

Қатмадаги бекатда кутиш биз учун азоб эди. Неча кундан бери узоқ йўл босиб келаётганимиз учун бу ерда писиб ётишни ўзимизга эп кўрмас, тезроқ жанг майдонига боришни истардик. Аммо қўшин жуда чарчаганди. Озиқ-овқат ва сувимиз ҳам тугаб бораётган, шунинг учун ҳам тезроқ жангга киришни истардик. Ҳаммамиз шундай тушунчада эдик, десам муболаға бўлмасди, чунки бу кичик қишлоқда кун ўтказиш бизга хос эмасди.

Полк санжоғини[30] муҳофаза қилувчи бригада ҳам биз билан Қатмада эди. Бу санжоқни ҳар куни тонгда ёйиб, бир қатор кўздан кечириб, кейин яна ғилофига жойлаштиришарди. Гуруҳ муқаддас ишни амалга ошираётгани учун бунга катта эътибор қаратардилар. Аскарлар жонини фидо қилиб бўлса ҳам муҳофаза этилиши буюрилган санжоқни алоҳида эъзозлар, ҳурмат кўрсатар эди. Ҳар замонда машғулотларимизда очилиб турувчи бу байроқ ҳозирда шамол эсмагани учун ҳилпирамасди. Худди бошини эгиб олган сумбулга ўхшарди. Бу ўхшатиш негадир ичимда маҳзунлик пайдо қилди.

Яна ичим сиқила бошлади. Яна мавҳум, таърифи йўқ туйғулар гирдобида эдим.

Бир хурмонинг тагидан соя жой топиб, бирпас ўтирдим. Дарахтнинг танасига суяндим. Соя-салқинда ҳам лахта-лахта терлатиб юборувчи бу иссиқда ичимга салқинлик олиб кирувчи оби ҳаётдек бўлсин дея, Гулниҳолимга хат ёза бошладим.

[30] Байроқ.

«.....

Гулниҳол!

Сен менга эътибор қилма. Мен қанчадан-қанча оташларда қоврилдим. Ўз атрофингина ёрита олувчи шам бўлсам-да, бутун қоронғиликларни ойдинлатишга бел боғлаганман.

Ёниб, кулга айландим ишқингда. Аммо бу беҳуда умидмикин, дея қўрқаман. Қақнус қуши каби ўз кулимдан қайта туғилмайман, буни ўзим ҳам яхши биламан...

Гулниҳол!

Бошингни осмонга кўтариб бир қара, қанчадан-қанча юлдузларни кўрасан. Фараз қил ва юлдузларни сана, чунки мен ҳам бу зулмат ичра сўнгсиз оламда битта юлдузман. Кечалари порлашга ҳаракат қилувчи, сенинг очиқ деразангдан кириб, хонангни тўлдирувчи юлдуз.

Биласан, юлдузлар ҳам учиб туради. Учади, йўқ бўлиб кетади. Осмонларга яхшилаб қара, худди учиб йўқ бўлиб кетишга тайёр юлдузга ўхшайман...

.....»

Ҳавонинг бунчалик қиздиришига қарамай, қалбимнинг туб-тубидан чиқариб, дастурхон қилган туйғуларим мени анчайин ўз таъсирига олди. Чунки бу савдо инсонни куйдириб кул қилар, мен учун жанг майдонига кетар йўлларда алам-изтироблар билан курашиш оғир эди. Аммо бошқа йўли ҳам йўқ: биз – жангчи эрлар йўлимизда учраган қайғу-аламларни ҳам бол каби ютишга мажбурмиз. Очликда тўқликни, чанқаганда сувга қонишни ва ном-нишонсиз кетишда янгидан туғилишни кўзга

олиб чиқдик бу йўлга. Агар шу қароримизда қатъий турсак, жангда ҳам тирик қоламиз, ҳатто ерга ҳам йиқилмаймиз. Мен ўзимизни эмас, давлатнинг келажагини ўйлаб гапиряпман. Ҳали аниқ маълумотга эга бўлмасак-да, Фаластин жабҳаси Усмонли давлатининг сўнгги жанги бўлишини ўйламоқда эдим. Чаноққалъадаги зафарлардан Истанбул ва умуман, улкан Усмонли давлати эмин-эркин нафас олган бўлса-да, Фаластин тупроқларида юз берувчи муҳорабалар сўнгги нуқтани қўйиши аниқ. Бу тупроқлар тарих мобайнида самовий динларнинг маркази бўлиб, кўплаб жанг-жадаллар ўчоғи ҳам бўлиб келган. Эндиликда эса буюк Усмонлининг тақдири ҳал бўладиган манзил эди бу ерлар.

Мана шу тушунча ва фавқулодда вазият, бизнинг жавобгарлигимизнинг қанчалик улкан эканлигидан далолат берарди. Аммо шуниси аниққи, 72 миллатнинг, жосусларнинг ва ким билсин, яна кимларнингдир кўзи шу тупроқларда экан, Фаластинда ҳали-вери қон тўкишлару кўз ёшлари тинмайди. Гўё дунёнинг юраги ҳисобланган бу заминда ҳали қанчадан-қанча инсонларнинг юраги уришдан тўхтаса керак.

Жанг майдонига киришдан аввал ҳамманинг ўй-хаёллари янада ўзига хос, янада вазмин бўлади, баъзан оёқ-қўлингни боглайди. Шунинг учун бир нарсага қатъий ишониш, умидни сўндирмаслик муҳим. Шу ишонч, шу эътиқод бизнинг оёқда тик туришимизга сабаб бўлар, аммо Фаластин жабҳаси ҳаёт-мамотимиз эканини ҳам билишимиз зарур.

Сал наридаги қудуқ бошида турган аскарларимни кузатаман. Ифлос сувлар билан таҳорат қилиш учун навбат кутиб туришибди. Бир-бирига ёрдамлашиб, оёқ-қўлларига сув қуйишмоқда. Бироздан сўнг намозга сафланишадию, ҳамма нарсани уну-

тишади. Жойнамоз ўрнида ерга тўшалган хурмо япроқлари устида ўқиган намозлари уларни дунё машмашаларидан бир мунча бўлса-да, нари қилади. Уларни сокинлаштириб, руҳларига роҳатлик бахш этади. Кейин-чи, кейин? Барчаси тўхтаган жойидан яна давом эта бошлайди: ўйга толиш ҳам, жанг қилиш ҳам, юриш, ейиш-ичиш...

Гавур Аҳмад мен томон кела бошлади:

– Қўмондоним, эртадан бошлаб тайёрланишимиз, Ҳалабга боришимиз буюрилди. Қоғозда келган ёзма буйруқда шундай дейилибди.

– Яхши. Бу ерда кутгандан кўра кетганимиз яхши.

– Ҳалабда ўрдагоҳга жойлашар эканмиз.

– У ерда ҳам кутиб ётмасак бўлди.

– Кутишни қўя туринг, сўнгги ҳолатдан хабар топсак эди.

– Хабар топамиз... Аммо бу жабҳада ишлар унчалик яхши эмаслигини айтишяпти. Қўшин доим ортга чекиниш учун тайёрланаётган экан. Инглизлар борган сари олға юраётган эмиш.

– Уларни Чаноққалъада тўхтатганмиз, бу ерда ҳам тўхтата оламиз.

– Иншааллоҳ. Лекин бу сафар анча қийин бўладиганга ўхшайди.

– Қийин ёки осон...

– Бундай шўртупроқ чўллардаги маънавий бойлик, баракот ва мўл-кўлчилик, қанчалик зиддиятларга сабаб бўлмоқда, Аҳмад афанди.

– Тўғри айтасиз.

– Ҳалабга яна пиёда борамиз-да.

– Ҳа, шундай.

– Аскарлар сувларини кўздан кечирсин. Кўпроқ сув ичиб олишсин, нимаики идиши бўлса, ҳамма-

сини сувга тўлдириб олишсин. Озиқ-овқатимиз етарлими?

– Ҳозирча қоқ нон билан зайтунимиз бор. Ҳалабда озиқ-овқат сероб дейишяпти.

– Жуда яхши.

Минглаб жавобсиз саволлар қуршовида қолдим. Нима учун бу йўлларга сафарбар қилинганларнинг, жонини шу тупроқларга бахшида этувчи эрларнинг оёқларида бутун «фотин»[31] йўқ? Нима учун суви доим қаҳат? Нони тош қотган, зайтуни қуртлаган? Жонимиз шунчалар арзонми? Шунчалар қадримиз йўқми? Бизга омонат берилган жоннинг қиймати йўқми? Нима учун доим шунақа бўлади? Нима учун биз доим минг бир қийинчиликда жанг қилишга мажбур бўламиз? Нега Роббим, нега?..

Ғазабим қўзиди. Ўрнимдан туриб, шахдам қадамлар билан қудуққа қараб кетдим. Челакни ташлайману, бир челак сув тортиб, бошимдан қуяман. Осмонда қараб турган қуёш устимдан кулаётгандек қиздирарди. Худди тандирга кириб чиққанга ўхшайман. Муздек сув сал бўлса ҳам салқинлатар.

Эрта тонгдан йўлга тушамиз. Санжоқ ҳар доимгидек энг олдинда, тонгги шабадада ҳилпирайди. Кўзларим ўша байроқда: «Худди шундай ҳилпирашинг керак, байроғим!», дейман ичимда.

Салқинда йўл юриш осон. Қадамлар ҳам тез.

Наблуслик Абдулваҳҳобни зимдан кузатаман.

– Уйингга яқин қолдими, Абдулваҳҳоб? – дейман атайин.

– Анча узоқдамиз, қўмондоним.

– Лекин борган сари яқинлашяпмиз. Хурсанддирсан?

[31] Қўнжи узун, боғичли оёқ кийими.

– Ҳа, албатта.

Биз юртимиздан қанчалик узоқлашаётган бўлсак, Абдулваҳҳоб уйига шунчалик яқинлашарди. Аммо унга унчалик ҳам ишонмасдим. У ҳам уйига яқин қолганда жуфтакни ростлаб қолиши эҳтимолдан холи эмас эди. Лекин бу фикрим нотўғри эканини ўзим ҳам билиб турардим. Чунки Каримнинг бошига тушган иш ҳали ҳам кўз ўнгимда. Бундай фожианинг такрорланишини сира ҳам истамайман.

1917 йил 26 июль. Ҳалабга ҳам етиб келдик. Бу ердаги аскарларнинг кўплиги ва жонланиб бораётган хатти-ҳаракатлар нафақат мени, балки бошқа қўмондонларни ҳам ҳайрон қолдирди. Аскарларнинг бари жанубга, Шом ва Қуддус томон юборилаётганини эшитардик. Бизга совуқ нигоҳлар билан боқишарди. Ҳолбуки, биз уларни кўриб турганимиздан хурсанд эдик, умидимиз ортаётган эди. Бу севинчни қаршимиздаги аскарларда кўрмагач, ҳафсаламиз пир бўлди. Илк кўзга ташланадиган нарса – ҳаммани нинг тушкун кайфиятдалиги эди. Янги келган бизлар қанчалик умидвор, азмли ва ишончга тўла бўлсак, улар шунчалик безган, ҳаётдан хафа, бадбин эди. Улар худди хаёлий оламда юрганга, минг-минглаб чодирлар ёнида шунчаки кезиб, тентираб юрганга ўхшарди. Олдинда эса Ҳалаб шаҳрининг уйлари, миноралари кўриниб турибди.

Биз ҳам чодирларга жойлашдик. Сўнгги воқеалардан шу ерда воқиф бўлдик. Аввал эшитган узунқулоқ гапларнинг тўғри-нотўғрилигини шу ўрдугоҳда билдик.

Бағдод қўлдан кетибди. Ғазогача[32] бўлган жойлар инглизлар назоратида эмиш. Ғазо ва Лут кўли ҳозирча икки тараф учун ҳам чегара вазифасини ўта-

[32] Фаластиндаги Ғазо сектори.

ётган экан. Лекин инглизларнинг тазйиқи кучлироқ экан. Улар шимолга, Қуддус шаҳри томон юриш қилишни кўзлаётган экан. 1915 йилги «Канал ҳаракати»[33] муваффақиятсизликка учрагач, Усмонли армияси чекинишга мажбур бўлган.

1917 йил 24 июнда Анвар Пошо жабҳани тафтиш этгани келади. Бу пайтда Ироқ жабҳасида Бағдоднинг бой берилиши натижасида Фаластиндаги кучлар ҳам хатарда қолади. Шунинг учун Усмонли қўшинининг Европа кучлари Фаластинга юборилади. Бағдодни қайтариб олиш учун олмонлардан ёрдам сўралади. Олмонлар бу таклифга ўрду қўмондонлари ва қароргоҳ зобитларининг аксарияти олмонлардан қўйилиши шарти билан рози бўладилар. Бу таклифга рози бўлинибди. Бағдодни озод қилиш учун Йилдирим Ўрдулари Гуруҳи ташкил этилади. Бу гуруҳ қўмондонлигига эса генерал Фалкенхайн тайинланади. Бу орада Ироқдаги 6-дивизия билан Суриядаги 7-дивизия Йилдирим Ўрдулари Гуруҳи қўл остига бириктирилибди. Жамол пошо бошчилидаги «Канал ҳаракати»да иштирок этган 4-дивизия эса тарқатиб юборилибди. Жамол пошо бошқа вазифага – Сурия ва Ғарбий Арабистон қўмондонлигига тайинланибди. Бу пайтларда инглизларнинг катта ҳужумга тайёргарлик кўраётганидан хабар топилибди. Фаластин жабҳаси ёриб ўтилса ёки тор-мор этилса, Бағдодни қайтариб олишнинг имкони қолмаслиги илгари сурилаётган экан. Бир сўз билан айтганда, Сурия, Шом ва Ҳалабгача чекиниш муқаррар экан. Усмонли қўшини 25 март ва 19 апрелда Ғазодаги муҳорабаларда инглизларни

[33] Сувайш каналига босқин 1915 йил 26 январдан 4 февралга қадар Олмония бошчилигидаги Усмонли армиясининг Британия империяси томонидан ҳимояланган Сувайш каналига ҳужум қилиш учун Жанубий Фаластиндан олдинга силжиш орқали амалга оширилган.

тўхтата олган эди. Хусусан, 125-полкнинг Мантар Тепадаги жанглари тилларда достон бўлган эди. Қўшинимиз ўзидан беш баробар кўп қувватга эга инглизларни умумий ҳисобда 10 000 та аскаридан жудо қилибди. Шунинг учун инглизлар Оқденгиз соҳилларига параллел каналлар қазиб, темирйўллар қуриб, кенг миқёсдаги жангга тайёрланаётган экан. Устига-устак, Оқденгиздаги флоти орқали тинимсиз бомбардимон қилаётган экан.

Анвар пошо 7-ўрду қўмондони этиб тайинланган Фавзи (Чақмоқ) пошога Фаластин жабҳасини кучайтиришга буйруқ беради. Аввал «Учқур шамоллар қаҳрамони» дея ном чиқарган 19-дивизия қўмондони Мустафо Камол пошо Вон Кресс билан тортишиб қолгач, 7-ўрду қўмондонлигидан истеъфога чиқади.[34] Ҳалабга келган барча бирликлар (қўшин) биз каби мадад кучлари экан.

Бу эшитганларимиз турли хабарларнинг бари вазифамиз машаққатли ва ўта муҳим эканидан далолат берарди. Мен сўнгги ҳолат бунчалик ёмон эканини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Чунки қўшин ёриб ўтилса, ҳаммаси барбод бўлади ва ортга чекинишга биргина имконимиз қолади, у ҳам бўлса – Шом ва Ҳалабгача ортга юриш. Бордию инглизлар бизни ҳам жануб, ҳам шимолдан қисиб келса, унда аҳволимиз янада ваҳимали бўлади. Ҳалаб ёки Шомга чекина олмасак, энди бу ёғи Диёрбакирда[35] нафас олишимизга тўғри келарди. Бу эса бутун бошли бир давлатнинг якуни дегани, яъни Усмонли қумларга ғарқ бўлди дегани эди. Бўғзимизга ташланган сиртмоқнинг бир тугунини Ча-

[34] М.Камол кейинчалик Liman von Sandersнинг ўрнига Йилдирим Ўрдулари Қўмондони бўлиб, Фаластиндаги аскарларнинг бир тартибда Аданагача чекинишини таъминлади.

[35] Туркиянинг жануби-шарқида жойлашган Сурияга чегарадош шаҳар.

ноққалъада ечган эдик, асл тугун эса бу ерда экан. Бу тугунни еча оламизми ёки улкан давлатнинг бўйнига солинган арқон бўлиб, уни дорга осамизми, буни вақт кўрсатади. Тиғ устида эдик.

Ўз тупроқларимизда шунча хавф-хатар турганда биз Галичяда, Руминияда, Македонияларда жанг қилиб юрган эканмиз.

Буларни ўйлар эканман, вужудимни тер босди.

Ёнимизга келган зобитлар наридаги бир бинони ишора қилиб:

– У ер қандай жой эканини биласанми? – деб сўрашди.

– Йўқ, билмайман, – дедим.

– Олмонларнинг ошхонаси.

– Сизлар овқатни алоҳида ейсизларми? – дедим.

– Албатта. Бунинг устига уларнинг овқати бизникидан кўп ва хўп. Улар бу ерда урушни имкон қадар чўзишга ҳаракат қилишяпти. Бу энди ҳаммага аён.

– Биз-чи? – дедим.

– Биз... – у шундай деб, кулиб қўйди. – Биз ўзимизга топширилган ролни яхшилаб ўйнаб берсак бўлди. Ҳа, айтмоқчи, биз учун муқаддас саналган Қуддусни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қиляпмиз. Имкон қадар қаршилик кўрсатяпмиз. Бу иш айтилганидек осон эмас. Ҳозирча Шариф Ҳусайн бошчилигидаги қароқчи тўдалар билан оворамиз.

Поездларимизнинг ёқилғи тақчиллигидан йўлларда қолиб кетиши, жазирама иссиқ, касалликлар, ўқ-дори етишмаслиги – буларнинг бари бошга битган бало эди. Шундай шароитда жанг қилиш албатта қийин.

– Осон экан-ку, – дедим мен. Ҳамма кулиб юборди.

– Шу билан тугаса, яхши бўларди, – деди у.

– Яна борми? – дедим.

– Бўлмасам-чи, бор бўлгандаям. Атрофимизда жосус кўп: яҳудийлардан, араблардан.

– Ўҳў, зўр-ку, – дедим. Яна кулишдик.

– Фаластин биз учун худди тўғондай гап, – деди зобит. – Бу тўғон қуласа, сел бизни тўғри Диёрбакирга элтиб ташлайди.

Йиғлайдиган ҳолимизга кулишимиз нақадар аянчли эди. Дард устига чипқон бўлаётган эди ҳар иш. Бу дардларнинг дармони қаерда, кимлар? Яна ғазабим қайнай бошлади. Ақлимнинг бир бурчагида Намиқ Камолнинг бир байти чақмоқдек чақнади:

«Фалак ҳар бир жафосин йиғиб келтирсин,
Бош тортсам беномусман, миллатимга хизматдан...»

Шу икки сатрга ишониш, байтдан жасорат олиш ва умид қилиш қанчалик аламли эканини билсангиз эди. Яна ичимда тобора кенгайиб борувчи бўшлиқ пайдо бўлди.

Олдимизда эса сарҳадсиз чўлу биёбонлар, шўртупроқда қад ростлаган хурмо дарахтлари ва бу замин – чўллар, қумлар устида минг-минглаб қалби пок, азму қарорли, шижоатли, иймонли Меҳметчик...[36] Ҳар кун кичрайиб бораётган Ватан тупроқлари... Ўрнимдан туриб, юра бошладим.

* * *

Ҳалабда бир ойга яқин дам олдик. Бу ердаги бирликлар билан машғулот ўтказдик. 1917 йил 23 августда Азаздаги янги ўрдугоҳга кўчиб, икки кунда етиб бордик. Ҳар сафарда жанубга силжиб, жанг майдонига янада яқинлашган сари, тўғри хабарлардан воқиф бўлаётган эдик. Жабҳага яқинлашган сари жанг қилгимиз келар, аммо бизни уму-

[36] Турк аскарининг халқ тилида эркалатиб айтилиши.

мий ҳолатга кўра йўналтираётган эдилар. 1917 йил 15 октябрда Шомга етиб келиб, у ерда 10 ноябргача қолиб кетдик. 1917 йил 4 ноябрда 57-полкимизнинг 3-батальони Сино жабҳасига мадад учун биздан ажради. Маълум бўлишича, улар биздан аввал жангга кириши керак эди. Бизнинг бу ерда яна қанча қолиб кетишимиз ҳам номаълум эди. Очиғи, бу ҳолат юрагимизни янада сиқа бошлаган, бу ерда ортиқча ўралашиб юришни истамас эдик. Мавҳумлик, тинимсиз бир ердан иккинчи ерга юришлар ҳаммамизни ҳолдан тойдирганди. Биз энг аёвсиз жанг-жадалларни бошдан кечирган эдик. Шунинг учун энди бир четда кутиб ётиш оғир ботаётган эди. Аммо бошқа нима ҳам қилардик?

Бир куни ҳамма чодирида ухлаётган пайтда, эрта тонгда мени почтальон уйғотди.

– Қўмондоним!

– Эшитаман, тинчликми?

– Ёзма буйруқ олиб келдим.

– Бер, кўрай-чи.

Хатни олдим-да, дарҳол очиб, кўздан кечирдим. 57-полк қўмондонлигидан келган бу буйруқни батальон қўмондонлари барча бўлим қўмондонларига юборибди. Хатда дарҳол тайёргарлик кўрилиб, 11 ноябрда Водий Харор деган жойга ҳаракатланишимиз буюрилган эди. Мугар қишлоғида ҳарбий корпус[37] қўмондонимиз полковник Рафет Бей билан учрашиб, 22-ҳарбий корпусни эҳтиёт қилар эканмиз.

Ҳали ҳам эҳтиёт шарт вазифасининг берилиши, Албан Бадур таъбири билан айтганда, ҳаммамизни хафа қилди. Бундан кўра бизни тўғри жангга юборишмайдими, инглизларга жанг қилиш қа-

[37] Бир неча дивизия ёки бригададан иборат йирик ҳарбий қўшилма.

нақа бўлишини бир кўрсатиб қўймайликми. Улар бизни Чаноққалъадан бери жуда яхши танишади.

Полк тайёргарликни бошлаб юборди. Буйруқ келгани учун полк санжоғи очилди. Яна жазирамада йўлга чиқдик. Мироба водийсининг шундоққина ғарбида жойлашган Мугар қишлоғига етиб келиб, корпус қўмондони билан учрашдик. Рефат Бей аскарларга ташаккур айтиб, полкнинг Усмонли ўрдусида алоҳида ўрни борлиги, берилган буйруқларни аъло даражада бажариб келаётганини эътироф этди.

Мироба водийсининг шарқий қирғоқларида эҳтиёт шарт назоратдан ўтишимиз керак эди. Водийга кира бошладик. Ташқаридаги 40-45 даражадаги ҳарорат водий ичида янада орта бошлади. Нафас олишимиз ҳам қийинлашади. Уст-бошимиз тердан шалаббо бўлиб кетди. Бунинг устига атрофимиздаги қоп-қора яланғоч қоялар бу жазирамани янада кучайтирарди. Гоҳ тор даралардан, гоҳ сўқмоқлардан юрар, чор-атрофи тоғу тошдан иборат бу водийни босиб ўтиш учун бор кучимизни сарфлардик.

Бирдан наблуслик Абдулваҳҳоб ёдимга тушди.

– Қани, Абдулваҳҳоб, қўшиннинг олдига тушиб йўл кўрсат-чи, – дедим.

– Қўмондоним, бу ҳаво чўт эмас. Дуо қилайликки, «сом ели»[38] ва «сироко»[39] шамоллари эсмасин.

– Эсса нима бўлади?

– Водий ичида бўғилиб ўламиз.

– Бундай ҳолатларга қарши сизларда бирон чора бўлса керак?

[38] Гармсел.

[39] Оқденгиз томондан эсувчи иссиқ шамол.

– Бор, лекин... Биз бу ерлардан фақат кечаси ўтамиз. Бундай иссиқда қўшинни бу ердан кундузи олиб ўтиш қийин.

– Осонини ҳамма ҳам қила олиши мумкин, биз қийинига талабгормиз. Биласанку, биз 57-полк аскарларимиз. Бунинг устига кеч тушишини кутолмаймиз, манзилга айтилган вақтда етиб боришимиз керак.

– Мен ҳам бу ерларга бир неча бор келганман, қўмондоним.

Унинг истамайгина жавоб бериши, доим бирор баҳона топиши ғашимни келтирарди. Шундай бўлса-да, индамадим. Унга сира ишона олмаётган эдим. Шундоқ ҳам уни қўшиннинг олдига ўтишини хоҳламайман, бироқ нима қилишини бир кўрмоқчи эдим, холос.

Албан Бадур:

– Бўлди-ей, етар энди! Ахир дунёнинг бир учига келдик, ҳали ҳам жанг қилганимиз йўқ. Худо ҳаққи, энди хафа бўламан.

– Шошмасанг ҳам оз қолди, – деди ўнбоши Вали.

Сами:

– Манави туялар сўқмоқда биздан ҳам яхши юраркан-а?

– Македон тоғлари бор бўлсин, ҳар томони ямяшил дарахтзор. Булоқларини айтмайсизми! Бунақа тошлоқ жойда қандай қилиб жанг қилиш мумкин?

– Ҳали кўрасан, қандай жанг қилинишини, – деди Ҳасан.

Бадал Рашид:

– Рўпарада нимадир йилт этиб кўринди, – деди.

Абдулваҳҳоб:

– Бу ерда қаёққа қараманг, йилтиллаган нарса кўрасиз, – деди.

– Қани, имилламанглар! Шу жойдан тезроқ ўтиб олайлик, – ҳайқирди Гавур Аҳмад. Унинг ҳам жаҳли чиқаётган эди. Бўлимнинг бошқа аскарлари анча орқада қолаётган эди.

– Бу ерда тузоққа тушдингми, ҳолингга вой, – деб қўшиб қўйди.

– Инглизлар йўқ-ку бу ерда, – дедим.

Гапимни тугатмасимдан Гавур Аҳмад:

– Ерда йўқдир. Лекин осмонга бир қаранг, – деди.

– Учоқлар! Ҳамма яширинсин!

Рами бақирди:

– Ҳе, жин ургур! Манави туялар гап уқмай, юриб кетаверади, шекилли. Панага тортсам ҳам тихирлик қилади-я...

Сами:

– Мен бир амаллаб ўзимникиларни панага яширдим.

– Ҳой Аллоҳнинг девонаси! Биз ҳам жангга кетяпмиз, лекин ҳозир яширинмасак бўлмайди. Э Худойим!..

– Сами, нима бўляпти?

– Нима бўларди, қўмондоним! Манави қайсар туялар гапга кирмаяпти.

– Йўлни ёдлаб олган-да, жонивор, – деди Абдулваҳҳоб. – Сиз бўлмасангиз ҳам яраланганларни ташийверади улар...

– Буни биз ҳам биламиз, лекин ҳозир бунинг вақти эмас.

– Учоқлар яқинлашяпти!

– Жим! Қимирламанг!

– Мана бу ҳайвон нима бўлади?

– Устида нима бўлса, кийим-кечак, идиш-пидиш, барини ерга ташла, – дедим.

Аскарлар дарҳол буйруқни бажариб, туяни яланғочлаб қўйишди. Учоқлар туяни сезмаса керак. Полк сафи чўзилиб кетган эди, мен шундан хавотирда эдим. Ҳужумга дучор бўлмаслик учун қояларга ёпишиб олдик. Қоятошлар эса чўғ бўлиб куйдирар, аранг нафас олаётган бўлсак-да, чидашга мажбур эдик.

Албан Бадур жимжитликдан фойдаланиб:

– Ҳалиги, Македон тоғларида бунақа учоқлар йўқ эди-да. Булар темир бургутлар экан-да, – деди.

Қояларнинг қорамтир рангию бизнинг соя жойларга қапишиб олганимиз учун учоқлар илғамаган бўлса керак. Йўқса бомбардимон қилиб, полкни тўзғитиб юборарди. Бундай бўлмаганига хурсанд бўлиб, йўлда давом этдик.

Бу ёғига тезлашдик. Шу пайт кутилмаганда сал нарида тўп ўқи портлади. Ўша қанотдаги аскарлар шартта ерга ётишди. Мен ҳам портлашни эшитар-эшитмас ўзимни қоялар бағрига отдим. Бошимни бор бўйи қайноқ қояларга бостиришга мажбур эдим. Ёноқларим пишиб қолай деди. Портлаш оқибатида қоядан қўпорилган тош парчалари бошимизга ёмғирдек ёғарди. Зўрға илашиб турган улкан қоялар гумбурлаганча пастга қулай бошлади. Каттакон харсангтош олдимизга тушиб, йўлни тўсиб қўйди.

Сами яна қичқирарди:

– Вей, бунақа туяни умримда кўрмаганман! На йўлдан адашади, на портлашдан қўрқади!

– Эгасига ўхшамабди-да, а? – деди ўнбоши Вали.

– Ўнбоши, менга осилма! Ўзи шундоғам асабим таранг! Шунақаям қайсар бўладими ҳайвон деган? Ўзи доим менга шунақаси дуч келади-я!

– Йўл устига катта қоятош қулади!

– Бир қарасанг-чи, Гавур Аҳмад, эҳтиёт чорасидаги аскарлар нима бўлди экан? Оғизда жангчиларга ёрдамга кетяпмиз, лекин ўзимизнинг бошимизга ёғилмаган бало қолмади, ҳисоб.

– Афсуски шундай, афандим.

– Отилган ўқ сал олдинга тушди.

– Демак, учоқдагилар бизни кўрибди.

– Ҳа, кейин кемаларга хабар беришган.

– Балки шундайдир.

– Денгиз бу ерга яқинми?

– Абдулваҳҳоб, денгиз яқинми?

– Ғарб томонда кўриниб турган мана шу икки тоғнинг ортида денгиз бор, қўмондоним.

– Вой-бў, буларнинг манзилгоҳи шунчалик узунми?

– Узун бўлгани учун ҳам шу ергача ўқ отишяпти-да.

– Жойингиздан қимирламанг...

Отишма тўхтагач, дарҳол ўрнимиздан турдик. Йўл юришда давом этмоқчи эдик, лекин ҳақиқатан ҳам улкан харсангтош тор сўқмоқни тўсиб қўйган эди. Уни олиб ташлаш керак. Аскарлар тирмашиб, ошиб ўтиши мумкин, лекин туялар, юклар, оғир пулемётларни қандай олиб ўтамиз? Биринчи марта тўпимиз йўқлигига шукр қилдим, чунки уни бу тўсиқдан олиб ўтишнинг ўзи ўлимдан баттар машаққат бўларди. Тезроқ йўлга чиқиш керак. Орқадан келганлар навбат кутиб, аскарлар бир жойга тиқилиб қолишди. «Туяларнинг икки ёнига илинган саватлару ёғоч замбилларни ерга туширинглар», деб буйруқ бердим. Буларни тошни кўтариш учун ишлатиб, аскарларнинг кучи билан харсангни пастга юмалатишимиз мумкин эди. Қўлимиздаги арқонларни тошни тортиш учун туяларга боғладик. Минг ма-

шаққат билан тошни юмалатдик. Унинг гулдурос овози водийнинг ҳар томонига акс садо бериб, худди ёнгинамизда тўп портлагандек бўлди.

– Қани, энди вақтни ўтказмайлик, олға!

Яна юра бошладик.

Полк санжоғини олиб юрувчи бригада тезроқ юра бошлади. Улар ёнимиздан ўтиб, энг олдинга чиқиб олишди. Энди санжоқ ортидан бораётгандик. Бироз ўтиб, вазифамизни ўтайдиган жойга етиб келдик.

Батальон қўмондонимиз айтганидек, 7-дивизиянинг чап ёнидан мадад берар эканмиз, унинг ёнида эса 8-дивизия соҳилда Наби Юнус билан Масмия деган жойлар ўртасига қўнар эди. Уларнинг шундоққина жануб томонида инглиз қўшини жойлашган экан. Келтирилган разведка хабарларига кўра, инглизларнинг шу жойдан ҳужумга ўтиш эҳтимоли кучли экан. 57-полкимиз иккита батальони билан эҳтиёт шарт доим шай эдик. Қўлларимиз милтиқ тепкисида турар, бошимиздан қиздираётган қуёш эса ҳеч биримизни аяб ўтирмасди. Июль ва август ойидек жазирама эмаслигига шукр қилардим.

Оқшом бутун гўзаллиги ила чўка бошлаган, бу чўлу биёбон тупроқларнинг энг баракотли ва ёдда қоларли лаҳзалари қуёш уфққа бош қўйган пайтда юз беради. Қуёш ботишидаги гўзалликка маҳлиё бўлмасликнинг иложи йўқ бу заминда. Паст-баланд қояликлар, хурмозорлар ва тақир тепаларнинг ложувард соялари яққол кўзга ташланади. Айниқса, юкларимизни ташиётган туяларнинг соялари ботаётган қуёшнинг шуълаларида инсонни гўё сеҳрлаб қўярди. Бу ёввойи маконларга ҳам ўзига хос фусункор гўзаллик ато этилганди.

– Гавур Аҳмад, бирон жойга қўналға қурайлик. Разведкачи гуруҳ тузиб, текширувга юбориш керак, лекин унчалик узоқлашиб кетишмасин, чунки ҳар лаҳзада ёрдамчи кучларга эҳтиёжимиз бўлиши мумкин.

– Ўнбоши Вали ва Абдулваҳҳоб, разведкага борасизлар! Биз билан алоқани узманг.

Албан Бадур отилиб чиқди:

– Мен ҳам борай!

– Сен шу ерда қол.

– Замбилчилар! Туяларнинг еми, суви берилдими?

– Берилди.

– Замбиллар ҳам тайёрми?

– Тайёр.

– Сақо Умар, сувинг борми?

– Ҳозирча бор, лекин кўпга етмайди. Тонг саҳарда туриб, атрофда қудуқ ё булоқ бор-йўқлигини текшираман.

– Яхши.

– Бадал Рашид, сен Ўрхон билан чап қанотга яқин туринглар. Биз ўнгда бўламиз. Қолган аскарлар ортимизда бўлади. Зарурат бўлса, аскарни осонгина жалб қилиш учун. Бу атрофларни яхши биладиган йўлбошловчилар қаерда?

– Ҳозир келиб қолишар экан.

– Қачон «ҳозир»?

– Билмадим.

– Бу ерга биринчи марта келган бўлсак, атрофни яхши билмай туриб, қандай жанг қиламиз? Аҳмад афанди, 1915 йил 19 майда Чаноққалъадаги ҳужумни эшитгандирсан?

– Эшитганман, афандим.

– 2-дивизия аскарларига атрофдаги ҳимоя жойлари ва жанг майдонини бир кун аввал кўрсатишган экан. Охири вой бўлди.

– Бу сафар вой бўлмайди, афандим.

– Иншааллоҳ.

Атрофни бир зумда зим-зиё тун қоплади. Ой нурида аскарларнинг соялари кўзга ташланарди. Худди тўфондан олдинги сукунат каби жимжитлик эди. Жанг майдонлари доим шундай бўлади, бошида сассиз сукунатни кейин тўпларнинг гумбурлашию, ўқ овозлари тарқатиб юборади. Отилган тўпларнинг ортидан ҳужумга ўтилади. Чап тарафимиздаги 7-дивизия аскарлари олд қаторда кутишарди. Инглизлар ҳужум қилармикин? Бизга келган разведка хабарлари бунга тайёргарлик бўлаётганини кўрсатмоқда эди. Эшитганларим ва кузатувларимдан шуни англаб етдимки, инглизлар бу жангдан ижобий натижа кутишяпти. Бу ерларни ишғол қилиб, бизни шимолроққа сиқиб чиқаришлари мумкин. Чунки бизнинг бирликлар тарқоқ экани шундоқ кўзга ташланиб турарди. Энг ёмони, аскаримизнинг сони камайиб бораётган эди. Баъзи дивизияларда аскар сони яримлаб қолган, батальонлар рота дегулик ҳолга тушиб қолганди. Афсуски, психологик устунлик инглизларда эди. Чунки Чаноққалъадаги жангларда бўлганидек, Оқденгиз соҳилларидаги кемаларидан тинимсиз бомбардимон қилишарди. Биз бўлсак, ҳам ўзимизни ҳужумдан ҳимоя қилишга, ҳам ҳар тарафлама устунликка эга бўлган душманни тўхтатишга мажбур эдик. Фаластинга келганимдан бери тушуниб етган ҳақиқатим шу бўлди.

Шуларни ўйлар эканман, «Келишяпти...» деган овоздан ўзимга келдим.

– Ким келяпти? Душманми? – дедим шоша-пиша. Кейин жаҳлим чиқди, чунки биз фавқулодда бўлим эдик, жангларда доим олд сафда бўлишга кўникиб қолгандик.

– Йўқ, афандим, йўл кўрсатувчилар.

Бироздан сўнг арабларга ўхшаб кийиниб олган маҳаллий одамлардан уч киши қоронғиликдан чиқиб келди. Таржимон воситасида уларни сўроққа тутдик:

– Атрофни яхши билишарканми?

– Ҳа, яхши билишади.

– Бирон ҳаракат пайтида бизни осон йўналтира олишадими?

– Ҳа, дейишяпти.

– Унда яхши.

Яна ичимга қурт оралади. Бу одамларга ишониб бўлармикин? Очиғи, шубҳалана бошладим. Аммо кутишдан бошқа чорамиз ҳам йўқ эди.

Жабҳада нима бўлаётганини билолмаслик – энг юрак сиқувчи ҳолатлардан бири. 7-дивизия билан доимий алоқада бўлишимиз керак, лекин ҳеч қанақасига хабарлашолмаяпмиз. На биздан ёрдам сўрашди, на ўзларидан бир дарак келди. Ҳужум бошланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, чунки чор атрофга ғалати сукунат чўкканди. Тонг ёришишига ҳам оз қолди. Ҳолбуки, жангда ҳужумлар асосан қоронғида бошланади. Ёки инглизлар ҳужумга ўтишдан воз кечдимикин? Балки улар ўзларига жуда қаттиқ ишонаётгандир?

Ҳамон кутаётгандик. 57-полк иккита батальони билан ҳар қандай буйруққа шай турарди. Кўзларимиз юмилиб кетар, туни билан мижжа қоқмай чиққандик. Саҳар салқинида ҳаммани уйқу босяпти, баъзи аскарлар пинакка кетиб ҳам бўлганди. Аслида

бундай сукунат бехосият саналар, бепарво бўлиш қимматга тушиши мумкин эди. Ростдан ҳам кутилмаганда тўплардан ўт очила бошланди. 7-дивизиянинг марказий қисмига бомбардимон бошланди. Анча узоқда бўлишимизга қарамай, гумбурлаган овозлар, ернинг ларзага келиши, тошларнинг қояларда акс садо бериб қулаши бизни ҳам ваҳимага сола бошлади. Бироздан сўнг олақоронғиликдан ўнбоши Вали билан Абдулваҳҳоб чиқиб келишди. Икковиям ҳансираб, зўрға нафас оларди.

– Нима гап?

– Қўмондоним, 7-дивизиянинг ёнигача яқинлашиб, кута бошладик. Лекин туни билан ҳеч қандай ножўя ҳаракат сезмадик. Шундан билдикки, ҳужум тонгда бўлади. Тонггача кутиб турмоқчи бўлдик. Уфқ ёриша бошлаган пайтда бирдан отишма бошланди. Жуда ёмон бомбардимон қилишди.

– Чаноққалъадагига ўхшабми?

– Бу ажнабийларнинг ўқ-дориси шунчалик кўпми дейман, – деди Абдулваҳҳоб.

– Кейин нима бўлди?

– Бомбардимон бошлангач, ерда судралганча ортга қайтдик. Бу ерда ҳар тараф қоялик, мерганлар олд томонга пистирма қўйса, душманга кўпроқ зарар етказа олади.

– Инглизларгами?

– Ҳа, албатта.

– Яширинишга ҳам жой кўп эди. Худди ўзим кутгандек, анча-мунча душманни ер тишлатардим.

– Қани, жойингизга ўтинг.

– Хўп бўлади, қўмондоним!

Душман бор кучи билан бомбардимон қиларди. Сами бўлса ҳалиям туялари билан овора.

– Ё Аллоҳим, бу қандай ҳайвон-а! На тўпдан, на милтиқ овозидан чўчимас экан.

– «Тўпга ўрганган туя довул чалсанг ҳам қўрқмайди», дейишади-ку.

– Худо ҳаққи, бор гап экан шу.

– Жим! Эшитяпсизларми?

– Ҳа.

– Менимча, инглизлар ҳужумга ўтишди.

– Биз бу овозларни жуда яхши таниймиз, – деди ўнбоши Вали Абдулваҳҳобга. – Чаноққалъада ҳужумга ўтганда «Ур-ра!» деб бақиришарди.

– Шунча узоқдан бу овозларни қандай эшитяпсан, Вали? – деди Ўрхон.

– Шамол биз томонга эсяпти. Яхшилаб эшитгин.

– Ҳа, мен ҳам эшитяпман. Қани, 7-дивизия, ўзингни кўрсат энди.

Ҳаммамиз ҳаяжонда эдик. «Бизга ҳам иш тушармикин ёки шу ерда қоламизмикин?» дея ўйлар эканман, кўп ўтмай шоша-пиша бир хабарчи чопиб келди. У яраланган эди.

– 57-полкка хабар олиб келдим.

– Гапир!

– Чап қанотга мадад кучлар керак.

– Мен хабарни қўмондонга етказаман, – дедим. – Сами!

– Эшитаман, қўмондоним!

– Яradор хабарчини «какула»га солиб, ортга юборинг.

– Бош устига!

Дарҳол вазиятни батальон қўмондонига етказдим. У эса полк қўмондонига етказибди. Қанча мадад кучи кераклиги аниқ бўлмагани учун, бир ба-

тальон қўшимча куч юборишга буйруқ берилди. Бу иш учун 2-батальон сафарбар этилди.

Ҳаракат бошланди. Ҳеч нарса кўринмас, олдимизда улкан қоялик бор эди. Бу қоятошлар ортига ўтиб олсак, у ёғи текислик эди. Олдинда 7-дивизиянинг олд ҳимоячилари бор эди. Биз ўша жойгача боришимиз керак. Батальон юришда жадаллашди. Шу аснода устимиздан ваҳимали овози билан учоқлар учиб ўтди. Ҳаммамиз ҳар ерга тарқалиб, яшириндик. Жанг қилаётган 7-дивизияга ёрдам беришимиз керак. Нима бўлса ҳам олға боришга мажбур эдик.

Рота қўмондонларининг бари ёнимда эди. Негадир Абдулваҳҳоб кўринмасди. «Қочиб қолиш учун пайт пойлаётганди, балки аллақачон қочиб ҳам кетгандир», деб ўйладим. Ён-атрофга қарайман, йўқ. Ғазабим қайнаб, судралганча олдинга отилдим. Бир харсанг панасига ўтмоқчи эдим ҳамки, бошим устидан бир дайди ўқ визиллаганча учиб ўтди.

Бу яқин-атрофда душман йўқ бўлса, ўқ қаердан отилди экан? Ёки Абдулваҳҳоб отдимикин? Бу ерларда жосуслар кўп дейишган эди. У ҳам инглизларга ишловчи жосусмикин?

Пана жойда бироз нафас ростлаб, кутиб турдим, бошқа ўқ отилмади. Олдинда эса бир аскар қўл силкитарди. Нима демоқчи у? Душманми ёки ўзимизникиларданми, билиб бўлмасди. Нима қилсам экан? Аскарларимиз тарқалиб, пана-панада ўтирибди.

«7-дивизия қийин аҳволда қолган бўлса-чи, биздан ёрдам кутаётгандир?» дея хавотирлана бошладим. Олдиндаги аскар ҳамон тинмай қўл ишораси билан нимадир демоқчи бўлар эди.

Ниҳоят, аскар томон боришга қарор қилиб, ортимга қараб гапирдим:

– Ўнбоши Вали!

– Эшитаман, қўмондоним.

– Мен олға бормоқчиман, тўғридаги анави аскарни кўряпсанми?

– Ҳа.

– Отишга уринса, унга ўт оч.

– Бош устига, қўмондоним.

Аста-секин илгарилай бошладим. У мени кўраётганмиди, йўқми, билмадим. Нима бўлганини билишим керак эди.

Сал яқинлашганимдан кейин бу ўзимизнинг аскар экани маълум бўлди. Бироз ўзимни босиб олдим, сўнг унга: «Кимсан?» дедим.

– Келманг!

– Нима? Келмайликми?

– Ҳа.

– Нега? Ёрдам сўрашди-ку?

– Бу янглиш хабар эди. Ортга қайтинглар. Ҳозирча ўз жойингизда қолишингиз керак экан.

– Хўп, яхши.

Ортга қайта бошладим. Шу пайт биз турган жойга ўт очишди. Ҳужум борган сари кучая бошлади. Нима бўлаётганини тушунмай қолдим. Бизнинг керагимиз йўқ бўлса, душманнинг шунча масофани босиб ўтиб, бизга ўт очиши ғалати эди. Хаёлимдан шулар ўтар экан, сал наридаги қоянинг соясига яширинган бир одамни кўргандек бўлдим. «Бу Абдулваҳҳоблиги аниқ!» дедим. Қўлидаги милтиғи билан сояси кўриниб турарди. Балки бошқа бировдир? Ёки душманнинг олд взводи ёки мерганлари бўлса-чи? Шундай қийин вазиятда эдимки, қандай қарор қилишга ҳайрон эдим. Нима бўлганда ҳам, сояси кўриниб турган аскар ким эканини билишим керак эди. Секин яқинлашдим. У турган жо-

йида жим ўтирарди. Мени сездими, йўқми, билмайман. Ортидан айланиб ўтишим керак. У қоятошга суяниб ўтирарди. Ё тошга тирмашишим, ё тўғри устига бостириб боришим керак. Аммо бу анча хатарли. Ўқ овозлари, портлашлар ҳали ҳам тингани йўқ. Зинапоя каби қояларга чиқиш осон бўлди, лекин атрофим кўринмай қолди. Ҳар тарафим қоятош эди. Пастга қарадим. Бошининг сояси кўриниб турарди. Бироз пастладим-да, устига ўзимни отдим. Биргаликда ерга юмаладик. У жуда бақувват эди, мени босиб олишга уринарди.

– Абдулваҳҳоб! – дедим.

– Эшитаман, қўмондоним!

– Тош ортига яширинган сенмидинг?

– Ҳа, мен. Учоқлардан беркинаётгандим.

– Кетдик, ортга қайтамиз. Батальон жойида қолиши керак экан. Ҳозирча бизга эҳтиёжлари йўқ экан.

– Манави отишма-чи.

– Мен ҳам ўшани ўйлаяпман. Бу ерда бир гап борга ўхшайди.

Гапирар эканман, бир томондан ёнимдаги Абдулваҳҳобга қарайман.

– Унда ортга қайтайлик, – деди.

– Сен шу ерда кутиб тур, – дедим. Ўзимни ўнгга, чапга пана қилиб, олдинга отилдим. Бизга хабар олиб келган аскарга:

– Вазият қандай? – дедим.

– Яхши. 7-дивизия аскарлари арслондек жанг қиляпти. Сизлар жойингиздан жилманглар.

– Сени ким юборди?

– Дивизия қароргоҳидан юборишди.

– Унда нима учун бизга ўт очишяпти?

– Билмадим. Мен ҳеч кимни кўрмадим.

– Кўрмадинг?

– Йўқ...

– Яқинроқ кел-чи.

– Нега?

– Сени яқинроқдан кўрмоқчиман.

– Мен узоқ қололмайман, қайтишим керак.

– Бироз кутсанг, ҳеч нарса бўлмайди.

– Қайтишим керак! – у шундай деди-да, бирдан йўқ бўлиб қолди. Аммо ўзимизнинг аскарларга ўхшарди. Унда ўт очганлар ким бўлди? Ё Абдулваҳҳоб, ё бояги аскармиди? Шулардан бири ё хоин, ё душман жосусими? Ё Роббим, нималар бўляпти ўзи? Ҳаммасини бир бошдан ўйлаб олишим керак эди. Нималардир нотўғри томонга айланяпти. Чорасиз аҳволда Абдулваҳҳобнинг олдига келдим.

– Нарида бир аскар турувди, кўрдингми?

– Ҳа, кўрдим.

– Бирдан йўқ бўлиб қолди. Бизга ўт очган кимлигини биласанми?

– Йўқ.

– Юр, қайтамиз. Ротага қайтгунча эҳтиёт бўл, – дедим. Сўнг ёнимга Гавур Аҳмадни чақирдим:

– Нимадир бўляпти-да, Гавур.

– Нима гап, қўмондоним?

– Кимдир бизга қарата ўт очди, лекин кимлигини билолмадим. Душман ҳақида сўнгги хабарлар қандай?

– Ҳозирча хабар йўқ.

– Ё Худо, биздан ёрдам сўраб бир аскар ярадорлигича келди, анави бошқа аскар эса «Ёрдам керак эмас экан!» деди. «Ёнингга боряпман» десам, қочиб

кетди. Абдулваҳҳобни ҳам бир четда кўриб, шубҳаландим, лекин унинг бирон айбини тополмадим. Нима бўлса ҳам, кўздан қочирманглар.

– Бош устига, қўмондоним.

– Мен бўлган ишларни батальон қўмондонига хабар қилай.

– Яхши, афандим.

Батальон қўмондонининг ёнига бордим.

– Сўнгги вазият қандай, афандим?

– Хабар кутяпмиз.

– Хабар дедингизми?

– Ҳа.

– Демак, ҳаммаси жойида.

– Ҳозирча шундай.

– Яхши унда.

– Нимадир демоқчимисан, катта лейтенант? Аскарларингни ташлаб келганингга қараганда, муҳим гапинг борга ўхшайди.

Бўлиб ўтган ишларни айтиб берган эдим, у ҳам ҳайрон бўлиб қолди.

– Афандим, разведкачилар юбориб, вазият ҳақида аниқ, ишончли маълумотга эга бўлишимиз керак.

– Лекин буйруқ олганмиз-ку.

– Кўнглим нотинч.

– Яхши, мен одам юбориб, сени хабардор қиламан.

Яна аскарларим ёнига қайтдим, аммо хаёлимда минг хил савол. Нимадир бўляпти, лекин биз бехабар эдик.

Батальонга юриш буюрилди. Бироз юриб, яна кута бошладик. Инглизлар ортга чекинаётган экан.

Батальон қўмондонининг менга берган сўнгги хабари шу эди. Хурсанд бўлдим. Батальонимиз бироз

ортга чекиниб, ўз ўрнини эгаллади. Бизни бутунлай ортга юборишмади. Демак, ишлар жойида.

Бироз хотиржам бўлдим. 7-дивизия инглиз ҳужумини қайтара олган, аммо энди улар бор кучи билан қайта ҳужум бошлаган эди. Демак, кечаги ҳужум шунчаки бир синов бўлган экан. Бизни денгиз томондан шиддатли бомбардимон қилишарди. Бундан чиқди, душман учоқлари турган жойимизни аниқлаган. Қўмондонларимиз 7-чи ва 8-дивизия ўртасида очиқлик бўлмаслиги учун ғайрат кўрсатаётган эди. Агар ўрта очилиб, инглизлар шу жойдан ҳужумга ўтса, иш пачава. Шунинг учун полкимизнинг 1-чи батальони биз турган жойга келди. Бироздан сўнг буйруқ берилди:

– Қани, олға! Инглизларга йўл бермаймиз!

Биз ҳам бир взвод бўлиб, бошқа бўлимлар каби ўз позициямизни олиб, олға юра бошладик.

– 1-батальон, ўнгга!

– 2-батальон, чапга!

Икки дивизия ўртасида кичикроқ тепалик бўлиб, бу тепалик ҳар қандай ҳолатда ҳам қўлдан чиқарилмаслиги лозим эди. Чунки бу ер душманга юқоридан қараш мумкин бўлган, стратегик аҳамиятга эга жой эди. Агар душман бу жойни эгалласа, ўзи учун энг яхши имкониятни қўлга киритган бўлади. Шунинг учун батальон қўмондони иккита отряд билан мана шу тепаликни ҳимоя қилиш вазифасини менга юклади. Аскарларимни олиб, тепага тирмашдик. Керакли позицияда жойлашиб, душманга ўт оча бошладик. Олдинига келаётган душман қўшини бироз тўхтагандек бўлди, лекин бу сафар улар шу тепани нишонга олишган эди. Қоятошлар ҳам бизни ҳимоя қилар, жон олиб, жон бериб, жанг қилардик.

– Ўнбоши Вали, сен шу тепадан келганларни нишонга ол. Бадал Рашид, сен бироз ўнгга бурил. Албан Бадур, сен Ўрхон билан чапга бурил! Маҳкам ўрнашиб олинглар, ортга йўл йўқ!

Ниҳоят, душман билан жанг қиладиган бўлдик, йўл юришдан чарчагандик.

– Абдулваҳҳоб, ёнимга кел!

– Бош устига, қўмондоним.

Сами билан Рами тепа ортида ярадорларни ташишга шай туришарди. Сақо Умар эса ҳозирча ёнимизда қолади, сувга эҳтиёж йўқ. Умар «Мен ҳам отай», дер эди.

Ҳозирча ҳолат яхши, лекин ёнимиздаги отряднинг аҳволи жуда ваҳимали эди. Тобора кучайиб бораётган инглиз кучларига ортиқ дош бериши амри маҳол эди. Яна барча оғирлик бизнинг елкамизда эди, худди Галичядагидек.

Шу пайт ёнимиздан отлиқ аскарларимиз ўтиб кетди. Ҳайрон бўлдик. Бунақанги қилич яланғочлаб жангга киришни ҳеч кўрмаган эдик. Лекин инглизлар уларни кўриб қолишди. Афсус, барча ўқ энди улар томон ёғилди. От устидаги аскарларимиз ҳам отишаётган эди. Буни кўргач, ўнбоши Умар бошчилигидаги аскарларимга уларга ёрдамга боришни буюрдим.

– Қани, отишмани тўхтатманглар! Уларга мадад бериш керак! Отлиқларни ҳимоя қилинг!..

– Нима учун бундай очиқдан-очиқ ҳужумга ўтишди экан? – деди Гавур Аҳмад.

– Билмадим, лекин уларни ҳимоя қилишимиз керак.

Тиндирмай ўт очаётганимизга қарамай, отлиқларимиз бирма-бир ерга қулай бошлади. От устида-

ги аскарлар жонҳолатда бақирганча отидан йиқиларди. Айниқса, ўқ еган отлар кишнаб, олд оёқларини юқори кўтарганча, устидаги аскарни ерга қулатарди.

Отлиқ юзбоши тинмай бақирарди: «Олға! Чекинманг! Тарқалманг, олға! Сўнгги томчи қонимиз қолгунча курашамиз!»

Кейин ўзи ҳам отининг юганини қўлдан қўймай, қаҳрамонона олдинга чоптирди. Аммо ўқ еб, ерга йиқилди. От бўлса душман томон чопишда давом этарди. Инглизлар учиб келаётган отга ўқ узишга мажбур бўлгач, от қаттиқ кишнаганча ортга қайтди. Бу орада оёғи узангига илиниб қолган юзбоши ерда судралар, оғир аҳволда бақирарди:

– Тўхтатинглар уни! Ёрдам беринг! Оёғимни чиқаролмай қолдим...

– Дўстлар, юзбошига ёрдам бериш керак!

Отилаётган ўқлар юзбоши турган томонга йўналди. Инглизларга қарши қақшатқич зарба бошланди.

Ўнбоши Вали:

– Юзбошини қутқариш керак, – деди.

– Қандай қилиб қутқарамиз?

– Билмадим.

– Нима бўлса ҳам қутқариш керак, акс ҳолда илма-тешик қилиб юборишади.

Албан Бадур:

– Мен отни тўхтата оламан, – деди.

– Ростдан тўхтата оласанми?

– Ҳа.

– Қани, бўл унда!

Албан Бадур жойидан отилиб чиқди. Эмаклаганча тепанинг ғарб томонига ўтди. От бўлса гоҳ ўнгга,

гоҳ чапга чопар, кишнар, юзбоши эса бор овози билан бақирарди:

– Ёрдам беринглар! Оёғим, оёғим!.. Оёғим илашиб қолди...

Албан Бадур отнинг қаршисига чиқди:

– Ҳоо, ҳоо, тўхта! Тўхта, дедим! – дея ҳайқирди.

Аммо яраланган от асовлашиб, олд оёқларини кўтарганча Бадурнинг устига кела бошлади. Бадур ноилож четга қочди. От яна инглизлар томон чопа бошлади. У биз турган жойга яқинроқ ердан ўтадиганга ўхшарди. Юзбоши эса судралганча дод-фарёд қиларди. Чидаб бўлмас манзара эди бу. Унинг фарёди аскарларга салбий таъсир қила бошлади. Инглизлар уни отиб ўлдирмасидан отини тўхтатишимиз керак.

Жойимдан сакраб туриб, қоялик томон югурдим. От ўтиши мумкин бўлган тор жой бор эди. Бу жой душман ўқларидан пана, «ўлик нуқта» эди.

– Қўмондоним, қаерга кетяпсиз? – деди Гавур Аҳмад.

– Отни тўхтатишга!

– Қандай қилиб тўхтатасиз бу асов отни?

– Билмайман.

– Бу фикрдан қайтинг!

– Юзбошини қутқариш керак ахир!

– Энди кеч, қўяверинг!

– Йўқ, бунақаси кетмайди!

Қояларга тирмашдим. Сакрашга пайт пойлай бошладим. От ўтаётганда устига сакраб, уни тўхтатмоқчи эдим. Ягона чора шу эди. Бунинг бошқа йўли йўқ эди.

От яқин келгач, синчиклаб қарадим. Судралиб келаётган юзбоши қонга беланган. Отни тошлоқ то-

монга ўтказиб юбормаслигим керак, йўқса юзбоши тошдан тошга урилиб, ҳалок бўлиши аниқ эди.

От безовталанган девдек пишқириб келар, ўзини ҳар ёнга уриб кишнар, оғзидан кўпик сочиб, қўрқувдан кўзлари пиёладек бўлиб кетганди. Чамани тўғри олишим керак, акс ҳолда бор уринишим зое кетиши мумкин. Милтиғимни елкамга осиб, тайёрландим. Сал аввалроқ сакраш керак. Отни кўришим билан: «Ё Аллоҳ!» дедиму, унинг устига сакрадим. Бир қарасам, отнинг эгарида ўтирибман! От бирдан сакрамоқчи бўлди. Мен эса жон ҳолатда эгарга маҳкам ёпишиб, бор кучим билан юганни ортга тортдим.

– Ҳооой, дррр! Тўхта!

От ҳам қаттиқ яраланган экан, тўхташни истамаётган эди, лекин барибир бироз ювошланди. Фурсатдан фойдаланиб, отдан сакраб, юзбошининг оёғини узангидан чиқариб олдим. «Чуҳ!» деб отни уриб, ҳайдаб юбордим. От ўз ҳолича нари кетди. Юкдан озод бўлганини сезди, шекилли, бор кучи билан чопа бошлади. У яна тўғри инглизлар турган томонга бурилди. «Нима бўларкин?» деб қараб турдим. Бечора от бирданига отилган сочма ўқдан ерга қуларди. Душман жониворни ўққа тутган эди. Бечора от ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин оғир яраланган учун тура олмади.

Дарҳол юзбошига юзландим. У аранг гапирарди:

– Ёрдам...

– Оғир яраландингизми?

– Кўксим... Қаттиқ оғрияпти...

– Ҳамма ёғингиз шилиниб кетибди.

– От судраб кетди.

– Энди бироз чидайсиз. Ҳаётингизни хавфга қўйдингиз. Ҳозир сизни олиб кетаман.

Уни елкамга олдим. У оғир яраланган эди. Зўрға нафас олар, базўр гапирарди.

– Қутқаринг...

– Хавотир олманг. Фақат гапирманг.

Бироз ўтиб, бизни Бадал Рашид кутиб олди:

– Қўмондоним, ёрдам берайми?

– Сен нега жойингдан кетдинг?

– Ўрнимга Аҳмад Бей ўтди. Мени сизларга ёрдамга юборди.

– Буни тезроқ ортга олиб ўтиш керак...

Уни тепанинг ортига олиб ўтиб, бир қоянинг соясига ётқиздик. Оғзига сув томиздим. Қарасам, Каримни отишга буйруқ бериб, мен билан жанжаллашган юзбоши экан! Аммо у ҳозир мени танийдиган аҳволда эмас эди. Барибир гапирдим:

– Юзбошим, яхшимисиз?

– Ярам...

– Мени танияпсизми?

– Сен... Карим...

– Ҳа, худди ўша.

– Ўзингни ҳам хатарга қўйдинг.

– Қўяверинг, ким бўлса ҳам, барибир шу ишни қилган бўлардим. Сиз қийин аҳволда эдингиз, юзбошим!

– Соғ бўл!

– Сами, Рами! Замбилни олиб келинглар!

Бироз ўтиб, замбилни олиб келишди. Юзбошини замбилга ётқиздик.

– Дарҳол ярасини боғланг. Яраси оғир. Кўп қон йўқотяпти. Тез бўлинг, имилламанг!

– Хўп бўлади, қўмондоним.

Замбилчилар чопганча ярадорни олиб бориб, «какула»нинг бирига ётқизишди, сўнг туяни етаклаб, пастга тушиб кетишди.

Ҳансираганча жойимга қайтиб келдим. Отишма давом этар, лекин инглизлар бир қадам ҳам силжий олмаганди. Взвод бор кучи билан қарши туришга ҳаракат қиларди. Тинмай ўқ отаётган Албан Бадурга қарата:

– Шу битта отни ҳам тутолмадинг-а? – дедим.

– Ахир...

– Македон тоғларида от чоптирганман, дер эдинг-ку.

– От чоптирганман, қўмондоним. Ишонинг менга.

– Унда нега...

– Нима қилай, ярадор от асов бўлади.

– Сендан хафа бўлдим, Бадур.

– Қўмондоним, бундай деманг, ё Аллоҳ!

– Майли, кўп гапирмай, тепкини бос!

– Хўп, қўмондоним.

Бироздан сўнг чап қанотдаги Бадал Рашид ёнимга келди:

– Ярадорни олиб кетишдими?

– Ҳа.

– Ризқи узилмаган бўлса, иншааллоҳ, яшайди.

– Айтганингиз келсин.

– Қара, ўнгдан иккита инглиз суқилиб кирмоқчи бўляпти.

– Мен турк аскариман, қўмондон! Отманг!

Ҳаммамиз бирдан отишдан тўхтадик. Душман буни айни муддао билиб, тинимсиз ўт очарди.

– Нега эгнингда душман кийими?

– Мен асирга тушиб қолдим.

– Қочиб кетсанг бўлмасмиди?

– Қоча олмадим-да.

– Унда нега отишмага кирдинг?

– Улар томонда туриб жанг қилсам, мени афв этишар экан.

– Бу томонга кел.

– Отиб ташлашади.

– Келавер.

– Йўқ, отишади.

– Сенга қандай ишонишимиз мумкин?

– Азон айтаман.

– Айт.

У жуда гўзал қилиб азон айтди.

– Отмай туринглар энди.

– Йўқ, тўхтата олмайман.

– Унда боролмайман.

– Чопиб кел!

– Отмай туринглар!

– Яхши, бирпас отмай турамиз.

– Ўт очишни бас қилинг!

– Қўмондоним, бундай вазиятда ўт очишни тўхтатиб бўлмайди.

– Кўрмаяпсанми, туркман деди-ку! Азон ҳам айтди. Уни ҳимоя қилишимиз керак. Отманглар!

– Мана, келяпман!

Аммо унинг ҳаракатларида асир одамдек шошилиш кўринмас, атрофга аланг-жаланг қараб, кўзи билан ишора қилганча аста келарди.

Шу пайт Абдулваҳҳоб бақириб қолди:

– Тузоқ! Тузоқ!.. Бошқа томондан бешта инглиз яқинлашяпти!

– Ўт оч! – дедим.

Турк аскариман деганни Абдулваҳҳоб ер тишлатди.

– Ярамаслар! Сал бўлмаса, бизни отиб ташлашаркан. Қандай ишондим мен бунга? Ё Аллоҳ, Ўзинг қўлла! – ғазабдан муштларимни ерга урардим мен.

– Мени топган жойингизда ўша аскарни пойлаётган эдим. Сизга хабар олиб келган чопарни ҳам ўша отган эди. Ёрдам келмасин деб, тор вазиятда қолган инглизларни ўша аблаҳ шу йўл билан қутқарди, – деди Абдулваҳҳоб.

– Нега ўшанда дарҳол айтмадинг менга?

– Менга ишонмасдингиз барибир.

– Нега?

– Чунки мендан шубҳаланиб юрибсиз. Биламан, доим кузатиб юрибсиз мени.

– Яхши иш қилдинг, Абдулваҳҳоб.

– Раҳмат, қўмондоним.

– Афандим, инглизлар дивизиямиз томон секин бўлса ҳам, силжиб келишяпти экан.

– Аллоҳнинг қаҳрига учрагурлар! Қулоқ сол! Нима бўлса ҳам, шу тепаликни қўлдан чиқармаслик керак. Бир қадам ҳам чекиниш йўқ! Ким ортга чекинса, уни ўзим отиб ташлайман.

– Ўқ-дорилар камайяпти.

– Охирги ўқ қолгунча курашамиз!

Шу пайт ҳамма ёқ тинчиб қолди. Олатасир ўқ овозлари пастлади. Нима бўлганини тушунишга ҳаракат қилардим.

– Қўмондоним, менимча...

– Нима? Барибир ортга чекиниш йўқ!

– Йўқ, ундай демоқчи эмасман.

– Балки бомбардимон қилишмоқчидир.

– Бўлиши мумкин.

Ҳали гапимиз тугамасдан сал нарига бир бомба учиб тушиб, гумбурлаб портлади. Атрофни борут ҳиди тутиб, томоқларимизни ачиштира бошлади. Бўғилиб қолай дедик. Ҳаммамиз бир қалқиб тушдик. Гавур Аҳмад:

– Тарқалинглар! Яширин! – деб ҳайқира бошлади. – Тезроқ, тезроқ!..

Мен гапиролмай қолдим. Шунча бақираман десам ҳам, овозим чиқмас, томоғим ачишарди. Бу ёғи иссиқда нафасим қисар, оғзимни очиб нафас олишимга тўғри келаётган эди. Милтиғимни ерга ташлаб, чўккалаб қолдим. Оёғимда куч қолмади.

Бадал Рашид дарҳол турган жойидан отилиб чиқиб, ёнимга келди.

– Қўмондоним, аҳволингиз яхшими?

Оғзим очиқ, кўзларим каттайиб кетган, аранг нафас олар аҳволда унга қарадим. Гапиргим бўлардим, аммо овозим чиқмасди. Зўрға хириллай олардим, холос. Бадал Рашид эса аҳволимни сўрарди:

– Қўмондоним, яхшимисиз? Сизга нима бўлди?

Жавоб беролмадим. У бошимни тиззасига олиб, сал кўтариб қўйди. Қўли билан огзимни каттароқ очди. Шундагина нафас ола бошладим.

– Нафас ололмай қолдим, Рашид.

– Ҳам иссиқ, ҳам тутундан бўлса керак.

– Мен ҳам шундай деб ўйладим.

– Бу ердан дарҳол кетиш керак.

– Қани, кетдик бўлмаса.

Ўрнимиздан сакраб турдик. Биз нари кетгач, боя биз турган жойга тўп ўқи келиб тушиб, портлади. Гумбурлаган овоз қулоқларни қоматга келтирар, атроф-

га қоятош парчалари сочиларди. Тош парчалари қояларга урилар, айримлари аскарлар устига ёғиларди. Биз шартта ерга юмаладик, сўнг дарҳол ўрнимиздан туриб, югура бошладик. Ҳимоя чуқурига келгач, ўзимизни ичкари отиб, бошимизни қўлларимиз билан беркитганча ерга ётиб олдик. Нафасимиз бўғзимизга тиқилар, яқинимизда яна бир бомба портлаганди.

Гавур Аҳмад:

– Бизни излаётганга ўхшайди баччағарлар! Жойимизни билиб қолишди, шекилли, – деди. – Дуо қилайлик. Яна бошимизга ўқ ёғдиришлари мумкин.

– Бомбардимон тугаши билан эски жойимизга ўтиб оламиз, хўпми?

– Бош устига, қўмондоним.

Тошҳимояларга суянганча кутиб ўтирдик. Атрофда ҳали ҳам ўқ овозлари тинмасди. Портлаш пайтида қулоқларни тешиб юборгудек кучли гумбурлаган овоз чиқар, бошимиз гувилларди. Бу орада кўзларимизни юмиб олардик, беихтиёр оғзимиз очилиб қоларди. Кейин худди акс садо бергандек, қулоғимиз остида яна портлаш овози эшитиларди. Анча пайтгача ким нима деётганини тушунолмай қолардик, сал ўтибгина аста-секин қулоғимиз очиларди. Такроран портлаш бўлмаса, бир-икки соатдан кейин аввалгидек эшита бошлардик. Бомбардимон давом этса, ўша мудҳиш ҳолат яна такрорланарди.

Албан Бадур:

– Қўмондоним, бу қандай бомбардимон бўлди? – деди.

– Нега ундай деяпсан?

– Тўхтамай портлатишаётганига айтаман-да.

– Сенинг қайсарлигингни билиб қолишди, шекилли, шунинг учун.

– Қанақасига?

– Сени тинч қўйишни хоҳлашмаяпти.

– Қўмондоним, мен Македон тоғларида бунақанги тўп овозини эшитмаганман.

– Наҳотки?

– Йўқ, эшитмаганман.

– Шиддатли ҳужумлар бўлади. Буниси ҳеч гап эмас.

– Ие, бундан ҳам даҳшатлиси борми?

– Чаноққалъада кўрсанг эди бомбардимон қанақа бўлишини.

– Шу Чаноққалъани шунчалик кўп гапирасизки, ўша жойда бўлмаганимга афсусланиб кетаман, рости.

– Чаноққалъа бошқа эди. Бутунлай бошқа.

– Афандим, бомбардимон сал тинганга ўхшайди.

– Буларнинг ўнги-чапи номаълум, қачон нима бошлашини билиб бўлмайди, яна бироз кутайлик.

– Хўп, яхши.

Атрофга жимлик чўкди. Ҳамма жон қулоғи билан портлаш бўлишини кутиб турарди. Лекин ҳеч қандай портлаш юз бермади.

– Қани! – дея ҳайқирдим. – Инглизлар ҳужумга ўтмасидан аввал ҳамма тепаликка. Бир қадам ҳам чекиниш йўқ! Сўнгги ўқимиз, охирги томчи қонимиз қолгунча жанг қиламиз. Ортга чекинманг! Бу буйруқ! Керак бўлса милтиқ найзаси, тош биланми, тиш-тирноғимиз билан бўлсаям курашамиз. Тез бўлинг, имилламанг!

Взводимиз бор кучи билан тепаликка тирмаша бошлади. У томондан инглизлар ҳам югуриб келар эди. Ким биринчи тепага чиқса, уни ўша эгаллаши мумкин. Ҳамма тезроқ чиқишга, инглизлардан аввал тепани эгаллашга ҳаракат қила бошлади.

Бу тепаликнинг қийматини ҳамма яхши тушуниб қолди. Шунинг учун жон ҳолатда тирмаша бошладик. У томондан инглизлар нима қилаётган экан, деб хаёлдан ўтказаман. Биздан аввал тепага чиқиб олишса-чи? Бу ўй-хаёл бизни янада тезлаштирарди. Душмандан аввал биз эгаллаб олишимиз шарт. Аскарларим ҳам буни билар, шунинг учун бор ғайратларини ишга солаётган эди.

– Тезлашинг! Шошилиш керак! Арслонларим, тепаликка оз қолди. Инглизлардан олдин эгаллашимиз керак у жойни. Биз биринчи бўлиб чиқишимиз керак! Ҳа, биринчи бўлиб...

Қани, «чанқоқ арслонлар»! Бугун 57-полкнинг куни бўлади!

Бу ҳайқириқ, бу руҳий ҳолат ҳаммамизни бошқача қилиб юборган, худди тепага эмас, текис йўлда кетаётгандек эдик. Бу руҳ оёқларимизга қувват бахш этар, чанқамайдиган, қўрқмайдиган, бутунлай бошқа инсонларга айланиб қолган эдик. Бу онлар ғанимат, аскарнинг қўрқувдан нари бўлган лаҳзалар эди. Ҳатто ўлимни ҳам менсимай, олға бораётган пайтимиз эди. Ўлимни, ўлдиришни кўзлаган бўлсангиз, у ёғи осон. Бундан кейин ярадор бўлиш ҳам биз учун ваҳимали нарса эмасди. Ишонинг, шу онда яралансангиз, оғриқни асло сезмайсиз, ҳаммаси тугагандан кейингина ярадор бўлганингизни сеза бошлайсиз. Уришаётиб, бўғишаётиб ҳам кучингиз тугамайди. Қандайдир шавқ билан, иштаҳа билан жанг қиласиз. Кўзингиздан дунё машмашалари аллақачон ўчиб бўлган бўлади. Фақат жанг, кураш, уруш... Сизга берилган буйруқлар сиз учун мадад, илҳом бўлади. «Бир қадам ҳам ортга йўл йўқ!» дейилган бўлса, сизнинг миянгизда фақат шугина қолган бўлади. Ортга юролмайсиз ҳам. Шаҳид бў-

либ, ерга қуласангизгина душман ёнингиздан ўта олиши, мудофаа чизиғингизни бузиши мумкин.

Биз «чанқоқ арслонлар» ана шундай шошилинч ҳаракатда эдик, мақсад ўша тепаликни тезроқ эгаллаб олиш эди. Шунинг учун тепаликка қандай чиқиб борганимизни билмаймиз, аммо у ерга етиб боргач, душман ҳали ҳужумга ўтмаганига гувоҳ бўлдик. Бироз хотиржам бўлиб, эски жойларимизни эгаллаганча бор имконимиз билан ўт очишни бошладик. Истеҳкомлардан чиққан инглизларнинг илк сафи батамом ер тишлади. Иккинчи сафнинг жойидан чиқишига анча вақт керак бўлди.

Душман «Ураа!» деб отилиб чиқар экан, Абдулваҳҳоб: «Аллоҳ, Аллоҳ!» дея ҳайқира бошлади. Бу овоз бутун тепани қамраб олиб, чор-тарафда кенг жаранглади: «Аллоҳ, Аллоҳ!»

Бироз ўтиб, ёрдамчи кучлар келгач, жанговар кайфиятимиз янада кўтарилди.

– Ўт оч!

Инглизлар устига тепадан туриб гўё ўқ ёмғири ёғдирардик. Бу қарши зарба уларни қаттиқ параканда қилиб юборди. Зобитлари аскарларини истеҳкомдан чиқаришга қаттиқ уринаётгани шундоқ кўриниб турарди. Аскарлар эса панадан чиқишни истамас эди.

– Ўт оч!

Худди биз кутган онлар келди. Чиққанини чиққан жойида ер тишлатавердик. Бу ишимиз натижасида ҳаммаси ўз жойига тушгандек эди. Аммо 7-чи ва 8-чи дивизиянинг аҳволи қандай, жанг қандай кетяпти – буни билолмасдик. Турган жойимиздан бир қадам ҳам силжимаганимиздек, душманни ҳам бир одим ташлатмаётган эдик. Икки дивизиямизнинг чегараларини Тел Шариа деган жойдан шимолга,

Рамла деган жойгача чўзилган темирйўл кесиб ўтган эди. Бу темирйўлдан Мусо Халил деган жойдан жануб томонгача фойдалана олмасдик, фақат шимол томонидан фойдаланишимиз мумкин эди. Бу темирйўл аслида Фармул Бақо деган жойдан тўғрига, Қуддус шаҳригача чўзилган эди. Қуддусда эса Йилдирим ўрдулари қароргоҳи жойлашган эди. Бу йўл орқали аскар ташиб келиш, мадад кучлари юбориш мумкин, лекин ёнилги тақчиллигидан бу ишлар анчайин оқсаётган эди. Тўғри, поездларни ўтин билан юргизиш мумкин, лекин бу жойларда ўтин топишнинг ўзи мушкул эди.

Баъзан аскарларга атрофдан ўтин-чўп тўплаттириб, поездни юргизишарди, лекин юк вагонлари секин ҳаракатлангани учун ярим йўлда қолиб кетарди. Шунинг учун барча ишлар чала қолиб, ўз вақтида етказилиши керак бўлган аскарлар ва зарур юклар манзилга етиб бормай қоларди. Эшитишимизга кўра, инглизлар чўлда ишларини осонлаштириш учун Хуч деган жойдан Тина деган жойгача, ундан жабҳагача темирйўл қуришибди. Хомашёлари кўп бўлгани учун улар Оқденгиз томонлардан олиб келинган кўмир туфайли поездларини осонликча юргизар эдилар. Улар Оқденгиздаги устунлиги туфайли соҳилдаги гарнизонларга керакли нарсаларни осон етказиб берганидек, бемалол бомбардимон ҳам қила олишарди. Қўшимча кучларни ҳам кемалар орқали осонгина етказиб келишарди.

На олмонларнинг, на бизнинг денгизда устунлигимиз бўлмагани учун, фақат қуруқликда жанг қилишга мажбур эдик. Бу эса урушнинг чўзилишига сабаб бўларди, айни дамда бу олмонларнинг истаги ҳам эди. Улар учун муҳими урушни чўзиш,

инглиз аскарларини Каналда[40], Фаластин ва Ироқ жабҳаларида тутиб туриш ҳамда зарар етказишдан иборат эди.

Бундан ташқари, сўнгги кунларда эшитганларимиз янада ҳайрон қолдирарли эди. Эмишки, ўша жойдаги яҳудий колониячиларига ёрдам бериш, уларнинг эътиборини тортиш учун бу ердаги Олмон Қизил Хоч мансублари ва миссионерлари жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган экан. Олмонларнинг яҳудийлар кўнглига йўл топиши ўз стратегиясининг бир қисми экани маълум бўлди.

Инглизлар биз турган тепаликни қўлга кирита олмаслигини тушуниб етган, шунинг учун ҳужумни вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлишган эди. Биз ҳам бу фурсатдан фойдаланиб, бироз нафас ростладик. Бироз тин олсак-да, кўнглимиз хавотирда. Бунинг сабаби узоқлардан эшитилаётган тўп овозлари эди. Тўп овозлари тўхтовсиз эшитилиб турарди. Агар бу отишмалар тинмаётган бўлса, демак, 7-дивизиямиз танг аҳволда қолганини тахмин қилиш қийин эмас. Устига-устак, бу бирликлар текисликда жанг қилаётгани учун, бомбардимон уларга катта зарар бериши мумкин эди. Яна эшитишимизга кўра, дивизиянинг чап қанотида мадад кучларига эҳтиёж сезилиб, бизнинг 1-батальон ўша жойга юборилиши керак экан. Ҳозир у ёқда 1-батальон аскарлари жабҳа бўлиниб кетмаслиги учун қон кечаётган бўлса керак.

Турган жойимиздан вазиятни ойдинлатишга уринар эканман, от чоптирган бир хабарчи биз томонга учиб кела бошлади. Ҳамманинг хаёлида хабарчининг яхшими-ёмонми, қандай хабар олиб келаётгани эди. Афсуски, хабарчи бизга етай деганда

[40] Сувайш канали.

оёғи остида бомба портлади. Отнинг ҳам, хабарчининг ҳам ҳавога учганини ҳайрат кўзларимиз билан кўриб турдик. От ҳавода чирпирак бўлиб айланиб, ерга гурсиллаб тушди, ортидан эса бечора хабарчи.

– Тезда ёрдамга бориш керак. Ёмон йиқилди бечора. Яраланган бўлиши мумкин. Дарҳол ёрдамга бориш керак!

От ўша жойнинг ўзида ўлди. Хабарчи эса аранг инграрди. Дарҳол бошини кўтардик, кўзини очди. Ярадор бўлмаса-да, баланддан тушгани учун ичи тўкилай деганди.

У нимадир деди, лекин тушуниб бўлмади. У пичирлагандек гапирарди. Абдулваҳҳоб унинг оғзига қулоқ тутди:

– Гапир, арслоним! Қани! Тушунмадим, нима дединг? Ҳа, яна бироз ғайрат қил, сал баландроқ гапир.

«7-дивизиянинг чап қаноти ишгол этилиш арафасида. Милтиқ найзаси билан жанг қилишмоқда. Ҳар бир батальон мадад кучлари юбориши керак... Йўқса 7-дивизиянинг аҳволи танг. Асирга ҳам тушишлари мумкин...»

Бу хабар гўё жон жойимизга санчилди. Биз вазият яхши бўлса керак деб ўйлаётган эдик, уларнинг ҳоли танглигидан бехабар эдик. Агар 7-дивизия муваффақиятсизликка учраса, бизнинг ортимиз ҳам қуршовда қолиши тайин. Икки душман ўртасида қолиб кетишимиз мумкин. Қандай қийин дамлар эди! Бунинг устига кун ҳам қиздиргандан қиздирарди. Кеч куз бўлишига қарамай, кун яхшигина қизиган эди. Сувимиз ҳам тугаб боряпти. Бу иш билан сақо Умар шуғулланади, аммо икки кундан бери атрофдаги қудуқларда ҳам сув озайиб кетгани учун янги сув манбаи топишим керак, деб юрган эди. Керак бўлса сал узоқроққа бўлса ҳам бориб, сув

топиб келаман, деди. Маҳаллий аҳолидан сув сўраса, бўш қудуқларни кўрсатишибди. У эрта тонгдан йўл бошловчи билан сув қидириб кетган. Сув келгунча сувдонларимиздаги илиб қолган сувни ичиш бизга азоб берарди. Аммо мажбур эдик. Хаёлимизда 7-дивизиянинг қай аҳволда экани бўлса, кўзларимиз сақо Умарнинг йўлида эди.

Батальон қўмондони юзбоши Меҳмет Солиҳ афанди бизнинг взводга ёрдамга боришни тайинлади.

Биз турган тепаликка эса 3-бригада жойлашди. Тепани тарк этар эканмиз, ич-ичимиздан ҳазинлик ҳис қилардик. Чунки бу тепалик учун икки-уч кун жон олиб, жон бердик. Энди эса 7-дивизияга ёрдам бериш учун кетяпмиз. Қарта ва Мугар деган жойдаги аскарларимизга етиб олиш учун камида икки соат юриш керак. Дарҳол йўлга чиқдик. Хавф-хатарни билиб турсак ҳам, юриб эмас, гўёки учиб борардик.

Йўлда борар эканмиз, Албан Бадурнинг кайфияти чоғ эди.

«Қани, шу найза жангида душман нима қиларкин? Тўп-мўп билан жанг бўларканми! Уруш дегани юзма-юз, кўкрак кериб, эркакчасига бўлиши керак! Бу инглизлар милтиқ-найзамизнинг мазасини ҳали-вери унутмаган бўлса керак? Арибурнида, Жонбайирда, Анафартада найзамизнинг қандай эканлигини кўришган-ку», дер эди ўнбоши Вали.

Шукрки, аскаримизнинг кайфияти кўтарилган, бу эса мени умидлантираётган эди. Аслида улкан дивизия тор-мор бўлаётган бўлса, кичик взвод нима ҳам қила олади, уларга қандай ёрдам бера олади? Бу сўроқ хаёлимдан кетмай қолди.

Муҳораба майдонига етганимизда душман пиёдалари Қатар тепаларини қўлга киритиш арафаси-

да экан. 7-дивизия қаттиқ қамал остида қолибди. Қанчалик ёрдам бера оламиз, ҳозирча аён эмас. Лекин биз буйруқни бажаришимиз керак. 7-дивизиянинг айрим бирликлари ортга чекина бошлаганди ҳам. Мен бу ҳолатга эътибор қилмадим-да, аскарларимга юзландим:

– Ҳолатни кўриб турибсиз. Мақсадимиз – пода ичига кириб борган бўридек душман ичига суқилиб, найза билан жанг қилиб, уларни бартараф қилиш. Мен сизларга ишонаман! Балки энг машаққатли, энг шарафли вазифамиз ҳам шу бўлиши мумкин. Ҳаммада милтиқ-найзалар тайёрми?

– Тайёр, қўмондоним!

– Бир қатор назорат қилиб олинг!

– Назорат қилдик, қўмондоним.

– Ундай бўлса, ҳужумга!

«Аллоҳ, Аллоҳ!..»

Ҳар икки бўлим аскарлари ўзанидан тошган дарёдек жон-жаҳди билан югурар, томоқлари йиртилгудек бўлиб бақирар эдилар: «Аллоҳ, Аллоҳ!..»

Ортга чекина бошлаган 7-дивизия аскарлари бизни кўргач, турган жойларида қотиб қолишди. Биргаликда ҳужумга ўтдик. Ҳар икки тараф бир-бирига қоришиб кетди. Инглизлар тўпдан отмай қўйганди, чунки бу ерда икки томоннинг ҳам аскарлари аралашиб кетган эди. Бу биз учун қулай фурсат эди. Бомбардимон тинчиган пайтда найзаларимиз билан муваффақият қозона олсак, вазиятни бирмунча тиклаб олган бўлардик.

Албан Бадур худди буғдой ғарамларини отган каби душман аскарларини у ёқдан – бу ёққа улоқтириб, ўзига йўлак очиб борарди. Орқасидан ўнбоши Вали қўллаб-қувватлаб турар, унинг ёнида эса Ўрхон билан наблуслик Абдулваҳҳоб жанг қилар-

ди. Мен бўлсам бир қўлимда қилич, иккинчисида тўппонча, Гавур Аҳмад билан ёнма-ён олишардик. Жазирамани ҳам унутиб, ўзимиздан кетган ҳолда жанг қилар эдик. Қисқа вақт ичида инглизлар чекина бошлади. Бу ҳолат бизни янада руҳлантириб юборди, ғайрат-шижоатимиз ортиб кетди. Ҳар замонда Бадур:

– Мен Македон тоғларида жанг қилдим. Мени хафа қиляпсизлар, ҳой инглизлар! Қани, кел, кел яқинроқ! – дея ҳайқирарди.

«Аллоҳ, Аллоҳ!..»

Найзаларнинг овозлари билан ярадор аскарларнинг фарёди қоришиб кетди. Бу фарёдлар туркча, инглизча, арабча, баъзан эса ҳиндча эди. Демак, инглизлар бу ерга ҳиндларни ҳам олиб келишибди.

Ўрхон наблуслик Абдулваҳҳобдан бироз айри қолди. Ўша тарафга юборилган инглиз мадад кучлари улар турган жойга яқинлаша бошлади. Ҳам жанг қилар, ҳам Ўрхонга бақирардим:

– Ўрхон, эҳтиёт бўл!

– Раҳмат қўмондоним, эҳтиёт бўляпман.

– Орқадан янги куч келяпти.

– Келаверсин газандалар!

– Бу ёндан биз томонга кел!

– Майли.

– Абдулваҳҳоб, Ўрхонга ёрдам бер!

– Бош устига, қўмондоним.

– Бўш келманг арслонларим!

«Аллоҳ, Аллоҳ!..»

«Ур-раа! Ур-раа!»

Биз «Аллоҳ, Аллоҳ!..» дея ҳайқирар эканмиз, инглизлар «Ур-раа!» деб бақиришарди. Бу шовқин-сурон ичида икки тараф ҳам ҳаёт-мамот учун кура-

шаётган эди. Баъзан улар устун келар, баъзан биз устун келардик. Нима бўлганда ҳам, ҳужумга қарши тура олаётган эдик.

Кўз қирим билан Ўрхонни излардим. Тополмагач, «Эвоҳ! Ўқ еган бўлса-я!» деб ўйладим. Аммо овози келгач, қаерда эканини тахмин қилдим.

– Кел, кел ёнимга! Келақол газандалар! Кунингни кўрсатаман ҳаммангнинг... Бадал Рашид, ёрдамга!..

Ўрхонни бешта инглиз аскари қуршаб олган экан. У найза ўқталар, душман эса чап берарди. У тинмай Бадал Рашидга бақирарди: «Рашид, кел тезроқ!»

– Ҳозир етиб бораман, бироз чида! Мана, кетяпман...

– Ҳаракат қиляпман, бештаси ўраб олди мени...

– Бешта бўлса нимаю, олтита бўлса нима?

Шу пайт ўз атрофида айланиб, душманни яқинига йўлатмаётган Ўрхон елкасидан ўқ еди. У ерга йиқилмаслик учун бор кучи билан чиранар эди. Аммо узоққа бормади, вазминлик билан тиз чўкиб қолди. Ўзини қанчалик ҳимоя қилишга уринмасин, беш душман аскарининг санчилаётган найзалари ялтираб кўринарди, холос. Буни кўрган Бадал Рашид ҳайқирганча ўша ёққа югурар экан, йўлини кесиб чиққан икки душман билан уришишга мажбур бўлди. Ўрхоннинг овози чиқмас, душман эса ҳамон унга найза санчишда давом этарди. «Ўрхоним!...» дея олдим, холос.

Атрофда жанг қилаётган аскарларимга бақирдим:

– Ўрхоннинг ёнига! Тез бўлинглар! Гавур Аҳмад, ёнимга кел!

– Келяпман, қўмондоним.

– Тезроқ!

Қўлимдаги тўппонча билан душманга ҳамла қилдим. Ўт очдим, бир-иккитаси оҳ уриб, ерга йиқил-

ди. Бу орада Бадал Рашид бошқаларига ҳужум қилди. Ортидан ўнбоши Вали, Албан Бадур ва Абдулваҳҳоблар етиб келишди. Ўша жойдаги инглизларнинг барини ер тишлатдик. Ўрхонимиз илма-тешик бўлиб, қонига беланиб, юзтубан ётарди.

– Уни олиб кетиш керак. Ортга олиб кетинг!

– Бу ҳолатда қандай ортга олиб кетамиз?

– Шу ерда қолдирайликми?

– Жанг ҳали тугагани йўқ, қўмондоним.

– Чекинсак-чи?

– Унда Ўрхон шу ерда қолади.

– Йўқ-йўқ, нима бўлса бўлсин, уни бу ердан олиб кетишимиз керак.

Бадал Рашид чурқ этмай, уни ердан кўтариб, елкалади.

– Рашидни пана қилиб туринглар.

– Эҳтиёт бўлинг, ўнгдан келишяпти!

Ҳаммамиз ўнгга бурилдик. Аммо инглизларнинг олға юришга жасорати етмади.

– Тезроқ бўлинглар! Қани, қани, тезроқ...

Шу қоянинг ортига етиб олсак, у ёғи бехавотирроқ. Муҳими, ўша жойгача соғ-омон етиб олиш. Ҳаммамизнинг бир кўзимиз қояликда, бири эса душманнинг ҳаракатида эди. Атрофга олазарак бўлиб, ортга юра бошладик. Аммо олдимизга тушган тўп ўқининг портлаши бизни ҳаракатдан тўхтатди.

– Яна бошлашди!

– Булар қийин аҳволда қолса, дарров тўпга осилар экан.

– Қани, тезроқ бўлинглар!

Бироз ўтиб, қоятошлар ортига етиб келдик. Ўрхонни секин-аста ерга ётқиздик. Худди уни хафа қилмаслик учун авайлаётганга ўхшардик. Ўрхонга афсус

билан қараб турардик. Юрагимиз ёнар-куяр, аммо тириклар яшашга, ҳозир эса душман билан жанг қилишга мажбур эдик. Зеро, аскарнинг бир қисми Гавур Аҳмад бошчилигида ҳали ҳам жанг қилаётган эди. Бу сафар ғазабимиз жўшиб, душман устига арслондек ташландик. Тўпдан ўққа тутишаётган, айниқса, 7-дивизия турган жой қаттиқ бомбардимон қилинаётганди. Бу вазиятда дивизия ортиқ чидаб туролмаслиги аниқ, лекин биз ҳеч бўлмаса турган жойимизда қаршилик кўрсатишимиз керак эди.

– Ортга! Орқага чекинамиз!

Бу батальон қўмондонининг овози эди. Ҳайрон бўлдик, дивизиянинг чекинишини тушунолмай қолдик. Тўғри, улар қийин вазиятда эди, лекин у қадар ваҳимали ҳам эмасди.

– Нима бўляпти ўзи?

Қулоқдан қулоққа эшитганимиз шу эдики, 7-дивизиянинг чап қаноти мағлуб бўлгач, орқадан қуршовда қолиш хавфи пайдо бўлибди. Бундай ҳолатда аскарни йиғиб олиш қийин бўлади, айримлар ҳатто ҳозирдан таслим бўла бошлабди. Агар иш шундай давом этаверса, 8-дивизия ҳам танг аҳволда қолиши мумкин.

– Чекинамиз! Ортга!

Взвод қўмондонлари бир-биримизга қарардик, аскаримизнинг кўзидан нима демоқчи бўлаётганини уқиб олардик. Биринчи бўлиб ўнбоши Вали:

– Чекинмаймиз! Жанг қиламиз! Қўмондоним, сўнгги томчи қонимиз қолгунча курашамиз, демаганмидингиз?

– Ҳа, шу ерда қоламиз!

– Бир қадам ортга чекинганни ўзим отиб ташлайман, демаганмидингиз? Энди ҳаммамизни отасизми? – деди.

Қийин вазиятда қолдим. Нима дейишга ҳайронман, бир томонда буйруқ, шу ерда қолиб жанг қилишни эса ўзим ҳам хоҳлайман.

– Ўрхоннинг ўчини олмадик ҳали, бу ишни шундоқ қолдириб кетолмаймиз! Ҳатто жасадини ҳам кўмолганимиз йўқ, кетмайлик, қўмондоним!

Мен жим эдим. Гавур Аҳмад «Бирон нима десанг-чи!» дегандек, менга қараб турарди. Бошимни хам қилганча ғудранардим, тишларим гўё бир-бирига жипслашиб кетган, сўзлар бўғзимга тугундек қадалганди. «Чекинамиз...» Буни қандай айтаман, шунинг учун ҳам жим турибман-да! Гавур Аҳмад мендан кўз узмас, қолганларнинг ҳам нигоҳи менга қадалганини сезиб турардим. Аскарлар оғзимдан чиқадиган қарорни маҳтал кутишарди, мен эса бу ишни муҳокамага қўймоқчи эдим. Афсуски, бунга кўп вақтимиз йўқ. Шунинг учун буйруққа бўйсунмай, шу ернинг ўзида курашиб, нима бўлсак бўлишни хоҳлардим. Аммо масаланинг бошида шунча аскарнинг ҳаёти турибди, қолаверса, буйруқ аллақачон бериб бўлинган, бўйсуниш керак. Иккиланаётган эдим; буйруққа сўзсиз бўйсунайликми ёки ўз билганимизча қарор чиқариб, шу ерда жанг қилишни афзал билайликми? Нима дейишга бошим қотган, худди жанг майдонида эмасдек, холи жойда бир ўзимиз тургандек эдим. Ҳаммага бирма-бир қараб чиқдим-да, шундай дедим:

– Қуролдош дўстлар, ҳозир нималарни ҳис қилиб турганингизни яхши биламан. Зеро, мен ҳам бошқача ўйлаётганим йўқ. Аммо юқоридан келган буйруқ, биз кутгандек эмас. 7-дивизия танг аҳволда экан. Бутун бошли дивизияга мадад кучи сифатида ёрдам бермасак бўлмайди, тўғри тушунасиз деб ўйлайман.

– Яъни? – деди кимдир.

– Нима қиламиз?

– Жанг қиламиз.

Яна бошимни эгдим. Бироз ўтиб, ҳеч айтишга тилим бормайдиган сўзни айтдим: «Чекинамиз!»

Ўртага чуқур жимжитлик чўкди. Узоқ-узоқлардан милтиқ овозларию, бақир-чақир товушлар эшитиларди.

– Қўмондоним, нега чекинамиз? Ахир биз 57-полк аскарларимиз-ку! Ортга чекиниш биз учун ор! Шу ерда қолиб жанг қилайлик, ўлсак ҳам шу ерда ўлайлик!

– Қани, дўстларим, ортга чекинамиз...

Ҳамманинг боши эгик, ҳафсаласи пир бўлган, фақат Албан Бадургина милтиғидан осмонга бир-икки ўқ узиб қўйди.

– Ҳеч бўлмаса кетар чоғим аламимни милтиқдан олай, – деди у.

– Кетяпмиз, ортда қолма.

– Мана, кетяпман.

Ўрхон ётган қоятошга яқинлашганимизда ўнбоши Вали мен айтмасимдан эгилиб, маййитни елкалади.

– Уни бу ерда қолдириб кетолмаймиз. Чекинаётган эканмиз, уни ўша ёқларга дафн қиламиз, ҳеч бўлмаса қабри маълум бўлсин.

– Ҳа, албатта.

Мугардан тўрт километр жанубга чекинишимиз керак эди. Бундан чиқди, янада ортга чекинамиз. Фақат 8-дивизиягина ҳали ҳам жангни давом эттираётгани маълум эди. Агар 7-дивизия чекинса, уларнинг аҳволи қийинлашади. Уларга ҳам ортга чекинишга буйруқ берилса-чи, деб ўйлаб қоламан. Балки жанг қилганча бир-икки одим чекини-

шимиз керакмиди? Бошқа жойларда вазият қандай, билмасдик ҳам.

Ўрхонни навбат билан кўтарардик. Ортимиздан Сами билан Рами туяларини етаклаб келиб қолганини ҳам сезмай қолибмиз. Маййитни асталик билан «какула»га ётқиздик. Бироз юргач, кичикроқ тепаликка дуч келдик.

– Мана шу ерда дафн қилсак бўлади, – дедим.

– Йўқ, – деди Абдулваҳҳоб. – Бу ерга бўлмайди, қўмондоним.

– Нега бўлмас экан?

– Афандим, бу ер қумтепа. Шамол бунақа тепаларни бир кунда бир неча марта ўрнини алмаштириб туради. Кейин қайси тепаликка кўмганингизни тополмай юрасиз, – деди.

– Унда қаерга кўмамиз?

– Яна бироз юрайлик. Қудуққа яқин жойга кўмиш керак, чунки сув манбаи доим белги бўлади, ўрни ўзгармайди. Бу ерларда минг йиллик сув қудуқлари бор, қўмондоним.

– Сен қаердан биласан?

– Мен бу жойларда кўп юрганман. Отам билан карвонда юк ташиганман. Анча олдин, болалигимда. Бу ерларни Наблусгача жуда яхши биламан.

– Яхши, сен айтганча бўлақолсин. Сақо Умардан ҳалигача дарак йўқми?

– Сувчи Умарми?

– Ҳа, ўша.

– Ишқилиб, тинч бўлсин.

– Йўғе, унга ҳеч нима бўлмайди. У бизни излаб, тополмаётган бўлса керак.

– Қаерга кетганимизни айтишар унга? Шундоқ ҳам бу жойларга сув излаб келгандир.

Хаёлимиз Умарда бўлиб қолди. Ўрхондан кейин ундан ҳам айрилишни истамасдик. Ҳамманинг ичида хавотир, лекин тилига чиқариб айта олмаётган эди.

– Умар ўзи қандай аҳволда эди?

Узоқдан сув қудуғи кўринди. Тўп-тўп хурмолар яққол кўзга ташлана бошлади. Ҳамма жим, ҳеч ким гапирадиган аҳволда эмас. Ортга чекинишимиз, Ўрхондан айрилишимиз ва бироздан сўнг уни тупроққа топширишимиз мусибатимизни баттар оширарди. Абдулваҳҳоб айтганидек, бу атрофлар қумтепалик бўлиб, юришда бироз қийинчилик туғдирар, тўпиғимизгача қумга ботиб кетаётган эдик. Оёқ кийимларимизга қум тўлиб, бармоқларимиз ун ҳолвага ўхшаб қолди. Аммо буларни ўйламасдик, бизни ўйлантираётган, ичимизни ғаш қилаётган нарса нима учун чекинаётганимиз эди. Чунки биз на Чаноққалъада, на Галичяда чекинмаганмиз. Жангда баъзан бироз ортга чекинишлар бўлиб туради, аммо ҳозир аскарга ёрдам бериш баҳонасида ортга чекиниш бизга оғир ботаётган эди. Бу ҳис-туйғу миямизни чирмовуқдек чирмаб, босқондек эгаётганди. Бу туйғуни ҳар бир қўмондон яхши билади, чунки аскарларини яхши таниса, уларнинг аҳволини ҳам ҳис қила олади.

– Қудуққа яқинлашдик.

– Аввал Ўрхонни дафн қилайлик, кейин сув ичамиз.

Бадал Рашид қудуқдан қирқ қадам юриб, икки хурмо дарахтининг ўртасида тўхтади. Сўнг бизга ўгирилиб, «Мана шу томон қибла», деди. Биз қабр кавламадик, балки бир метрга яқин чуқурдаги қумни қўлимиз билан нарига суриб қўйдик, холос. Кейин бир-икки курак қазиб, жой очдик. Ортиқча чуқур кавлашнинг ҳам зарурати йўқ эди, чунки ўл-

ган аскарларнинг мурдаси чўл ҳайвонларининг озуқаси бўлиб, ҳалитдан тепамизда ўлаксахўр қушлар айлана бошлаган эди.

Аччиқ алам билан Ўрхонни ҳам дафн қилдик. Бош томонига тошдан белги қўйдик, ёзув ҳам ёзмай, у ердан узоқлашдик.

Аскарларимиз бирма-бир камайиб боряпти. Ётибмиз. 57-полкнинг «чанқоқ арслонлари» қайноқ қумларга бағрини бериб, алам билан ётарди.

Чўлнинг аёвсиз иссиғида салкам тўрт километр юришимиз керак, юрар йўлимиз бошдан-оёқ қумлик. Шунинг учун тўйиб-тўйиб сув ичдик, идишларимизга тўлдирдик ва яна йўлга тушдик.

Яна жимлик. Ҳеч ким оғзини очиб гапиргиси келмасди. Фақат қумда юришдан безиб кетган Албан Бадур:

– Қурбонинг бўлай, Македон тоғлари! Ҳар тарафи сувга мўл, ҳар ёни соя-салқин. Бу қумларда юриш нақадар машаққатли-а? – дер эди.

Унга ҳеч ким жавоб ҳам қайтармади, эътироз ҳам билдирмади. Бадур ўзига ўзи гапиришда давом этди:

– Чўлу биёбонлардан иборат юртларда жанг қил. Ёш-ёш йигитларни тупроққа топшир. Тупроқ бўлса ҳам гўрга эди, қумга, қумга... Бу чўғдек қумлар бизни ҳам ютади, Усмонлини ҳам ютади...

– ...

– Усмонли таслим бўлмайди.

– Таслим бўлмайди?

– Ҳа, таслим бўлмайди.

– Шунинг учун чекинаётган эканмиз-да?

– Бўлди!

– Бас қилинглар! Йўлингиздан қолманг! – дедим жаҳл билан. Чунки бу тортишув узоқ давом этади-

ган кўринади. Ҳа, тўғри, чекиняпмиз, яна қанчага – тўрт километр ортга-я!

– Қўмондоним, биз ортга чекинишга ўрганмаганмиз.

– Мен ҳам ўрганмаганман. Лекин шундай қилиниши керак экан, шунга буйруқ берилган экан, қўлимиздан нимаям келарди, бўйсунамиз-да. Ташвишланманглар, 57-полкнинг шаънига доғ туширмаймиз. Бу ерларда ҳам достонлар ёзамиз ҳали.

– Ортга чекинганимиз ҳақида достон ёзамизми?

– Ўнбоши Вали, нима демоқчилигимни жуда яхши тушуниб турибсан. Худди шу тупроқларда ёзамиз достонимизни. Муҳими, вазифамизни сидқидилдан бажариш. Жангда чекиниш ҳам, олға боришлар ҳам бўлиб туради..

– Лекин бу тактика бўйича чекинишмас-ку!

– Аслида бу йиғилиб, куч тўплаб олишимиз учун бир фурсат.

– Чекингандан кўра ўлганимиз яхши эди.

Ортиқ чидаб туролмадим, тўппончамни чиқариб ҳавога отдим.

– Етар! Бундан сўнг кимда-ким чекиниш ҳақида бир оғиз гапирса, пешонасидан дарча очаман. Тушунарлими ҳаммага?

– ...

– Тушунарлими деяпман?

– Тушунарли, қўмондоним.

– Ҳа, шундай бўлсин. Юришда давом этамиз.

Яна жимлик ҳукм сура бошлади. Қумларда оёқларимизни судраб босардик. Хаёлимизда эса сақо Умарнинг қаердалиги ва бизни қандай топиб келиши эди. Унга бирон гап бўлган бўлса-я? Сув излаб, узоқроқларга кетиб қолган бўлса, бошига ташвиш

тушиши мумкин эди-да. Чунки бу ёғи Оқденгиз яқин, соҳилда душман гарнизони жойлашган, бир томондан урбанларнинг ҳужуми ҳам турган гап. Уларнинг қилмишлари ҳақида этларни жунжиктирувчи воқеалар эшитаётган эдик.

Ҳарбий корпус бошлиғининг буйруғига асосан 57-полк бор қуввати билан Мугар қишлоғига чекиниши керак эди. Бу жойда ҳимоя учун ҳандақлар қазишимиз буюрилган. Шунинг учун бизнинг батальонга яна иккита ротани қўшиб, Акир қишлоғига жойлашиш ва ҳимоя манзилларини назорат қилиш вазифаси топширилди. Шоша-пиша Мугар қишлоғига етиб келдик. Полкнинг бошқа кучлари шу жойда қолди, биз эса Акир қишлоғига қараб жўнадик. Мугар ҳам, Акир ҳам хурмо дарахтлари билан ўралган кичик қишлоқлар экан. Атрофда текис томли беш-ўнта уй бор экан, холос. Акир қишлоғида жуда ширин сувли қудуқ борлигини эшитиб, севинганча тез юриб кетдик. Сувга яқин келгач, аскарлар қудуққа ҳужум қилгандек ёпирилишди. Сув талаш бўлиб кетди. Ҳамма биринчи бўлиб сув ичишни, идишини тўлдириб олишни хоҳларди. Биз – икки взвод қўмондонлари бу ачинарли аҳволни жимгина кузатардик. Лекин вақтимиз бемалол эмас, шунинг учун аскарларнинг қаршисига чиқишга мажбур бўлдик.

– Тўхтанг! Ўзингизни қўлга олинг! Навбат билан олса бўлади-ку! Сув ҳаммага етади. Ҳой, қулоқ солинглар ахир!

Лекин аскарлар бу гапларнинг ҳеч бирини эшитмагани етмагандек, оломон баттар қоришиб кетди. Улар бир-бирининг устига чиқиб кетар, ҳатто ёқалашишгача боришарди. Уларни тинчлантириш, назорат қилишимиз керак эди. Бунақа пайтда ким ҳам

гапга қулоқ соларди? Тўппончамни чиқариб, осмонга қараб отишга мажбур бўлдим. Аскарлар қотиб қолишди. Ҳамма ажабланиб, менга қараб қолди.

– Навбатма-навбат олинглар сувни! Кейин идишларни тўлдирасизлар. Акс ҳолда ҳеч кимга сув ичирмайман! Қудуққа навбатсиз яқинлашганларни аямай отаман!

Шеригим, взвод қўмондони Ҳилми Бей жанжал бироз тинчиганини кўриб, шундай деди:

– Яшавор, дўстим, Аҳмад Музаффар!

Аскарлар ғудранганча навбатга тура бошлашди. Сув тортиб, идишларга қуйиб туриш учун қудуқ тепасига иккита аскарни қўйдим. Сув олиш машмашаси бир соатча давом этди. Ҳамма аскарлар сув ичиб, бироз ўзига келгач, манзилга йўл олдик. Борар жойимиз қум-тошлоқ жойда ярим белдан келадиган қилиб қазилган чуқурлар экан. Бироз тепароққа жойлашгани учун келаётган душманни кузатишга жуда қулай жой экан.

Ҳимоя чуқурларига энди жойлашган ҳам эдикки, шум хабар келди: душман отлиқлари Мугар ва Қатар теварагидаги бирликларимизга шиддатли ҳужум бошлабди. Бизнинг вазифамиз эса ортга талафотсиз чекинишни таъминлаш эди. Демак, инглиз отлиқларига ҳужум қилишимиз керак. Қўмондонлар бир жойга йиғилиб, маслаҳат қилдик, кейин қарор қилиб, ҳужумга шайландик. Ҳимоя чуқурида ҳам эҳтиёт шарт қўшимча аскар қолдирадиган бўлдик. Турган жойимиздан янада олдинроққа, тепароққа чиқдик. Бу ердан атроф кафтдек намоён бўларди. 7-дивизия аскарлари чекина бошлабди. Душман отлиқлари бор кучи билан от солиб, аскаримизга кўпроқ зарар бериш пайида эди.

Батальон қўмондонимиз юзбоши Меҳмет Солиҳ афанди:

– Бироз кутайлик, – деди.

– Нима учун, қўмондоним?

– Яқинроқ келишсин. Шунда уларни қатор ўт очиб кутиб оламиз, нима бўлаётганини тушунмай қолишсин.

– 500 тача от бор-ов!

– Майли, нима қипти? Бу атроф ҳозирча бизнинг қўлимизда-ку.

– Менимча, ортга чекинганлар ҳам яна қайтиб жангга киришади.

– Ҳа, шундай бўлади, иншааллоҳ. Ўшанда бу отлиқларни ер тишлатишимиз мумкин бўлади.

– Иншааллоҳ.

Беш юзга яқин отнинг оёғи остидан кўтарилаётган чанг-тўзон бутун водийни қоплаб олган. Булутдек бу тўзон аскарларимиз томон яқинлашаётган бўлса ҳам, душман отлиқлари бизга ён томондан яқин келиб қолганини сезмаётган эди. Ҳаяжон тўла кутиб турибмиз. Отишга буйруқ берилмасидан аввал ўнбоши Валига дедим:

– Ўнбоши!

– Эшитаман, қўмондоним!

– Албан Бадур иккингиз олдинга ўтинг.

– Бош устига!

– Ҳар отганда камида биттасини қулатиш керак. Ўйланиб ўтириш йўқ. Лекин отларга отманглар.

Ўнбоши:

– Нишонга уролмаганимни кўрдингизми ҳеч? – деди.

Албан Бадур:

– Мана энди хафа бўлдим, қўмондоним, – деди.

– Қани, ҳамма жой-жойига! Ҳали замон отишга буйруқ бўлиб қолади.

– Хўп бўлади, қўмондоним.

Чанг-тўзонда қолган отларни ҳам, душман аскарларини ҳам бемалол кузатиб турибмиз. Ҳамма жангга тайёр, қўлларимиз тепки устида эди. Чекинаётган аскарларимизни кўриб, уларга ачинардик, тезроқ ўт очишни истардик. Ҳамманинг кўзи батальон қўмондонида. Ҳамма унинг буйруғини интизорлик билан кутяпти. У бўлса дурбин билан вазиятни кузатарди.

Бироз ўтиб, кескин овозда буйруқ янгради:

– Ўт оч!!!

Ҳаммамиз бараварига ўт очиб, ён томондан душманга қақшатқич зарба бера бошладик. Душман бирма-бир отлардан қулар, ҳаммаси саросимага тушиб қолган эди. Бундай бўлишини кутмаган бўлса керак-да, бироз тарқалган бўлдию, кейин яна ўзини ўнглаб олиб, аскарларимиз устига от босишди.

– Ўт оч!!!

– Отларга отманглар! Ўт оч!

– Аллоҳим, шу аскарларимиз ортга қайтиб, ўт оча-чи!... Қочманглар-эй! Ортга қайтинглар...

Биз бу ерда гапирганимиз билан аскарларимиз чекинишда давом этарди. Бундай тўхтамга келиш биз учун осон бўлмади. Боз устига, ҳозирча душман тўплардан ўт очгани йўқ. Чунки отлиқлар ортга қайтмай туриб, тўплар отилмаслиги аниқ. Бу фурсатдан фойдаланиб қолишимиз керак. Бунақа имкон қайта келмаслиги мумкин, лекин афсуски, аскаримиз қочишда давом этарди.

– Оббо! Бу аскарлар нега қайтмайди-я? Бизнинг отишимиздан фойдаланиб қолса бўлмайдими? Қайт орқангга, қўрқоқлар!..

– Бадал Рашид!

– Эшитаман, қўмондоним!

– Дарҳол отга мин-да, бориб айт, аскарлар ортга қайтиб, ўт очишсин!

– Бош устига!

– Ўт оч!

Бадал Рашид бир от топиб келиб, пастликка қараб чоптириб кетди.

Мен эса аскарларимга бақирдим:

– Бадал Рашидни ҳимоя қилиб туринглар!

Батальон қўмондонимиз яна:

– Яша, Аҳмад Музаффар! – деди.

Беомон ўт очавердик. Отлиқларнинг бир қисми биз томонга бурилди. Энди қаршимиздаги душманга ўт оча бошладик. Бадал Рашид чанг-тўзон орасида бир он кўринди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Мен тинмай «Етиб бора олдимикин ишқилиб? Душман ўқига дуч келмадимикин», деб ўйлар, бир томондан ўт очишни ҳам тўхтатмас эдим.

Ниҳоят, қочаётган аскарларимиз ортга қайтиб, отлиқларга қарши ҳужумга ўта бошлашди. Душман отлиқлари қийин вазиятда қолди. Айримлари ортга қайтмоқчи ҳам бўлдию, ўқ ёмғирига дуч келди. Бироз ўтиб, бутунлай тарқаб кетишди. Кими қочар, кими эса ҳали ҳам жанг қиларди. Таянч нуқталари заифлашгач, оқ байроқ кўтариб, таслим бўлишди. Ортга чекинган аскарлар ҳам бу кичик ғалабадан ғурурлана бошлашди. Биз эса таслим бўлиш байроғини кўргач, отишни тўхтатдик. Севинчдан ичимизга сиғмасдик. Бироз ўтиб, отда Бадал Рашид етиб келди.

– Жангга етиб боролмадим, жин урсин! – деди у.

– Иш битди, таслим бўлишди, – дедим мен.

– Ҳа, келаётиб кўрдим.

– Соғ бўл, Рашид.

– Ҳечқиси йўқ, қўмондоним. Лекин мен ҳам бир-икки ўқ отиб қолай дегандим-да.

– Қўявер, келаси сафар отарсан. Қани, жойингни эгалла.

– Хўп бўлади!

Бу воқеа ўзимизга ишончимизни янада орттириб юборди. Фурсатдан фойдаланиб, аскарларга шундай дедим:

– Сизларга нима дегандим? Бу жойда вазифамизни аъло даражада бажарамиз, достонлар ёзамиз, деганмидим? Қаранглар, отлиқ аскарлар таслим бўлишга мажбур бўлишди, энди 7-дивизия хотиржам чекиниши мумкин. Ҳаммага раҳмат! Шунинг учун, қандай ҳолат бўлса ҳам, ноумид бўлмайлик! Баъзан ортга чекинсак ҳам, фақат зафар билан чекинамиз!

– Ишонамиз, қўмондоним!

– Биз ким – 57-полк аскаримиз! «Чанқоқ арслонлар»миз! Яшасин!

– Яшасин Усмонли! Яшасин ўрдумиз! Инглизларга лаънат!

Аскарлар жўшар, бақириб-чақириб, бир-бирининг шавқини келтирарди. Мен ҳам уларнинг хурсандчилигига шерик бўлишни истардим.

– Яшасин аскарларимиз!..

Аммо бир неча кун кейин эшитилган шумхабар хурсандчилигимизнинг белига тепди, ҳатто ғазабимизни қайнатиб юборди. Нима бўлибди десангиз, жангда инглиз отлари қўлга киритилган эди. Бу отларнинг энг яхшилари олмонларга, заиф ва нўноқлари эса биз – турк аскарларига қолибди. Ҳатто энг кичик рутбали олмон зобитига ҳам от берилибди. Отларни отиб ташласак бўлар экан, деганлар ҳам бўлди орамизда. Баъзи олмон зобитлари яхши

отларни олиб, яширинча турк зобитларига пуллашибди ҳам. Бу олмонлар жангда орқадаю, ўлжа тақсимлашга келганда энг олдинда бўлишяпти.

Начора, яна кута бошладик. Қишлоқда, ҳимоя чуқурларидаги аскарларимиз ҳам ғалаба нашидасини сурарди. Лекин шу олмон зобитларининг қилган ишини эшитгач, уларга нисбатан нафратимиз ортди. Энди бу ёғига нима бўлади? Бизга яна қандай вазифа юклатиларкин? Ўй-хаёлимизда шу тушунча, аммо жанг майдонларида ишлар ижобий эмаслигини орқаворотдан эшитаётгандик.

Сақо Умардан ҳали ҳам хабар йўқ эди. Қаерга кетган бўлиши мумкин? Бошига нима иш тушганини ҳам билмаймиз. Бизни тополмаган бўлса керак, деб яхши гумон қилиб ўтирибмиз. Сўраб-суриштириб бўлса ҳам топиб келишидан умидвор эдик. Кўрайлик-чи, қай бурчаклардан чиқиб келаркин!

Эртаси куни яна тинчимиз бузилди: кечаги отлиқлар ўрнини бугун пиёда аскарлар эгаллади. Уларга отлиқлар ҳам қўшилиб, Акир қишлоғи томонга юра бошлашди. Душман қаршисида бу жойда қолишимизнинг имкони жуда оз бўлса-да, барибир шу жойда қолиб, вазифамизни бажаришимиз керак эди. Батальон қўмондонимиз охирги вазият юзасидан йиғилиш ўтказди. Келаётган душман кучларини 150 кишилик кучларимиз қарши олади, қолганларимиз эса Қатра томон чекинишимиз керак эди.

Яна чекиниш, душманни чалғитиш. Бу ҳолат қачонгача давом этаркин, Аллоҳим! Бу 150 кишилик мудофаа кучларига менинг взводим ҳам қўшилган, мен ҳам аскарларимиз бошида эдим. Тайёргарликлар ниҳоясига етди. Сафнинг олд қисмига мерганларни, милтиқни яхши ишлата оладиганларни тердим. Орқадагилар эса найзалар билан ҳу-

жумга ўтишади. Ортимда бироз эҳтиёт қувватлари ҳам қолдирдим. Биз асосан душманни чалғитиб, чекинаётган қўшинимизнинг хавфсизлигини таъминлашимиз керак. Бу жуда муҳим топшириқ эди.

– Тайёрмисиз, арслонларим? – дедим.

– Тайёрмиз, қўмондоним!

– Дўстлар, бу сафар аҳвол анча жиддий. Ҳар нарса бўлиши мумкин, лекин умидимизни йўқотмаймиз, Аллоҳ ҳамиша биз билан, мазлумлар ёнида бўлади. Биз қўлдан келганини қилайлик, қолгани Аллоҳдан. «Чанқоқ арслонлар»га хос жанг қилайлик. Энди эса ҳаммангиз мендан рози бўлинглар!

– Розимиз!

– Мен ҳам сизлардан мингдан-минг розиман, йигитлар.

Аскарлар бу гапимдан вазиятнинг қанчалик қалтис эканини тушунишди. Ҳақиқат шуки, душманни тўхтата олсак, биз ҳам атрофни назорат қилган ҳолда чекинишимиз мумкин эди. Бунга имкон бўлса, албатта.

Биз қолар эканмиз, кетадиганлар билан видолашдик. Ҳамма бизга ачиниб қарарди. Кўздан нари бўлганимизни ўйлаётган бўлсалар керак. Ҳамма егулик ва сувларини бизга қолдиришди. Йўлга тушдик. Полк санжоғи сал олдинроқ олиб кетилган. Бундай тиғиз пайтда санжоқнинг бу ерда туриши тўғри эмас. Санжоқ доим энг ишончли, аскарга яқин жойда сақланиши керак. Аскарларимиз санжоқнинг ортга чекинишини маъюс кузатар экан, олд сафда ҳилпирашини фахр билан томоша қилишни истарди. Чунки ўша байроқда ўзини кўради. Санжоқ ортда бўлса, демак, ишлар жойида эмас. Жангда ҳилпираган байроқ аскарнинг ҳар нарса-

си, бутун борлиғи, ор-номуси, шон-шарафи бўлади. Бу байроқ уларни бирлаштиради.

– Келаётганлар кўпга ўхшайдими?

– Ҳа, бу сафар кўп, шекилли.

– Демак, иш жиддий.

– Майли, нима қипти? Қанча қийинчилик кўрганмиз ахир.

– Бу галгиси сўнгги вазифамиз бўлса керак.

– Ким билсин, балки...

– Бу сўнггиси бўлса, аъло даражада бажаришимиз керак.

– Ҳа, аъло даражада.

– Бор кучимиз билан курашамиз, дўстларимиз бемалол кетиши учун жонимиздан ҳам кечишимиз керак.

– Биз ҳалок бўлсак ҳам, улар яшаши керак.

– Ўлиш билан яшашда давом этиш... Шундайми?..

Суҳбатимиз шу тарзда давом этарди. Қароримиз қатъий, иймонимиз бут эди. Вазифани муваффақият билан бажаришга онт ичганмиз... Кеч бўлган сари оғир жимлик чўка бошлади. Тонг оқара бошлаши билан муҳораба бошланиши маълум эди. Кечаси билан деярли ҳеч ким ухламади. Бундай пайтларда аскарлар нимани ўйлашини яхши биламан. Ўлимга яқин бўлиш ҳаётни сарҳисоб қилиб олишга имкон беради. Ҳаётингизнинг энг гўзал онларини, яқинларингиз ва севган инсонларингизни кўз ўнгингизга келтирасиз.

Жанг майдонларида вақт жуда узунга ўхшаб туюлади, инсон гўё уни тўхтаб қолишини истайди. Ажал билан юзма-юз бўлиш ёки бироздан кейин сўнгги нафасни чиқариш аниқ бўлгач, охирги дақиқаларингизда ҳам ҳаётга маҳкам ёпишгингиз келади. Бирданига ўзингизда кутилмаган азму қа-

рор ва тенгсиз қувват ҳис қила бошлайсиз. Бу ҳиссиёт сизни бутунлай бошқа инсонга айлантиради. Муҳорабада ақлдан озгандек жанг қиласиз. Кўзингизга қон тўлади, ҳеч нарсани ўйламайсиз, душмандан ўзгани кўрмайсиз. Ўлим яқин турган пайтда жон сақлаш учун жанг қилиш ўзгача бўлади. Қисматингиз ҳаётдан узилдими, ўлим муқаррар. Лекин фақат ўлимни кўзлаб йўлга чиққан бўлсангиз, бу ҳолат сизни ҳайрон қолдирмайди. Мен жангларда қанчадан-қанча шаҳидларнинг сўнгги нафасини олаётганда хотиржам, тақдирга рози ҳолатда бўлганига гувоҳ бўлганман. Ўлим ҳар бир жоннинг бошида бор нарса. Аммо Ватан учун, халқинг учун жанг қилганингда ўлим сенга муждалар, хушхабарлар билан келади. Баҳор диёрларидан сарин еллару хушбўй гул ифорлари билан келади бундай ўлим. Бундан қалбингизда ифтихор туясиз. Бу – шаҳидларга инъом этилувчи хуш туйғу, ўзига хос ифтихор. Бу уларнинг ҳақидир, жонлари эвазига берилур...

Боя ҳандақда кечаси билан ҳеч ким ухламади дедим. Ҳақиқатан ҳам, бундай пайтда уйқу келмайди. Бунда бир-бири билан гаплашиб ўтирганлар, оиласи, юрти ҳақида сўзлаётганлар, субҳнинг ёришишига кўз тикиб ўтирганлар ва албатта, кичкинагина Қуръон китобини чиқариб, ўқиганлар, бу улуғ илоҳий китобнинг инсонларга эсонлик, ҳузур-ҳаловат берувчи иқлимини қалбларида акс этишини истовчилар бор эди. Аскаримиз учун энг оғир нарса – неча кундан бери эгнидан еча олмаётган кийим-кечакларини ювa олмаслиги эди, чунки бит босган кийимлар ичида қашланавериб, хуноб бўлгандик. Шу пайтгача бирон касалликка чалинмаганимизнинг ўзи катта ютуқ эди. Ҳолбуки, Истанбулдалигимиздаёқ бошқа бирликлар-

даги аскарлар терлама касалига дучор бўлганини эшитар эдик.

Бу сўнгги дамларимизда тозалик жуда муҳим эди. Аскарлар кечаси совуқ бўлишига қарамай, кийимларини ечиб, битдан тозалашарди. Таҳорат қилмоқчи бўлганлар эса сув тополмаса, қумга ва ҳатто милтиғининг қўндоғига қўл суриб, намозни таяммум билан ўқишар эди. Қироати гўзал бир аскар оқараётган уфққа қараганча Қуръон тиловат қиларди. Инсонга ҳузур берувчи, қалбларга саринлик бахш этувчи бу овозга барча қулоқ осарди. Бошлар эгик, бор жимжитликни узоқлардаги шоқолларнинг увлаши бузарди. Шоқол – чўллардаги энг фойдали ҳайвонлардан бири, чунки у бу ернинг тозаловчиси ҳисобланади. Улар хоҳ душмандан, хоҳ ўзимиздан бўлган аскарларнинг кўмилмай, бир четда қолиб кетган лошини еб битириб, қуруқ устухонини қолдиришарди. Буларнинг базмига калхатлару ўлаксахўрлар шерик бўлардилар.

Инсоннинг мозори чўлда бўлиши ғалати. Масалан, Ўрхоннинг қабри изсиз бир тепаликда, икки хурмо дарахтининг ўртасида ёлғиз турибди. Мен усти наридан-бери кўмиб қўйилган, кучлироқ шамол келса, қуми учиб кетиб, маййитнинг усти очилиб, худди кўмилмагандек бўлиб қолган мозорларни кўп кўрдим. Бу пайтни пойлаб турган ёввойи ҳайвонлар эса тунги базмни бошлайди.

Бу ҳолат Усмонли давлатининг ҳозирги аҳволига жуда ўхшарди. Душман хаста, жони чиқай деб турган давлатни мана шу Фаластин чўлларида парчалаб ташлаш, бўлаклаб қумларга кўмиб, бу улкан чинорнинг шохларини бутаб, йўқ қилиш учун ҳужумга тайёрланаётган эди. Бу сўнгги жабҳа эди. Бу жанг майдонида Усмонли ё тирик қолади, ё қумлар остида қолиб, тарихга кўмилади.

Ой шуъласи ҳимоя чуқурларимизни ёритарди. Ҳатто бир-биримизни бемалол таний олардик. Бу узун кеча биз учун кўп ишларимизни битириб олиш имконини бераётган эди. Ҳаммамиз охиратга, ўлимга ва яқинларимизга доир чуқур ўйга толгандик. Бундай лаҳзаларни бошидан кўп ўтказган инсон сифатида айта оламанки, жангда ғалаба қозонсак ва гўё ҳаётга янгитдан қайтсак, ўйлаган ўйларимиз туфайли ўзимиздан ҳам уялиб кетамиз.

Қуръон ҳофизи қироатини тугатиши билан ўрнимдан турдим. Неча кунлаб йўл юрган оёқларимиз бугунгидек ўтириб қолса, бирпасда уюшиб қолар экан. Ҳандақлар бир-бирига ўхшарди. Бу жойлар – аскарларнинг қатор тизилиб, елкама-елка бўлиб, энг қийин лаҳзаларни бирга баҳам кўрувчи макон. Улар она тупроқнинг ўша мушфиқ, меҳрибон тафтини шундай дамларда янада теран ҳис қиладилар. Ота-оналаридан айрилиб келган бу ёш ниҳоллар узоқ ўлкаларда номсиз-нишонсиз қабри қолишини ўйлай бошлайдилар ва ўзларини янада омадли ҳисоблайдилар. Қисқаси, мозорининг шундай жойларда бўлиши улар учун буюк неъмат ҳисобланади.

Чўл манзараси кечаю кундуз гўзал. Айниқса, кўкдаги юлдузларни айтмайсизми. Улар шунчалик яқин ва порлоқ кўринадики, ҳайрон қоласиз. Осмоннинг тунги гўзаллиги, юлдуз учиши, Сомон йўлининг муҳташам кўриниши бу сўнгсиз коинотдаги буюк Мусаввирни эслатади.

Чўлда кундузи 45-50 даражада иссиқ бўлса ҳам, кечалари совқотасиз, чунки тунда –5, баъзан эса –10 даража совуқ бўлиши ҳам мумкин. Бу кескин фарқ инсонни жуда толиқтиради. Кундузлари ҳолвадек эрийсиз, кечалари эса совуқдан титраб-қақшайсиз. Аммо нима бўлса ҳам, чўлда кечанинг салқинлиги

ёқади. Ҳандақлардаги аскарлар эса бир-бирининг пинжига суқилиб, исинишга ҳаракат қиладилар.

Сақо Умардан хабар бўлмади, унинг қисматини ҳам билолмадик. Бадал Рашид, ўнбоши Вали, Албан Бадур, наблуслик Абдулваҳҳоб, Сами билан Рами, Ҳасан, Гавур Аҳмад – баримиз биргамиз. Карим билан Ўрхонни тупроққа топширдик. Борган сари камайиб, йўқолиб боряпмиз. Худди денгизга тушган қор парчаларидекмиз. Қумтепалардек бир жойдан иккинчи жойга совуриламиз.

Тонгнинг илк нурини ана шундай ўй-хаёллар билан қарши олдик. Мени эса Гулниҳолнинг хаёлимга келмагани ҳайратлантирарди. Бу ҳолатга ҳайрон бўлаётгандим. Хайрли бўлсин, иншааллоҳ.

Олисларга боқаман. Душман катта куч билан келмоқда. Олдинда отлиқлар, орқада эса пиёда аскарлар. Бомбардимон бўлади, шекилли. Ҳозирча тинч, шунисига ҳам шукр!

– Келишяпти! – деди бир аскар.

– Келаверсин, кўрамиз!

– Бизни довдиратиб қўядиганга ўхшайди-ёв!

– Бу ерни осонликча бериб қўймаймиз.

– Маҳкам турайлик, орқадаги қўшин бемалол манзилига етиб олсин.

Бу гапларни аскарлар гапираётган эди. Қарорларида қатъий экани маълум. Бу ҳолат эса биз қўмондонлар учун яхшиликка ишора эди. Аскарлардан бири ҳали ҳам ҳандақ ичида намоз ўқир эди. Туни билан намоз ўқиб чиққанлар ҳам бор.

Албан Бадур:

– Ўҳў-ў, оломон-ку! – деди.

Бадал Рашид:

– Бундан ҳам кўпини кўрганмиз, – деб жавоб берди.

Ўнбоши Вали:

– Яқин келаверсин-чи.

Ҳасан:

– Худди шошадиган иши йўқдек бемалол-ку булар.

Сами:

– Ким ҳам ўлимга шошиларди.

Рами:

– Буларда аскар ҳам, қурол ҳам тугамайди-я. Ё Аллоҳ, мана бу отларнинг гўзаллигини қаранглар! Ҳаа, жонивор-а, – дер эди.

«Бу отларни олмонларга қолдирмаслик керак», дейман ичимда. Ҳақиқатан ҳам роса боқилган, чиройли отлар экан. Ораларида бир ўркачли туялар ҳам бор. Кейинроқ билсак, бу туяларни миниб олганлар – инглизлар билан тил бириктирган урбанлар, яъни талончилар, чўлнинг қароқчилари экан. Улар ҳар қандай фурсатдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланади. Олтинни жуда яхши кўришади. Ким кўпроқ тўласа, ўшанга хизмат қилиб кетаверади. На диндошликни, на миллатдошликни тушунадилар. Улар Усмонлининг кучайган пайтларида ҳам бошга бало бўлишган, йўлда ҳажга отланганларни талашган. Энди эса Шариф Ҳусайн бошчилигида Усмонлини тор-мор қилиш учун бор имкондан фойдаланиб қолишяпти. Бир пайтлар ҳар бир мазлумнинг ҳимоячиси бўлган Усмонли эндиликда ўзи ҳимояга муҳтож. Ўша пайтларда мазлум бўлганлар бугун золимга айланиб, қон тўкиб, қасос олишда гўё мусобақалашаётган эди. Масалан, Андалусиядан қутқарилган яҳудийлар. Улар ҳам бундай машмашаларни ўзига фурсат деб билиб, қўлидан келганча инглизларга ёрдам беришяпти. Булар бир умр жосуслик билан машғул эди, эндиликда эса колонияларини кенгайтириб, келажакда алоҳида давлат қуриш ни-

ятида. Уларни на инглизлар, на олмонлар бўлиша олади. Усмонли уларни бир ўлимдан асраб қолганини бирпасда унутишибди, шекилли. Аммо ҳақиқат шу – йиқилма, синма. Йиқилдингми, ёнингда дўст қолмайди. Бир замонлар олдингда қўл қовуштириб турганлар бугун келиб, сени отишга чоғланган.

Отлиқлар отларни тисаришди, бироздан сўнг пиёдалар етиб келишди.

Аскарларга:

– Тайёрланинг!!! – дедим.

– Тайёрмиз!

– Милтиқлар елкага, нишонга ол!

Биз уларнинг янаям яқинроқ келишини кутяпмиз. 150 нафар жангга шай турган аскар инглизларга қарши туриши керак. Ўзимизни аллақачон оламдан ўтган деб ҳисоблардик. Шундай тиғиз пайтда ақлимга Гулниҳол келса бўладими! Тўғриси, унга берган мактубимни эслаб, масхараомуз кулиб қўйдим. Ичимдан: «Аллақачон хатимни ўқиган бўлса керак. Хаёлига нима ўй келди, билмайман. Оҳ, Гулниҳолим-а... Ширин хаёлсан, ғунча гулим... Алвидо, яхши қол... Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлсин...» – дедим.

– Ўт оч!!!

Қўққисдан айтилган бу ҳайқириқдан ўзимга келдим. Аскарлар бараварига ўт оча бошладилар. Яна ва яна...

Душманнинг отлиқлари бизга қарши ўт очар, ортидан пиёдалар ёйилиб келарди. Биз эса тинимсиз отиб, уларнинг йўлини тўсмоқчи эдик. Лекин уларни тўхтатиш тугул, ҳатто секинлата олмадик. Душман тез яқинлашиб келарди. Орамиздан ўқ еганлар ҳам бўлди. Бирорта аскар «Оҳ» деб чуқурга йиқилса, Сами билан Рами югуриб бориб, уни замбилга ётқизар, сўнг ярасини боғлаш учун ортга олиб кетишарди.

Албан Бадур:

– Ёмон келишдию, а? – деди.

Ўнбоши Вали:

– Нима бўлди, македониялик, қўрқиб кетдингми?

– Мен македонияликмас, албанман.

– Нима бўлса ҳам-да.

– Менга қара, шу гапинг бўлмади-да! Энди хафа қилдинг, ўнбоши.

– Хафа бўлма, нариги дунёга кўчиш арафасидаман. Бировни хафа қилиб кетишни истамайман.

– Ўлиш ҳеч нарса эмас.

– Бу нима деганинг?

– Мен Македон тоғларида ўлишни истардим.

– Энди танлаш имконинг йўқ, Бадур.

– Аллоҳ билади...

– Оҳ, қайсар албан... Албатта, ҳар нарсани У билади. Бунга ҳеч ким эътироз этолмайди.

– Жағинг бирам очилдики! Ундан кўра тепкини боссанг-чи!

– Отяпмиз, Аҳмад қўмондон! Орада гаплашяпмиз ҳам.

– Гап сотишни бас қилинг! Қани, Албан Бадур, қани ўнбошим!

Шу қадар тинимсиз ўт очаётган эдикки, милтиқларимизнинг ўқ пояси (стволи) чўғдек қизиб кетди. Бундан ўзимиз ҳам хавотирда эдик, лекин «Ўт очишни тўхтат» деган буйруқ берилмагунча отаверамиз. Душман томоннинг ҳам ўт очиши борган сари кучайиб борар, улар секинлик билан бўлса-да, олдинга юраётган эди. Биз эса турган жойимиздан қимирлай олмасдик.

– Жуда яқин келиб қолишди!

– Ҳа, кўриб турибман.

– Биз ҳали ҳам жойимиздан жилмадик.

– Ҳа! Жойимизда қоламиз.

– Менга деса довул бўлсин, бўрон бўлсин, бор ана, қишнинг қора совуғи бўлмайдими! Келаверсин газандалар, биз шу ердамиз, – дер эди Гавур Аҳмад.

– Зўр гаплар гапирдинг-да!

– Соғ бўлинг, қўмондоним.

– Сен билан Галичяда ҳам жанг қилдик. Бу ерда ҳам биргамиз, Аҳмад. Балки елкама-елка жанг қилар чоғимиз бирга шаҳид бўлармиз?

– Бу мен учун ҳам бахт, ҳам шараф бўларди.

– Мен учун ҳам...

– Агар бу улкан давлат чўкар бўлса, унинг чўкишини кўрмаган бўлардим.

– Тўғри айтасан.

– Диққат, душман яна ҳужумга ўтди!

– Бу гал ёмон келди-ку бу инглиз деганлари...

– Ўнгга, ўнгга!... Бир қисм марказда қолсин.

– Чап томон-чи?

– Ҳозирча у томонда хатар йўқ...

– Отинглар! Аямanглар!

Икки тараф бир-бирига қоришиб кетди. Найзалар ишга тушди, милтиқ ва тўппончалар отила бошлади. Тутдек тўкила бошладик. Аскарлар сони тобора камайиб борар, лекин улар мардларча курашар эди. Бу бизга тасалли берарди, аммо биз тасалли излаётганимиз йўқ эди.

– Аҳҳ!

– Албан Бадур...

– Сонимдан яраландим, қўмондоним.

– Келяпмиз, чида!

– Чидайман.

Унинг олдига қандай боришга ҳайрон эдим, бирини ўлдирсанг, иккинчиси чиқиб келяпти буларнинг. Ҳеч ким бир-бирига ёрдам беролмас, душман билан ёқама-ёқа жанг қилаётгандик. Ҳар замонда узун бўйли Бадал Рашид кўриниб қоларди. Ўнбоши Вали доимгидек «Даф бўл, ажнабийлар!» дея наъра тортарди. Жанг қизиб борар, душманни ортиқ тутиб туролмаслигимиз аниқ эди. «Қўшин чекина олдимикин?» деган хаёлга бордим шу он.

– Отинглар! Аямanглар буларни, отинглар! Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

– Камайиб боряпмиз.

– Улар эса кўпайиб боряпти.

– Ҳимоя чизиғига етай деб қолишди.

– Қўшин ортга чекина олдимикин?

– Билмадим, қўмондоним.

– Бироз чида.

– Қўлдан келганини қиляпмиз.

– Бундан ҳам ортиғини қилишимиз керак.

Инглизлар «Ураа!» дея қайта-қайта ҳужумга ўтишяпти. Олд томонимиз хатарли бўлиб қолган, ҳимоя жойларимиз қўлдан чиқай деб турибди. Шу пайт ҳеч кутилмаган бир иш бўлди. Орқадан қандайдир овозлар эшитила бошлади. Бирдан ўқ ёғилиб, инглизлар тутдай тўкила бошлади. Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Бундай зарбани ҳеч ким кутмаганди. Ўлимдан қайтиш шу бўлса керак. Бизнинг ҳозирги ҳолатимиз жарга қулаётган одамнинг бир шохга илашиб қолганига ўхшарди. Қарасак, полкнинг моторли ўқчи бўлими мададга келибди! Улар тинимсиз отган ўқлар душманни ер тишлата бошлади.

– Худога шукр, ўзимизникилар!

– Айни вақтида келишди-да ўзиям!

– Отинглар! Арслонлар келди!

– Ёрдамга жуда вақтида келдинглар, сал қолса енгилардик. Ҳимоя чизиғимизга яқин қолишганди. Ҳаётимизни сақлаб қолдиларинг.

– Қани, бирга ҳужум қиламиз!

– Ўт оч!..

Ниҳоят, Албан Бадурнинг ёнига чопдим.

– Яранг қай аҳволда?

– Амаллаяпман.

– Қаттиқ оғрияптими?

– Кўмондоним, мени хафа қилманг.

– Ярангни кўрайлик-чи.

– Қўяверинг, қўмондоним.

– Ҳозир Сами билан Рамини чақираман, биринчи сени опкетишади.

– Замбилда олиб кетадиган яра эмас меники. Оғир ярадорларга қарайверсинлар.

– Мен бир кўрай-чи, – деди Бадал Рашид. – Бу ишларни сал-пал тушунаман.

– Ҳа, тўғри, Галичяда доктор Акрамнинг ёнида эди бу.

– Аҳ, доктор, қанийди шу ерда, ёнимизда бўлсангиз, – дедим мен.

– Қанийди, – деди Бадурнинг сонини боғлаётган Бадал Рашид. – Ҳозирча хавотирли жойи йўқ, лекин яра тозаланиши, доим тоза туриши керак.

Албан Бадур:

– Тоза дедингми? Оддий яра-ку? Ўтиб кетади. Биз Македон тоғларида бундан баттар яраларни кўрганмиз.

Ҳамма кулиб юборди. Албан Бадур бўлса бизга ҳайрон қараб турарди.

– Ҳа, нима? Ишонмайсизларми? Ана энди хафа бўлдим-да, – деди.

Бу сафар янаям қаттиқроқ кула бошладик.

– Пулемётлар ҳали ҳам тингани йўқ. Қара, душман тум-тарақай қоча бошлади.

– Қочишяпти.

– Салдан кейин яна ҳужум қилишади.

– Келаверсин, кўрамиз ҳолини.

– Бу уларга сабоқ бўлди. Зора, ақли кирса...

– Киради. Кирмай қаёққаям борарди.

Кеч туша бошлади. Инглизлар ортга чекинишди. Энди қайта ҳужум қилишга ўйланиб туришган бўлса керак. Айниқса, отлиқлари роса пароканда бўлди. Пиёда аскарлари эса сал берида тўплана бошлади.

Батальон қўмондонимиз дурбин билан атрофни кузатганча гапирарди:

– Шайтон «150 та аскаринг бўлса ҳам чиқиб, душманни қув», деяпти.

– Шайтонга ҳай бериш керак, қўмондоним, – дедим мен.

– Ҳа, шайтонга қулоқ солмаслик керак. Лекин душман нимани режа қилаётганини билиб бўлмайди-да. Бироз ўтиб, бомбардимон бошланса ҳайрон бўлманглар.

– Ҳимоя чуқурларида кутайлик.

– Тўғри, шу ерда қолганимиз маъқул.

Гапимизни энди тугатиб тургандик ҳам, бирдан бомбардимон бошланди. Яқинимизга тўп ўқлари келиб тушиб, гумбурлаб портлар, биз эса чуқурга имкон қадар қапишиб, жон сақлашга уринардик. Шу пайт бир аскар ҳимоя чуқуридан сакраб чиқди. Жаҳл отига минганча қўлида милтиғи билан душман томон чопа бошлади: «Худосизлар! Етар

энди! Қачондан бери бомбардимон қиласанлар, лекин жанг қилишдан қочасанлар. Тўпингга ишонясанми? Мард бўлсанг, мана, майдон, кел, жанг қиламиз. Қаёққа қочяпсанлар?»

– Бу аскар ким? – сўради батальон қўмондони.

– Менинг аскарларимдан эмас, танимайман, – дедим.

– Ақлдан озибди, шекилли.

– Балки. Биз жанг қилган Чаноққалъа ва Галичядаги бомбардимонларни кўрса нима қилардийкин?

– Ўша жойларда ҳам кўп аскарларнинг эси оғиб қолган эди.

– Ҳа, тўғри, – дедим. Хаёлимга дарров Солдиролим Иброҳим келди. Аммо бу вазиятда у ҳақда қўмондонга айтиб бериш ниятим йўқ. Ичимда «Фотиҳа» ўқиб, «Эҳ, Солдиролим Иброҳим...» деб қўйдим.

Бояги аскар ўзида эмас эди, отилаётган ўқларга чап бериб, олға югурарди. Биз ҳам унинг оқибати нима бўлишини кутиб, қараб турардик. Ортидан бир-икки сафдошлари бақирди: «Қайт орқангга! Бу ишинг ғирт аҳмоқлик! Ерга ёт! Бир жойда турма, биз томонга югур...»

– Бечора эсини ебди. Тамом.

– Ҳимояда қолиши керак экан-да.

– Ҳозир илма-тешик қилиб юборишади!

– Қара, ҳалиям чопиб кетяпти.

Аскар ҳандақдан анча узоқлашиб кетганди. У ҳам югурар, ҳам бақирарди: «Кел, кел! Қочма, лаънатилар! Тўпингга, милтиғингга ишонма, қани кел, газандалар!»

Шу пайт душман отлиқ аскарлари уни кўриб қолишди. Учтаси у томонга бурилиб, саф тортди. Кейин қуролларини аскаримизга тўғрилаб, кута бошлашди.

– Эҳ, уни отишади ҳозир.

– Нимани кутишяпти?

Аскаримиз эса ҳамон чопиб борарди. У ҳам милтиғини тўғриласа-ку!

– Қара, қара!

– Нима бўлди?

– Аскаримиз тўхтади.

– Тўхтади?

– Чўккалаб нишонга оляпти.

Ўша онда милтиқнинг қарсиллаган товуши янгради. Инглиз отлиқларидан бири ерга қуларди. Шундагина улар ўзига келиб, аскаримизга бирданига ўт оча бошлашди. Икки отлиқ аскаримизни нишонга олиб, кетма-кет ўқ отди. Аскар йиқилмаслик учун бор кучини сарфлар, қўлидан қуролини қўймасди. Бироз ўтиб, астагина ён томонга йиқилдию, жимиб қолди. Душман отлиқлари ортига қайтди.

Батальон қўмондонимиз: «Ўт оч!» дея ҳайқирди.

Масофа узоқ бўлишига қарамай, ҳаммамиз ғазаб билан тепкини босдик. Отлиқлар янада тезлашиб, кўздан йўқолишди.

Кеч киргач, ҳандақдаги 149 кишининг тилидан шукр дуолари янгради. Баъзи аскарлар яна намозга чоғланишди.

Ҳамманинг калласида душман кечаси ҳужум қилармикин, қилмасмикин, деган хаёл айланарди. Ҳужум қилишса, ухламай тонг оттиришимиз керак. Шунинг учун ҳимоя чуқурларининг олдига навбатчилар қўйдик. Тўрт кишини разведкага ҳам юбордик. Аскарларнинг кайфияти жойида, бундан буён қаршимизга ким чиқса ҳам, буюк иймон билан ўлгунча жанг қилишимиз тайин эди. Чунки ўзимизга ишонч ортган эди. Бу гал ҳам ҳақиқий «Чанқоқ арслонлар» каби жанг қилгандик.

Ҳар эҳтимолга қарши деб ортга олиб кетилган санжоғимиз ҳозирги зафар муносабати билан ҳимоя жойимизга қайтарилди. Бригада бошлиғи бизни табриклади:

– Сизнинг мардонавор олиб борган жангдаги муваффақиятингиз шарафига байрогимиз мана шу жойда ҳилпирайди.

Барча аскарлар бирданига «Аллоҳу акбар!» дея ҳайқиришди. «Бу биз учун энг катта мукофот», дедик.

Ҳақиқатан ҳам, полк санжоғини муҳофаза қилиш жуда муҳим. Мана бундай ҳолатларда байроқнинг истеҳкомларда туриши аскарнинг масъулиятини икки бараварга оширади, умид уйғотиб, ғурурлантиради.

Барибир тонггача кўз юммадик. Қўллар тепкида турди, доим ҳушёр турдик. На кечаси, на тонгда ҳеч қандай ҳужум бўлмади. Инглизларнинг қандай ҳаракат этишини кутиб, кузатиб ўтирибмиз. Бироз ўтиб, ёнимизга батальон қўмондони маъюс кириб келди.

– Тинчликми, қўмондоним? Нима гап? Хафа кўринасиз?

– Дўстларим... 1917 йил 11 ноябргача иккита батальондаги аскарлар сони 950 киши бўлган экан. Ҳозир эса...

– Қанча қолибмиз?

Қўмондон заҳарханда билан кулимсираб, «1917 йил 13 ноябрь кунига пулемёт бригадаси билан биргаликда 250 киши қолибмиз», деди.

– Шу уч кунда 680 та аскардан айрилдикми?

– Афсуски, шундай. Шаҳид кетган, яраланган, қочган ва асир тушганлар билан жами 680 киши...[41]

– Лекин 3-батальон йўқ-ку.

– Ҳа, уни ҳисобламаймиз.

[41] Миллий мудофаа вазирлиги, 57-пиёда полки, 94-бет.

Бундай пайтларда ҳеч нарса дея олмай қоласан. Бу эса руҳиятингни тошдек эзади. Айтишади-ку, гап тугаб қолганда деб. Нима ҳам деймиз, нимани ҳам гапирамиз? Полкимиз уч жангда доим энг хатарли вазифаларни бажарди, йўқотишлар ҳам катта бўлди. Муз бўлаги иссиқда эригани каби биз ҳам чўлда эриб битаётган эдик. Аслида эриган фақат биз эмас, буюк Усмонли ҳам адо бўлаётган эди. Бир пайтлар бутун дунёга сўзи ўтган улкан империя бугун шу чўлларда қумга сингиб кетса-я... Пешонадаги бу қора ёзувни оқлаш учун бир қул сифатида қўлимиздан неки келса, бажараётган эдик. Аммо тартиб-қоидасиз, қурол-аслаҳасиз, чўл минтақасида, қийин шароитларда, маълум-номаълум душманлар билан курашиб, бу вазифамизни қанчалик ўз ўрнида бажара оляпмиз, билмадим. Банда ҳеч қачон Робби ёзган тақдирга қарши чиқолмайди. Ўзимиздан анча устун бўлган душманни фақат иймонимиз орқали даф эта олардик, холос. Кейин-чи?... Келажакда нима бўлади? Бу саволларнинг жавоби ҳозирча биз учун мавҳум эди.

Батальон қўмондонимиз:

– Тайёрланинглар, – деди.

– Бош устига!

– Менга қаранг, шаҳидларимиз нечта? Ярадорларимизнинг аҳволи нечук? Нечта аскар асир тушди? Буларни энг қисқа вақт ичида полк қўмондонига етказишим керак.

Дарҳол ишга киришдик. Менга қарашли взводдан ажраб чиққан отряддан бешта енгил, учта оғир ярадор бор эди. Шаҳид бўлганлар йўқ. Иссиқда қийналмасин деб, ярадорлар тезроқ олиб кетилишини хоҳлардим.

Сами билан Рами уч кундан бери ярадор ташиб-вериб, роса чарчаган бўлса-да, бор кучи билан ҳаракат қилишарди.

– Қўмондоним, анави туялар бор-ку.

– Хўш, нима қипти уларга?

– На тўхтайди, на чарчайди. Йўлниям биздан яхши ўрганиб олишди.

– Жуда яхши!

– Яхшиликка яхшику-я, лекин бор бўлгилик бизга бўляпти-да.

– Ярадорларни ташишда оғиримиз тушмасин деб, ўзимиз минмаймиз.

– Кейин дам олаверасизлар, тезроқ ҳаракат қилаверинглар, дўстлар.

– Ҳаракат қиляпмиз, қўмондоним.

– Билиб, кўриб турибман. Афсуски, захира замбилчимиз йўқ.

– Лекин жазирама қаттиқ таъсир қиляпти-да. Чанқаяпмиз.

– Биз ҳам чанқаяпмиз.

– Айтмоқчи, шу сақо Умардан хабар борми, қўмондоним?

– Ҳозирча йўқ. Ўзим ҳам ҳайронман, қаёққа ғойиб бўлди деб. Бу ерда қанча қолишимиз аниқмас, ҳеч бўлмаса изимиздан топиб келса бўларди.

– Ҳа, яхши бўларди.

Умардан хабар йўқ эди. Бошига бирон фалокат тушдимикин? Балки йўлдан адашиб, бизни тополмай юргандир? Билмадим, аммо ички ҳиссиётим унинг келишини дараклар эди. Мен ўша ички овозга қулоқ тутаман. Сами билан Рамига:

– У, албатта, келади, – дедим.

– Иншааллоҳ, келсин-да.

– Иншааллоҳ...

Олис-олислардан шоқолларнинг увиллаши эшитилди. Ўлаксахўр қушлар тепамизда айланиб учяпти. Бу иссиқ ҳавода шаҳидларимизни дафн этиш учун жаноза намозига қўл боғлар эканмиз, аскарлар юзида ғамгинлик, изтироб яққол сезиларди. Батальон имомимиз келиб, сафнинг бошига ўтди. Кейин эса шаҳидликнинг нақадар олий мақом эканлиги тўғрисида бироз маъруза қилди.

Ўша куни то оқшомгача душман ҳужумини кутдик. Лекин душан келмади, қорасини ҳам кўрсатмади.

Орада Оқденгиз соҳилларидан юракни сиқувчи отишмалари эшитилди. Оқшом чўкар экан, аскарлар ўртасида навбатчилик ташкил қилдик. Ухлаганлар уйғониб, уларнинг ўрнига бошқалар ухлайдиган бўлди. Навбатда сергак туриш тайинланди. Ухламаганлар дарҳол уйқуга ётарди.

Мен ҳам ҳандақда бироз узандим. Кундузги иссиқлар сабабми, авваллари совқотмаётган эдим. Кеч киргач, салқин тушди. Кечаси билан аччиқ совуқ бўлди, совқотганимдан ухлай олмадим. Юлдузларга қараб ётавердим. Осмон нақадар бепоён, сон-саноқсиз юлдузларга тўла. Ер юзи-чи? У ҳам кенг. Негадир инсонлар шунча жой бўла туриб, уруш қилади, талашиб-тортишади. Ростдан ҳам, инсоннинг душмани инсонми?

Ўтирдим. Чўнтагимдан бир парча қоғоз олиб, жимжилоқдек қаламим билан ёза бошладим.

«Гулниҳол!

Ҳозир бизда тун...

Чор тараф зим-зиё. Гўё ҳамма нарсанинг устига зулмат пардаси тортилгандек... Агар билсанг, ёлғизликлар кечани янада узайтиради.

Тун қоронғисида хаста инсоннинг оғриқлари, изтироблари ортгани каби менинг ҳам дардларим ортиб боряпти...

Дарддан хушнуд бўлганлар қанчалик кутса, дардига дармон излаганлар ҳам шунчалик кун ёришишини кутади. Худди мен сени кутганим каби.

Гулниҳолим!

Хаёл қил: осуда тун...

Деразамдан бир тутам нур оқиб кирса, ажаб, бу не бўлди? Бу сенинг шавқингми ёки бўлмаса ой шуъласи?..

Кечалар бор оғирлигини туйғуларим сиртига юклар экан, гул япроқларидаги биллур томчилар каби ҳаяжонни то иликларимгача ҳис қиламан.

Димоғимда ёқимли гул ифорини туяман. Сенинг гул шохларингга ин қуришдан тортинган ғариб бир булбулингман. Ҳижрондаман, дардим кўп.

Бу дардларимнинг бари сен учун. Аммо дарди билан иши йўқ дардлилар кабиман.

Чунки дардимни севаман.

.....»

Қоғозни буклаб, чўнтагимга соламан. Совуқ борган сари кучаяр, аскарлар гаплашиб, бир-бирининг пинжига суқиларди. Ким нима топса устига ташларди. Кундузнинг иссиғию кечанинг қаттиқ совуғи аскарларга анча қаттиқ таъсир қилди. Кундузлари миянг қайнагани билан, тунда музламоқдан бери бўласан бу чўл ҳавосида. Кундузлари туннинг салқинлигини, кечаси эса куннинг жазирамасини излардик. Аслида биз бу ерларда давлат излаётгандек эдик. Йўқ бўлаётган, эриб битаётган, қумларга сингиб кетай деб турган давлатни. Улкан Усмонлини...

Узоқ-узоқлардан кимнингдир қораси кўринди. У яёв келарди. Умидвор бўла бошладим. Умар бўлишиям мумкин. Аскарлар ўзаро гаплашар, тахминлар бошланганди.

– Шу келаётган ким бўлди экан-а?

– Юришидан, роса чарчабди.

– Бизнинг сақо Умармикан?

– Ҳа, бўлиши мумкин.

– Бундай пайтда бизни топа олармикин?

– Топади у...

– Бошқа одам бўлса-чи?

– Ким бўлиши мумкин?

– Ким билсин, отрядидан ажраб қолган бирорта аскардир-да.

– Балки асирликдан қочиб келаётгандир?

– Йўқ. Умар эканлиги аниқ.

– Балки хабарчидир.

– Хабарчилар отда келади. Бу яёв-ку.

– Сароб бўлгани учун унчалик таниб бўлмаяпти.

– Худди бу ерлар сув ичида турганга ўхшайди-я.

– Сароб – бу хаёл. Сувдек кўринган нарса... Аммо барибир хаёл, холос.

Аскарнинг гап-сўзларидан «хаёл» деган сўз миямга михдек қоқилди. «Гулниҳол, сен ҳам бир хаёлмисан, саробмисан? Ортимда қолдирган ширин тушмисан? Ёки яширин сирмисан?»

Кўз ўнгимда гулли кўйлагида турган Гулниҳол жонланади. Аскарлар чўлда сароб кўрса, мен Гулниҳолни кўраман. Қаерга қарамайин, кўз ўнгимда жонланаверади. У мана шу жанг майдонига қон ва борут ичида бўй чўзган тоза гулимдир гўё. Бепоён чўл қумлари узра ғунчалаган гулим. Ўша ғунча-

нинг хаёли ҳам ўзидек гўзал. Ҳидламоқчи бўлганим хушбўй ифори ҳам гўзал.

Кўзларимни юмаман. Қайноқ қумларни оёқяланг босиб келмоқда. У келмоқда, кўнглимнинг маликаси, Гулниҳолим келмоқда. Юзларида тотли табассум, қўлларини чўзганча келмоқда. Ҳар тараф сокин, салқин. Ҳар тарафда гул иси... Мен ҳам қўл чўзаман ногаҳон. Қўлларимиз бир-бирига тегади. Ичимда сира туймаган ўзгача бир ҳиссиёт уйғонади. Умид уйғонади. Севинч илдиз отади.

«Гулниҳол», дейман.

«Мен келдим», дейди у. Қўлларини узатади. «Бироздан сўнг қўлларингиздан тутаман».

Қулоғим остидаги кучли бақириқдан ўзимга келаман.

– Қаранглар, келяпти!

Кўзларимни очиб, икки-уч лаҳзалик хаёл дунёсидан айриламан. Мен ҳам келаётган аскарга диққат билан қарайман.

– Йўғ-е, Умарнинг юришига ўхшамайди-ку, – дейман.

– Ҳа, Умар эмас экан.

– Оддий аскар экан.

– Туркумини излаётган бўлса керак.

– Йўқ-йўқ, асирликдан қочганга ўхшайди.

– Роса ҳолдан тойибди, лекин.

– Ҳа, оёқларини зўрға босяпти.

Келаётган одам ҳар замонда қўлини кўтариб, бизга ишора қилар, шошилмай, секин-аста келарди. Хабарчи бўлса бунчалик секин юрмасди. Ҳаммамиз унинг кимлигига қизиқаётгандик, лекин сабр қилиб, кутишдан ўзга чора йўқ. Ниҳоят, у етиб келиб, салом берди. Ҳаммамиз алик олдик. Унинг илк сўзи «Сув борми?» бўлди. Бир-икки қултум сув бердик.

– Сув ўзимиздаям йўқ.

– Хабарчиман.

– Отинг қани унда?

– Нафасимни ростлаб олай, ҳаммасини айтиб бераман.

– Яхши...

Уни ҳандақнинг салқинроқ жойига ўтирғиздик. Бироз дам олгач, у гап бошлади:

«22-бригада корпуси қароргоҳидан ёзма буйруқ олиб, йўлга чиқдим. Кечаси чўлда йўлдан адашдим. Бир-икки маҳаллий аҳолидан сўрасам, йўлни кўрсатишди, лекин қочоқ аскарларга дуч келдим. Улар мени кўриб, отимни олиш учун ҳужум қилишди. Улар бир-бири билан от талашаётган пайтда қочиб қолдим. Ўзи бечора отим қариб, ишга ярамай қолган эди, қуруқ суяк эди. Улар жабҳадан қочаётган экан, менга ҳам қочишни таклиф қилишди. Мен қарши чиқдим. Буйруқни ич кийимим орасига яширдим, чунки қочоқлар қўлига тушса, инглизлар билан тил бириктириши мумкин деб ўйладим. Баъзиларининг гапига қараганда, улар душманга таслим бўлмоқчи.

«Минг афсус, ҳайф сизларга» деб, қарши чиқдим. Улар мени судсиз жазолаши мумкин эди, лекин қуролларини ташлаб қочишган экан, ҳатто найза-пичоқлари ҳам йўқ экан. Нима қилишниям, қаерга боришниям билмай, тентираб юришибди. «Мен билан юринглар», десам, «Борсак, бизни ўлдиришади», дейишди. Инглизларга таслим бўлишга қатъий қарор қилишганга ўхшайди. «Уларда сув бор, егулик бор, ҳеч бўлмаса тирик қолишимиз мумкин-ку», дейишди. Жуда абгор аҳволда... 57-полк қўмондонлигини изладим, лекин тополмадим. Сизларни бу ерда эканингизни хабар қилишганди, келавердим».

– Жуда соз.

– Марҳамат, мана ўша ёзма буйруқ, – у шундай деб, қўйнидан бир қоғоз чиқарди. Буйруқни тасодифан шу ерга келиб қолган Батальон қўмондонимиз юзбоши (капитан) Меҳмет Солиҳ афанди олди. Буйруқда шундай дейилган эди:

«57-полк қўмондонлигига.

Бугундан эътиборан, 22-бригада корпусининг буйруғига бўйсунасиз. Полк икки батальони билан Рамланинг жанубида жойлашган 16-дивизия қўмондонлиги қароргоҳи томон ҳаракатланиши керак.

Кераги бажарилсин!

22-бригада корпуси қўмондони Рафет Бей».

– Бу нима дегани?

– «Бундан буён 16-корпусга боғлиқмиз», дегани, тушундингми? Дарҳол тайёргарлик кўриб, Рамла жанубига йўл олишимиз керак.

– Бу ер-чи? Ҳимоя истеҳкомимиз-чи?

– Буйруқ шундай.

– Бундан чиқди, қўшин ҳали ҳам чекинишда давом этаётган экан-да?...

– Қўмондоним, бу ерда уларни яхши ҳимоя қилишимиз мумкин-ку.

– Ҳа, лекин бизга бошқа нарса буюрилмоқда. Ўйлайманки, шу уч кунлик оворагарчиликларимиз натижасида қўшин анча олислаб кетган. Бу буйруқдан шуни тушуниш мумкин: бизни бошқа жойга кўчиришмоқчи.

– Ахир, қўмондоним...

Батальон қўмондони ҳам ҳайрон эди. У хабарчи аскарни чақирди: «Буни полк қўмондонига етказ, биз ҳам унинг буйруғини кутамиз».

– Шу ерда қолишимиз керак, қўмондоним, – дея олдим, холос, бошқа гапиролмадим. Батальон қўмондони менга:

– Сени яхши тушуниб турибман, Аҳмад Музаффар. Нимани ҳис қилиб турганинг ҳам аён. Лекин бошқа иложимиз йўқ, нима буйруқ берилса, бажаришга мажбурмиз. Қисқаси, яна йўлдамиз. Йўлбошловчиларни чақиринг, Рамлага қандай боришни тушунтирсин.

Секин-аста тайёргарликни бошладик. Балки батальон қўмондонимиз «Шу ерда қолинг!» дейишини умид қилардим. Аммо аксига олиб, у ҳам «Кетамиз!» деди.

Кетишга тайёрлана бошладик. Кечаси йўл юрар эканмиз. Йўлбошловчилар кундузи юриш қийин, разведкачилар ҳам кўриб қолиши мумкин, дейишди. Демак, тунда йўлга чиқиб, жануб томон беш чақирим юрамиз. Маҳаллий йўлбошловчиларга қандай ишонамиз, билмайман. Бундай вазиятда улар бизни қаерларга олиб бориши номаълум. Шунча инсоннинг ҳаёти ўшаларга боғлиқ бўлиб турибди. Ичимга шубҳа оралаган, ўзи охирги пайтларда ҳар нарсадан гумон қиладиган бўлиб қолганман. Бундай бўлиши менга боғлиқ эмас, жангларда бошимга тушган мусибатлар шу аҳволга келтириб қўйди-да! Шунча аскарнинг ҳаётига мен жавобгарман, ахир. Бироз беэътибор бўлсам, тадбирларини қилмасам, жанг пайти бошимизга минг хил бало ёғилиши, ғафлатда қолишимиз мумкин.

Аскарлар толиққан, секин-аста тайёрланмоқда. Доим шу ҳолат қайтариляпти, ҳадеб кўчаверганимиздан аскаримизнинг кайфияти тушиб, қовоқ-тумшуғи осилиб ётибди. Шунинг учун бўлса керак, хоҳламайгина тайёрланишмоқда. Барибир кеч тушгунча тайёр бўлишимиз керак.

– Қани, чаққонроқ ҳаракат қилинг! Имилламанг! – дейман.

Албан Бадур милтиғини тозалар экан:

– Ортга кетиш учун бунчалик шошиш керак эмас, қўмондоним, – деди.

– Тўғри айтасан, Бадур.

– Тўғри бўлса, шу ерда қолайлик?

– Буни аввал ҳам кўп гапирдим: буйруқ шунақа!

Аскарлар бироз қаттиқроқ гапирсамгина тезлашишарди. Уларга аввал ҳам чекиниш борасида тортишманглар, деб тайинлаганман, ҳатто қуролдан ўқ узганман. Ўша ҳолат ёдларига тушаётган бўлса керак. Бу сафар эътирозлар бўлмайди, деб умид қилгандим. Кетаётганимда Албан Бадурнинг «Ана энди хафа бўлдим», дегани қулоғимга чалинди.

Ичимда эса «Мен-чи, мен кимдан хафа бўлай?» дер эдим.

Йўлга чиқдик. Олдинда йўлбошловчилар борарди. Ҳар эҳтимолга қарши аскарларнинг хавфсизлигини ўйлаб, тўрт томонга навбатчилар қўйдим, улар биз билан бирга очиқликдан юришади, бирон нарса кўрса ё эшитса, дарҳол бизни хабардор қилишади. Мақсад – бирон гап бўлса, дарҳол тайёрланиб олишимиз учун фурсатга эга бўлиш эди.

Осмонда тўлин ой, ён-атроф ойдинда бемалол кўриниб турибди. Йўлбошловчилар ойга, юлдузларга, хурмо дарахтларию сув қудуқларига қараб йўл топишар эди. Улар қумтепаларни ҳисобга олишмас эди, биз ҳам уларнинг муқим эмаслигини яхши биламиз. Шундай йўлбошловчилар ҳам бор эканки, шамолнинг йўналиши ва қумларнинг ҳаракатига қараб ҳам йўл топа олар экан. Ваҳоланки, атрофга қарасангиз, ҳар ёнингиз бир хилдек кўринади.

Салқин ҳавода кетяпмиз. Баъзан ҳолатга қараб, йўлнинг кенг-торлигига қараб, юришга тўғри келарди. Тунда иложи борича кўпроқ йўл босиб ўтишни мўлжаллаганмиз. Борар жойимиз беш чақирим, холос, лекин атрофда душман бўлиши мумкинлигини эътиборга олсак, айланма йўллар масофани узайтириб юборади.

Бирдан олдинда ишора берувчи мушаклар портлаб, чор-атроф ёришиб кетди. Дарҳол ерга ётдик. Бу мушакларни ким отди экан? Инглизлармикин? Бизни кўриб қолишдимикин? Бироз кутамиз. Қизил ва сариқ мушаклар отилмоқда эди. Бордию бизни кўрмаган тақдирдаям, бу ўзаро хабарлашув ишораси бўлиши мумкин. Шуни ўйласам, ваҳима босади. «Шу жойларда кўзга ташланиб, қуршовда қолмасак гўрга эди», дейман ичимда. Мушакбозлик тўхтагач, юришда давом этдик. Энди тезроқ юриш керак. Ҳозир Рамлага тўғри бориб, тўрт чақирим жануби-шарққа юриб, дивизия қароргоҳини топишимиз керак. Ҳали анча юришимиз керак, овоз чиқармай давом этдик.

Олдинда уйлар кўзга ташланди. Ойдинда кўриниб турибдики, бу ер Рамла эди. Демак, йўлбошловчилар бизни тўғри йўлдан олиб келибди. Бироз бўлса-да ичим ёришди. «Бу жойларда душман бўлмас-ов», дейман ўзимга ўзим. Шу тобда Албан Бадурнинг жиғига тегиш истаги келса-да, бу ниятимдан воз кечаман.

Қишлоққа кирмай, унинг ёнгинасидан жим ўтиб кетаётган эдик, бир аскарнинг ногаҳон қичқириши ҳаммани эсанкиратиб қўйди:

– Сув! Сув қудуғи!

– Қани?

– Ҳов ана, қаранглар.

– Ҳа, сув қудуғи бор экан.

Аскарлар бирданига ўша ёққа чопа бошлади. Яна ўша талаш-жанжал бошланди. Ғала-ғовур овозлар бутун атрофга ёйила бошлади. Аввал қишлоқ итлари ҳура бошлади, кейин бир-икки хонадонда хира чироқлар ёнди. Қандайдир тушунарсиз овозлар кела бошлади. Таржимонлардан нима дейишаётганини сўраймиз.

«Ким бор у ерда?» дейишяпти экан.

– Бизмиз... Бегона эмасмиз...

«Бу кунларда ҳамма бизга бегона», дейишди.

Бу жавобдан қандай хулоса чиқариш мумкин, билмадим. Оддий халқдан қўрқмаса ҳам бўлади, лекин диний бирадарлик сусайган бу пайтларда арзимас ақча эвазига бизни душманга сотишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Лекин ҳозир сув ичиб, идишларимизни ҳам тўлдириб олишимиз керак. Олдин қилганимдек, аскарларни навбатга тиздим, иш тезлашди.

– Имилламанглар! Тезроқ, тезроқ! Оёқларни каттароқ очиб қадам ташланг, салқинда кўпроқ юриб олишимиз керак.

Хуллас, Рамла ортда қолди. Сал бўлса-да хавотиримиз кетди. Бу ёғи 16-дивизия қароргоҳига оз қолди.

Ниҳоят, манзилга ҳам етиб келдик. Чуқурликда жойлашган, уч-тўртта чодирдан иборат қароргоҳ экан. Душманга сезилмаслик учун атайин чуқурлик танланган экан. Биз сал берида кутадиган бўлдик, батальон қўмондонимиз қароргоҳга кетди.

Тонгда қароргоҳ чодирлари йиғиштирила бошланди.

– Эвоҳ!

– Яна юрамизми?

– Ўзи энди келдик-ку!

– Бу нимаси яна?

– Бўлди-да энди.

– Тинмай ортга чекинамизми?

Бизга айтилгани шу: 1917 йил 14-15 ноябрь кунлари дивизия қароргоҳи билан бирга Лажун деган жойга кўчишимиз буюрилган экан. Бу ердагилар бизнинг келишимизни кутиб туришган экан. Начора, яна йўл, яна машаққат.

Эртаси куни ҳисоб-китоб ишлари билан машғул бўлдик. Полкда умумий ҳисобда, 3-батальонни ҳам қўшганда жами 560 нафарга етибмиз. Бўлиши керак ададнинг зўрға тўққиздан бири. Ё Аллоҳим, борган сари камайиб боряпмиз.

16-дивизия 22-бригада корпуси эҳтиёти учун Миска қишлоги томон ҳаракат бошлади. Биз эса ҳимоя воситаларимизни мустаҳкамлаш учун қазишда давом этдик. Бу ер душмандан анча узоқда эди. Ўзимиз қазган ҳандақларга жойлашдик. Аскарлар неча кундан бери ухламаган, шунинг учун кундузи бўлса ҳам ухлаб олиш илинжида. Аммо кечанинг салқинида ухлаш бошқача-да.

Эрта тонгдан навбатчилардан бири бақирди:

– Биз томонга кимдир келяпти!

– Хабарчидир балки?

– Отдами, яёвми?

– Яёв.

– Қўлида нима бор?

– Кўринмаяпти...

Кутишдан бошқа чора йўқ. Яқинроқ келгач, икки қўлида челакка ўхшаш нарса кўтариб олгани маълум бўлди. Умидимиз уйғонди.

– Сақо Умар бўлса керак.

– Ҳа, анчадан бери кўринмай қолганди.

– Бизни топган бўлса, зўр иш қилган бўларди-да.

– Ўлмаган бўлса... Асир тушмаган бўлса... Тирик бўлса...

Қарасам, келаётган одамнинг уст-бошлари йиртилган, соқоллари ўсиб кетган, афтодаҳол бизнинг Умар экан! Ҳаммамиз хурсанд бўлганимиздан қичқириб юбордик. Бундай жойларда эски қадрдонингга дуч келиш инсонга ўзгача қувонч беради.

– Умар!

– Хуш келдинг, сақо!

– Хуш кўрдик.

– Қаерларда қолиб кетдинг?

– Э-э, сўраманглар...

Умар жуда озиб кетган эди. У тўғри менинг олдимга келиб, салом берди-да, ўтириб олди.

– Қўмондоним, олдингиздан сувга кетиб, бир қудуққа дуч келдим. Лекин унинг суви жуда аччиқ, ичиб бўлмайдиган экан. Маҳаллий одамлардан бири сал нарида ширин сувли қудуқ бор деб, менга йўл кўрсатди. Лекин ҳеч қанча юрмасдан, ўзи ғойиб бўлди. Қочиб кетди, шекилли. Қоронғи бўлгани учун бир хурмонинг тагида тонг оттириб, йўлга тушдим. Сизлар ҳам ҳали у ерга, ҳали бу ерга кўчиб юрибсизлар экан. Зўрга топиб келдим. Агар шу жойда кўп турмаганингизда, умуман тополмас эдим. Мен бўлмаганимга сувсиз қолиб кетмагандирсизлар?

– Йўқ, Худога шукр, сув топиб турдик йўлларда.

– Сув олиб келдингми?

– Албатта! Манави идишларда озроқ бўлса ҳам сув бор. Амаллаймиз-да энди.

– Бу сувни қаердан олдинг?

– Йўлда кекса бир араб чол берди. Уйидаги сувини ҳадя қилди. «Усмонли аскарига жоним қур-

бон», дейди барака топкур. Қорнимни ҳам тўйғазди, ҳатто шу жойдан сал ғарбда яхши қудуқ борлигини, уни анча-мунча одам билмаслигини айтди. Биз ўшандан фойдалансак бўлар экан.

– Соғ бўлсин, илоё.

– Ўзингизда нима гаплар, нималар қилдингиз?

Аскарлар бўлиб ўтган ишларни Умарга бирма-бир гапира кетишди.

Албан Бадур:

– Нима бу? Икки челаккина сув олиб келдинг, холосми? – деди.

– Ҳа.

– Ана энди сендан хафа бўлдим, сақо, – деди у.

Аскарлар кулиб юборишди. Биз яна сувчимиз билан бирга эдик.

Тинимсиз олга босиб келаётган душман қаршисига тезроқ чиқишни хоҳлардик, аммо афсуски, бир ҳафтадан бери шу ерда кутиб ётибмиз. Ҳамманинг юраги сиқилган, аскарлар кундузлари бит тозалаш билан овора. Кимлардир машғулот қилар, душманни паришон қилиш учун бор ғайрати билан машқ қилишарди. Аскаримиз етарлича дам олди, аммо битта муаммо – озиқ-овқатнинг танқислиги эди. Қоқнон, хурмо ва зайтундан иборат егулигимиз ҳам камайиб қолди. Уларни кунига икки маҳал: эрталаб ва кечқурун ер эдик. Лекин сувга роса қондик, сақо Умар туяларда етарлича сув ташиб келтирди.

1917 йилнинг 24 ноябрида инглизларнинг Авжа дарёсини кечиб ўтгани хабари келди. Улар бизнинг қўлимизда бўлган Хадар кўпригига ҳужум уюштириб, босиб олишибди. Бундан ташқари, Шайх Мунис қишлоғини ҳам ишғол қилгач, 22-бригада корпусининг 3 ва 7-дивизиялари душманга қарши юра

бошлабди. Бизга эса 16-дивизиянинг буйруғига биноан, Хадар кўпригини қўлга киритиш вазифаси юклатилибди. Бу жойни мутлақо қайтариб олишимиз шарт, чунки бу кўприк муҳим гузаргоҳларга ўтиш йўлида жойлашган эди.

Эрта тонгдан йўлга чиқишни режалаштирдик. Аммо полк қўмондонимиз мингбоши (майор) Ҳожи Меҳмет Амин бей бугун кечаси йўлга чиқишни буюргач, шоша-пиша тайёрлана бошладик. Полк қўмондонимизнинг режасини йўлга чиққанимизда тушуниб етдим: эрта тонгдан ҳужум қилиб, кўприкни қўлга киритар эканмиз.

Полкнинг 560 та аскари билан йўлга тушдик. Тез юриб, зўрға уч соат деганда айтилган манзилга яқинлашдик. Бу ер нисбатан тепалик экан. Сал нарида водий бор. Нишонимиз – ўша водийдан Оқденгизга оқиб борувчи дарё устига қурилган Хадар кўприги эди. Секин-аста кўприк сари одимлаш керак. Унгача эса разведка юбориш керак. Бу ерни нечта аскар қўриқлайди, инглизлар ҳозир қаерда, кучларини қандай тақсимлаган – ҳаммасини билишимиз керак эди.

Бу сафар разведкага ўзим ҳам чиқадиган бўлдим.

Батальон қўмондонига:

– Афандим, ўн аскарим билан бу кузатувга мен ҳам чиқсам дегандим, рухсатингиз билан, – дедим.

– Жуда соз... Фақат икки соатга қолмай қайтиб келинглар, қуёш чиқмасдан туриб ҳужумга ўтишимиз керак.

– Бош устига!

Ёнимга ўнбоши Вали, Бадал Рашид, Абдулваҳҳоб, Ҳасан ва яна тўрт аскарни олиб, йўлга тушдик. Анча юрганимиздан кейин бемалол кузатса бўладиган жойга жойлашдик. Бу ердан водий кафтдек кўринар-

ди. Тор кўприкнинг ҳар икки соҳилида ҳам душман бирликлари турибди. Айниқса, биз томони қаттиқ қўриқланаётган экан. Бу ерларда инглизларнинг 400 га яқин тарқоқ бирликлари бор, биз эса 560 нафармиз. Биз улардан кўп эдик, лекин уларнинг ёрдам чақириш имкони биздан устунроқ. Бизнинг мадад кучи сўрашга имконимиз йўқ, яъни ё биз кўприкни қўлга киритамиз, ёки кўприк бизни.

Вазият жуда оддий, лекин нимадир қилишимиз керак. Агар душман аскарларини чалғитиб, илк зарбада кўприкни қўлга киритсак, иш фойдамизга юради, аксинча бўлса, ҳаммаси шу ерда тамом бўлади. Кўприкка анча тикилиб тургач:

– Атрофни ҳам кўздан кечирайлик, – дедим. Ортга юриб, сал баландроқ бошқа тепаликка чиқдик.

– Инглизлар жуда яқинда экан, афандим. Чодирлари ҳам кўриниб турибди. Мадад кучлари тез етиб келади. Бунинг устига, кўприк жуда тор.

– Лекин шу кўприк муҳим рол ўйнайди ҳозир.

– Нима қилсак бўлади унда?

– Кўрамиз-да.

У ердан нари кетиб, кўприкка яқинроқ жойга бордик. Ҳақиқатан ҳам биз турган томон қаттиқ қўриқланаётган экан. Улар ярим соатлик масофадан осонгина ёрдам олишлари мумкин. Вазият биз учун жуда мушкул эди. Нимадир қилиш керак.

– Қайтамиз, – дедим.

Ортга қайтар эканмиз, йўл бўйи нима қилишни ўйлаб келдим. Кўрган-кечирганларимизни батальон қўмондонимизга тушунтирдим.

– Демак, қийин дегин?

– Ҳа, қийин кўринади, қўмондоним.

– Нима қиламиз унда?

– Афандим, қўмондонларимиз биздан яхшироқ билади, аммо менинг фикрим шу...

– Гапир-чи.

– Биз томондаги кучларни тор-мор келтира олсак, кўприкни қўлга киритиш мумкин.

– Уларни қандай қилиб тарқатиш мумкин? 560 та аскаримиз бор, улар бор-йўғи 400 киши деяпсан.

– Яхши хабарим ҳам бор: уларнинг тўпи йўқ экан.

– Балки бордир? Пулемётлари-чи?

– Пулемёт кўрмадик.

– Ҳар ҳолда бу ерни энди қўлга киритишган, шунинг учун ҳали яхши ўрнашмаган бўлишса керак.

– Униси номаълум.

– Майли, мен бориб, полк қўмондонига вазиятни хабар қилай-чи.

– Яхши, – дедим.

Бироз ўтиб, қўмондон юзбоши Меҳмет Солиҳ афанди қайтиб келди.

– Нима бўлди?

– Билмадим, бироз кутамиз. Кўрамиз-да, полк қўмондони қандай қарорга келаркин.

– Шошилмасак бўлмайди.

Сал ўтиб, батальон қўмондонимиз чақиртирилди. Ҳужум шундай режалаштирибди: полк иккига ажралиб, биринчи бўлим гўё инглизларга ҳужум қилган бўлиб, уларнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Иккинчи бўлим эса асосий ҳужумга ўтади ва охири ҳамма бирдан ҳужумга ўтади.

– Жуда пухта ўйланган режа бўлибди, – дедим.

– Кўрамиз...

Батальон қўмондони менга қаради. Бу ҳолатда шундай қила олардик, холос.

– Аҳмад Музаффар!

– Эшитаман, қўмондоним!

– Иккита рота билан бориб, душманни чалғитиш вазифаси сенда. Кейин қайтиб, ҳужумга ўтган аскарларга ёрдам берасизлар. У жойларни сен кузатиб келдинг, ўзинг яхшироқ биласан.

– Албатта, қўмондоним.

– Дарҳол тайёрланинг!

– Доим тайёрмиз!

– Ундай бўлса, йўлга чиқинг!

– Бош устига!

200 кишига яқин аскарни олиб, йўлга тушдим. Боя келган жойимизга тезроқ бориш учун шошилардик. Қояли жойлар бизга панагоҳ эди. Бироз нафас ростладик-да, уч-беш кишидан бўлиб, нариги тепага ўтдик. Муҳими – душманга кўринмаслик, йўқса ҳаммаси барбод бўлиши мумкин. Инглиз бирликларига жуда яқин келдик.

– Гавур Аҳмад, шу ердан ҳужумга ўтишимиз мумкин, бироз очиқлик экан. Унинг орқасида нисбатан баландроқ тепалик бор, ўша жойга одам жойлаштир, мерганлардан бўлсин.

– Хўп бўлади, қўмондоним.

– Уларга сен бошсан.

– Бош устига! Ўзингиз-чи?

– Мен аскарлар билан ҳужумга ўтаман, кейин ортга чекинган бўлиб, сизларнинг рўпарангизга қочиб келамиз. Худди ўша пайт қаттиқ отишма бўлиши керак.

– Бу ёғини бизга қўйиб беринг, қўмондоним. Қойиллатамиз.

– Қани, ҳамма ишга!

Секин-аста кўприкка яқинлашдик. Унгача ерда анча судралиб бордик. Аскарларни жойлаб, атрофни

кузатдим. Гавур Аҳмадлар жойлашган тепани ҳам кўздан қочирмадим. Ҳеч ким кўринмасди.

– Олдин ўт очамиз, кейин ўзимизни кўрсатамиз. Бироз олға босамиз-да, кейин отишмани давом эттириб, ортга чекинамиз, уларни Аҳмад афандилар кутиб турган тепалик ёнига жалб қилишимиз керак. Тушунарлими?

– Тушунарли!

– Яхши, ундай бўлса – ўт оч!!!

Бирданига отилган ўқ овозидан инглиз аскарлари шошиб қолди. Биринчи отишдаёқ анча-мунчасини қулатдик. Қаршилик бошлангачгина ўзимизни кўрсатдик. Улар биз томон ҳужумга ўтиши билан ҳайқирдим:

– Қани, энди ортга!

Ўқ отганча ортга чекина бошладик. Бизни кутганимиздан ҳам кўпроқ аскар қувиб кела бошлади. Сон жиҳатдан кам эканлигимиз уларга далда берган бўлса керак, шиддатли отишма бошланди.

– Ўнбоши, отганингни йиқитяпсанми?

– Ҳа, ер тишлатяпман. Лекин...

– Нима лекин?

– Булар кўпчилик экан.

– Бўпти, шошилишимиз керак.

Бизникилар жойлашган тепаликка яқинлашдик. Бирдан тепа ортидан ҳам ўт очила бошланди.

– Душманни чалғитишда давом этамиз! Қани, арслонларим, бардам бўлинглар!

Биз бу ерда отишар эканмиз, нариги томондан батальон қўмондонимиз бошчилигида кўприкка ҳужумга ўтишди. Икки томондан ҳужумга учраган душман шошганидан не қиларини билмай қолди. Кўприкка чопса, орқасида биз турибмиз, шунинг

учун биз билан жанг қилишга мажбур. Бу эса асосий ҳужумчи аскарларимизнинг ишига яради. Биз ўзимизга анча катта кучни жалб қилиб, шерикларимизнинг вақтдан ютишини таъминлаб бергандик. Асосий ҳужум бўлган жойдаги тўқнашувга қизиқаётгандик. Югуриб бориб, душманни кўприкда яксон қилишимиз керак, лекин ҳозирча улардан ҳеч қандай хабар келмади.

– Ўнбоши, у ёқда вазият қандай? Бир қара-чи!

– Бош устига, афандим!

Ўнбоши судралганча орқадан айланиб ўтишга уринди. У келгунча душманни чалғитиб туришимиз керак. Гавур Аҳмаднинг овози келгандек бўлди:

– Отинглар, дўстлар, жим туриш йўқ! Қани, ҳа! Бор ғайратингиз билан отинг!

Хаёлим ўнбоши Вали олиб келадиган хабарда эди. Вазият қандай? Душманни иложи борича чалғитиб туриш керак. Валидан ҳалигача дарак йўқ. Энди бирон кор-ҳол бўлди, шекилли, деб турсак, ўнбоши Вали судралганча биз томонга келиб қолди.

– Уни пана қилиб туринглар! Ўт оч!

Ўнбоши келар экан, ён-атрофига ўқ ёғилар, шунинг учун баъзан бошини эгиб олиб бироз кутар, ўқ отиш сал тинса, кейин яна судраларди. Ҳаракатни бошлаган сари устига ўқ ёғиларди. У жуда қийин вазиятга тушиб қолди. Тезроқ келиш учун шошар, лекин шиддатли отишмалар сабабли тўхташга мажбур бўларди.

– Қўмондоним, аросатда қолдим!

– Сени пана қилиб турамиз!

– Жуда қийин боришим.

– Бир амаллаб кел.

– Йўқ, боролмайман.

– Қани ўнбоши, бир амаллаб кел.

– Қўмондоним, бошимниям кўтаролмаяпман.

– Вазият қандай экан?

– Аскарларимиз кўприкни қўлга киритай дейишибди.

– Ўзингга шукр, Аллоҳим...

– Биз ҳам шу ердан туриб ўт очаверамиз.

– Хўп.

Ўнбоши Вали турган жойидан милтиғини тўғрилаб, ўт оча бошлади. У зўр мерган бўлгани учун ҳар отганда биттасини қулатарди. Биз ҳам душманни сочиб юборишимиз керак. Қирғинбарот жанг асносида ўнбоши қичқирди:

– Чекинишяпти!

– Яшанглар!

– Ўт оч! Сустлашма!

Бизнинг ўт очишимиз билан душман чекина бошлади. Аскарлар орқасига қарамай қочарди. Дарҳол кўприкка бордик. Ўнбоши ҳам сафимизга келиб қўшилди.

– Сал қолди-я, умидимни узгандим, – деди у.

– Сени пана қилиб турамиз, дедим-ку.

– Афандим, ўша жойда жанг қилиб, ўлсам ҳам майли эди.

– Ҳали шошмай тур, сен билан кўп жанг қиламиз, ўнбошим.

– Иншааллоҳ, қўмондоним.

Кўприкдаги бирликларимиз ҳам душманни чекинишга мажбур қилмоқда эди. Ҳаммамиз бир бўлиб ҳужум қилгач, душман аскарлари қоча бошлади. Хадар кўприги яна ўз қўлимизга ўтди. Бу сўнгги кунларда доим ортга чекинаётган ўрдумизга нисбатан энг катта зафар эди. Кўприкнинг шундоққина

бошланишига байроғимиз тикилди. У эсаётган шабадада ҳилпирай бошлади.

Ғурурлана бошладик. Ниҳоят, толесизлигимизни енгиб ўтдик. Асл хушхабарни эса кечқурун эшитдик. 22-бригада корпуси душман отлиқ ва пиёда аскарлари устидан ғалаба қозонибди. Буни эшитиб, аскарлар сакрай бошлашди, бир-бирини қучоқлаб, табриклаб кетишди. Ҳаммамиз «Мана, Усмонли ўрдуси қайта оёққа тура бошлади!» дер эдик. Бу икки ғалаба бор умидимизни учқунлантириб юборганди. Кайфиятимиз аъло эди. Яна ўзимизга келаётган эдик, чекинишлар якунига етди. Фаластиндан инглизларни қувиб чиқариш ҳаммамизнинг хаёлимизни банд қилган фикр бўлиб, аскарларда яхши томонга ўзгариш сезилди. Ҳамма «Фаластинда ҳам ишлар жойига тушяпти» дея, бошлади.

Кўприкнинг ҳар икки томонига ҳимояланишимиз учун мустаҳкам ҳимоя истеҳкомлари қурдик. Аскарлар дам ола бошлади. Жангда шаҳид бўлган 20 нафар аскаримиз ва яradорлар билан машғул бўлдик. Замбилчилар яradорларни ортга олиб кетишди, ўлганларни эса бир четга дафн этдик.

Уч-тўрт кун дам олдик. Разведканинг айтишича, бу яқин-атрофда душман ҳаракати кузатилмабди. Ҳар ҳолда инглизлар энди бу ерга ҳужум қилмаса керак. Бундан хотиржам бўлсак-да, доим ҳушёр туриш лозимлигини яхши билардик.

Байроғимиз нозлана-нозлана ҳилпирар, баъзан унга тикилиб, ўзимни ишонч ва хотиржамликда ҳис этардим. Унинг соясида бўлиш ҳар қандай машаққатни унуттириб юборарди.

Яқин-атрофлардаги қудуқларнинг кўпи қуриб қолгани учун сув танқислиги борган сари ортиб борарди. Суви бор қудуқларнинг ҳам суви камай-

ган, олганимиз билан бизга етмасди. Бунинг устига кун тобора қиздирар, идишларимизда бир-икки қултум қайнай деб қолган сув бор эди, холос. У билан фақат лабларимизни намлаб олардик. Иссиқдан юзларимиз қорайиб кетди. Куйган теримиз кўчиб тушар, қайноқ ҳаводан нафас олишга мажбур эдик. Кўпчилигимизнинг лабларимиз ёрилиб, салга қонаб кетарди. Оёқларимиз ҳолвадек юмшаб, ботларимизни ечгани ҳам қўрқардик. Барибир оёқни шамоллатиб туриш керак, йўқса суяккача етиб борувчи яралар босиб кетади. Аксарият аскарнинг оёғи яра, шунда ҳам жангда шаҳдам. Албан Бадур:

– Оёғим ёмон оғрияпти-да! Босолмаям қолдим, – деди.

– Ботларингни ечиб, қумда бироз юр, – дедим.

– Иссиқ қумда-я!

– Йўқ. Қумни бироз ёрсанг, тагидан салқинроғи чиқади, ўшанга босасан.

– Оёқ бунақада тузалмайди. Доктор керак бунга.

– Доктор?

Бу гапга ичимда куламан. Хаёлимдан доктор Акрам ўтади. Галичяда ундан жуда катта фойда кўрганмиз. Бу атрофларда доктор йўқ, бори ҳам анча орқадаги катта қишлоқларда ишлайди, яъни туман маркази ёки ўрдугоҳ қароргоҳларида хизматда. Битта ярадорни докторга олиб бориш учун икки-уч кун йўл босиш керак. Етмаганига, ярадор «какула»да манзилга боргунча уриниб хароб бўлар, яралари баттар очилиб кетарди. Бечора ярадорлар оғриқдан инграр, касалхонага боргунча оғир аҳволга тушиб қоларди. Шунинг учун ярадорлар «какула»га чиқишни истамас, биз эса уларни мажбурлаб ортиб юборардик.

Сувсизликка чидаш қийин эди. Айниқса, ярадорларга жуда оғир эди. Чанқаган сари ҳарорати кўта-

рилиб, чанқоқдан буришиб қолишар эди. Бу эса бизга ҳам изтироб берарди. Сақо Умар буларнинг аҳволини кўриб, ҳар куни сув излаб йўлга чиқади. Ёнига маҳаллий йўлбошловчилардан олади, лекин кечқурун идишлари бўш қайтиб келар, кейин бундан ўзи ҳам изтироб чекарди.

Бир куни сақо Умар ёнимга келиб, шундай деди:

– Қўмондоним, йўлбошловчиларнинг бири шу рўпарадаги икки тепалик ортида ширин сув қудуқлари бўлиши мумкин, деяпти.

– Қаердан биларкан?

– Карвон билан бу жойлардан кўп ўтганмиз, дейди.

– У ёқлар инглизларга жуда яқин-ку!

– Ҳа, лекин синаб кўришга арзийди, деяпти.

– Душман қўлига тушиб қолсангиз-чи?

– Қўлга тушмасликка ҳаракат қиламиз-да.

– Яхши

Мен шундай деб, йўлбошловчилар сал нари кетгач, Умарни чақирдим.

– Эшитаман, қўмондоним.

– Ҳушёр бўл, бу одамларга кўп ҳам ишониб бўлмайди. Буларнинг нима ниятда экани номаълум.

– Раҳмат, қўмондоним, соғ бўлинг. Албатта, эҳтиёт бўламан. Начора, аскарга сув топишга мажбурман.

– Хўп, яхши.

Улар хачирларга миниб, ёнларига ўнга яқин идиш олишди. Учта хачирни қамчилаб, йўлга чиқишди. Уларнинг орқасидан умид билан қараб қолдик. Шу жойдан тўғри жануби-ғарбга юришлари керак. Барибир ичимда хавотир бор. «Аллоҳ хайрли қилсин-да ишқилиб», дейман. Кейин яна умид қилавераман, чунки шимолимизда қора булутлар пайдо бўла бошлаган эди. «Ёмғир ёғса керак», деб ичимдан хурсанд

бўлардим. Келганимиздан бери бунақа булутларни кўрганимиз йўқ. Агар ёмғир ёғса, ҳамма идишларни яланглиққа қўйиб, ёмғир сувини йиғишимиз керак, деб ўйлайман. Бироз салқинлаймиз, чанқоғимизни қондирамиз. Балки пастда ястаниб ётган водийга ҳам сув келса ажабмас. Балки сузиш ҳам мумкин бўлар сувларда? Шу пайтгача ўзи бир мартагина ювина олдик, холос. Лекин буни ювиниш деб ҳам бўлмасди. Қуруқдан-қуруқ тозаланиш дейиш мумкин. Шу ҳолимизда икки литр сувга ювина олмасдик. Кир бўлиб кетгандик, ҳатто намоз ўқишга қийналардик.

Наблуслик Абдулваҳҳобни чақиртирдим.

– Ҳавога қара, ёмғир ёғадими?

У менга қарайди, атрофга аланглайди, шамолларни текширади.

– Йўқ, ёғмайди, қўмондоним.

– Ёғмайдими?

– Йўқ, афандим...

– Анави қора булутлар ёмғир олиб келмайдими?

– Йўқ, бу ерларда ёғавермайди.

– Нега фақат йўқ деяпсан, бу нимаси?

– Афандим, бу қум бўронига ўхшаяпти. Очиқда нимаики бўлса, устини ёпиш керак. Милтиқларни ҳам ўраб қўйиш керак.

– Қум бўрони дедингми?

– Ҳа. Дуо қилайлик, енгилроқ ўтиб кетсин. Бундай бўронлар бир-икки кун давом этиши ҳам мумкин. Водий бизни ҳимоя қилиши мумкин, тошларнинг ортига яширинсак бўлади.

– Ўша пайтда кўприкка ҳужум қилишса-чи?

– Ҳужум қилишолмайди. Бунақанги бўронда юриш ҳам қийин. Ҳатто ҳайвонлар ҳам юролмай қолади-ку.

– Нима қилсак бўлади унда?

– Кутишдан бошқа чора йўқ. Иложи борича яшириниш керак. Биз бундай пайтларда ҳайвонларни ҳам бир-бирига боғлаб, чўктириб қўямиз, устини ёпиб, ораларига ўзимиз кириб оламиз. Бўрон ўтиб кетгунча жойимиздан жилмай ётамиз. Шу қоятошлар бизга ҳимоячи бўлади.

– Яхши.

Унинг айтганларига ҳайрон қолдим. Ёмгир деб кутганим бошимизга бало бўлиб ёғилажак қум бўрони экан. Тезроқ тайёргарликни бошлаш керак. Кўзларим уфқдаги қора булутларда эди. Пўртана яқинлашиб келарди. Дарҳол бошқа қўмондонлар билан маслаҳатлашиб, аскарларни йўналтириш борасида келишиб олдик.

– Йигитлар! Қоялар орасига яширининг! Водийнинг ичига киринглар! Милтиқларингизни ҳам, юзларингизни ҳам яхшилаб ўраб олинг! Ҳайвонларни бир-бирига богланг! Тез бўлинглар, шошилиш керак!

Бу орада кўприкка ҳужум қилишмаса бўлгани. Абдулваҳҳоб «Ундай бўлмайди», деди. Зўрға қўлга киритган кўпригимизни осонликча бериб қўйгим келмасди. Йўқса, энг муҳим жойни бой берган бўламиз.

– Тезроқ бўлинглар. Имилламанглар!

Аскарлар нима бўлаётганини тушунмасди. Кейин ўзаро гаплаша бошлашди.

– Ўзи шу етмай турувди.

– Сувсизлигимиз каммиди?

– Қандай жойларга кепқолдик, ё Аллоҳим!...

Аскарлар бурчак-бурчакларга яшириниб, кута бошлашди. Ҳамманинг кўзи уфқда эди. Гавур Аҳмад иккимиз ҳам бир тош оралиғига яшириндик. Мен кўприкка яқин бўлишни истардим, лекин орада

кўзимни уфқдан узмасдим. Милтиғимни ҳам яхшилаб ўраб-чирмадим. Гавур Аҳмад ҳам шундай қилди. Айтишларича, бунақанги қум бўронларидан кейин аксар қуроллар ишдан чиқиб қоларкан. «Аллоҳим, ишқилиб шундай пайтда ҳужум бўлмасин-да...» деб тинмай дуо қилардим. Абдулваҳҳобнинг гаплари мени бироз хотиржам қилди. Гавур Аҳмадга:

– Ҳеч қачон қум бўронига дуч келмагандим. Қанақа бўлишини билмайман ҳам, – дедим.

– Мен ҳам, – деди у.

Бироздан сўнг енгил шамол эса бошлади. Кулранг аралаш бўзранг тўзон тобора яқинлашиб келаверди. Ер юзидаги нарсалар шамолда уча бошлади.

– Бошланди, шекилли.

– Ҳа, шунақага ўхшайди.

Шамол борган сари кучайиб борарди. Тез орада ўзимизни чанг-тўзон ичида кўрдик. Олдинга қарашнинг иложи йўқ, кўзларимизга қум тўла бошлади. Бошимизни пастга эгиб, ўраб олдик. Қоялар орасида шу алфозда кута бошладик. Бироз ўтиб, қулоқларни қоматга келтириб кучли шамол увуллай бошлади. Қум-тошлар учиб келиб, ҳар еримизга урилларди. Бошни кўтаришнинг иложи йўқ, лекин хаёлим кўприкда эди. Атрофга қараш учун бошимни сал очгандим, шамол савалай кетди. Юзимга ёнғоқдек тошлар урилгач, бошимни яна ўраб олишга мажбур бўлдим. Ҳамма ёгим қумга тўлди, тез-тез ўқчий бошладим. Ҳайвонлар ҳам ётган жойида маъраб қўйишарди, чунки тош бўлаклари ҳайвонларнинг очиқда қолган жойларига урилаётган эди. Шамол худди бизни ҳам учириб кетадиганга ўхшарди. Очилиб қолган бошимизни тез-тез ўраб олардик, шамол эса ўчакишиб, атайлаб янада тезлашаётганди гўё. Кутишдан бошқа чорамиз қолмади.

Шамол шу қадар шиддатли эдики, увуллаши инсонни ваҳимага соларди. Омонат турган қоятошлар кучли шовқин солиб, гумбурлаб пастга қулар, буни турган жойимизда яққол эшитардик. Қўйнимиз ҳам, қўнжимиз ҳам қумга тўлди. Ётган жойимизда тўзон кўтарилганда нафас олишимиз қийинлашарди. Қум аралаш қайноқ ҳаводан нафас олардик. Йўталавериб, ичим тўкилай деди. Кўзларимни чирт юмиб, бўрон тугагунча очмасликка қарор қилдим. Абдулваҳҳоб айтганидек, бу офат бир-икки кун давом этса нима қиламиз?

Қанча давом этди, билмадим, лекин шамолнинг шиддати сал пасайгандай бўлди. Ғалати овозлар кела бошлади, лекин мен уларга аҳамият бермасдим, чунки бўрон пайтида шовқинда ҳар хил овозлар кўп эшитилди. Ўраб олган бошларимизни секинаста оча бошладик. Бутунлай қум остида қолибмиз. Шамол анча секинлагач, атрофга қараб, нима бўлди, нима қолди – бир кўз югуртирдим.

Шу пайт кўприкнинг кираверишига ўрнатилган санжоғимиз ёдимга тушди. Муҳофазачи бригада уни олишга улгурганмикин?.. Нима бўлса бўлсин, деб ўрнимдан турдим. Шамолга қарши юриб, олдинга интилдим. Ҳамма қум остида ётарди. Айрим жойларни қалин қум қоплаган, ётган аскарларнинг ўрни ҳам билинмас эди. Ҳатто биттасини босиб олибман, дод деб ўрнидан туриб кетди.

– Аҳ, оёғим!

– Кечирасан, билмабман.

У бошини кўтармай ғудрана бошлади:

– Кўзингга қарасанг-чи!

– Бўлди-бўлди, узр.

Кўприкка яқинлашганимда кўзларим қинидан чиқиб кетай деди. Юрагим ҳаяжондан гупириб кет-

ди. «Бўлиши мумкин эмас!» дея олдим, холос. Оёғимдан мадор кетиб, чуқур-чуқур нафас олар, тинмай ўқчирдим. Нафас олишим қийинлашарди. Туфлаб ташладим, лекин бўлмади. Тинмай йўталардим. Олаётган нафасимизнинг нақадар буюк неъмат эканини ўша онда янада теран ҳис қилдим. Чанқоғимни ҳам унутиб қўйгандим. Ҳозир қилар ишим – тўғри кўприкка бориб, нима бўлганини ўз кўзим билан кўриш эди.

Кўзимга кимдир кўрингандек бўлди. Душман аскарими ё ўзимизникиларми? Байроқ тикилган жойида турарди. Демак, қўриқлов гуруҳи уни йиғиштиришга улгурмаган экан. Аста-секин юриб бордим. Қарасам, бир аскар байроқни маҳкам тутганча ўтирар, ўзини эса кўприк тиргагига боғлаб, ўшани қучоқлаганча ҳаммаёғи чангга беланиб ётарди. Шамол зарар етказмасин деб, байроқни жакетига ўраб ҳам олибди.

– Аскар! – дедим.

– Эшитаман, қўмондоним!

У ҳам тинмай йўтала бошлади.

– Нима қиляпсан?

– Санжоқни қўриқлаяпман, афандим. Бўрон бошланганда уни еча олмадик, лекин нима бўлса ҳам уни қўриқлашимиз кераклиги учун кўприкка чопдим. Учиб кетмаслик учун ўзимни ҳам тиргакка боғлаб олдим.

– Офарин сенга!

– Соғ бўлинг!

Аскарнинг юз-кўзлари қонаган, шамолда қоядан қиррали тошлар учиб келиб тилиб ташлаган эди.

– Санжоқни устингга ўраб олмабсан-да?

– Бир ўрамоқчи ҳам бўлдим, лекин қила олмадим.

– Нега?

– Уни ёпиниб олсам, шамолда йиртилиши мумкин эди, тош парчалари тешиб ташлаши мумкин эди. Шунинг учун йиғиштириб, қўйнимга солиб олдим. Кўксим унга қалқон бўлди, чунки буни қўриқлаш учун жонимизни тикканмиз, қўмондоним. Бу ерда менинг ҳаётим муҳим эмас, байроғимизга зиён етмаслиги аҳамиятлироқ. Уни фақат душмандан эмас, ҳар қандай табиий офатлардан ҳам асраш бизнинг вазифамиз.

У яна ўқчиди. Шу онда уни қучоқлагим, чангга беланган юзларидан ўпгим келарди. Унинг юзидаги чангни артиб, табрикладим. Кўзим тўлиб келар, ичимдан келаётган ифтихор туйғусини эса тилимга чиқаролмасдим. Томоғимга нимадир тиқилиб қолгандек, тилим айланмасди. Биз бўрондан сақланиш учун нималар қилмадик. У эса байроғимизни сақлаш учун жонини хатарга қўйибди.

Бўрон нечоғлик тинган бўлмасин, беш метр наридаги нарса ҳам кўринмасди. Атрофда чанг-тўзон босилмагани учун ерга ётиб олганлар худди тирик қабрдек кўринарди.

Ёнимдаги аскар эса ўзини кўприкнинг тиргагига боғлаб олгани учун тик турарди.

– Бўрон тиняпти, қўмондоним.

– Ҳа, тезроқ тинсин-ей.

– Ҳозир ўтиб кетади.

– Ҳа...

Узоқдан қандайдир овозлар эшитилгандек бўларди. Аввалига эътибор қилмадим, лекин бу бошқача овоз эди. Аста қулоқ тутдим.

– Сен ҳам эшитяпсанми?

– Нимани?

– Ғалати овозлар эшитиляпти, қулоқ солгин.

– Ҳа-ҳа, моторнинг гуриллаган овозими?

– Ғичирлагангаям ўхшаяптими?

– Ҳа.

– Қоятошлардан келаётган бўлмасин, қўмондоним?

– Билмадим.

– Мен нарироққа бир қарай-чи.

Гавур Аҳмад ва бошқа аскарлар ҳам қабридан тирилиб чиқаётган ўликлардек ўринларидан тура бошлашди.

– Ғалати овозни эшитяпсизларми?

– Йўқ.

– Ё Аллоҳ!

Мен қулогим остида ғичирлаган овоздан қийналаётган эдим, бу овоз худди миямни пармалаб, тешаётганга ўхшарди. Бу – машиналарнинг овози эди. Аммо қанақа машина бу? Қаердан келяпти? Кўприкдан узоқроқ туриб, атрофни кузатиш керак. Аскарларга ҳайқирдим:

– Ҳамма ўрнидан турсин! Уст-бошингизни қоқинглар! Тез бўлинглар!

Секин-аста олдинга борганим сари бояги овоз тобора яқинлашиб келаверди. Овоз мен бораётган томондан келаётгани учун бир қоянинг орқасига яшириниб, кузата бошладим. Овоз яқинлашиб, чанг булутлари орасидан баҳайбат соя кўринди. Мен унинг нима эканини тушунишга ҳаракат қилардим. Шу пайт шамолда кўтарилган чангдан яна кўзимни очолмай қолдим, машинанинг овози эса янада яқиндан эшитилаверди. Кейин бирдан миямга урди! Ё Роббим, нега буни аввалроқ ўйламадим-а! Ҳар нарса бўлиши мумкин эди.

Дарҳол ортга югура бошладим. Бор кучим билан бақирардим:

– Туринглар! Тез бўлинглар! Ҳамма жойини эгалласин! Душман ҳужум бошлади! Танклар келяпти, туринглар!

Дарҳол кўприкка чопдим. Санжоқни қўйнидан чиқараётган аскарга дедим:

– Тез арқонни ечиб, ортга чекин.

– Инглизларми?

– Ҳа.

– Бош устига, қўмондоним.

Аскар ўзини боғлаган ипларни еча бошлади. Ҳамма ҳимоя чуқурларига жойлашди. Икки пулемётни олд томонга келтириб қўйдик. Битта танк ортидан юзга яқин инглиз аскари келаётган эди. Аммо ҳақиқий кучлари кўп бўлмаса керак. Демак, бостириб келишни режалаштиришиб, қум бўронини эса айни муддао деб билишибди-да. Аскарлар эса бўронга ҳам қарамай, танк ортидан келар эди. Танкни қандай тўхтатамиз? Галичяда ҳам танк кўргандик, лекин улар ҳужумга ўтмаганди. Бу ёғи қандоқ бўлди, нима қиламиз энди? Танк кўприкдан ўтишга ҳаракат қилса, нима қила оламиз?

– Қани, тезроқ, имилламанглар! Инглизлар келяпти дедим-ку! Тезроқ жойларингизга ўтинглар! Қуролларни тайёрланг!

Аскарлар чуқурларга, ҳимоя истеҳкомларига жойлаша бошлади. Бир-бирига туртиниб-суртиниб, кимдир йиқилган, кимдир каскасини излаган, кимдир уст-бошини силкиган, хуллас, аскаримиз саросимага тушиб қолди. Душман шу онда ҳужум бошламасин, дея ич-ичимдан дуо қилардим. Камида йиғиштириниб олишимиз керак эди. Шу онда ҳужум бошланса борми, ҳолимизга вой.

Танк кўприк яқинида тўхтаб, кута бошлади. Бу орада биз ҳам жойларимизни эгаллаб олдик. 57-полк

ўз жойида нима бўлишини кутиб турарди. Душман аскарларидан бири танкнинг устига чиқиб, моторли милтиқ жойлаштиришга уринарди.

– Эвоҳ!.. Ўнбоши Вали, ана шу инглизни уриб туширсанг-чи!

– Бош устига, қўмондоним.

Ўнбоши уни нишонга ола бошлади.

– Бос тепкини, ўнбоши!

– Милтиқ отмаяпти, қўмондоним.

– Нима деганинг у, отмаяпти?

– Ичига қум тўлиб қопти, шекилли.

– Яна бир уриниб кўр!

Бузилганга ўхшайди. Бу ёқда душман аскари танк устига пулемётини ўрната бошлади.

– Ўнбоши, тезроқ бўл!

– Ўт очолмаяпман!

– Менинг милтиғимни ол!

Милтиғимни ўнбошига ирғитдим. У милтиқни ҳавода тутиб олди ва чўк тушганча нишонга ола бошлади. Ҳаммамиз гўё нафас олмай кутиб турардик. Ичимда эса «Буям отилмай қолмасин-да», дер эдим. Бу ёғи энди таваккал, инглизлар ҳам ҳужумга ўтиши мумкин эди. Миямда жонланаётган кетма-кет саволлар ҳали тугамай туриб, қулоғимиз остида ўқ овози янгради. Душман аскари «Ааҳ» дея, танк устига қулади.

– Яша ўнбоши! Қулатдинг. Диққат қилинглар, душман аскарлари ёйиляпти! Ўт очиши мумкин! Бунга имкон бермаслигимиз керак!

– Ўт оч!!!

Кутилмаганда ўт оча бошладик. Душманни ўша ерга ўрнашиб олишига фурсат бермаслик керак эди. Полк қўмондонимиз мингбоши Ҳожи Амин бей аскарларни истеҳкомларга йўналтирди. Душман-

га тинмай ўт очавердик, ниҳоят, бироз ўтиб, улар яна чекинишга мажбур бўлди. Шу пайт бирдан танк биз томонга юра бошлади. У кўприк томон келарди. Чекинаётган аскарлар ҳам танк ортидан келиб, ўша жойга ўрнаша бошлади.

– Танк биз томонга келяпти, ҳимояланинг! Танкни нишонга олиб, ўт оч! Пулемётчилар, ўт оч!

Танк зирҳли бўлгани учун ўқларимиз унга таъсир қилмади. Инглизлар унинг ортидан келса, ишимиз янада қийинлашади. Улар ҳам, биз ҳам танкнинг нима қилишини кузатиб турардик. Кўприкдан ўтса борми, ҳеч нарса қилолмаймиз, гўё оёқ-қўлимиз боғланиб қоларди.

Бўрон бутунлай тинди деса ҳам бўлади, чунки атроф бемалол кўринаётган эди. Инглизлар ортда, танк эса ғичирлаган овоз чиқариб, олға силжиб келарди. Ўқ отсак, унга пашша чаққанчалик ҳам таъсир қилмасди. Шу пайт танкнинг олд томонида икки бармоқ катталигидаги туйнукдан ҳайдовчи йўлни кўриб келаётганини сезиб қолдим.

– Ўнбоши, тез ёнимга кел!

– Мана, келдим, қўмондоним!

– Қара, анави туйнукдан мўралаётган кўзларни кўряпсанми?

– Ҳа. Лекин жуда тор-ку бу туйнук?

– Торликка тор, лекин... Икки кўзнинг ўртасига ўқ қадашинг керак, милтиғим сенда.

– Ён томондан теккизолмайман.

– Унда рўпарасидан от.

– Кўприкдан ўтиб, қаршисига чиқишим керак.

– Ўнбоши, нима қилсанг қил, ўшани тезроқ отишинг керак!

– Бош устига!

Ўнбоши Вали жойидан отилиб чиқиб, кўприкка чопди. Душман уни ўққа тута бошлагач, Вали ерга ётиб олди.

– Уни пана қилиб туринглар! Ўт оч! – дея бақирдим.

Аскарлар бирваракайига ўт очишаркан, ўнбоши кўприкка етиб олди ва бир ҳамлада нариги бетга ўтиб олди. Сўнг кўприк устунларини пана қилиб, нишонга олди. Бу ёқдан биз ҳам ўқ ёғдирар, шу билан бирга, танкнинг силжишини кузатиб турардик.

Ўнбошининг ўт очишини сабрсизлик билан кутардик. Танк яқин келган сари ҳайдовчисининг кўзларини ҳатто биз ҳам кўраётган эдик. Шу пайт ўнбоши Вали ўт очди, лекин нишонга теккизолмади, ўқ хато кетиб, зирҳга тегди.

– Ўқ отилганини кўрдингми?

– Теккиза олармикин?

– Қани, ўнбоши, от! Пешонасидан ур аблаҳни!

Нигоҳларимиз ўнбошида эди. У эса бироз очиқроққа чиқиб нишонга олаётганди. Шамол тинган, мерганга ҳар нарса таъсир кўрсатиши мумкин, масалан, шамол, қуёш нури, соя ва бошқалар... Шунинг учун ўнбошини тинмай дуо қила бошладик. Ҳамма жим, бутун вужудимиз қулоққа айланган эди. Бу сафар ҳам ура олмаса, ҳолат ёмон томонга ўзгариши мумкин.

Яна бир бора ҳайқирдим:

– Ўнбоши, от уни! Янглишма, бу сафар мўлжалга аниқ ур!

– ...

Ўнбошим жим, ўқ ҳам отгани йўқ, бу ёқда бизларнинг сабр косамиз тошай деб турибди. Тезроқ отиш ўрнига нимани кутяпти у?

– Унга нима бўлди ўзи? Нима, отишдан воз кечдими? Ё мўлжал ололмаслигига кўзи етдимикин?

Қаранглар, у кўприкнинг ўртасига келиб, ерга чўккалаб нишонга оляпти. Отиб қўйишмаса эди! Эсини едими у?

Шу пайт қаршидан ўқ узилди, аммо ўнбоши Вали жойидан жилмади. Ниҳоят, у тепкини босдию, ўзи ҳам ерга йиқилди.

– Валини отишди! Нишонга теккизолмади, шекилли! Қаранглар, танк ҳалиям юриб келяпти. Эвоҳ, кўприққа яқин қолди. Нафрат тўла кўзларимиз кўприкка тобора яқинлашиб келаётган танкда эди. Аммо қизиқ иш бўлди, танк турган жойида ортига бурилдию, водий томонга юра бошлади.

– Водийга кетяптими?

– Пастга йиқилади ҳозир.

– Демак, ўнбоши нишонга урибди!

– Ҳа, урибди!

– Яшасин!

Ҳар томондан «Теккизибди» деган ҳайқириқлар янгради. Танк эса водий томон бордию, бирдан пастга қулади. Гумбурлаган овоз кетидан чанг-тўзон кўтарилди. Танкидан ажраган душман аскарлари саросимага тушиб қолди. Уларнинг бу аҳволини кўриб, яна ўт оча бошладик. Инглизлар эса келган томонига қоча бошлашди. Водийда эса душман танки ёниб ётарди.

Дарҳол кўприк ўртасида ётган ўнбошининг олдига чопдик.

– Яхшимисан?

– Елкамдан ўқ едим, лекин тепкини босишга улгурдим. Сал қолса, отолмай қолардим, – деди.

– Бўлди, ярангни боғлаттирамиз.

– Зарари йўқ, қўмондоним.

– Сами, Рами! Тез келинглар!!!

Сами:

– Қўмондоним, яраси унчалик оғирмас. Елкасини ўқ ялаб ўтибди, холос. Яхшилаб тозалаб, боғлаб қўйсак, тузалиб кетади.

– Аллоҳим, Ўзингга шукр! Сенга ҳам раҳмат, ўнбоши!

– Э, мен нима қилибман...

Бироз ўтиб, байроқни қўйнида асраган аскар ёнимизга келди. Унинг бу ишидан хабар топган қўмондонимиз байроқни муҳофаза қилувчи бригада бошлиғига танбеҳ берди.

– Нега санжоқни муҳофазага олмадингиз?

– Афандим, қум бўрони бирданига бошлангач, шошиб қолдик, ҳатто кўз очишнинг имкони бўлмай қолди.

– Такрорланмасин! Тушунарлими?

– Тушунарли, қўмондоним!

Тўғриси, полк қўмондони унга қаттиқроқ танбеҳ беради, деб ўйлаган эдик, лекин бу сафар афв этган, шекилли. Бу табиий офат ҳақида маълумотга эга бўлмаганимиз учун бир гал маъзур тутса бўларди, лекин масала байроқ бўлгач, ҳеч қандай баҳона ўтмаслигини ҳаммамиз яхши билардик.

– Отлар!

Ҳамма бирдан ўша ёққа ўгирилди. Отлар танк шовқинидан ҳуркиб, ўрнидан туришга чоғланар, безовта кишнашарди. Ҳаммаси ҳар томонга тортиб, боғдан бўшалишга уринарди. Шу пайт битта от бўшалиб, дуч келган томонга чопдию, аскарлар орасига бостириб кириб, баъзи аскарларни ярадор қилиб, қоча бошлади. Энди туялар ҳам ўрнидан туриб, бўкирганча қоча бошлашди.

Буни кўрган Сами:

– Эҳ, какула ташувчи туялар ҳам қочяпти-ку!

Рами қичқириб юборди:

– Ушланглар уларни! Тўхтатинглар...

Улар туяларни қувиш билан овора бўлган пайтда яна мотор овозлари эшитила бошлади. Атрофга аланглаймиз, келган-кетган йўқ, фақат осмонда икки учоқ кўприк томон яқинлашиб келарди.

– Ҳаҳ лаънати! Учоқлар!!! Ҳамма ҳандақларга! Тарқалинглар, ерга ётинглар...

– Отлар-чи?

– Қўявер, ҳозир уларни ўйлама!

Гавур Аҳмад ўнбоши Валини елкасига олиб, қоялик томонга олиб кетди. Сами билан Рами эса учоқни кўриши билан жуфтакни ростлашди, лекин учоқлар ҳам тўғри ўшалар яширинган томонга келарди.

– Тез бўлинглар! Учоқлар яқин келиб қолди... Ҳандаққа сакранглар...

Икки аскар нақадар тез югурса ҳам, учоқлар бирпасда етиб келиб қолди. Бўлиб ўтган ишларни кўрмаслик учун кўзларимни юмдим. Аскаримизнинг илма-тешик бўлишини кўришга тоқатим йўқ эди.

Чидаб туролмай, кўзларимни очдим. Учоқлардан бири ерга бомба ташлади. Икки замбилчи аскарнинг яқинига тушган бомба шундай портладики, Рамини осмонга отиб юборди. Кейинги бомба Сами яширинган ҳандақнинг ёнига тушди. Боғланган ҳайвонлар ҳуркиб, жон талвасасида маърашар, ҳандаққа яширинган аскарлар эса бошини ҳам кўтара олмасди. Сал нарида ётган Рами бироз ўтиб, биз томонга эмаклай бошлади. Шу пайт Албан Бадур чуқурдан отилиб чиқди:

– Мана келдим, бироз чида!

– Қаёққа?

– Рамини олгани.

– Уни ҳимоя қилиб туринглар.

Аскарни чалқанчасига ётқиздик. Қайтиб келаётган учоқларга пулемётданми, милтиқларданми, ишқилиб отишга ҳозирланаётган эдик, полк қўмондонимизнинг буйруғи янгради:

– Ўт оч!

Бирданига олатасир отишма бошланди. Учоқлар юқорилай бошлади ва бомба ҳам отмай, кўздан йўқолди. Бу эса бизни хурсанд қилди.

– Қайтиб кетишяпти!

– Яшасин!

– Уларни қочирдик!

– Кўрдингларми, бомбалари қўлида қолди, отолмай қочишди.

– Ҳе, қаноти синсин ўшаларнинг!

Албан Бадур Рамини орқалаганча ҳандақ ёнига келди. Раминиг ранги-рўйи сарғайиб кетган, оғзи очиқ бўлса ҳам, зўрга нафас оларди. Юз-кўзлари боруддан кўкариб кетган, айрим жойлари куйган ҳам эди.

– Карахт ҳолатида у, – дедим мен. – Шу ерга, соя-роққа ётқизинг. Кимда сув бор?

Ҳеч бўлмаса юзини ювмоқчи эдик, аммо ҳеч кимда сув топилмади. Бир латтага бир-икки томчи сув томиздим-да, Бадурга:

– Шу билан юзларини артиб қўй! – дедим.

– Хўп бўлади.

– Рами, бўлди! Кетишди! Ўзингни қўлга ол...

Рами нимадир демоқчи бўлар, лекин оғзидан фақат кўпик келарди.

– Бўлди, гапирма. Кел, бу ерга ўтир-чи.

Уни сояроқ жойга ўтирғиздик. Унинг кўзлари маъносиз боқарди. «Эшитаётганмикин ўзи?» деб ўйлаб, унга бақирдим:

– Мени эшитяпсанми?

У «ҳа» дегандай бош ирғади.

– Бўлди, кечгача ўзига келиб қолади... Дам олсин...

Инглизларнинг тинимсиз ҳужум қилишидан Хадар кўпригининг нақадар муҳим экани маълум эди. Улар яна қайтиб келиши, кутилмаганда ҳужумга ўтиши мумкин, олдиндан бирон нарса дейиш қийин... Аскаримиз жуда чарчаган. Шаҳид бўлганлар бормикин деб, атрофга аланглаймиз. Беш киши шаҳид бўлибди, ўн киши яраланибди. Полкнинг 560 аскаридан 545 киши қолди. Ярадорларнинг жароҳати енгил бўлгани учун уларни ҳам қаторимизда ҳисобладик. Ўлганларни дафн этиш билан кун ҳам кеч бўлди.

Кечаси ҳар қандай тадбирни олиб, санжоқни полк қўмондони турган жой яқинидаги қоя олдига ўрнатдик. Муҳофизлар байроқ атрофига жойлашдилар, демак, уни ҳимоя қилишга қаттиқ киришилибди. Кечки салқин тушди. Кўприк яқинига дафн этилган шаҳидларимизнинг қабрлари дўмпайиб турибди. Бу биз учун жуда ачинарли манзара эди. Борган ҳар жойимизда Онадўлининг эр йигитларини тупроққа топшириляпмиз. Қабрининг бошига тош қўя олганларимизни омадли деб билардик, қачондир бизлар ҳам шу тупроққа қўйилишимизни ўйлардик.

Қабримиз бўлармикин ўзи? Бундай вазиятларда шаҳид учун қабрга дафн қилиниш ҳам катта бахт.

Кўкда ой бутун заминни ойдинлатар экан, қалбимизни маҳзунлик чулғаб олди. Ҳандақларда совуқдан дилдираганча ўйга толдик. Ҳамма чарчаган. Ухлашни истардик, аммо кўзга уйқу кирмасди. Ўйла-

римиз тобора чуқурлашиб борар, ақлимиз душманда, хаёлимиз юртимизда қолган оилаларимизда эди.

Жакетимнинг чўнтагида Гулниҳолга ёзган мактубим турибди. Кўзларимни юмганча яна хаёл оламига саёҳатга чиқдим. Рўпарамда ҳали ҳам ўша гулли кўйлакда Гулниҳол турарди. У менга табассум қилганча қўл чўзарди. Мен ҳам унга қўлимни узатиб, алаҳсирайман, кейин эса яна хат ёзишга тутинаман.

«.....

Гулниҳол, мени ўйлама.

Унутиш ҳам инсон руҳига енгиллик бахш этади. Эсдан чиқариб ташлаш балки дардга даводир, аммо ундан сўнг-чи?..

Сен мени унута оласанми? Бир жасорат кўрсатиб, бу саволни ўзингга бериб кўр-чи, қалбинг нима деркин? Нима деса ҳам, унинг сўзига қулоқ ос. Унут деса, майли, унут...

Кўзлар ёлғон сўйламас, дейишади. Қалбларнинг ҳам беҳис уришига ишонмайман. Чунки мен тошларнинг ҳам қалби бўлишига ишонган инсонман...

Гулниҳол!

Бундан буён ҳаётимда ҳеч нарсанинг аҳамияти қолмади. Худди ўзини дайди елларга топширган япроққа ўхшайман. На кундузнинг, на кечанинг ўрни қолди. Нима қилай...

Билган нарсам шуки, жуда чарчадим. Аммо ишқнинг бошқа бир оти чарчамаслик эмиш. Сен менинг оёғимга хаёлларинг билан тош осдинг.

Ёлғизлигим бир ёна, тиззаларимдан мадор кетяпти, хаёлинг ортидан ортиқ чопа олмайман. Йўлларнинг эса адоғи кўринмайди...

Гулниҳол!

Буғдойзорларга бир боқ, бошоқларга кўзинг тушади. Тик турганларининг ичи бўш, сен тўласига назар қил. Тўла бошоқлар доим ерга бош эгиб, она заминга таъзим қиладилар. Мен ҳам худди шундай, сенинг хаёлингдан қалби тўлган наргизлар каби бош эгаман. Ойтовоқдек юзини қуёшга қаратган кунгабоқар мисоли мен ҳам ёз бўйи сен томон бўйладим... «Сел дарёга қуйилди, дарё бўлди. Дон ерга экилди, буғдой бўлди», дейишади, сен мени қачон экасан қалбингга?..

Гулниҳол!

Хотиралар инсоннинг бош оғриғими? Тунлари савдонинг бошида қўриқчими ё? Эски кунларимизни йиғиб, бир тугун қилиб, Ускудордаги дўкондан чиқиб келармикин? Пушаймонлигимдан Чомлижанинг бутун уйлари ёнажакми?.. Сувлар тинармикин?..

Гулниҳол!

Бугун бормиз, эрта йўқ. Куннинг охири тундир. Ёруғликдан сўнг зулмат бошланур. Оташ сўниб, кулга айланур. Баҳорнинг охири хазонрезгидир. Ҳар бир пастлашнинг кейини кўтарилишдир...

Гуллаган ҳар нарса япроқларини тўкади бир кун. «Танда хароб бўлган жон кўзга ташланур», дейишади. Бу жон, бу қалб кўрингунча сен унутсанг ҳам, менинг қалбим унутмаса керак сени!..

Муҳаббатим ила ...»

Баъзан ҳамма нарса маъносиздек туюлади. Қаллиғим борлиги, мени севиши, уни ўйлашим, хавотирланишим, узоқда бўлса ҳам мени мендан кўра кўпроқ ўйлашини билиш ва буларни қирғин-барот отишмалар чоғида ўйлаб ўтириш бор маъносини йўқотгандек бўлаверади. Атрофда ўлим шарпа-

си кезиб юрган бу жанг майдонларида, ҳолимиз не кечиши, эртага нима бўлишимиз номаълум бўлган бир пайтда севги хаёлларига шўнғишнинг ўзи бемаъни кўринади... Аммо инсон экансан, хаёлга берилишдан ўзингни тийиб туролмас экансан. Барибир қийин вазиятларда ёки сўнгги нафасингда доим яқинларинг кўз ўнгингда жонланар экан...

Рўпарамда ҳар доим бутун маъсумлиги ва бор гўзаллиги билан Гулниҳол гавдаланади. Ойдин кечаларда унинг хаёли билан яшайман. Заминни ойдинлатган ойнинг шуъласи эмас, Гулниҳолнинг юзидан таралаётган нурдир. Елкаларимга чўккан тун эса унинг тимқора сочларидир. Юлдузларга боқаману, адашган бўламан, улар юлдуз эмас, Гулниҳолнинг сочларидан тўкилган зиёдир.

Аллоҳим, нималар деб валдираяпман, нималарни ўйлаяпман-а? Аммо бу ўйлар менга хуш ёқади, кўзларимни юмсам, уни кўраман, ўзимни унутаман, руҳим енгил тортади. Бир гул ифори туяман димоғимда. Биламан, бу – Гулниҳолдан таралаётган ифор... Оҳ, хотиралар инсонни чулғаб олади-я. Бутун вужудимни чирмовуқдек чирмаб олади. Кутилмаганда ташриф буюриб, юрагимнинг тўридан жой олади...

Чанқаганим ёдимга тушади. Сувга қонганимни эслайман. Титрайман, совуқдан қақшайман... Сувсизликдан қуриб, қақраган лабларимга аср ёмғирлари ёғиши, ундан қона-қона ичишим керак эди. Ичимда шовуллаб оқувчи шалолалар бор, уларнинг остига сакраб, сув ичида кўраман ўзимни. Ҳар ёним сув, сувга ғарқ бўламан. «Сув, сув, сув...»

– Қўмондоним, қўмондоним...

– Ҳа? Нима бўлди, Бадал Рашид?

– Қўмондоним, мана сув, марҳамат...

– Қанақа сув?

– Алаҳсираб, сув сўрадингиз...

– Ҳа, ҳа... Тушундим...

Билишимча, Бадал Рашид менга ўз сувини бераётган эди.

– Йўқ, ичмайман, чанқаганим йўқ, – дейман.

– Аммо қўмондоним...

– Ичмайман дедим-ку!

Бадал Рашид худди хафа бўлгандек, сув идишини жойига қўйди...

– Раҳмат, соғ бўл. Ичмайман, туш кўраётган эканман, холос...

Рашид жимгина бош ирғади.

Яна ўз ичимга кўмиламан. Уйқум қочди. Жуда ҳорғинман. Энди ухлолмаслигимни яхши биламан. Озиб кетганим ҳам энди-энди билиняпти. Лунжим осилган, ёноқларим бўртиб қолган. Соқолларим ўсиб, бит босиб қолибди. Тунги совуқда битлар ҳам қимирламай қўйди, қашинмаётганимга хурсандман. Кундузлари шунақанги қичишадики, маза қилиб қашлаган пайтимиз кўп бўлади...

Битлар баданимни қашинтирса, хотиралар миямни қичиштиради... Энди охиригача шундай бўлади, шекилли.

Ҳали тонг отишига анча бор. Кун чиқишини кутяпман, акс ҳолда бу хотиралардан қутула олмасам керак. Ўрнимдан тураман. Бироз юришим керак. Ҳандақларда донг қотган аскарлар устидан ҳатлаб ўтаман. Узоқ-узоқларга термиламан, тоғларга, тепаларга... Хадар кўпригига, байроғимиз ва муҳофиз аскарларга боқаман. Кўзимга бир нима илашгандек бўлди: аскарлардан бири ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа аланглаб, секин-аста олдинга юра бошлади. Ҳайрон бўлдим, қаерга кетяпти у?

– Тўхта!..

Жимлик. Аскар эса қоча бошлади.

– Тўхта, қочма!

«Мени қувманг!» деган овоз тун бағрини қиличдек кесиб ўтди.

– Бу ёққа кел!

– Йўқ! Мен кетяпман, ортиқ чидаб туролмайман!

– Кел, дедим!

– Бормайман!

Тўппончамни ғилофидан чиқараман, ичимда эса «Минг лаънат!» дейман. Аскар бўлса яна қочишда давом этарди.

– Тўхта, отаман!

– Майли, от! Шу билан баридан қутуламан. Ортиқ чидолмайман...

Бошқа чорам қолмади. Унинг қочиб кетишига кўз юма олмасдим. Тепкини босдим. У ерга қуларди. Аскар туришга ҳаракат қилар, қоқила-суқила қочишда давом этарди. Яна отдим, бу сафар ерга юзтубан тушиб, қимирламай қолди. Шу онда қалбим қонаганини ҳис қилдим. Гўё менинг ўзимни отишгандек эди. Титраган қўлларим билан қуролимни жойига солдим. Ўқ овозидан уйғониб кетганлар ғимирлай бошлади.

– Нима бўлди?

– Ким ўқ узди?

– Ҳужум бошландими?

– Инглизларми?

– Ҳеч гап йўқ, ухлайверинглар, – дейман. Баъзилар барибир ўрнидан туриб кетди.

– Ётинглар, ётинглар. Ҳеч гап йўқ.

Батальон қўмондонига вазиятни хабар қилиб, «Эрталаб кўмармиз», дедим.

– Йўқ, бўлмайди. Отилган аскарни кўришимиз керак. Қочишга уринган бўлса ҳам, нима бўлганини кўриш керак-да. Ким экан ўзи?

– Билмадим, менинг ротамдан эмас.

– Ҳаа.. Демак, 544 та қолдик... Камайиб боряпмиз, Аҳмад Музаффар.

– Аммо жуда муҳим ишларни бажардик, қўмондоним.

– Ҳа, тўғри.

– Камайсак ҳам бунинг аҳамияти йўқ. Уруш қурбонсиз бўлмайди.

– Сафимизни тўлдиришга аскар сўрайман, шекилли. Буни полк қўмондонимизга етказаман.

– Яхши бўларди.

Чаноққалъада ҳам, Галичяда ҳам саф тўлдиришга қанча ёзма мурожаат қилдик, аммо бари доим кеч, кераксиз пайтда етиб келар ёки умуман келмасди. Бу сафар ҳам бундай жойга захира аскар юборишларини умид ҳам қилмайман.

Ниҳоят, тонг отди. Баъзи аскарлар намозга туришди. Мен ҳам улар сафидан жой олишни, оз бўлса-да, бу дунё ташвишларидан фориғ бўлишни истардим. Таяммум қилиб, сафга турдим...

Хадар кўприги устидан пастга, водийга қарайман. Ёнган танк ўша жойда. Ичидаги аскарни ўлди дейишди. Душманимизнинг имконлари ёнида бизнинг аҳволимиз жуда хароб эди. На сувимиз бор, на егулигимиз... Асосан хурмо билан тирикчилик қиляпмиз. Тутқичларга суянганча узоқларга боқаман. Уфқда ёввойи гўзаллик. Нимадир диққатимни жалб қилди. Узоқдан нимадир келаётгандек эди. Ҳаракатланаётган қушмикин? Йўқ, отга ўхшаб чопиб келяптими? Қочиб кетган ҳайвонлардан бирортаси қайтиб келаётган бўлса керак. Ҳа, ҳа, от экан...

– Қаранглар! – дейман.

От кўприкнинг ғарбий томонидан келарди.

– Биз томонга от келяпти!

Рами дарҳол отилиб чиқди:

– Бизнинг туя бўлмасин?

– Йўқ, туя эмас, от.

– Ҳа, от экан...

Ҳамма ҳайрон.

– Бориб қарайликми, қўмондоним?

– Йўқ, сал яқин келсин. Аввал вазиятни билайлик.

– Икки ёнида нимадир осилиб келяпти.

– Ҳа, шундай экан...

– Сув идишларимиз бўлмасин яна?

– Идишга унчалик ўхшамаяпти.

– Дурбин билан қарайлик бўлмасам.

Батальон қўмондонидан дурбинни олиб қарайман:

– Ё Аллоҳим!

– Ҳа? Нима экан, Аҳмад Музаффар?

– От устидаги одам экан!

– Бизникиларданми?

– Билмадим ҳозирча.

– Бер-чи, ўзим қарай-чи. Ие, қип-яланғоч-ку!

– Яланғоч?

– Ҳа, онадан туғилгандек. Тавба, тавба.

Бошимдан қайноқ сув қуйилгандек бўлди.

– Бу исёнчиларнинг иши, – дедим.

– Бўлиши мумкин.

– Ким бўлиши мумкин бу?

– Сақо Умар бўлмасин ишқилиб?

– Бадал Рашид, Бадур! Дарҳол отнинг қаршисига чиқинглар.

– Бош устига, қўмондоним.

Икки аскарим учиб чиқиб, ғарб томон йўналди. Ичимизда хавотир. «Ишқилиб сақо Умар бўлмасин», деб дуо қилардим. Бўлимимдаги аскарлар янада хавотирда, урбанлар аскаримизни тутиб олса, яланғоч қилиб қайтариб юбориши, кўпинча ўлдириб ташлашини кўп кўрдик. Одамнинг ақлига ёмон ўйлар келади шундай пайтларда. От томонга кетган аскарларимизга қараймиз. Нима дейишар экан? Улар етиб боришгач, Бадал Рашид фарёд қилди: «Умар!!!»

– Лаънатиларнинг қилган ишини қара!

– Булар Аллоҳдан қўрқмайдими, а?

– Тирикми?

– Оғир яралар. Ўласи қилиб калтаклашибди.

– Калтаклашибди?!

Ғазабим ичимга сиғмай қолди. Бундай воқеалар қалбимни яралар эди. Аскаримиз қанчалик оч бўлмасин, қишлоқларни талашига йўл қўймасдик, буларнинг эса қилган ишини қара, дер эди бошқа қўмондонлар... Бу хоинлик, орқадан пичоқ санчиш дегани-ку!

Умарни олиб келган отни етаклаб келишди. Бадал Рашид аскарнинг аврат жойларини ёпишга уринарди. Умар қонига беланиб ётар, зўрға хирилларди. Кўзлари кўкариб, шишиб кетганди. Уни таниб бўлмасди. Ичимизга яна қўр тушиб, бутун вужудимизни куйдира бошлади...

Уни отдан тушириб, яраларини боғлашди.

– Ким қилса ҳам, жуда ёмон калтаклабди...

– Оҳ, Умар...

– ...

– Нима бўлди?

– Гапирмасин, – деди Бадал Рашид. – Бироз дам олсин, яраларини тозалаб, боғлашимиз керак.

– Ортга олиб кетиш керак уни.

– Нимада олиб кетамиз?

– Замбилда...

– Бироз ўзига келиб олсин.

– Яхши...

Бадал Рашид унинг яраларини боғлади, лабларига сув томизди. Кейин уни салқинроқ жойга олиб кетишди.

– Сувинг борми? – дейман.

– Бор, қўмондоним. Хавотир олманг, унга ўзимиз яхшилаб қараймиз.

– Соғ бўл, Рашид.

Жаҳлимдан қумларни муштлардим.

– Пасткашлар, хоинлар...

Сал қолса йиғлаб юборардим. Бу чорасизликнинг таърифи йўқ эди. Ҳеч нарса қилолмайсан, бир томонинг нураб кетаётганга ўхшайди. Ҳали ҳам қумларни муштлардим.

– Пасткашлар...

– Умар яшаб кетармикин?

– Билмадим, – дейди Гавур Аҳмад. – Пешонасида бўлса, ҳали яшайди...

– Яшаб кетар...

– Иншааллоҳ...

– Бу мусибатлар нимаси бўлди, Аҳмад афанди?

У индамади. Нима ҳам дер эди? Мен бўлса аламимни қумлардан олардим.

– Ифлослар!

– Тинчланинг, қўмондоним. Ўзингизни босинг.

– Қандай ўзимни босаман? Ўзимни бошқара олмаяпман-ку!

– Бу кунлар ҳам ўтар-кетар.

– Ўтишга ўтади, лекин буларни унутиб бўлармиди! Бугунги кун қандай ўтади?..

– Ғам-аламда бўлса ҳам ўтади, иншааллоҳ.

Сақо Умар туни билан алаҳсираб чиқди. Унинг изтиробларига дош бериш қийин. Бадал Рашид туни билан унинг ёнидан кетмади. Кейин эса Умарнинг гоҳ алаҳсираб, гоҳ бир амаллаб айтганларини сўзлаб берди.

– Аҳволи қандай?

– Бироз яхши.

– Тузалиб кетадими?

– Ичи қонамаса, албатта, тузалади.

– Буни қандай биламиз?

– Ҳуши жойида бўлса...

– Жойидами?

– Баъзан ҳушини йўқотяпти. Ниманидир айтишга ҳаракат қиляпти. Қийналса ҳам гаплашиш истаги бор.

– Нима дейди?

– Бошига тушган савдоларни узуқ-юлуқ гапиряпти.

– Нима бўлган экан?

– Йўлбошловчи билан жануби-шарқ томонга боришибди. Ширин сув излаб, бир кунлик масофани босиб ўтишибди. Бир хурмозорга етиб келишибди. Ўша жойда ростдан ҳам қудуқ бор экан, лекин атрофида аскарларнинг жасадини кўришибди. Маълум бўлишича, сувни заҳарлашган экан.

Йўлда давом этиб, кичикроқ бир қишлоққа дуч келишибди. Бу ер инглизларга сотилган урбанларнинг чодирларидан иборат қишлоқ экан. Одамлари сақо Умарга душман назари билан қарай бошлашибди, йўлбошловчи эса уларни Усмонлилар тарафдори дер эмиш. Умар ҳам вазият тескари айланаётганини сезибди, чунки йўлбошловчи нимадир деса, ур-

банлар кулар эмиш. «Қудуқ қаерда?» деса, «Сал нарида» деб жавоб беришар экан. Йўлга чиқишибди, аммо ортидан ўн икки киши от ва туяларда уларни қувиб етибди. Қудуқ бошида Умар идишларни сувга тўлдирмоқчи экан, урбанлар идишларни ерга уриб, синдиришибди. Умар «Буларни Усмонли тарафдори деган эдинг-ку!» деса, йўлбошловчи хоинона кулиб, «Инглиз олтинларининг юзи Усмонлидан иссиқроқ экан», дер эмиш.

– Пасткашлар! – дебди Умар. Бадавийлар эса унинг устидан қаҳ-қаҳ отиб кулишибди. Сўнг устига от солиб, ерга йиқитишибди, арқонга боғлаб, қудуққа бошини тиқиб, «Ич, тўйгунингча ич», дейишибди. Сув ичида бироз ушлаб туриб, бўғилай деганда тортиб олишармиш.

– Ёмон қийнашибди.

– Ҳа. Кейин ташқари тортиб, «Ечин», дейишибди. У рози бўлмабди. Қаршилик қилган экан, ўлгудек дўппослашибди. Ўлди деб ўйлаб, ташлаб кетишибди, аммо ичидан бири отга миндириб, йўлга ҳайдабди...

– Хоинлар...

– Ҳаммангизни шундай қилиб, шир яланғоч қилиб жўнатамиз, – дейишибди.

– Кўрамиз ҳали...

– Рашид, Умарга яхшилаб қара. Унинг учун албатта ўч оламиз. Ҳали шошмай турсин булар...

– Хўп бўлади, қўмондоним...

Эшитганларим ғуруримга оғир теккан эди. Жойимда туролмасдим. Шу онда бирон та маҳаллий одам чиқса борми, жойида қиймалаб ташлардим.

– Буларни қилган ишига қара! Аблаҳликка қара!..

Тез-тез юра бошладим. Ғудраниб, ақлдан озгандек юрардим.

Сувсизлигимиз, ёлғизлигимиз борган сари ортиб бораётган эди... Бу чўлу биёбонларда ёлғиз эдик, аммо душманларимизнинг тузоқлари, хоинларнинг хиёнати бисёр эди.

Яна кеч туша бошлади. Тун изтиробларимизни қўзғарди. Мен ана шу зулматга сингиб кетишни истардим, аммо бунинг иложи йўқ эди. Узоқлардан шоқолларнинг увиллаши эшитилар, чўл тозаловчилар яна овга чиққан эди. Биз Хадар кўпригида кутиб турардик. Кутиш қийин, сувсизлик эса ундан ҳам қийин...

Инсон ҳаммасига чидар экан. Сувимиз йўқ, егулигимиз тугай деган, аммо ҳали оёқда тикмиз...

Нима бўлса ҳам, сув топишимиз керак. Шунинг учун полк қўмондони ҳузурида тўпландик.

– Сувни қандай топсак бўлади?

– Яқин-атрофда сув қудуғи йўқ.

– Аскарлар билан Умар борган қудуққа борсакмикин?

– Бу анча хатарли, урбанларнинг сонини билмаймиз.

– Лекин сувимиз қолмади-ку.

– Нимадир қилиш керак, дўстларим.

– Водийдан қудуқ қазийликмикин?

– Бу ерлар тошлоқ дейишяпти.

– Ё Аллоҳим!..

– Яхши, ҳаммамиз бир ўйлаб кўрайлик, кейин яна йиғилармиз, – деди полк қўмондони.

Ротага қайтдим. Хаёлимда фақат сув топиш. Аммо қандай қилиб?..

Абдулваҳҳобдан сўрайман.

– Қандай қилиб сув топсак бўлади?

– Бу ерларда сув топиш жуда қийин...

– Нега?

– Бу томон қоялик, тошлоқ. Сув қудуқларининг аксари инглизлар турган томонда...

– Урбанлар томонга борсак-чи? Аскарлар билан.

– Тавсия қилмаган бўлардим. Чунки тузоқ қуриб, бизни чўлда сарсон қилишади.

– Унда нима қиламиз?

– ...

– Сизлар нима қилардинглар ўзи?

– Ҳайвонларимиз бўлса, бирон чорасини топардик.

– Қандай чора?

– Бир вақтлар урбанлардан эшитгандим.

– Нимани эшитгандинг? Чайналмай айтақолсанг-чи!

– Туяни сўйиб, қонини ичишар экан.

– Шунча аскарга қон етказиб бўларканми?

– Бошқа чорамиз йўқ. Ҳеч бўлмаса ярадорларга ичириш керак.

– Қўлимизда бор-йўғи икки тўп хизматчи от бор...

– Ўшаларни сўяйлик.

– Менинг аскарим ўлса ҳам қон ичмайди, биз қонхўр эмасмиз...

– ...

Сувсизлик сўнгги поғонага етди. Шундай давом этса, яна уч кунга аранг дош бера оламиз. Кейин бирин-кетин бу чўлларда жон таслим қиламиз. Биринчи Умар ўлади, ярадорлар узоққа бормайди. Мана шу Хадар кўпригида бутун бошли полк чанқоқдан ўлиб кетса-я! Бундай ҳолат инсонни янада асабийлаштириб юборар экан... Асабий ҳолатимиз устига асталик билан оқшом чўка бошлади.

Ҳандақларда совқотамиз, кейин титраймиз, аста-секин музлаб борамиз...

Уйқу оғирлик қилиб, бошим мункий бошлади. Қовоқларим очилмай ҳам қолди. Ухлашни истардим, ҳеч бўлмаса чанқоғимни унутарман. Бирдан Бадал Рашиднинг «Умар!» деган ҳайқириғидан уйғониб кетдим. Ирғиб турдим-да, Рашид томон чопдим.

– Нима бўлди?

– Умар!

– Ўлдими?

– Ўлдиришибди!

– Нима?! Ўлдиришибди?!

– Ҳа, келинг, ўзингиз кўринг...

Умарнинг олдига чопиб бордик. Унинг кўксига ханжар санчилган эди. Ханжар қандайдир қоғоз парчасини ҳам тешиб ўтган эди. Кимдир хат ёзиб қолдирибди.

– Бер-чи, нима ёзилган экан?

– «Орқасидан отилган дўстимиз учун сизлардан ҳам бир киши ўлди, ҳисобда тенг бўлдик»...

– Бу хоин ким бўлди?

– Кўрмай қолдим, афандим. Мен ҳожатга кетган эдим.

– Минг лаънат! Бу ифлосликни қара! Ўзи сувсизликдан ўлай деб турибмизу, ичимизда ҳали ҳам хоинлар бор экан! Аллоҳ жазоингизни берсин, аблаҳ хоинлар!!!

Умарнинг ўлдирилгани полкда бомба бўлиб портлади. Қуёш кўтарилгач, уни дафн қилдик. Дарахт шохидан яна бир япроқ тўкилди... Ҳандақларда ўтирган ҳамма мотамда эди... Бунинг устига сувсизликдан ўзимизни йўқотаёзган эдик. Шу ерда ўлиб кетсак керак, дея ўйлардик. Бу аҳволда яна икки кун чидай олардик...

Полк қўмондони «Ортга хабарчи юборайлик», деди.

– Уни ҳам отиб ташлашса-чи?

– Нима бўлса ҳам уриниб кўриш керак.

– Яхши..., – дедик.

Хабарчи бориб, «Сувсиз қолдик, бизга ёрдам беринглар», дейиши керак эди. У отлардан бирига минди. Ортидан жимгина кузатиб қолдик... Бу кунлар ишончимиз, иймонимиз задаланган кун эди. Энди тўғридан-тўғри ўлимни ўйлаб қолган эдик. Бундай жойда ўлиб кетиш ғалати эди... Ўлаксахўр қушлар тепамизда хурсанд учар, атрофимизда эса шоқоллар изғирди. Ҳатто яқинларимизгача кела бошлашди улар. Ё Роббим, шунчалар ожизмизми? Шунчалар осон луқмамизми уларга? Шу Хадар кўпригига қурбон қиламизми жонимизни? Шундай якун топадими тақдиримиз? Бир-биримизни «Чанқоқ арслонлар» дер эдик, чанқаб ўлишимизни қаёқдан билган эканмиз? Очиғи, умримиз шундай якун топишини кутмаган эдик. Бу арслонлар Ҳаққа фақат жанг майдонида қовушиши керак, деб ўйлар эдик...

Жаҳлим чиққанидан йиглаб юборай дердим. Чорасизликдан қўлларимни очдим, бошимни кўкка тикдим. Биз томон қора булутлар бостириб келарди. Ақлдан озай дедим.

– Ёмгир!

– Ёмғир ёғяпти!

– Ҳа, раҳмат ёғяпти! Энди чанқоғимиз қонади!

– Ўзингга шукр, Аллоҳим.

Бу ёмғирни худди сақо Умар юбораётганга ўхшарди...

Бирдан челаклаб қуйгандек ёмғир ёға бошлади. Нима идишимиз бўлса, сувга тўлдиришга ҳаракат қилардик. Худди ёш болалардек қийқириб, яйрардик. Қумда чанқоқдан ўлай деганимизда Роббим-

нинг бизга раҳми келди. Қўлида қандай идиши бўлса тўлдиришга чоғланган аскарлар, шиддат билан ёғаётган ёмғирга оғзини очиб, қона-қона сув ичар эдилар. Келганимиздан буён бундай тотли сув ичмаган эдик, шўх болалардек ирғишлардик.

– Ёмғир ёғалоқ, ёмгир ёғалоқ!

– Энди ўлмаймиз, чанқоқдан ўлмаймиз...

Ҳеч ким панага қочмас, атайин шалаббо бўлгиси келарди. Кўкдан тушаётган томчиларга аскарларнинг кўз ёшлари қоришиб кетди. Ҳар бир томчи сувни ер юзига биттадан фаришта орқали туширган Аллоҳга ҳамд айтардик. Кетма-кет чақмоқлар чақнар, ёмғир баъзан шамол билан келиб, юзларимизга уриларди. Ҳаммамиз бошимизни ювар, уст-бошимизни ишқалардик, кейин полапонлардек оғзимизни очиб, ёмғир сувидан қонардик...

Ҳар ён кўлмак, лой бўлиб кетди. Пастдаги водийни бирпасда сув босди. Ирмоқлар тўлиб-тошди. Айрим аскарлар водийга эниб, танк пайдо қилган чуқурга йиғилган сувда чўмилиб ҳам келишди. Бу гўзал манзарани завқ билан томоша қилардик...

Узоқларда шаҳидларимиз кўмилган жойлар ҳам ёмғирда қолиб, бошига қўйилган тошлар ҳам ювилиб, ярқирай бошлади...

Уч-тўрт соат ёққан ёмғир бизга қайта ҳаёт бахш этганди. Ўлим ёқасидан қайтгандик гўё. Нима бўлган тақдирда ҳам, умидни узмаслик кераклигини яна бир бор тушуниб етдим. Хадар кўприги остидаги дарё кўпикланиб, қутуриб оқа бошлади. Одамнинг ишонгиси келмайди. Боягина қуп-қуруқ ётган дарё ҳозир ўзанидан тошай дер эди. Ҳаммаси қисқа вақт ичида бўлиб ўтди. Дарёга тушган аскарлар секин-аста қирғоққа чиқа бошлашди. Барининг юзида севинч, умид ва кулги эди. Ёмғир тин-

гач, осмонни тўлдириб камалак кўриндию, ҳаммани ўзига маҳлиё қилди. Қуёш яна қиздиришда давом этар, сувлар буғланиб, ҳаводаги намлик ортиб кетган эди. Ўқловдек-ўқловдек терлай бошладик, аммо чанқоғимиз қонган эди...

Ўнбоши Валининг яраси кун ўтган сари тузала бошлади, аммо ичимизга шубҳа оралади; унинг ҳам жонига қасд қилишса-чи?..

Ичимизда хоин бор экан, унинг ким эканини аниқлаш керак. Менинг аскарларим ичида бундайи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас... Барибир эҳтиёт бўлиш керак. Агар ўша хоин ҳали ҳам ичимизда бўлса, қўлидан келган бор разиллигини қилиши мумкин. Ўтган куни мен отиб ташлаган қочоқ аскар араб эди. Бундан кейинги суиқасд менга бўлиши мумкин, чунки ўша аскарни мен отган эдим... Кўрамиз, вақт ўтаверсин-чи... Ўша хоинни қўлга тушира олсам борми, Худо ҳаққи, аяб ўтирмайман, эркак сўзим!

Ўнбошининг ёнига бордим.

– Яранг қалай, Вали?

– Кечадан бери яхши, қўмондоним.

– Тезроқ тузалгин, сенга эҳтиёжимиз бор.

– Ҳаракат қиляпман.

– Бадал Рашид, у қачон милтиқдан ўқ ота оладиган бўлади?

– Бир-икки кундан кейин. Яралари анча битиб қолди.

– Жуда соз...

Хадар кўпригида кутиш кунларимиз давом этаверди. На уфқда, на ҳавода инглизлардан дарак йўқ эди. Тақдирга тан беришди, шекилли. Эртасига батальон қўмондонимиз буйруқ берди:

– Тайёрланинг, янги вазифа...

Тайёрлана бошладик. Қаерга борамиз, қанақа вазифа – бунисини билмасдим. Кейинроқ билишимча, полк қўмондонимиз 22-бригада корпус қўмондони полковник Рафет Бейнинг шахсан ўзидан бир топшириқ олибди. Унга қўра, 57-полк Қизил Тепадан бир чақирим ғарбдаги Тўпоғоч истеҳкомида 20-дивизиянинг ҳужумларига мадад бериб, айни пайтда ўнг тарафини ҳимоя қилиш учун Милис қишлоғининг ғарбидан ҳужумга ўтиши керак экан.[42] Бу буйруқ келганда полк қўмондонимиз: «Бизни доим ҳужумларда ишлатишади, аммо сафимизни тўлдиришга келганда ортга суришади», дея ғудрана бошлади. Бундан ҳам баттари, биз борадиган Милис қишлоғининг йўли айнан душман жойлашган ердаги очиқ майдондан ўтар экан. Шунинг учун полк қўмондонимиз фақат кечаси юришни маслаҳат берибди. Бунга қўшимча равишда, қўшиннинг қаерга бориши хусусида қўмондонлардан бошқа ҳеч ким билмаслиги, ичимизда сотқинлар борлиги қатъий тайинланди.

– Душман тўпларига дуч келишни истамаймиз, – қўшимча қилди у...

– Хадар кўприги нима бўлади? – сўрадик биз.

– Бирликлар йўлга чиққан, ҳademай шу ерда бўлишади... Бу ерни ўшаларга қолдирамиз...

Ростдан ҳам, сал ўтиб, икки юз кишилик рота келаётгани маълум бўлди. Кўприкни уларга қолдириб, тайёргарликларни тамомладик. Тунда йўлга чиқиш режалаштирилди. Мен ҳам арслонларим ёнига қайтдим.

– Ҳамма нарсани йиғиштиринглар, кетамиз. Сами, Рами! Сизларга от беришим мумкин.

– Соғ бўлинг, қўмондоним. Замбилларни янгитдан ясадик.

[42] Миллий мудофаа вазирлиги, 57-пиёда полки, 96-97-бетлар.

– Жуда яхши...

Қош қорая бошлагач, йўлга чиқдик. Ичимизда яна хавотир: инглизлар кўчишимиздан хабар топмадимикин ишқилиб... Тез-тез отряд олдида бўлишга, атрофни кўздан кечиришга ҳаракат қилардим. Ойдинда юриб борардик. Хайрият, қўрққанимиздек бўлмади, 1917 йилнинг 28 ноябрь тонгида, кун илий бошлаганда энг хатарли жойни босиб ўтдик. Бу ёғига йўл бир мунча бехавотир эди.

Полк қўмондони дарҳол разведка бригадаси тузишга буйруқ берди. Улар келтирган хабарга кўра ҳаракатга ўтишимиз керак экан. Айтилган жойга биринчи бўлиб биз етиб келдик, 20-дивизиядан эса ҳали дарак йўқ. Разведкага одам юбориб, ўзимиз кўзга ташланмаслик учун атрофга тарқалиб, хурмоларнинг, харсангларнинг панасига ўтдик. Уч соатдан кейин разведка бригадаси қайтиб келди. Яхши хабарлар олиб келишибди. Айтишларича, инглиз ҳарбий кучлари нисбатан оз экан. Бундан келиб чиқиб, полк қўмондонимиз ўнг қанотга ҳужум қилиш мақсадга мувофиқ бўлажагини билдирди ва ҳужумни эрта тонгда бошлайлик деб, дивизия қўмондонимиз подполковник Седат Бейга арз этди. Лекин қўмондон бунга изн бермади: «Дивизиянинг бор кучи тўпланишини кутинг», деди. Ҳужум вақтинча қолдирилди.

1917 йил 29 ноябрь куни ҳимоя истеҳкоми ва ҳандақлар қазиш билан банд бўлдик. 20-дивизия аскарлари тушга яқин етиб келишди. Энди ҳужумга ўтишимиз мумкин эди. Аскарлар ҳам сабрсизланарди, чунки бор кучларимиз сафарбар этилганидан душман аллақачон хабар топган бўлса керак. Чунки уларнинг разведкачилари ҳавода ҳам, қуруқликда ҳам биздан кўра анча устун эди.

Ҳужум 29-дан 30-га ўтар кечаси бошланадиган бўлди. Ҳар бир батальондан биттадан взвод ажратилди. Ҳужумни ўшалар бошлаб бериши керак. Ортидан қолган кучлар ҳаракат бошлайди. Ажратилган взводлар ичида бизники йўқ эди. Бунга батальон қўмондонимиз эътироз билдиргандек бўлди, чунки полк қўмондони «Улар бироз дам олсин, дивизиянинг қолган кучлари билан бирга ҳужумга ўтади», дебди. Начора, кута бошладик.

57-полкнинг танланган взводлари ярим кечаси ҳаракатга тушди. Қўшин душман истеҳкомига анча яқин боргач, сим тўсиқларни кесиб ўтиб, душман устига бургутдек бостириб борибди. Найза жанги бошланиб кетибди, аммо душман ён томонга жойлашган пулемётлардан ўт очиб, аскарларимизнинг аксариятини шаҳид қилибди. Кейин орқадан айланиб ўтиб, бошқа аскарларимизни асирга олишибди. Бу муваффақиятсиз ҳужумдан фақат битта зобит билан 29 аскар омон қайтибди.[43]

Бундан жуда жаҳлимиз чиқди. Дўстларимизнинг интиқомини олишга қасд қилдик, ҳатто асирларни озод қилишни ҳам ўйлай бошладик. Барча кучлар бирдан ҳужумга ўтса, ўйлаган режамиз амалга ошиши мумкин эди. Ичимдан «Қанийди, бизнинг взвод юборилса», дейман. Афсус, бўлар иш бўлиб ўтди, бундан буён нима қилинса, ўшанга тайёрланиш керак. Аскарлар катта иштиёқ билан ҳозирлик кўрар, қуролларини тозалаб, отишга шай қилишарди. Найзалар милтиқ учига жойлаштирилди, захира ўқ-дорилар тарқатилди. Сувимиз ҳам бор, ҳар томонлама тайёр эдик... Аммо кутилмаган хабар ҳафсаламизни пир қилди: ҳужум бекор қилинибди. Турган жойимизда ҳимоя вазиятига ўтиш буюрилибди. Демак,

[43] Миллий мудофаа вазирлиги, 57-пиёда полки, 97-бет.

энди турган жойимизни ҳимоя қилиш учун бор кучимизни сарфлаймиз.

Ўйлаган ўйимиз сароб бўлиб чиқди. Умидларимиз катта эди. Асир дўстларимизни ҳам қутқармоқчи эдик. Шу ернинг ўзида полкнинг учдан бир қисмидан айрилдик. «Қанийди бошида 20-дивизияни кутмасдан ҳужумга ўтаверган бўлсак», дея ҳайфсина бошладик.

1917 йил 27-28 декабрь кунлари душман ҳужуми натижасида Истеҳком Тепа ва Қизил Тепалар инглизлар қўлига ўтди. Бу жангда улар бирданига ҳужумга ўтишди. Қуруқликдан катта куч билан бостириб келиб, аёвсиз бомбардимон бошлашди. Аскарни учоқлар билан қўллаб-қувватлаб туришди. Тепаларни қўлга киритишда эса бизни ён томондан шиддатли тўпга тутишди. Бор кучимиз билан қаршилик кўрсатсак ҳам, ҳолимиз тобора хароб бўлаверди. Буни кўрган 22-бригада корпуси қўмондонининг буйруғи билан Жулжила ва Кеферсаба деган жойдаги истеҳкомга чекинишга мажбур бўлдик. Полк Сабя қишлоғидан икки чақирим жанубдаги майдонга жойлашди. Таркибимиз бор йўғи 420 кишидан иборат эди.

Уч кунгача чуқур ҳандақлар қазидик, ҳимоя тўсиқлари барпо қилдик. Бундан норози эмасдик, чунки бу ер нисбатан яшил, сувга сероб, атрофда хурмозорлар кўп эди. Қурғоқчиликни бошдан ўтказган аскаримизга бундай жой жаннатнинг ўзи эди. Ўзи аслида аскарларимиз ҳеч қандай шароитга шикоят қилмас, нолимас эди. Ҳозир ҳолат анча яхши, аммо ортга чекинишлар тинкамизни қуритяпти. Айниқса, биз достонлар ёзиб қўлга киритган Хадар кўпригининг кеча душман қўлига ўтганини эшитиб, яна бир бор руҳан синдик. У ерда бошдан кечирганларимизни эслаган сари томоғимиз тиқилар, ғазабимиз қайнарди...

Ҳаво ҳам борган сари салқинлаётган, иссиқдан эмас, кечалари қаттиқ совуқдан изтироб чека бошладик.

Кун ўтиб борар, биз эса ҳали ҳам ҳимоя истеҳкоми қуриш билан овора эдик. Тўғрироғи, танбаллик қилаётган эдик. Қилар ишимиз ҳандақларни тўғрилаш, кундалик разведкага чиқиш, қишлоқларга бориб, янги узилган хурмолардан олиб келиш бўлиб қолди.

Ҳандақда ўтирибман. Хаёлимда Гулниҳолга ёзган мактубим. У жакетимнинг чўнтагида турибди. Ғижимланиб кетган бўлса ҳам керак. Олсам, ёзувлари ёмғирда шувалиб, қоғоз қатлари бир-бирига ёпишиб қолибди. Беихтиёр кулиб қўйдим: «Зиёни йўқ, яна ёзавераманку». Қоғозни бироз ушлаб турдим-да, майдалаб йиртиб, шамолларга совурдим.

«Эй шамол, бу қоғоз парчаларини Истанбулгача олиб бор... Мендан ўша нозанин гулимга салом айт, яхши юрганимни хабар қил. Ишқ савдосининг юки оғир бўларкан, ёринг эзилмоқда, чўлу биёбонларда Мажнун каби доим сени ўйлайди, дегин.

Эй шамол, уни ўйлаб чеккан изтиробларимни сўйла унга...»

«.....

Гулниҳол!

Мажнун чўлларда Лайли дея ўзидан кетди, мен эса сени ўйлай-ўйлай, тунлари бедор, ишқ савдомизнинг қўриқчисига айландим. Қўлимни тош остига қўйган куним тошнинг қаттиқ эканини тушуниб етдим.

Сув бетига ёзув ёзиш беҳуда иш экан, қумдан қалъалар қуриш ҳам... Сув инсонни ғарқ қиларкан, қалъалар ҳам вайрон бўларкан, аммо мен буларни соялар-

дан, қоронғиликлардан халос бўлгачгина англаб етдим. Кейин эса далли қалбимга шундай дедим:

«Мен қуёшнинг фарзандиман, доим ундан гапираман. На кечаман мен, на кечага ошиқманки, сенга доим уйқу ҳақида эртаклар тўқисам...»

Денгизга қайтувчи тўлқинларни биласанми, Гулниҳол? Улар аввал бир пушаймонлик билан, ноўрин жаҳл билан келиб, ўзини қояларга уради-да, оппоқ кўпикларга айланиб, сокин-сокин ортига қайтади. Мен ҳам бошимни фақат сен учун, сени деб тошларга урдим, аммо бу беҳуда азоблардан асло пушаймон эмасман. Менимча, пушаймон бўлишга анча кеч бўлди. Бу савдо мени темирчининг сандонида шаклдан шаклга солиб, тоблаяпти. Чўғ бўлиб турган темир устига тинимсиз келиб урилувчи болғанинг зарбидан темир шикоят қиладими ҳеч? Йўқ. Чунки бу зарбалар сувга солинган темирни совитиб, мустаҳкам ва кескир қиличга айлантиради. Бу кескир қиличлар эса неча савдолар устида айланади, бошқа савдоларга йўл очади. Шунинг учун ҳам жимгина аслимга қайтаман, уммонимга қайтаман...

Келган жойимизга қайтиб бориш нима учундир ичимизга даҳшатли ваҳима солади. Шуни эътироф этишим керакки, қайтиш учун сафарга отланар эканман, менинг ҳам ичимга ваҳима оралайди. Аслида бу қўрқувми, нима эканини ҳам яхши билмайман. Васваса бўлса керак бу. Аммо кўнгли тўқ инсонларда васваса ҳам бўлмас экан. Худди омбордаги доннинг ерга экилишига ўхшайди: дон ерга қайтишдан қўрқармиди? У тупроққа кўмилса, йиғим-терими вақтида бошоқ-бошоқ буғдойга айланмайдими? Буни тупроқдан бино бўлиш дейилмайдими? Янгидан туғилиш дейилмайдими?..

.....

Ичимдан ўтган ҳис-туйғуларим баён қилинган нечанчи мактубим эди бу, билмайман.

Гулниҳол... Менинг Истанбулдаги тотли хаёлим... Ҳали қисмат не бўлади, ҳолимиз не кечади бу ерларда, билмайман. Балки бу хаёллар шунчаки беҳуда хаёлдир. Чунки биз ўлимни кўзлаб, Аллоҳга таслим бўлиб йўлга чиққан инсонлармиз. У Зот истаган ишини қилади, истаган жойига юборади. Шундай экан, бундан бизга не ғам?

Кўнглим роҳатлади. Ўрнимдан турдим, шабадага юзларимни тута-тута юра бошладим... Турли хил қоришиқ туйғулар оғушида эдим. Қумлар орасида юрмоқда эдим...

* * *

Хадар кўпригида бўлгани каби бу ерда ҳам уфқни қора булутлар босди. Булутлар шундай тез ҳаракатланар эдики, ҳайрон қолмай илож йўқ. Яна ёмғир ёғса керак. Шукрки, сувимиз етарли.

– Ёмғир келаётганга ўхшайди, – дедим Гавур Аҳмадга.

– Иншааллоҳ, қўмондоним. Ёмғир баракот-ку, ёғаверсин.

Қора булутлар биз томонга суръат-ла бостириб келарди.

– Мен бунақанги тез ҳаракат қилган булутларни ҳеч кўрмаганман.

– Бу ерларда шунақа экан-да.

– Балки.

– Юр, ҳандақларни айланиб келамиз.

– Яхши, қўмондоним.

– Аҳмад афанди, сен билан анчадан буён биргамиз. Чаноққалъада, Галичяда, энди эса Фаластинда...

Қийин кунларни бошдан ўтказдик, қанчадан-қанча дўстларимизни тупроққа қўйдик...

– Ҳа, шундай бўлди, қўмондоним. Жанг майдонида вақт ҳам тез ўтар экан.

– Ҳолбуки ўзимизга қолса, ҳеч нарсанинг фарқига бормас эканмиз, фақат ортга бир боқсанг, вақт дарё мисоли оқиб ўтган бўларкан.

– Тўғри... Муҳими – вазифамизни сидқидилдан бажариш, қолгани ёлғон...

– Ёлғон дунё деб шунга айтсалар керак-да, қўмондоним...

– Аммо бир нарсадан умидим бор.

– Нимадан?

– Шунча жангларда бирга жанг қилдик, душманга қарши курашдик... Келажакда бизни бу ерларда нима ишлар қилганимизни билган ёш авлод, «Бошларидан нелар ўтмаган экан», дейишади. «Шунча имконсизлик бўлса ҳам, қийинчилик бўлса ҳам, Ватан учун, миллат учун жонларини фидо қилишган экан», дейишади. «Улар шу замин учун жон олиб, жон берган экан, энди навбат бизга», дейишади. «Бу тупроқларнинг, бирлик-баробарликнинг, аҳиллигимизнинг қадрига етайлик», дейишади. Бу ерда пешонамиздан оққан ҳар бир тер, танамиздан томган ҳар томчи қон, ҳар бир ўқ-дори ва кўмилган шаҳидларимизнинг раҳмати бўлади, баракоти бўлади, иншааллоҳ. Бу баракот эрта бир кун умидли, бахтиёр кунларни олиб келади, бизларни достон қиладилар, китобларимизни ёзадилар... Аслида буларни қилмасалар ҳам бўлади. Барибир келажак авлод бизнинг жабҳадан жабҳага ўтиб юриб, кўрсатган жасоратларимизни тақдирлайди. Нима бўлса бўлсин, шароит қандай бўлишидан қатъи назар, оловга ўзини урган

парвонадек жанг майдонларига чопган биз оталарнинг аҳволини янада теран англаб етадилар... Қилган ишларимиз оддий иш эмаслигини тушунадилар ва бахтиёр, фаровон ҳаёт кечирадилар...

– Давлат яшаб қолса, албатта.

– Давлат дейсанми?

– Ҳа...

– Нима бўлишидан қатъий назар, бу миллат ўз давлатига эга бўлади, ўзини янгилайди, ўзига келиб олади. Биз тақдир деган нарсанинг, пешона ёзуви деган нарсанинг атрофида жипслашайлик... Бу ерда муҳими – бирлик, баробарлик. Мана қара, аскарларимиз орасида ҳар жойдан келганлар бор, лекин мақсадимиз бир.

– Хоинлар ҳам бор-да, лекин...

– Хоинлар ҳар қандай давлатда ҳам бўлади, аввал ҳам бўлган. Бунда ўша хоиннинг кимлиги, нима иш қилишини била олиш муҳим. Ғафлатда қолмаслик, доимо ҳушёр ва уйғоқ туриш лозим. Бу замин ғафлатни, хатони кўтара олмайди. Ҳар доим тайёр, кучли бўлиш керак.

– Куч дегани қарорини ўзгартира олиш дегани ҳам-ку.

– Албатта. Энди қара, ҳозир урбанлар Шариф Ҳусайн бошчилигида бош кўтаришяпти, аммо вақти келиб, алданганини тушуниб етишади, чунки бу инглизларнинг сиёсати. Уларнинг иши шу – ичидан низо чиқариш, бўлиб ташлаш, бир-бирига гиж-гижлаш ва натижада бошқарувни ўз қўлига олиб, барча бойликларга эга чиқиш. Ўзининг узоқ яшашини ўзгаларнинг чўкиши эвазига таъминлаш... Инглиз дегани мана шу, аммо биз ундай бўлмадик... Тарих Усмонли ҳақида гапирар экан, қийматимизни туширмайди, бизга мутлақо ҳақ беради...

– ...

– Чуқур мавзуларга кириб кетдик, Аҳмад афанди.

– Яхши бўлди, қўмондоним. Илк бор ўзгача фикрлар тингладик.

– Ҳа, шундай бўлди...

– Қаранг, қора булутлар яқинлашиб қолди.

– Булутлар ўрнини тез алмаштиряптими?

– Ёмғир ёғади, шекилли.

Шу пайт устимизга бир-икки дона йирик чигиртка келиб тушди.

– Булар қаердан келди?

– Қаранг, манави ерга ҳам тушди!

– Ия! Бу ёмғир эмас экан-ку!

– Чигиртка ёпириляпти!

– Ҳа, чигирткалар ҳужуми экан!

– Ёмғир ўрнига чигиртка ёғяпти.

– Ё Аллоҳим, бошимизда бу ҳам бор экан-да!

– Эртага тош ёғса ҳам ҳайрон бўлмайман энди!

– Тез панага ўтиб олиш керак!

Югура бошладик. Чигирткалар эса биздан тез ҳаракат қилар эди. Иккимиз чигиртка тумани ичида қолиб кетдик. Ҳар томонимиздан минглаб ҳашарот учиб келиб, юз-кўзларимизга уриларди. Улар чўнтакларимиз, ҳатто соқолларимиз орасига ҳам кириб кетмоқда эди. Югураётиб, ерга тушганларини ғарчиллатиб босиб ўтардик. Уларнинг кўплигидан ҳатто тупроқ кўринмай қолди. Босиб олганингда чиқарган товуши шунақанги хунук эдики, қулоғимизни беркитишга мажбур бўлардик. Шапкамиз билан юзларимизни тўсишга уринар, улар эса ҳатто бурнимиздан кирмоқчи бўлишарди. Бутун олам чигиртка билан тўлганди гўё. Ҳандақлар ичи тўрт бармоқ қалинлигида чигиртка билан тўлди. Аскар-

ларимиз бундай табиий офатга илк бор дуч келгани учун нима қилишни билмасди.

– Булар қаердан пайдо бўлди, а?

– Қиёмат қоим бошландими?

– Бунақасини умрим бино бўлиб кўрмаганман.

– Йириклигини қара буларнинг!

– Жуда тез ҳаракат қилишар экан.

– Яхшиси, юзимизни беркитайлик!

Ҳа, аскар тўғри айтди. Энг яхшиси, юзни беркитмоқ эди. Бирон латта топиб, юзларимизни ўраб олишимиз керак. Шундай ҳам қилдик. Ростдан ҳам, бемалол нафас ола бошладик. Аммо бундан қандай қутуламиз, уларни қандай йўқотамиз?

Улар экинларга, жумладан, мева-сабзавотларга энг катта зиён етказаётган эди. Чигирткалар жуда оч эди, яшил рангли жойни кўрса, бир-икки дақиқада ишини ҳал қилиб, қуруқ чўпини қолдиришарди. Бунақа оч, юҳо махлуқни кўрмагандим.

Орадан уч соатча ўтиб, чигирткалар камая бошлади, аммо атрофдаги боғлар батамом хароб бўлди. Қишлоқ аҳолиси бошини ушлаганча фарёд қила бошлади. Кейин эса қўлларига курак олиб, чигирткаларни қопларга сола бошлашди. Қандай идиш топса, ўшанга ҳашаротларни тўлдириб, таший бошлашди. Мен қизиқдим:

– Абдулваҳҳоб, булар нима қиляпти?

– Чигиртка йиғишяпти, қўмондоним.

– Буларни нима қилишади, ёқишадими?

– Йўқ, ейишади...

– Нима?! Ейишади?!

– Ҳа, ейди.

– Қандай қилиб ейди?

– Қишлоқ одамлари нима қилсин? Экин-тикинларни чигиртка еб ташлади. Энди уларни ўзлари ейди-да... Бутун қиш бўйи янги озуқа етиштиргунича шуни ейишади... Чигиртканинг кабоби, қоқ қилингани, тузлангани, ҳатто салати ҳам лаззатли бўлади.

– Туф-е... Салати ҳам, ўзи ҳам қуриб кетсин...

– Бу ерларда очликдан омон чиқишнинг ягона йўли чигиртка ейиш. Аввалига пўстлоғи бор бир нима еяётганга ўхшайсиз, кейин ўрганиб қоласиз...

– Аллоҳ ҳеч кимни очлик билан имтиҳон қилмасин, чигиртка ейишга мажбур қолдирмасин.

– Омин...

Ижирғаниб кетдим. Ўзимизча менсимаган қоқ нонларимиз ҳозир кўзимга юмшоқ, бўрсилдоқ нон бўлиб кўрина бошади. Шу ҳолимизга ичимдан шукр келтирдим...

Қишлоқ одамларининг чигиртка тўплаганини кўрган аскарларимиз ҳам тўплай бошлашди. Лекин ейишга эмас, кейин билсам, қишлоққа олиб бориб, бир нарсаларга алмаштириб келиш учун экан.

Бундан хурсанд бўлдим, чунки аскаримиз бўш вақтдан унумли фойдаланаётган эди. Уларга ҳам иш, ҳам ўйиндек эди бу. Бир-бирини қувлаб, ўмбалоқ ошиб, чигиртка тутиш ҳам бир нави ҳарбий машғулот эди. Ўша куни аскаримиз болалардек севинди, қўлидагиларни алмаштириб келиши эса яна бошқа мавзу бўлди...

Бир ҳафта ўтиб, чигирткалардан асар ҳам қолмади. Энди аскарлар уларга қайрилиб ҳам қарамай қўйишди.

Ҳафталар, ойлар сувдек оқиб ўтди. Март ойи бошланди. Тақвимни ҳам унутиб юборган эдик, кун ва ойни ёзма буйруқлардаги санадан билиб олардик. 1918 йил 10 март куни полкимизнинг 19-дивизия-

си 22-бригада корпусининг тасарруфига ўтиб, Наблусдан Табсур ва Сайидалида жойлашган ҳарбий чизиққа келди. Сўнг полкимизга 20-дивизия таркибидан чиқиб, 19-дивизияга қайта қўшилиш буюрилди. Бундан ташқари, полк аскарларининг сони 400 кишидан 3-батальон қўшилгач, жами 750 кишига етказилди.[44] Ниҳоят, ўз дивизиямизга қайтган бўлдик. Энди бошқа дивизиядагилар билан эмас, ўз шерикларимиз билан бирга жанг қиламиз. Анчадан бери жимжит турган жабҳаларда секин-аста ҳаракатлар бошланган эди. Бирон жиддий воқеа бўлмагач, турган жойимизда тайёргарлик кўра бошладик.

57-пиёда полки 19-дивизиянинг жанг майдонига йўналтирилгани учун майдон марказида бўлса, ўнг томонимизда 72-полк, чап тарафда эса 77-полк жойлашган эди. Полкимиз 7 километрлик жанг майдонига жавобгар эди. Тайёргарликлар бошлаб юборилди. Инглизлар сентябрь ойида катта жангга тайёрланаётгани хусусида гап-сўзлар юрганди, аммо буларнинг қанчалик тўғрилиги номаълум. Биз ҳам фақат жангга тайёрланардик.

Аслида бу гап-сўзлар кайфиятимизни туширарди. Декабрь ойи охирида Қуддуснинг йиқилиши вақтида 26-дивизияда хизмат қилган бир зобит яқин дўстини кўргани келди. Ўша зобит дўстига «Шу олмонлар дўстми, душманми, билмай қолдим» деб айтибди. У ҳам қизиқиб сўрайвергач, қуйидагиларни айтибди:

Олмонлар билан яҳудийлар ўртасида алоқалар мустаҳкамланиб бориб, Қуддусни ишғол қилишда отрядларнинг аслаҳа ва озиқ-овқатларини ташиш вазифаси юклатилган уловлар олмонлар билан жанг қилаётган қисмлардаги асли олмонлардан бўлган яҳудийларнинг озод қилинишида ишлатилибди.

[44] Миллий мудофаа вазирлиги, 57-пиёда полки, 97-бет.

Олмонлар буларни ҳимоя қилмоқчи экан. Агар уларни қўллаб-қувватлашмаса, Қўшма Штатлардан ёрдам сўрашлари, хусусан, Америкада Олмонияга қарши иш олиб боришларидан қўрқаётган экан. Улар Америкада жуда катта нуфузга эга экан, Олмония шунинг учун яҳудийларга яхши муносабатда бўлаётган экан. Бундан ташқари, «Times» газетаси ҳарбнинг бошиданоқ инглизлар ғалаба қозонса, Фаластинни миллий ватан тариқасида яҳудийларга қолдирилишини ташвиқ этувчи мақолаларни чоп этаётган эмиш.[45]

Олмонларни биз ҳам тушунмаганмиз-ку, у қандай тушунсин! Чаноққалъада, Галичяда ҳам бирга жанг қилганмиз... Урушда ҳар бир миллат ўз фойдасини кўзлайди... «Оҳ, буюк Усмонли, не ҳолларга тушдинг!..»

Бу хабарлардан сўнг Қуддусни ўйлай бошладим. Декабрь ойида йиқилган, бизнинг қўлимиздан кетган Қуддусни... Худди хочлилар юришидаги каби қўлдан бой берилган Қуддусни... «Самовий динларнинг муқаддас қадамжолари, улуғ пайғамбарларнинг хотиралари жамланган шаҳар» маъносини билдирувчи Қуддусни... Инсоният тарихидаги энг муҳим шаҳарлардан бири бўлган Қуддусни... Мусулмонларнинг илк қибласи бўлган Масжидул-Ақсо жойлашган, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Исро ва Меърож мўъжизаларига гувоҳ бўлган Қуддусни...

Бу ерлар ҳазрати Мусо ва унинг қавми Қизил денгиздан ўтгач, киришга буюрилган заминдир. Ҳазрати Иброҳим оташ балосидан омон қолгач, Фаластинга ҳижрат қилиб, Халилга келиб жойлашган.

Саккиз марта салиб юришларига гирифтор бўлган Қуддус...

[45] Рамазон Болчи, Фаластин, 154-бет.

Демак, Усмонли ҳам бу муқаддас тупроқларда шаҳар-шаҳар йиқилмоқда. Усмонли бу жойлардан йиғлаганча бош олиб кетаётган эди гўё.

Қуддусдаги қароргоҳдан Шомга юборилган сўнгги телеграф хабарига кўра, хулоса шундай эди: «Душман кучлари бу ердан тахминан бир ярим соатлик йўл нарида... Аллоҳга омонат, Қуддус»[46].

Кейин эса 19-дивизиянинг 8-ўрду таркибида жанг олиб борган Ғазога навбат келади. Ғазо учун олиб борилган жангларда 11521 инсон, 3161 бош ҳайвон ҳалок бўлган.[47] Бу йўқотишлар бизнинг ва 20-дивизиянинг йўқотишлари билан янада ортиб борди. Бундан аввалги биринчи ва иккинчи Ғазо муҳорабаларида душманга қаршилик кўрсата олган Меҳметчик, афсуски, кейинги жангларда енгилиб, шаҳарни тарк этишга мажбур бўлади. Аскаримиз бу ерлардан чекинар экан, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг катта бобоси Ҳошимнинг мозори устида йиғлаб хайрлашибди.

Фақат Ғазо бўлса қанийди, шимолдаги Яфа шаҳри ҳам қўлдан чиққан. Биз ҳам бу ерлардан кетар бўлсак, «Хайр, Аллоҳга омонат» деб кетаверамизми ёки шу ерда қолиб, жон чиқарганча жанг қиламизми?

Кайфиятим тушиб кетди. Очиғи, Қуддуснинг енгилганини билсак-да, воқеалар бу қадар қайғули давом этганидан кейинроқ хабар топдик. Бу эса аскарга салбий таъсир кўрсатиб, унинг умидини сўндирарди.

Усмонли шу чўл-биёбонларда, муқаддас ва маънавий бой заминда қумлар остига ғарқ бўладими?.. Бу саволни истисносиз ҳамма сўраши мумкин, чунки бунга сабаблар етарлича топилади. Бу ерда ҳадик

[46] Б. Артунер, 291-бет.
[47] Рамазон Болчи, Фаластин, 136-бет.

бор, қўрқув бор. Хавотиримиз эса Ватандан, буюк давлатнинг чўкишидан эди.

«Қўрқувнинг ажалга фойдаси борми?» деб ўйлаб қоламан. Энг яқиндаги қудуққа бориб, юз-қўлларимни ювиб, ўзимга келиб олишни истардим. Салкам бир чақирим наридаги кичик қишлоқ қудуғига боришни кўзлаб, йўлга чиқдим. Осмонда айланаётган ўлаксахўр қушларнинг оч эканлиги маълум, уларга анчадан бери тайёр ўлжа йўқ. Кун тобора қиздирар, қумтепалар худди ўчоққа ўқ қаланаётгандек ловуллар эди. Қишлоққа яқинлашган сари яшил майсазорлар кўзга ташлана бошлади. «Бу гўзалликларни чигирткалар кўрмасин-да...» дейман ичимда.

Қишлоққа кирдим. Мени кўрган болакайлар қочиб кетишди. Кекса отахон ўтирган экан, салом бердим, аммо у индамади, мен ҳам эътибор қилмадим. Фақат «Сув ичмоқчиман», дедим, холос. У мени тушундими, йўқми, билмадим. Секин қудуқ сари йўналдим. Энди челакни ташламоқчи бўлган эдим, орқамдан кимдир «Бу сувдан ичмасанг яхши бўларди», деди.

– Нега? – дедим мен.

– Заҳарланган...

– Доим шу сувдан олаётгандик-ку.

– Бугун тонгда заҳарлашди.

– Ким қилди бу ишни?

– Сизникилар...

– Бизникилар?

– Ҳа, ҳа, сизникилар...

Шошиб қолдим. Наҳотки... Биз учун муҳим ҳисобланган бу қудуқни ўзимизникилар нега заҳарласин? Ақлга сиғмайдиган иш. Тўғриси, ишонмадим. Лекин челакни ташладим.

– Менга ишонмадинг, шекилли.

– Йўқ, ишонмадим. Нега заҳарлаши керак?

– Билмадим, аскарларингдан сўра.

– Кўрамиз-да.

Челакни тортиб чиқардим. Ҳидлаб кўрдим, ҳеч қандай ножўя ҳид сезмадим.

– Тўхта! – деди у.

– Нима яна?

– Ичма!

– Мен сенга ишонмайман.

– Ундай бўлса, анави мушукка ичириб кўр, – деди у.

– Яхши.

У мушукни чақириб, челакдан бир ҳовуч сув олди-да, мушукка ичирди. Энди бироз кутишимиз керак. Аввалига мушукка ҳеч нарса бўлмади, лекин бироз ўтиб, ўқчий бошлади. Ўрнидан турди, лекин довдираб, ён томонларга йиқилаверди. Охири икки метрча нари бориб, чўзилиб қолди.

– Кўрдингми?

– Ҳа, кўрдим.

– Энди ишондингми?

– Ҳа, раҳмат, сизга.

Ҳайрон эдим. Нега бундай қилишди? Бундай бўлиши мумкинмас ахир! Балки қишлоқ одамлари қудуқдан фойдаланмаслигимиз учун атайин заҳарлаган бўлса-чи? Йўқ, унда ўзлари ҳам сувсиз қолишади-ку! Ичимиздаги хоинларнинг иши бўлса керак. Бу иши билан ҳам биздан ўч олган, ҳам қишлоқ аҳлининг нафратини оширган бўлади. Шу йўл орқали маҳаллий аҳолининг бизга ёрдам беришини тўсиб қўяди, бизга турли тузоқлар қўйишда уларнинг кўмагидан фойдаланади. Шу охирги фикр тўғрироққа ўхшади. Энди ўша хоинни, Умарни пичоқлаган сотқинни топишим шарт. Бу

ишларни қилган одам бир киши, у ҳали ҳам аскарларимиз орасида.

– Биз сувларни заҳарламаймиз, ишонаверинг, – дедим.

– Кийими сизнинг аскарингизникидақа эди.

– Бўлиши мумкинмас. Кимдир сизлар билан бизнинг орамизни бузмоқчи.

– У ёғини билмадим, лекин қишлоқ сувсиз қолди. Бошқа қишлоқдан ташиб келтиряпмиз. Лекин ҳеч ким сувидан беришни истамаяпти.

– Раҳмат сизга, – дедим.

Қишлоқдан узоқлашар эканман, боя қочиб кетган болалар ортимдан тош отишарди. Уларни қўрқитишни истамай, худди қочаётгандек тезроқ юрдим. Улар эса роса кулишди. Мен ҳам севиниб, уларга қўл силкидим.

Бирдан хаёлимга бир фикр келдию, дарҳол ортга қайтиб, югура бошладим. Мени қуваётган болакайлар тум-тарақай қочиб қолишди. Бироз аввал қудуқ бошида мен билан гаплашган чолни излардим. Уйларга қарадим, лекин уни тополмадим. Сал нарида бир эшик очилгандек бўлди. Бориб, эшик қоқдим.

– Ким бу?

– Қудуқдаги бояги аскарман.

– Нима истайсан биздан?

– Гаплашмоқчиман.

– Гаплашдик-ку!

– Илтимос, йўқ деманг.

У эшикдан бошини чиқариб мўралади.

– Нима дейсан?

– Аскаримиз қудуқдан сув олдими?

– Билмайман.

– Илтимос сиздан, бу жуда муҳим.

– Билмадим, дедим-ку.

Ўша жойдан оёғимни қўлимга олиб, аскарлар томон чопдим. Агар қудуқдан сув олинган бўлса, аскарлар заҳарланиши мумкин, шунинг учун шошилишим керак эди. Бир чақирим жой худди ўн чақиримдек туюлди. Қанча югурсам ҳам етолмаётган эдим. Бир томондан тинмай бақирардим:

– Ичманглар! Сувни ичманглар!..

Эшитишдими, йўқми, билмадим, аммо барибир бақиравердим.

– Сувни ичманглар!

Иссиқ ҳавода томоғим тиқилиб, ҳеч нарсага қарамай, ҳаллослаганча чопар, қўлларимни силкиб, эсимга тушган аскарларнинг отини айтиб бақирардим.

– Ҳасан!

– Бадал Рашид!

– Ўнбоши Вали!

– Гавур Аҳмад!!!...

Шунча бақирсам ҳам ҳеч ким эшитмас, бирон жавоб бўлмасди. Тезроқ югуришим керак. Ниҳоят, етиб келдиму ўзимни ҳандаққа отдим. Албан Бадур ухлаб ётган экан, уйғониб кетди:

– Нима гап, нима шовқин? – деди у асабийлашиб.

– Ичимизда душман бор!

– Ҳужум бошландими? – сапчиб туриб кетди у. Ўзимни отгандим, Бадурнинг устига тушдим.

– Жим! Ҳужум эмас!

– Қўмондоним, сизмисиз?

– Ҳа, менман. Сув ичдингми?

– Йўқ.

– Аскарларга тарқатилдими?

– Йўқ. Нима гап ўзи?

– Сувдан ҳаргиз ича кўрманглар!

– Нега, тинчликми?

– Ичманглар! Тарқатилган сувларни тўкиб юборинглар, сувни заҳарлашибди.

– Заҳарлашибди?

Дарҳол Гавур Аҳмадни топдим:

– Кимдир шу яқин-атрофдаги қудуққа сувга борганмиди? – дедим.

– Тонгга яқин боришди, шекилли. Лекин аниқ билмайман, нима гап ўзи?

– Нима бўларди, Умарни ўлдирган хоин қудуқни заҳарлабди. Қишлоқ одамлари эса биздан кўришяпти. Улар биздан қаттиқ ранжиган.

– Биз нега бундай қилайлик, қўмондоним?

– Мен ҳам шундай деб ўйладим. Майли, кел, энди идишлардаги сувни тўкайлик, аскарлар ичиб қўймасин.

– Ё Аллоҳ, Ўзинг асра.

– Ишончли аскарларни бошқа қудуққа юбор, сув келтиришсин. Абдулваҳҳоб қаерда?

– Шу атрофда эди.

– Ўртада йўқ бўлиб қолмадими, ёнидагилардан бир сўраб кўр-чи.

– Хўп, ҳозироқ сураштираман.

– Хоинни топмасак бўлмайди. Тезроқ топиш керак.

– Қандай қилиб, қўмондоним?

– Билмадим, аммо эътиборли бўлсак, ўзини сездириб қўяди.

Бироз ўтиб, Гавур Аҳмад келди.

– Нима бўлди?

– Тонгга яқин ҳожат учун ташқарига бориб келибди.

– Оббо...

– Ўшамикин?

– Билмадим. Энди ҳаммадан шубҳаланиб юрадиганга ўхшаймиз. Яна сув борми?

– Йўқ, афандим. Ўша қудуқдан олинган сув қолмади.

– Ўзингга шукр, Аллоҳим.

Аскарлардан ҳеч ким заҳарланмади. Энди хоинни топиш шарт. Уни қандай топамиз? Бир ўзими у ёки шериги ҳам борми? Балки инглизларнинг жосусидир? Хаёлимга машҳур Лавренс ҳам келди, тўғриси. Уни кўрганларнинг айтишича, бирликларда ўша жосусга ўхшаган аскар йўқ экан. Бундай хаёлдан ўзим ҳам кулиб юбордим.

«Лавренс-а?.. Хаёлга нималар келмайди...» дедим ўзимга ўзим. «Урбанлар қиёфасида юрувчи бу жосуснинг бизга кўп зарари теккан. У урбанларни бирлаштириб, темир йўл бекатлари ва йўлларда бизга қарши исёнга етаклаган. Уни сира қўлга туширишолмаган экан».

Ичимизда хоин борлигига ишонардим. Янада эътиборлироқ бўлишга мажбур эдим. Чунки у бошимизга кўп балолар ёғдириши муқаррар. «Биздан бири» деган одамини мен ўлдирдим, шунинг учун ўч олмоқчи.

Сўнгги пайтларда инглизларнинг сентябрь ойидаги ҳужуми ҳақида бот-бот гаплашиладиган бўлди. 77-пиёда полки жойлашган Қиқириқсой, Мерчкас воҳасида бир неча кундан бери душман ҳаракатлари кузатилибди, 57-чи, 72-полклар бу хабардан огоҳлантирилибди. Остонада куз ойи. Ҳужум исталган пайт бошланиши мумкин. Хабарлардан маълумки, душман катта тайёргарлик кўряпти.

Инглизлар ҳаводан ҳам тинимсиз разведка қилаётганини учоқлар тез-тез айланишидан билса бўларди. «Бизнинг ҳам учоқларимиз бўлса эди», дейман ўзимча. Саноқли учоқларимизни ҳам олмонлар бошқарар, улар ҳам асосан ўрду қароргоҳларига яқин жойларда хизмат қиларди. Ҳар тарафлама устун бўлган инглизларга қарши олмонлар курашга чиқиши эҳтимолдан йироқ кўринарди.

Бундай жойларда энг юракни сиқувчи иш – кутиш. Ҳар тонгда душман ҳужум қилиб қолармикин, деган ҳадикда яшаш инсоннинг асабларини толиқтирарди. Машғулотларни, тайёргарликларни тезлаштириш керак. Ҳар жой-ҳар жойга кўчиб юрган байроғимизга ўйчан боқардик.

Кунлар тобора исиб борар, куз бошланаётган бўлса-да, салқиндан асар кўринмасди. Бахтга қарши Оқденгиз томонлардан илиқ шамол эсиб, борган сари кучая бошлади. Бу эса иссиқликни орттирарди, холос. Оёқ-қўлим титрар, нафас олишим қийинлашиб, терлай бошлагандим. Бошда иссиқдан бўлса керак деб ўйладим, аммо тобора мазам қочаётганди. Нима бўлди менга? Касал бўлдимми? Нафас орқали қайноқ ҳаво ичимга кириб, пўртана пайдо қилаётгандек эди. Ҳолим қуриб, сувдонимдан бир-икки қултум сув ичдим. Ҳеч нарса ўзгармади, сувнинг қолган қисмини бошимдан қуйиб юбордим. Ичим буришиб, кўз ўнгимда оқ нарсалар жимирлай бошлади. Ҳеч нарсани тушунмаётган эдим. Шуни айта олардимки, борган сари асабларим таранглашиб, беҳузур бўляпман. Шамол ҳам кучаяр, узоқларга боқсам, кўзимга сароб кўринарди. Аскарлар, уйлар, дарахтлар иссиқда эриб буғланаётгандек гўё. Ақлдан озаётганга ўхшайман. Буни ўйласам, янада эзилардим. Нафас олишим тезла-

шиб, ҳар нафас изтироб берар, терлашим ҳам кучайиб борарди. Қанча жанг майдонларида бўлдим, бошимдан сон-саноқсиз оғир кунлар ўтди, аммо бундай ҳолатни ҳеч қачон бошдан кечирмагандим.

Рўпарамда соядек Бадал Рашид пайдо бўлди.

– Қоч йўлимдан!

У нима бўлаётганини тушунмай, ҳайрон бўлиб нари кетди.

Ёнимдан ўтаётган аскарларга ҳам ўшқирдим:

– Нега имиллаяпсанлар, чопларинг тезроқ!

Аскарлар югура кетишди. Борган сари асабийлашардим. Дастрўмолимни олиб, терларимни артдим, сал бўлса ҳам салқинламоқчи эдим. Ўзимни муздек сувга отиб, маза қилиб сузишни, тўйгунча ичишни истардим.

Шу пайт рўпарамда Гавур Аҳмад пайдо бўлди.

– Сизни излаётгандим қўмондоним.

– Нима гап?

– Разведкачилар келтирган сўнгги хабарларни етказмоқчи эдим.

– Нега аввалроқ келмадинг?

– Маълумот ҳозир келди.

– Рўпарамда турма қаққайиб!

– Нима қилай, қўмондоним?

У ҳам овозини баландлатиб гапирди. Кўриниб турибдики, у ҳам асабийлашган. Унинг бу туриши, дўриллаши ғашимни келтираётганди. Шу онда у билан жанжаллашишни истардим.

– Менга овозингни кўтариб бақирдингми?

– Йўқ, қўмондоним!

– Менга қарши чиқяпсанми?

– Йўқ.

– Биласанми, мен кимман?

– Биламан, қўмондоним!

Ўрнимдан турдим.

– Менга ўшқиришга ҳаққинг йўқ, тушундингми?

– Ўшқирганим йўқ-ку!

– Ўшқириш ҳам гапми, бақирдинг!

– Бақирмадим, афандим.

Гавур Аҳмаднинг ёқасидан олдим.

– Менга қара, кимлигимни биласанми ўзи?

– Биламан, афандим!

– Ҳалиям бақириб гапиряпсан-ку!

– Менга бекордан-бекор бақиришга ҳаққингиз йўқ. Нима қилдим сизга?

– Ие, тилинг чиқиб қолибдими? Жа кўп нарса биларкансанми?..

– Ҳа, бақираман! Керак бўлса қичқираман...

Ёқасидан тутганча бўға бошладим. Ўзимда эмасдим, ҳали ҳам бақириб шовқин қилаётган эдим.

– Ҳақмисан ҳали? Кўрсатиб қўяман сенга!..

– Афандим, сизга ҳурматим баланд, елкама-елка жанг қилган қуролдошмиз ахир.

Наблуслик Абдулваҳҳоб ёнимизга чопиб келди:

– Қўмондоним, ҳамма асабийлашяпти. Аскарлар бир-бири билан жиққа мушт бўляпти.

Бизни ҳам жанжал устида кўргач, кулиб юборди.

– Нега кулаяпсан, аҳмоқ?

– Афандим, бу ҳолат аслида оддий ҳол.

– Қанақасига?

– Шунақасига. Бу – Оқденгиздан эсаётган «сироко»[48] шамоли. Инсон асаб тизимларига кучли таъсир қилади. Инсоннинг жанжаллашгиси келаверади.

[48] Оқденгиздан эсувчи гармсел.

– Шунақа дегин!

– Ҳа, шундай афандим.

– Унда нима қиламиз?

– Ҳеч нарса қилмаймиз. Шамол тинишини кутиш керак, холос.

Ҳолатдан хабар топгач, Гавур Аҳмаднинг ёқасини қўйиб юбордим. Жаҳл билан қарар эканман, «Кечирасан, сени хафа қилдим...», дедим.

– Ҳечқиси йўқ, қўмондоним. Биламан, ўзингизда эмассиз. Сизни ҳеч қачон бу аҳволда кўрмагандим, танимай ҳам қолдим. Асабларингиз таранглигини билиб турибман, лекин мен ҳам асабий эдим.

– Афандим, аскарларга қарасангиз, – деди Абдулваҳҳоб.

Гавур Аҳмад:

– Ҳозир бораман, – деди.

У разведка хабарини айтмай кетди. Жойимдан қимирлай олмасдим. Ҳали жаҳлим босилмаган бўлса-да, бунинг сабабини билганим оз бўлса-да таскин берди. На касалман, на ақлдан озганман. Бу денгиз гармселининг иши экан. Бироз ўтиб, Гавур Аҳмад яна келди:

– Аскарлар бир-бирини егудек экан. Мен ҳам Бадал Рашидга осилдим.

Ўрнимдан аранг турдим.

– Разведка хабарларида нима гап?

– Душман ҳаракатга тушибди, афандим.

– Топган вақтини қара буларнинг. Бугун ойнинг қайси куни?

– 1918 йил17 сентябрь.

– Ёрдам, ким бор!

– Аллоҳим, яна бошланди!

– Ёрдам!

Биз бир-биримизга қараб қолдик. Сўнг овоз келган томонга чопдик. Йўлда тўппончамни чиқардим.

– Ўлдираман бу хоинни!

– Бўлди, қўйвор!

– Қўйвор, у билан ўзимиз шуғулланамиз.

Орқамдан Гавур Аҳмад билан Абдулваҳҳоб етиб келди:

– Қўмондоним, ўзингизни босинг.

– Нима? Ўзимни босайми? Хоинларга жим қараб туришим керакми? Кўзининг ёшига қараб ўтирмайман, ўлдираман уни.

Бақириб-чақираёган аскар ёнига бордим.

– Нима бўлди?

– Афандим...

– Гапир!

– Афандим...

– Нима бўлди, гапирсанг-чи!

– Санжоқни олиб юрувчи аскар...

– Ҳа, нима қипти унга?

– Худди ақлдан озгандек, байроқни кўтариб ҳандақдан чиқиб, қоча бошлади!

– Қоча бошлади, дейсанми?

– Ҳа, у хоин экан, унга санжоқни бермаслик керак.

– Тутинглар ўша аскарни, югуринглар!

Байроқдор аскар эса қоялик томон чопиб борар, бир томондан бор овозида бақирарди:

– Инглизлар, сизларга кўрсатиб қўяман!.. Мана, байроғим билан келяпман, энди кунингни кўрсатаман. Ҳаммангни ўлдираман!

«Хоин бўлса, шундай қочадими?» деган хаёл ўтди калламдан. Тўппончамни жойига солиб, ортидан югура бошладим.

– Тўхта!

– Тинч қўйинг мени!

– Қочма!

– Мен уларга кўрсатиб қўяман.

– Байроқни ташла!

– Йўқ, ташламайман! Байроқ ҳар қандай ҳолатда ҳам ташланмайди. Жонимни олинг, аммо уни ололмайсиз.

Уни тутиб олишдан бошқа чора йўқ эди. Тезроқ югура бошладим. Бир томондан жаҳлим чиқа бошлади.

– Жавоб берасан ҳали...

У ҳали ҳам ўзидан кетиб бақирар, кўрганлар уни ақлдан озган деб ўйларди. Етай деб қолганимда менинг қувганимни билиб, янада тезроқ югура бошлади. Охири «Ё Аллоҳ» дедим-да, оёқларига ўзимни ташладим. Иккимиз ҳам ерга думаладик. Тагимга босиб олиб, жағига бир-икки мушт туширдим.

– Байроқ билан қаерга кетаётган эдинг, ахмоқ!

– Инглизларнинг устига.

– Тур ўрнингдан! Аҳмад, қўлидан байроқни ол. Байроқни шундай муҳофаза қиласанми?

– Инглизларни адабини бериб қўймоқчи эдим.

– Ҳозир мен сенинг адабингни бераман, – дея яна бир мушт урдим. Абдулваҳҳоб бизни ажратишга беҳуда уринарди.

– Қўмондоним, унга ҳам «сироко» таъсир қилган, шекилли... Ҳали кўпчиликка таъсири бўлиши мумкин.

Бироз ўзимга кела бошладим. Аммо бу аскарнинг ишини ҳеч оқлаб бўлмасди.

– Санжоқни ташлаб кетавермабсан-да.

– Уни ташламайман, қўмондоним!

– Қўлидан ушланглар, ортга қайтайлик, жонимга тегди.

Бу ҳолат полк қўмондонигача етиб борибди. Аскарнинг нега бундай қилганини изоҳлашга анча вақт кетди. Ўша аскарни эса жойидан олиб, ўрнига ўзим биронтасини тайинлашимни буюрди.

– Бадал Рашид, – дедим.

– Эшитаман, қўмондоним!

– Сени хафа қилдим, аммо ўзим хоҳлаб эмас, албатта. Хафа бўлма, сен билан кўп жангларда бирга бўлдик. Сендек жасур ва вафодор аскаргина байроқни муҳофаза қилишга лойиқ. Жафокор, мард аскаримдан айрилиш менга ҳам оғир, аммо биз учун бу вазифа жуда муҳим, энди байроқдоримиз сенсан.

– Бош устига, афандим!

– Қани, бор. Янги вазифанг хайрли бўлсин. Бизни уялтирма!

– Асло, қўмондоним!

Нега бундай қарорга келганимни билмайман, аммо бир жиҳатдан Бадал Рашиднинг кўнглини олмоқчи ҳам бўлдим. Кўнглим тўлмай турган эди, Рашиднинг севинганини кўриб, тўғри қарор қилганимга амин бўлдим. У ҳам қуролдош дўстлари билан хайрлаша бошлади.

Секин-аста эски ҳолимга кела бошладим. Мантиқли гапира бошладим, тўғри ҳаракатлар қила бошладим.

Гавур Аҳмад:

– Аскарни отиб қўярмикинсиз, деб ўйладим, – деди.

– Тўғри, ўлдирмоқчи ҳам бўлдим. Қўмондони уни кўрмадимикин?

– Афандим, бу аскар жуда садоқатли экан, аммо бундай қилишини билмай қолишибди.

– Тўғри... Яхшиям Абдулваҳҳоб бизни огоҳлантирди, бўлмаса сен билан ҳам ёқалашиб кетардик.

– Худо сақласин.

Оқшом салқинида ҳаммаси ўз жойига тушди, асабларимиз юмшаб, ўзимизга кела бошладик. Куни билан бўлган воқеаларни эсласам, кулгим қистайди.

18-сентябрдан 19-сентябрга ўтар кечаси тўп овози эшитилди. Бу сафар овозлар ғарб томонимиздан келарди. Дарҳол жанговар вазиятга ўтдик.

Гавур Аҳмад ёнимга келди:

– Инглизлар ҳужумга ўтиши мумкин.

– Тўп овозлари қайси томондан келяпти?

– Ғарбдан келаётганга ўхшайди. У ерда 22-бригада корпусининг қароргоҳи жойлашган.

– Аскарлар ухламай, жойларини эгалласин. Диққатли бўлинглар, хабарлашиб туришимиз керак.

Бироз ўтиб, Гавур Аҳмад яна ҳаллослаганча ёнимга келди:

– Афандим, 19-дивизия 22-бригада корпуси билан хабарлашолмай қолибди. Менимча, ҳарбий чизиқлар бузилган. Тўп овозлари тобора кучайиб боряпти.

– Тушунарли.

Бу сафар душманнинг ҳужумга ўтиши аниқ эди, шунинг учун эҳтиёт шарт байроқ орқага олиб кетилди. Уни олиб кетаётган Рашид шундай хурсанд эдики, таърифлай олмайман. Кулиб қўйдим. Соат бешларда тўп овозларини эшитсак-да, негадир қарши ҳужумга ўтмадик. Бу ишга ҳайрон қолмай бўлмасди.

– Абдулваҳҳоб, қалайсан? – дедим.

– Жуда яхши, қўмондоним.

– Ўзгариш йўқми?

– Наблуснинг шундоқ шимолидамиз.

– Демак, ҳимоя чизиғимиз Наблусга яқин, шундайми?

– Ҳа, афандим.

– Қочиб қолишни хаёлингга ҳам келтирма!

– Йўғе, қочмайман.

Ҳандақлардаги аскарларни огоҳлантираман:

– Ҳасан, кўзингни оч! Ўнбоши Вали, сенга бу сафар ҳам анча кўп иш тушадиганга ўхшайди.

– Тайёрман, қўмондоним.

– Албан Бадур! Қара, Аҳмад ҳам ўша тоғларда кўп жанг қилган, сени ҳам кўрай энди.

– Хавотир олманг, қўмондоним.

Сами билан Рами ҳар доимгидек орқаларда замбил билан кутиб туришарди. Бошқа аскарларимга ҳам жўштирувчи хитоблар қилдим. Кейин биз турган қисмнинг ўртасига келиб, «Кўрайлик-чи, бу ёғи нима бўларкин?» дедим. Тахминан соат 05:30 да илк тўп яқинимизга келиб тушди.

– Бошланди.

– Ҳамма ҳимоя чуқурига! Иложи борича яширининглар!

Қулоқларни қоматга келтирувчи портлашдан сўнг яна бири шу атрофга тушди. Кейингиси эса ўнг томондаги ҳандақ ичида портлади. Ўша лаҳзаларда аскарларимизнинг жонталаш овозлари, бақириқлари қулоққа чалинди. Бош кўтариб қарашнинг иложи йўқ, лекин аскарларга бақиравердим:

– Рами, Сами! Тез келинглар.

Замбилчилар ёнимиздан ўтаётган пайтда яна бир тўп ўқи келиб тушдию, ҳамма ерга ётиб олди. Ортимизга келиб тушган ўқдан устимизга тупроқ ағдарилгандек бўлди. Раминнинг устига каттароқ тош тушиб, оғриқдан бақирарди:

– Оёғим! Оёғим синди.

– Сами, уни тез олиб кетиш керак!

– Хўп бўлади!

Энди юрмоқчи эдик, ёнгинамизда қаттиқ портлаш бўлиб, ҳар тараф ёришиб кетди. Аскарлар кўз ўнгимда чирпирак бўлиб, ҳавога сочилиб кетишди. Кўзларимни юмиб олдим. Бу ёғи кунимиз битаётгани очиқ-ойдин эди. Калимаи шаҳодатни тинмай қайтара бошладим. Рами бўлса ҳар портлаш орасида бақирарди:

– Оёғим... Ёмон оғрияпти!

– Бироз чида! Ҳозир етиб борамиз! – деди қаердандир Сами. Мен унга:

– Аввал уни ортга олиб борайлик, – дедим.

Ҳаммамиз Раминнинг олдига боришга чоғландик. Ҳандақларимизнинг ер билан битта бўлганини ўшанда кўрдик. Раминнинг устидаги тупроқларни туширар эканмиз, тўп овози тинди.

– Қани, – дедим. – Уни ортга олиб боринглар.

Уни ортимиздаги ҳандаққача кўтаришиб бордим-да, тезда ортимга қайтдим. Атрофимизда еттита чуқур пайдо бўлган, аскаримизнинг аҳволи эса жуда аянчли эди. Ҳар тарафда бақириб-чақирган, ёрдам сўраётганларнинг овози кўкка ўрмаларди. Нима қилишга ҳам ҳайрон эдик. Орқа ҳандақларга ўтар чоғимизда яна бир тўп келиб портлади.

– Аллоҳнинг қаҳрига учрагурлар, яна бошлашди-ку... Яна...

Портлашлар ўнг томонга силжиётган эди.

– Чапдан ўнгга тариллатиб ўқ отяпти, – деди Гавур Аҳмад.

– Аскарларнинг аҳволи қалай?

– Ярадорларимиз кўп, афандим. Мўлжалга аниқ уришяпти лаънатилар. Ёрдам олмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

– Бироз кутайлик, – дедим. Инглизлар ҳимоя чизиғимизни бир бошдан бомбардимон қиларди.

– Бизнинг тўпчилар қаерда?

– Бизда тўп бўлганми ўзи?

– Ростдан йўқми?

– Дивизия тўплари бошқа жойга кўчирилган.

– Уруш марказидан-а?

Туф-е...

– Бундан чиқди, душман бизни бу ерда какликдек овлар экан-да?

– Йўқ, тўпдан кейин энди ҳужумга ўтишади. Ана шунда уларга кўрсатиб қўямиз.

Кун чиқиш пайтида тўп овозлари тинди.

– Гавур Аҳмад! Турган жойимиздан душман кўринмаяпти. Нима гаплигини билиш керак, одам юбор!

– Абдулваҳҳоб!

– Эшитаман, афандим.

– 77-полк турган жойга бориб қара-чи, нима гап экан. Соғ-саломат қайтиб келгин.

– Уни нега юбординг?

– Синаш учун, қўмондоним.

– Манави аҳволга қара, ҳамма ёқни даладек шудгорлаб ташлашди. Ярадорларни ташишяптими?

– Ҳа, афандим.

– Нечта яradор бор?

– Ўн бештача бор, кўпи оғир яраланган.

– Шаҳидлар-чи?

– Ҳозирча номаълум.

– Дарҳол билишимиз керак.

– Хўп бўлади.

– Овозлар келяпти, эшитяпсанми?

– Ҳа, эшитяпман.

– Инглизлар «Ура!» деяпти, шекилли.

– Тўғри айтасиз.

– Келишяпти менимча. Наблуслик қаёқда қолди?

– Ўзи энди кетди-ку.

– Сергак бўлайлик, бундан бу ёғига нима бўлиши номаълум. Душман ҳимоя чизиғимизни ёриб ўтмоқчи.

– Ҳа, бўлиши мумкин.

– Ўнбоши Вали олдинроққа боришга рухсат сўраяпти.

– Йўқ, жойида қолсин.

Вазиятни билмаганим учун нималар бўлаётганидан хабар топишни истардим. Биз турган жой жабҳанинг ўртаси бўлиб, чуқуррокда эди. Ўнгимиздаги 77-полк сал тепарогимизда бўлса, чапимиздаги 72-полк бизга яқинроқдаги тепаликда жойлашган эди. Шунинг учун нима бўлаётганини кўролмаётган эдик. Бу ёғи хабарлашиш ҳам узилган. Вазиятни билиш учун қояликларгача боришимиз керак. Ҳозирча ҳандақларда қолганимиз маъқул.

– Қаерда қолди экан бу одам! Қочиб кетган бўлмасин яна?

– Ана, келяпти!

– Эшитаман, афандим!

– Нима бўлди, вазият қандай?

– Душман 77-полкка жанубдан шимол томон бўйлаб катта куч билан ҳужум қиляпти. Мақсадлари Водийи Риёҳ томон ҳамла қилиш.

– Падарлаънатилар! Аллоҳнинг қаҳрига учрагурлар.

– Тепадан тўғри биз турган томонга юриб, 2-батальон жойлашган ердан чиқишса керак.

– Аллоҳ балосини берсин буларнинг. Тескари йўналишда ҳужумга ўтарканми? Тепадан келса...

– Ундай бўлса, дарҳол бир қадам ортга чекинайлик.

– Йўқ. Уларни шу ернинг ўзида қарши оламиз. 77-полк душманни тўхтатиб турсин, бўлмаса 2-батальоннинг ҳам, бизнинг ҳам аҳволимиз чатоқ бўлади. Найзалар билан жанг қилишга тўғри келади. Олдинги ҳимоя чизиғини кучайтирайлик. Эҳтиётда турган аскарларни олиб келиб, ярадорларнинг ўрнини тўлдирайлик. Шу ернинг ўзида қалин ҳимоя девори пайдо қилишимиз керак. Шаҳидларни дарҳол ташиб кетишсин, чунки аскарлар ўликларни босиб ташлашга мажбур бўлиши мумкин. Тезроқ ҳаракат қилинглар.

– Ҳамма эҳтиётдагиларни ҳам сафарбар этиб юборяпмиз.

– Биламан, бошқа илож йўқ. Уларни шу ерда тўхтатиб қололмасак, анча ортга чекинишимизга тўғри келади.

– Мен чап қанотга қарайман.

– Маъқул.

Бироздан сўнг 77-полкдан бир хабарчи ҳимоя чизиғи томон шундай югуриб келдики, уни кўриб, юракларимиз бўғзимизга тиқилай деди. «Эвоҳ, 77-полк таслим бўлдими?» дедим ичимда. Хабарчи аскар етиб келгач, ўзини чуқурга отди.

– Полк қўмондонини тополмадим, афандим.

– Орқароқдадир.

– Қарадим, йўқ.

– Нима гапинг бўлса менга айт, ўзим етказаман қўмондонга.

– Афандим... Душман Водийи Риёҳнинг жанубий этакларидан олдинга силжияпти.

– Тўғри бизнинг батальон томонгами?

– Ҳа, худди шундай.

– Хабарлашув узилиб қолгач, мени юборишди. Шу батальон турган жойнинг чап қисмидаги Кичик Бешиктепа деган жойга душман жуда яқин қолди.

– У ерда бизнинг 7-взвод жойлашган.

– Сўнгги вазият шу.

– Яхши.

Шуниси аниқки, душман анча илгарилаб қўйибди. Дарҳол бир аскар чақирдим. «Шимоли-шарқимиздаги кичик бир сой ўзанида полк қўмондонимизнинг қароргоҳи бўлиши керак, бу хабарни унга етказ».

– Бош устига, афандим.

Душманнинг шовқин-сурон овозлари тобора яқинлашар, бундай вазиятда турган жойимизда кутиб, тақдирга тан беришдан бошқа чорамиз йўқ эди. Олд ҳимояда туриб бера олармиканмиз?

Гавур Аҳмад келди.

– Чап қанот жим.

– Улар шу тепадан келади, тепада уларни отсак отдик, йўқса, ҳаммаси тамом.

– Жуда кўпга ўхшайди, қизталоқлар..

– Ҳа, шундай.

– Нима қиламиз, қўмондоним?

– Ҳеч нарса... Фақат қаердан келиши муҳим биз учун. Ҳозир қанча пулемёт ва аскаримиз бўлса, шу тепага йиғайлик.

– Қанотларимиз очиқ қолади.

– Қолаверсин, тепани маҳкам тутсак, ён томонлар осон.

– 7-взводнинг Суруги Тепадаги муҳорабаси давом этяпти экан.

– Бироз чидаб беришсин-да, ишқилиб.

Ҳандақдан чиқмаган ҳолда тепкини босишга шай бўлиб кутардик. Аллоҳим, наҳотки бу ҳаётимнинг сўнгги соатлари бўлса? Шу ерда, чўлу биёбонларда ўлиб кетамизми? Гулниҳолни ўйлайман – энди у менсиз қоладими?.. «Сўнгги мактуб...», дейман ичимда. «Охирги хатим экан...»

Тўппончамни чиқариб, ёнимга қўйдим. Ўқдонларимни ҳам қатор тиздим. Милтиғимни қўлга олиб, жангга тайёр турибман.

Ҳандақларда яна бир хабар айлана бошлади: «7-взвод ҳимоя қилаётган Суруги Тепа ҳам душман қўлига ўтибди...»

Сочларим тикка-тикка бўлиб, ғазабим қайнамоқда эди. Демак, душман илгарилаб боряпти, бундан бу ёғига уларга янада осон бўлади.

– Гавур Аҳмад, мендан рози бўл!

– Мингдан-минг розиман, қўмондоним.

Аскарларимга юзланаман...

– Дўстларим, бироздан сўнг душман ҳужум қилиши мумкин. Вақт борида рози-ризочилик сўрайман. Мендан рози бўлинглар.

– Розимиз, қўмондонимиз! Розимиз...

Барча аскарларнинг қалблари, тиллари дуода эди. Бир қўли милтиқ тепкисида бўлса, бошқасида ки-

чик Қуръони Карим бор... Душман билан, ўлим билан юзма-юз бўлиш уларни бутунлай бошқа инсонга айлантириб қўйган эди. Бундай ҳолатларга жангларда кўп марталаб шоҳид бўлганман. Кўзларимни юммасдан аскарларимга назар соламан, аммо ўзимни тутиб туролмайман, кўзларим ёшга тўлаверади. Сўнгги пайтларда анча раҳмдил, юмшоқ қалбли бўлиб қолгандекман. Балки ўлимим олдидан шундай руҳий ҳолатдадирман.

Бу ёғига нималар бўлишини билмасдик. Кўзимизда фақат душман. Тепадан келишса керак деб, ўша томондан кўз узмайман. Бу тепаликлар салкам эллик, олтмиш метр баланд бўлиб, ҳаммамиз ўша ёққа қараганмиз. Бармоғим шундоқ милтиқнинг тепкисида, душман кўринди дегунча отишга шай. Аскарлар ҳам шу вазиятда. Орқамда Ҳасан, Албан Бадурлар туришибди. Рамининг аҳволи не кечди, билмайман. Сами ярадорларни ташиётган бўлса керак.

Яна бир хабар тарқалди: «7-взводга Эгизактепага чекиниш буюрилибди». Демак, яна ҳам орқароққа чекинишади. Шу пайт хаёлимга келган ўйдан ақлдан озаёздим: агар ўнг қанот ҳужумга дош беролмаса, 2-батальон қуршовда қолиши аниқ!

7-взвод ортга чекинганига қараганда, энди дош беролмайди. Вазият борган сари ваҳимали тус ола бошлади. Қани энди ўша душман? Келса келақолмайдими?

– Батальоннинг ўнг қисми ҳужумга дош беролса, 7-взводга мадад бўлиши мумкин. Лекин бизникилар ҳам ортга чекинса, 7-взвод ҳам чекинади. У ёғи...

– Ўнг ёнимиз бўшаб қолади.

– Ҳа, худди шундай.

Юзларим ҳам терлаб кетди. Борган сари ғазабим кучаяр, душмандан эса дарак йўқ. Кутиш би-

лан бирга ўнг томонимизни ҳам назоратдан қочирмаётган эдик.

– Гавур Аҳмад, мен ўнг томонга бир қарай-чи, сен шу ерда қол, – дедим.

Ҳандақ оралаб ўнг қанотга югурдим. Портлаган жойлар ҳали ҳам тутаб ётар, атрофдан борут ҳиди анқирди. Ўнг қўл аскарлари мени кўргач, жонланиб қолишди.

– Қўзғалманглар, – дедим.

Аммо бу ердан ҳам ҳеч нарса кўринмас экан. Ҳозир телба бўлиб қоламан. Чорасизлик, нима қилишни билмаслик инсонга ёмон азоб бераркан. Ҳозирча фақат разведкадан келган хабарларга қараб иш тутаётган эдим. Аҳволни ўз кўзларим билан кўрсам эди.

Ҳимоя чизиқларимиз сукунат ичида, атроф жимлик. Душмандан дарак йўқ. Худди инглизлар бизни қуршаб олиш учун жим ҳаракат қилаётгандек. Бу хаёл жаҳлимни чиқараётган бўлса ҳам, ақл билан иш тутишим, ўзимни босиб олишим лозим. Дарҳол марказга, Гавур Аҳмаднинг ёнига қайтдим.

– Афандим!

– Нима бўлди?

– Батальонимиз бироз ортга чекинибди.

– Унда 7-взвод ҳам чекингандир?

– Шунақага ўхшайди.

– Демак, улар ўнгдан ҳужумга ўтмоқчи. Аскар ва пулемётларни ўнг томонга силжитиш керак. Ҳеч бўлмаса, шу ердагиларнинг ярмини.

– Ярмини?

– Ҳа. Ҳозир ўнг қанотда аскар жуда кам, душманни тўхтата олмайди.

– Тушунарли, қўмондоним.

– Аскарлар шовқин қилмай ўнг томонга силжисин, бу ердагилар вазиятни бузмасин, шунинг учун юкнинг барча оғирлиги бизнинг взвод ҳамда полкимиз елкасига тушадиганга ўхшаб турибди.

– Қўлимиздан келганини қиламиз-да.

– Ҳа, биламан...

– Мен ўнг қанотда бўламан, хабарлашиб турайлик.

– Хўп бўлади. Бу ерда душманни тўхтата олсак, 7-взвод ҳам бехавотир бўлади. Акс ҳолда... У ёғини ўйлашни ҳам истамайман.

– Қўмондоним, эҳтиёт бўлинг...

– Сизлар ҳам...

Қаерга кетаётган эдим? Ўлимгами, душмангами, тақдиримгами? Майли, қаерга бўлса ҳам кетишга мажбурман. Ортимдан келаётган аскарларга ҳандақларга жимгина жойлашишни тайинладим. Қурол-яроғимни ёнимга олиб, жангга тайёр қилиб қўйдим. Қани душман, кела қолмайдими?

Аскарларга ўгирилиб қараган пайтим ўқ узилди. Олдинга қарадим. Ҳеч зоғ кўринмасди, аммо бир аскар жонсиз ётарди.

– Нима бўлди?

– Бу аскар сизга ханжар ўқталган эди, вақтида улгуриб қолдик.

Ерда ётган аскарга синчковлик билан қарадим. Қўлидаги ханжар Умарни ўлдирган ханжар билан бир хил эди.

– Демак, хоин мана шу экан-да.

– Ҳа, хоин экан. Ҳеч кутмагандик бундан.

Ҳозир у билан овора бўлишга вақтимиз йўқ эди. Худога шукр, ўз бошини еди. Энг тиғиз пайтда мени ўлдириб, аскарларни парокандаликка учратмоқчи бўлибди, аблаҳ.

Кўзларим олдинда, диққат қилиб кузатаман. Бирдан душман аскарлари «Урра!» деб, тепаликдан чумолидай ёпирила бошлади.

– Ўт оч!

Бироздан сўнг сочма ўқлар отила бошлади. Илк сафда келаётганлар шу заҳоти қулади. Олдинга чопиб, тепага етиб олганлари эса пастга думалай бошлади.

– Тинмасдан отинглар! Хато отиш йўқ! Қани, ўзингизни кўрсатинг, арслонларим...

Душман жуда кўп эди. Отганимиз сари бошқалари тепага бостириб келарди. Тинимсиз «Урра» деган садолар билан ҳужумга ўтишарди.

– Пулемёт ўрнатишга ҳаракат қилишяпти!

– Бунга йўл қўймanглар. Отинглар! Милтиқни маҳкам тутинглар! Келишяпти! Ўт оч!..

Қирдан пастга югуриб келганларнинг баъзилари ҳандақларимизгача етиб келди, аммо дарҳол найзаланиб ўлдирилди.

– Ҳандақларга кирмаслиги керак... Ўт очишда давом этинг!..

Бир пайт ўқ отишлар сал тингандек бўлди. Икки дақиқа ҳам ўтмай, яна денгиз тўлқинлари каби ёпирила бошлашди. Яна ўқ отиб, бир нечтасини ер тишлатдик. Уларга пулемёт жойлаштиришга имкон бермаётган эдик.

– Қани, арслонларим! Отинглар, душманга ўлим! Тўхтамай отинглар!

– Аҳ!..

Ёнимдаги аскар ерга қулади. Бир неча дайди ўқлар ён-веримдан ўта бошлади.

– Ёмон отишма бўляпти.

– Лекин биз ҳам улардан қолишганимиз йўқ. Ўт оч!

– Ортга чекинишяпти.

– Хайрият!

– Гавур Аҳмадга хабар юборинглар.

Аскарлардан бири жойидан отилиб чиқди.

Бу орада инглизлар ортдаги тепага чиқиб, ярадорларини олиб кетмоқчи бўлишди.

– Ярадорларни отманглар. Биздан ўқ еганлар борми?

– Уч киши...

– Шаҳидлар йўқми?

– Йўқ...

– Жуда соз. Арслонлардек жанг қилдингиз...

Хабарга кетган аскар қайтиб келди.

– Улар ҳам жанг қилишяпти.

– Вазият қандай?

– Жойидан жилгани йўқ улар.

– Ўзингга шукр, Аллоҳим. Ўқ-дориларни текшириб олинглар. Яна қўққисдан ҳужум қилиб қолишлари мумкин.

– Келаверсин, кўрсатиб қўямиз.

– Аҳмад афанди, чида...

Биздан сал нарида отилаётган ўқ овозларини эшитиб, ичимизда «Чиданглар...» дер эдик. Гавур Аҳмадга ёрдамга боришни истасам-да, жойимда қолишга мажбур эдим. Душман кутилмаганда ҳужумга ўтиши мумкин.

– Биттангиз шу тепага чиқиб қаранг-чи.

– Бош устига.

Аскарлардан бири ўрнидан туриб, энкайганча тепага чопди ва қумтепага тирмаша бошлади. Энди чиқай деганда ўқ овози эшитилдию, ўша жойда йиқилди.

– Аллоҳ душманнинг балосини берсин!

– Аскаримизни у жойдан олиб келишимиз керак.

– Қум устида қолиб кетмасин.

Аскарларнинг гапи тугамай, ичидан икки киши сакраб туриб, яродор шеригининг ёнига югурди. Уни секин-аста пастга тортиб келиб, замбилда орқага олиб кетишди. Лекин афсус, аскар пешонасидан ўқ еган экан.

– Начора, олиб кетинглар, – дедим.

Янги ҳужум бўлмаса-да, Гавур Аҳмад бошчилигидаги аскарлар ҳали ҳам жанг қилаётган эди. Уларга мадад кучлари керак, лекин эҳтиёт шартга олиб қўйилган аскарларнинг бари жангга киритилган. Уларнинг ҳаққига дуо қилишдан бошқа чорамиз йўқ эди.

Бироз ўтиб, бир аскар чопиб келди.

– 7-взвод ортга чекинмасдан, жойида қолиб курашар экан. Полк қўмондони «Чиданглар!» деди. 2-батальоннинг дош бериши ҳам бизга боғлиқ экан.

– Бардошимиз етади, иншааллоҳ. Мадад кучлари керак бизга.

– Лекин ёрдамчи куч юборилмас экан.

– Майли...

Ёрдамчи кучлардан ўзим ҳам умидимни узган эдим. Жабҳада мустаҳкам тура олган эдик. Бу биз учун яхшилик аломати эди. Кайфиятимиз кўтарилиб, ғайратимиз ошди.

Яна бир хурсанд қилувчи хабар келди: душман чекина бошлабди.

Оқшом чўка бошлади...

1918 йил 19 сентябрь куни 57-полк қўмондони мингбоши Ҳожи Меҳмет Амин бей эҳтиёт қувватларга бироз шимолроққа, Юксак Тепага чекинишига буйруқ берди. Аммо эҳтиёт кучларининг ортга чекинишга бошқа имкони қолмаган эди.

Инглизлар қўшинимизни қуршовга олиб, янада сиқиб келарди. Ўнг тарафдаги 3-батальоннинг, хусусан, 10-взвод қўмондони ва бизнинг взвод аскарларининг жасорати туфайли душман ўнг томондан олға юра олмади. Чап тарафдаги 77-полк билан эса алоқа узилганди. Душман худди шу томондан илгарилаётгани ҳақида хабарлар кела бошлади. Жанг майдонидаги бу умумий жойлашув бизнинг, яъни 57-полкнинг аҳамиятини янада ошириб юборди. Тушга яқин полк қароргоҳи 300 метр ортга чекингани ҳақида хабар келди. Унинг ортидан етиб келган яна бир хабар эса ҳаммамизнинг кайфиятимизни тушириб юборди: «57-полк бутун қуввати билан Шоҳинтепа ортига чекинсин!»

Шу ерда ҳам ҳужумга дош бера олардик. Мана, душманни тўхтата олдик-ку! Аммо чапдан илгарилаб бораётган душман орқадан қуршаб олса, икки ўт орасида қолишимиз аниқ. Полк қўмондони шу ҳолатни ҳисобга олиб, шундай буйруқ бераётган эди. Охирги разведка хабарларига кўра, инглизлар бригада савиясидаги кучи билан Водийи Қонанинг киришига ва шимол томонга ҳаракатланаётган экан. Биз ҳам мажбурий равишда шимол томон чекинишимиз керак.

Гавур Аҳмадни чақирдим:

– Орқадан қуршаб олмасларидан тезроқ ҳаракат қилишимиз керак, взвод дарҳол тайёргарлик кўрсин. Қоронғидан фойдаланиб, Водийи Қонанинг шимолий қисмига чекинамиз.

– Бош устига, афандим.

Яна ортга чекиняпмиз. Душманни тўхтатиб қолганимизга ишониб турган бир пайтимизда, қанотларимиздаги кучсизланиш эвазига пайдо бўлган хатарларни четлаб ўтиш учун, оғир бўлса ҳам че-

кинишга мажбур эдик. Тез-тез юра бошладик. Бугунги жанг ҳаммани ниҳоятда толиқтирган, бу ҳам етмагандек, кайфиятимиз ҳам тушиб кетган эди.

Яна бир хабарга кўра, 3-батальон ва бошқа взводлардан йиғилган аскарлар қадам-бақадам душман билан курашиб, Харабатул-Гурун деган жойга чекина бошлабди. Биз ҳам улар томон яқинлашишимиз кераклиги айтилди. Бу хабарлардан юришимиз ҳам чўзилиб кетгандек бўларди. Айтилган жой томон ҳаракатга тушдик. Аммо ишлар барибир жойида эмасдек эди. Туни билан маҳзун кайфият ҳамроҳимиз бўлди. Ҳеч ким гапирмас, ҳорғин-ҳорғин илгарилаб борардик. Кўп юрдик, оёқ босишга ҳам мажолимиз қолмади. Бу ерда ҳам ҳарбий чизиқ тортилиб, унинг марказида яна 57-полк жойлашадиган бўлди. Энг муҳим вазифа бизнинг 2-батальонга юклатилди. 3-батальон эса ёнимиздан жой олди.

Бироз дам олиб, ўзимизга келиб олишимиз керак эди. Аскарларни ҳимоя чуқурларига жойлаштирдим.

– Бироз дам олинглар, – дедим.

Бу буйруқни эшитиб, аскарлардан кимдир милтиғига ёпишди, кимдир ухлашга тушди, яна кимлардир ҳандақда ғужанак бўлиб олди. Бироз ўтиб, аскарнинг аксарияти уйқуга кетди. Бу эса аслида ачинарли ҳолат эди. Водийи Қона бўйлаб олдинга ҳаракат қилаётган душман ҳеч қандай қаршиликсиз бемалол манзилига етиб олиши, кейин эса биз томонга келиши ҳам мумкин.

Жуда чарчаган бўлсам ҳам уйқум қочди. Кўзларим оғриб, юмилиб-юмилиб кетарди. Бир неча бор ишқаладим, лекин ҳеч нарса ўзгармади. Иссиқдан бўлса керак, кўзларимиз сувланиб, атроф хира кўринарди. Бу ҳолат, айниқса, қуёш тик келган пайтлари янада кучаяди.

Шукрки, амалласа бўлгудек сувимиз бор, аммо унинг қанча вақтга етишини билмайман. Шунинг учун аскарларга сувини тежаб ишлатишни бот-бот тайинлар эдим. Турган гап, инсон чанқадими, ҳеч қандай огоҳлантиришларга қарамай, фақат чанқоғини қондиришни ўйлаб қолар экан. Керак бўлса, ўзидан кетади, ақлдан озади. Ҳа, сувсизлик ана шундай нарса. Айрим жойлардаги аскарларнинг чанқоқдан телба бўлиб қолгани ҳам айни ҳақиқат эди.

Қаерлардан келдигу, қаерларгача чекиндик. Шуниси маълумки, инглизлар ихтиёримизни ўз қўлларига олмоқчи. Бунинг охири қаерга боради, кўрамиз ҳали. Энди шу ерда қўлимиздан келганча ҳимояланишга мажбурмиз. Душманни Чаноққалъадагидек, Қутъул-Аморадагидек тўхтата олармикинмиз? Буюк Усмонли давлатини қумларга чўкишдан қутқара олармикинмиз? Бу саволлар ҳаммамизни задалаб, руҳимизни эзарди. Агар бу ерда енгилсак, буни на кўзим кўришни, на руҳим туйишни истамасдим. Изтироб берувчи бундай воқеаларга асло шоҳид бўлгим йўқ.

Яна ичимга ҳазинлик чўкди. Аскарларга жанг майдонларида бундай туйғу тез-тез ҳамроҳ бўлади. Муҳорабанинг давом этиши, аскарларнинг шаҳид бўлиши, буйруқлар, хотиралар инсонни ўзидан олиб, маҳзунликлар қўлига топширади.

Ҳали қуёш ҳам чиқмаган, уфқ энди қизариб кела бошлаган маҳал. Олисларга тикилар эканман, бир пайтлар уфқдан уфққа от чоптирган суворийларимиз ёдимга тушди. Қуёш энди бош кўтарган, ой эса ҳозиргина ботган манзилларда кўз ўнгимда қилич яланғочлаб, от ўйнатган чавандозлар жонланди. Биз эса бу ерда давлатнинг чўкмаслигини юрагимизнинг туб-тубидан истардик. Чуқур ўйга толган бўлсам керак, Гавур Аҳмаднинг овозидан ўзимга келдим.

– Қўмондоним...

– Ҳа, эшитаман...

– Разведкачилар айтишди, душман ҳаракат бошлабди.

– Инглизлар... Келишяпти экан-да.

– Балки.

– Жуда соз, тайёргарликлар тугадими?

– Ҳа, қўмондоним.

– Қара, рўпарадаги тепаларни кўряпсанми? Гурун қишлоғи атрофидаги тепалар.

– Ҳа.

– Душманни ўша жойда қарши олишимиз керак. Бўлмаса уларни бошқа жойда тўхтата олмаймиз. Шунинг учун ўша жойга зудлик билан аскар жойлаштиришимиз керак. Аскарнинг бир қисми захирага қолсин.

– Бошқа взводлар билан орамиз очилиб қолмайдими?

– Бошқа чорамиз йўқ. Бу жойга мен жавобгар эканман, шундай қилишга мажбурман.

– Бош устига, қўмондоним.

– Аҳмад афанди!

– Эшитаман, қўмондоним!

– Бошқаларга ҳам етказинг, тепаларга жойлашамиз.

– Хўп бўлади.

Взвод қисқа вақт ичида йиғилди. Қуёш уфқдаги чўққилар устида тўлғанарди. Тез одимлар билан бир чақирим наридаги тепаларнинг чўққисига жойлашдик. Бу жойдан чор атрофни бемалол кўриш мумкин эди. Узоқлардан инглиз бирликлари кўриниб турибди. Қатор тизилиб келаётган бирликлар секин-аста ёйила бошлади. Тахмин қилганимдек, улар жуда

кўп эди. Бирдан ҳаммаси тўхтади. Маълум бўлишича, аввал тўплардан роса бомбардимон қилишмоқчи, кейин эса ҳужумга... Доим шундай бўлиб келган.

– Ҳамма дарҳол сафлансин! Ҳимоя ҳолатига ўтинглар! Тош ортигами, чуқургами, нима топсангиз, ўша жойга яширининг.

Аввалроқ бу жойларга бирликларимиз томонидан чуқурлар қазилиб, кейинчалик уларнинг аксариятига қум тўлиб қолган эди. Жазирамада салқинлатувчи тупроқни Фаластинга келганимиздан буён кўп излагандик. Қум ичида иссиқда кутиб ётиш жуда азоб-да. Аммо бошқа чорамиз йўқ, кутамиз.

Кўп ўтмай, тўп ўқи шувиллаб устимиздан учиб ўтди-да, сал наридаги қумликка келиб тушди. Қулоқларимизни беркитиб олдик, портлашини кутиб ётибмиз. Аммо у портламади. Аскаримиз кулди: «Портламади-ку...»

Баъзилар бошини кўтариб, ортга қарамоқчи ҳам бўлди, аммо Гавур Аҳмад уларни қатъий огоҳлантирди:

– Бошингизни кўтарманг!

У гапини тугатиб улгурмай, иккинчи ўқ тепалик чўққиларидан бирига келиб портлади. Атрофга қум ва қоятошлар сочилди. Худди қум бўронига йўлиққандек, бошимиз яна қумга кўмилди. Нима бўлди, нима қолди, билмасдик. Бу ҳолат анча давом этди, бошимизни кўтарганимизда эса инглизларнинг янада яқин қолганини, тепаликлар томон чопиб келаётганини кўриб, шошиб қолдик.

– Тайёрланинглар, душман яқинлашяпти! Чекиниш йўқ! Шошилманг, яқинроқ келаверсин.

– Жуда кўп-ку улар! Қуюндек ёпирилиб келишяпти.

– Ҳа, кўп экан.

Тан олиш керак, душман сон жиҳатдан ҳам биздан устун экан. Демак, улар бизни шимолга сиқиб чиқариш учун астойдил бел боғлаган. Бағдоддаги кучлари билан бирга бизни икки куч ўртасида сиқувга олиб, тор-мор қилишни режалаштиргани кундек равшан. Биз эса ўша икки куч орасидан сирпаниб чиқа олишимиз керак.

– Ўт оч!..

Қарама-қарши отишмалар бошланди, лекин боя айтганимдек, уларнинг ўт очиши ҳам анча шиддатли эди. Биз ҳолатимизни сақлаб қолишга уринардик. Душман тепаликларнинг энг маъқул жойига пулемётларини ўрнатиб, жангда устунликни қўлга киритмоқчи эди, лекин олдинга жуда сустлик билан силжишарди. Биз эса бир қадам ҳам ортга чекинганимиз йўқ.

– Афандим, шу ўнгдаги пулемётнинг овозини ўчирмасак бўлмайди, ёндан отиб, аҳволимизни оғирлаштириб қўяди.

– Ўнбоши Вали!

– Эшитаман, қўмондоним.

– Нишонинг пулемёт.

– Бош устига!

– Ёнингга Ҳасан, Бадур ва яна икки аскар ол-да, бора олган жойинггача яқин бориб, уни йўқ қилинглар!

– Хўп бўлади.

Аскарларимни кузатиб турибман. Аввалига бироз ортга судранишди. Бироқ, улар турган жой илк тўп снаряди тушган қумлоқ жой бўлиб, бизга кўринмаётган эди. Чуқурга тушиб, озгина кутиб туришди. Шу пайт душман бизни пулемётдан ўққа тута бошлади. Ҳасан чуқурдан отилиб чиқдию, пулемётчига

қараб очиқликдан югура кетди. У ўзини бир ўнгга, бир чапга ташлаб чопарди. Ўқ ёмғири ўша томон йўналгачгина чуқурга қочмоқчи бўлди, аммо улгурмай, ўқ еди. Албан Бадур чуқурдан эмаклаб чиқиб, уни пастга тортиб, қутқариб қолди.

Душман уларни сезиб қолди. Энди ҳандаққа қайтишлари керак. Лекин негадир турган жойларида кутишяпти. Ниҳоят, иккови ортга қараб қоча бошлади. Пулемётчи эса йўқ қилинмади. Ён томонларимиз хатарда қолди.

Ўнбоши Вали:

– Қўмондоним, бажаролмадик.

– Ҳасан қани?

– У яраланди. Қайтишни хоҳламади, нима қилсак ҳам кўндиролмадик, чуқурда қолди. Гранаталаримизни олиб қолди. Барибир шу жойгача келишади-ку, деди.

– Эҳ, Ҳасан...

Кўп ўтмай, бир тўда инглиз аскарининг ўша чуқур томон чопаётганини кўрдик. Оний лаҳзаларда қаттиқ портлаш овози ҳар ённи тутиб кетди. Ҳасан Ватан учун ўзини фидо қилган эди.

Тушга яқин душман ўрдуси биз турган тепага яқинлашди. 77-полк ҳам келиб, бизга мадад бергач, Гурун тепаликларида душманни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлдик. Аммо қанчагача дош бера олишимиз номаълум эди.

1918 йил 20 сентябрь куни келган буйруққа биноан, биз турган тепаликлар этагида дивизиянинг барча бирликлари Гурун қишлоғидан икки чақирим шарқда йиғилиши керак экан. Бу эса чекиниш дегани эди. Душманни тўхтатиб турган бўлсак, нега чекинишимиз кераклигини тушунолмасдим. Йиғилган аскарлар Наблус томонга юра бошлади, 16-ди-

визия билан бирлашиб, шимол томонга чекиниладиган бўлдик. Шуниси аниқ эдики, бу юртни тарк этиш пайти етиб келибди. Бу ҳақиқат ҳаммамизни ич-ичимиздан яраларди.

Наблус йўлларида кетар эканмиз, Финдиқ қишлоғи яқинида кутилмаганда инглизларнинг ҳужумига дуч келдик. Душман қўйган тузоқ натижасида бошда кетаётган отлиқларимиз бутунлай тарқалиб кетди. Бу ердан 16 ва 19-дивизия аскарлари ҳам ўтиши керак, энди нима бўлади? Шу ерда ҳам энг хатарли топшириқ бизнинг 57-полкка юклатилди, яъни тор бўғозга жойлашиб, шу ердан душман йўлига ғов бўлишимиз, ҳар иккала дивизиямизнинг эсон-омон ўтиб олишини таъминлаб, охири ўзимиз ҳам 16-дивизияга қўшилиб, Наблуснинг шимолидаги тепаликка тўпланишимиз керак. Бу эса полкимиз дивизияни асраб қолиш учун қурбон бўлади дегани эди. Биз эса бунга чин кўнгилдан рози эдик. Бу ерда эриб, йўқ бўлиб кетишга ҳам рози эдик. Дивизия қўмондони подполковник Седар бей санжоқ муҳофизлари бригадасини ўзи билан олиб кетди. Менимча, биз енгилсак, санжоқ душман қўлига тушмаслиги учун шундай қилди. Шунда полк қўмондонимиз майор ҳожи Меҳмет Амин бей нима бўлган тақдирда ҳам санжоқ полк билан бирга бўлиши кераклигини айтди, аммо байроқнинг зинҳор душман қўлига тушишига йўл қўйилмаслигини қаттиқ тайинлади. Чунки у бизнинг номусимиз, ғурур-ифтихоримиз эди.

У бу гапларни дивизия қўмондонига айтар экан, узун бўйли Бадал Рашиднинг кўзларидан ёшлар сизилаётганини сездим. Менинг кўзларим ҳам ёшга тўлди. Нима учун санжоғимиздан айрилишимиз керак?

19-дивизия билан кўзларда ёш билан хайрлашдик. Улар учун қўлимиздан келганини қилишга сўз бердик. Дарҳол тор бўғознинг икки ёнига тарқалиб, жойлашиб олдик. Ҳимояланиш учун ўзимизга жой тайёрлаб, душманни кута бошладик. Айни дамда хайрлашиб кетаётган қўшинимиз ортидан маъюс боқардик. Аслида ачиниш керак бўлганлар биз эдик, чунки дўстларимиз бизни ўзлари учун фидо этилганимизни яхши билишар эди. Майли-да, биз ўлсак ҳам, улар қутулса бўлди. Улар бизга сувларини, егуликларини қолдиришди. Кимдир уларни олди, кимдир олмади. Ана энди елкамизга ҳақиқий юк ортилди. 16-дивизия эса ҳали етиб келганича йўқ. Уларнинг келишини кутиб туришимиз, келганида эса қўллашимиз керак эди.

Тепаликларга жойлашган ҳамма аскарнинг кўзи орқароқдаги қояга ўрнатилган байроғимизда эди. Ҳаммамиз ичимизда полк қўмондонимизга миннатдорчилик билдирдик, чунки санжоқ биз билан қолди. Полк қўмондонимиз тепалардаги жойлашувни кўздан кечиргач, отряд қўмондонларини йиғиб, қисқача тушунча бериб ўтди: «Дўстларим! Арслон йигитлар! Шу кунгача жуда кўп қийин вазифаларни аъло даражада бажариб келдингиз. Ҳозир барчамиз яхши тушуниб турибмизки, шу икки дивизия соғ-омон манзилига етиб олиши керак. Бу қандай маънога эга эканини изоҳлашимга ҳожат бўлмаса керак...»

Шу ерга келганда Меҳмет Амин бейнинг овози титраб чиқди. У бироз жим бўлиб қолди, сўнг яна ўзини қўлга олиб, секин-аста гапира бошлади:

– Шу жойга ўрнашдикми, бир қадам ҳам ортга силжиш йўқ. Дивизия ортга чекиниб олиши керак. Кейин, агар тирик қолсак, биз ҳам чекинамиз.

Шуни яхши билингки, ўрдумизнинг шундай қилишдан бошқа чораси қолмади. Биламан, бу жойларни ташлаб кетиш оғир, аммо шунга мажбурмиз, бизга буюрилган буйруқ шундай...

– Қарши турсак бўлмайдими?

– Билмадим. Бу – 7-ўрдунинг бирликларига боғлиқ. Агар улар дош берса, биз ҳам қалқон бўлишга тайёрмиз. Лекин улар чекинса, орқа томонимиз очилиб қолади. Бунинг оқибатини эса ўйлагим ҳам келмайди. Бир сўз билан айтганда, 16 ва 19-дивизия бутунлай ҳимоясиз қолади. Шунинг учун ҳозир энг ақлли иш –дивизияларнинг ортга чекинишини сақлаб туриш. Буни зарардан фойда чиқариш дейилади. Ҳаммамиз яхши биламизки, қўмондонимиз санжоқ қолишини айтди, аммо уни ҳам аъло даражада муҳофаза этишимиз керак. Ва биз уни, албатта, муҳофаза қиламиз!... Байроқ энг таҳликали дамлардагина ортга олиб қочилиши керак... Бу икки вазифа аскарлик ҳаётимизнинг энг муҳим ва энг хатарли топшириғи бўлса керак. Аммо 57-полк сифатида шу кунгача қилган ишларимиз бу вазифани ҳам аъло даражада бажаришимизга туртки бўлади. Шу ишонч, шу эътиқодга таяниб, ҳаммангизнинг кўзларингиздан ўпиб қоламан. 57-полкнинг чанқоқ арслонлари! Шуни яхши билингки, сизлар учун тупроққа йиқилиш фақат мана шундай чўллардагина ярашади. Аллоҳнинг Ўзи ёр ва ёрдамчимиз бўлсин!!!

– Омин!!!

Полк қўмондонимиз бизни худди темирчилар сандонига ётқизиб, болға билан яхшилаб ишлов бериб, чиройли шаклга солиб, қиличдек кескир қилиб қўйгандек бўлди. Ҳаммамиз бориб, санжоққа салом бериб, сўнг жойларимизни эгалладик. Салом бераётганимда аввал қўлим, кейин қалбим титради. Бай-

роқ ёнида мағрур турган Бадал Рашидга қарадим. Унинг кўзларидан ўт чақнарди. Мени кўргач:

– Хавотир олманг, қўмондоним. Байроққа гард ҳам юқтирмаймиз, – деди.

– Биламан, Рашид, биламан, – дедим мен ҳам.

19-дивизия бу ердаги тор ўтиш жойидан анча олислаб кетди. Энди навбат 16-дивизияга. Душман эса ҳали-ҳануз қорасини кўрсатгани йўқ. Взводга қайтар эканман, гамгин эдим. Ҳеч нарсани ўйламас, ичимда шу кунгача ҳеч кўрилмаган бир бўшлиқ пайдо бўлган эди. Ўша бўшлиқ тобора кенгайиб борар, унга тушиб кетишдан биринчи марта чўчий бошладим.

Ҳолим қуриб борар, лекин тез-тез юришга ҳаракат қилардим. Кўзларим ҳам хиралашган, лекин бунга эътибор ҳам бермадим. Олдинга қарасам, саробга ўхшаш нарсалар кўринди, аммо нималигини билолмадим. Аскарларга «Ҳушёр бўлинглар», дедим.

Ҳеч ким гаплашмай, жимгина кутарди. Бу сафар жуда қаттиқ жанг бўлиши аниқ. 16-дивизия бирликларига қарасам, улар ўтиш жойига энди кира бошлабди. Ичимдан «Тезроқ юришса эди», дер эдим. Шу пайт рўпарамиздаги тепа чўққиларига пулемётдан ўқ узилди. Дарҳол ҳимояландик. Шу заҳоти шиддатли отишма бошланди.

– 16-дивизия қай аҳволда?

– Ўтиш жойига энди келяпти.

– Унда вақтни бироз чўзишимиз керак.

– Ҳа, шундай.

– Қани, уларга бир кўрсатиб қўяйлик. Қўшимча кучларимиз ҳам бизни пана қилсин!

Взводнинг ярмини ҳужумга бошладим. Балки бу иш ўта хатарлидир, аммо 16-дивизияни ҳимоя қилишнинг ягона чораси ҳужум эди. Бу ерда отишма

остида кутиб турадиган бўлсак, вазият янада қалтис бўлаверади.

Ўқ ёмғирлари остида инглизлар томон югура бошладик. Мумдек эриб битиш учун, чўлларда, қоялар остида жон бериш учун кетаётган эдик. Аммо бизнинг ўлимимиз бошқаларга ҳаёт бахш этиши тасалли берарди. Жазирама иссиқда терга ботганча яна олдинга интилдик. Аскарлар ўзидан кетган, дунёдан батамом узилиб, охират ҳаётини ҳозирдан бошлаб юборгандек эди, ажал ҳам кўзимизга кўринмасди. Ҳатто қаршимиздаги душманни менсимаётгандек ҳаракат қилаётган бу аскарни ҳеч нарса тўхтатиб қололмасди. Буни ҳаммамиз яхши билардик, чунки ўлим мусобақасига кўнгилли бўлиб кираётгандек эдик. Томоқларимиз йиртилгудек, бор овозимиз билан «Аллоҳ, Аллоҳ!!!» дея бақирардик.

Бундай пайтларга ўқ есангиз ҳам ҳис қилмайсиз, қачонки мадорингиз кетиб, ярангиз оғрий бошлагандагина сезасиз. Ёнимда ўнбоши Вали, Албан Бадур, наблуслик Абдулваҳҳоб ва бошқа аскарлар билан бирга чопиб борардик. Бу биз учун муқаддас югуриш пойгаси эди, мен чиндан бахтиёр эдим. Агар шу жойда шаҳид бўлсам, буюк Усмонлининг қумларга кўмилиб кетганини кўрмас эдим, қалбимизга изтироб берувчи бу ҳодисага гувоҳ бўлмас эдим. Бу эса менга бироз бўлсин тасалли эди. Шундай тиғиз пайтларда доимгидек яна кўз ўнгимда гулли кўйлакда Гулниҳол гавдаланди. У билан хаёлан видолашардим. «Сўнгги мактубимни ўқи, хатжилдни очишинг мумкин», дер эдим. Кейин «Мана, етиб қолдик, чида!» деган овозлар эшитилар, аммо атрофда биздан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Инсон ўлими сари чопиб борар экан, ўзгача туйғулар оғушига тушиб қоларкан. Атрофга аланглайман. Олдинда борган сари бизга яқинлашиб

келаётган душман аскарларининг сояси кўринади. Ҳар биримиз биттадан соя томон чопардик. Бироз ўтиб, улар билан тўқнашдик. Милтиқлар, найзалар бир-бирига урилар, ўқлар эса қадалиш учун бирон бадан изларди. Душманга найза санчардик, тинимсиз, яна ва яна. Орада йиқилганлар ҳам бор эди. Қандайдир овозлар ҳам эшитиларди:

– Етиб келдик, бироз чиданглар!

От чоптирган чавандоз йигитлар қилич яланғочлаб жанг қилар, аммо бу тушмиди, ўнгиммиди, билолмайман. Ҳа, бу хаёл бўлса керак. Ёки уларнинг ёрдамга келишига жуда интизор бўлдиммикин? Ҳалиги, қуёш зуҳур этган, ой ботган заминларда от чоптирган чавандоз эрлар бор эди-ку.

Албан Бадур:

– Қўмондоним, ўзингни қўлга ол, йўқса хафа бўламан-а, – деганини сал-пал эслайман.

– Энди хафа бўлишлар тугади. Бу ёги муштларни маҳкам сиқиш пайти келди. Бутун инсоний ҳирслардан покланиш вақти келди, эй паҳлавон Албаним...

Ортимдан ўнбоши Вали қичқирди:

– Қўмондоним, эҳтиёт бўлинг!

Шартта ортга қарадим. Қаршимда узун бўйли инглиз аскари турарди. Мен унинг зўрға елкасидан келардим. У менга ғазаб билан қараб турарди. Ҳеч нарсани ўйламай, тезроқ душманга найзамни санчиш учун олдинга отилдим. У эса чаққонлик билан чап бериб, уринишимни зое кетказди ва шу заҳоти милтиғининг қўндоғи билан жағимга туширди. Бир лаҳзада кўз олдим қоронғилашиб кетди. Худди тепаликдан қоялар устига йиқилиб тушгандек бўлдим. Жағим қаттиқ оғрий бошлади. Миям лўқиллаб, қулоқларим гувиллай бошлади. Қарасам, ерда ётиб-

ман. Тезда ўрнимдан туришим керак. Кўкда қуёш порлар, атрофимда минг-минглаб бир-бирига киришиб кетган соялар кўринарди. Ҳалиги узун соя менга яқинлашаётгандек туюлди. Шу лаҳзада қуёш тиғида «ялт» этиб найза кўринди. Мен ҳам чап бердим, найза тошга тегди.

– Қўмондоним, бу мен, Абдулваҳҳобман.

– Кўзларим яхши кўрмай қолди, – дедим.

– Ён томонда, – деди у.

Ўша ёққа бурилдиму, бу гал тўппончадан ўқ уздим... Яна бир «Аах!» деган овоз чиқди.

Абдулваҳҳоб: «Яшанг, қўмондоним!» – деди.

Атроф қайнаётган қозондек аралаш-қуралаш эди. Ким кимни ўлдиряпти, ким кимни отяпти, билиб бўлмасди. Ўлимнинг оёқ шарпалари эшитилаётгандек эди гўё. Зотан, биз яшаётган ўликлар эдик.

Ғазаб ўтида бошқа томонларга чопаман. Ақлдан озгандек эдим. Худди оғриқларим қоладигандек, ўзимни оломон ичига отаман. Кўзларим яхши кўрмаётган бўлса ҳам, ичимдан «Булар душман аскарлари, ачиниб бўлмайди», дер эдим. Кейин бор кучим билан бақираман:

– Ҳа, менинг йигитларим! «Чанқоқ арслонларим» менинг!..

Жанг қизигандан қизир, ўзимизни буткул унутгандик. Кейин кимдир бақирди:

– Қочишяпти...

Кўзларимни яна бир бор ишқалаб қарасам, ростдан ҳам душман аскарлари қочаётган эди.

Тиззаларимга чўккалаб, ҳайқираман: «16-дивизияни қутқардик! Ўзингга шукрлар бўлсин, Аллоҳим!»

Ҳақиқатан ҳам, душманнинг олд сафдаги бирликлари чекина бошлаганди. Дарҳол жой-жойимизни

эгаллашимиз керак. Шу пайт турган жойимизга пулемётдан ўт очила бошлади.

– Ортга! Ерга ётинглар! Судралиб ортга чекининглар...

Ортга қайтишда тиззаларим ёмон оғрий бошлади. Ўқлар қумларни тўзғитар, шу алфозда бир амаллаб ортга қайтаётган эдик. Эҳтиёт шарт захирада турганлар ва полкнинг бошқа аскарлари ҳам ўт оча бошлагач, пулемёт жимиб қолди. Биз ўрнимиздан туриб, югура бошладик. Жойларимизни эгаллашимиз керак эди. Шу тарзда душмандан қутулдик. Аммо мен билан бирга югураётган Албан Бадур бирдан йиқилди.

– Аҳ!.. Отишди мени...

– Тур ўрнингдан...

– Яраландим, қўмондоним! Сиз кетинг, мени ўйламанг...

– Йўқ. Сени ташлаб кетолмайман, Бадур!

Аскарлар ёрдамида уни ердан кўтариб, бирга олиб югурдик. Унинг оғзидан қон келар, кўзлари ҳам бир ўнгга, бир чапга оғиб кетарди.

– Бадур, бироз чида...

– Хафа бўламан, қўмондоним...

– Жим, гапирма...

– Йўқ, мана энди гапиришнинг айни вақти...

– Жим дедим, гапирма, Бадур...

– Шаҳодат келтирмоқчиман, қўмондоним... Сизларнинг орангизда ўлиш ҳам гўзал, қўмондоним...

– Йўқ, бизни ташлаб кетолмайсан! Йўқ!!!...

– Ана энди хафа бўлдим, қўмондоним. Мени чақиришяпти ахир... Қаранг, атрофимизга гуллар ёғиляпти. Гул ифорини туймоқдаман... Бу шаҳидлар ҳидлайдиган ифор, шундай эмасми? Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳидлари, шундайми, қўмондо-

ним? Мени бу шарафдан маҳрум қилманглар, хафа бўламан...

– Қани, арслонлар! Бўлинглар тезроқ... Бироз сабр қил...

– Сабрнинг соҳиби яхшироқ билади. Сабр ҳам тугаб бормоқда, нафас ҳам...

– Ҳали соғайиб кетасан!

– Менми? Асло! Бу ҳолатдан қутулишни истовчи бормикин, қўмондоним? Ҳаққа қовушиш учун жон таслим қилмоқдаман... Мени тек қўйинглар...

– Йўқ, тек қўёлмаймиз...

– Мени қучоқлаш учун келганлар бор. Туман ичидан чиқиб келаётган бир нечта қўлларни кўряпман. Покиза, нурли қўлларни... Ҳаммасини билиб турибман. Муборак қўллар булар...

– Чида бироз...

– Чидаш ҳам Унинг учундир... Қўмондоним, бир илтимосим бор, мен учун ўша хоинлардан ўч олинглар. Орқамдан ўқ узишди...

– Албатта, оламиз! Сен ҳозир буларни ўйлама.

– Мен энди ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ, қўмондоним. Ҳеч нарсани... Ана қаранг, гуллар кўпая бошлади. Ўзимни ўша қўлларга топшираман, қўмондоним... Мендан рози бўлинглар... Ашҳаду аллаа...

Албан Бадур шундай дедию, жим бўлиб қолди. Вужуди бизнинг қўлимизда қолган бўлса-да, руҳи ким билсин, қайси табаррук қўлларда Аршга юксалаётган эди...

Жойимизга қайтиб келгач, Бадурнинг жонсиз сиймосига узоқ тикилиб турдим. Унга кечувнинг орқа томонидан қабр қазидик... Бу ерда тупроқ бўлмагани учун чуқурнинг устини тошлар билан беркитдик... Бош томонига қора тош келтириб қўй-

дим... Ичимда: «Хавотир олма, албатта, ўчингни оламиз», дедим...

Оқшомгача кутиб ётдик, инглизлар ҳужум қилмади. Етиб келган хабардан ҳаммамиз хурсанд бўлдик: «16-дивизия Наблусга етиб бориб, жанубий томондаги тепаларга жойлашибди. 19-дивизия эса шимол томонида ҳимоя чизиғи ташкил қилибди».

– Биз-чи? – дедим. – Биз нима қиламиз энди?

– Бизми? – деди бошқа взвод қўмондони, дўстим Ҳилми. – Биз ҳам тунда Наблусга борамиз. Бугун катта муваффақиятни қўлга киритдик, Аҳмад Музаффар.

– Соғ бўл, дўстим, – дедим.

Салқин шабада эса бошлади. Қоя яқинига тикилган байроғимиз нозлана-нозлана ҳилпирай бошлади.

Взвод ёнига қайтдим. Камайиб боряпмиз. Мана, охири Албан Бадурни ҳам тупроққа топширдик. Бу тупроқ остига ҳаммамиз ҳам киришимиз мумкин эди. Жанг майдонларида топшириқни аъло даражада бажараётган полкимиз аскарлари тобора камайиб, янги топшириқлар ҳам қийинлашиб боряпти.

Тинимсиз ортга чекиниш биз учун бегона нарса эди. Фаластинда душманни чалғитиб, шимол томонга чекинардик. Душман эса бизни қуршаб олиш учун бор кучини сарфлаётган эди.

Қўним топган ҳимоя чизиқларини бироз ўтиб, ташлаб кетаверишдан безиб кетдик, тўғриси. Мана, яна шу аҳвол. Аскарларга юзландим:

– Қани, арслонларим, тайёргарликни кўраверинг, оқшом яна кўчамиз!

Наблуслик Абдулваҳҳоб ёнимга келди:

– Қўмондоним... Қаерга борамиз?

– Билмайман, аммо Наблусга жуда яқин эканмиз.

– Наблусдан ҳам чекинамизми?

– Буни ҳам билмайман. Вазиятга қараймиз. Нега сўраяпсан?

– Менинг оилам ўша жойда... Агар чекинадиган бўлсак, уларни ишончлироқ жойга олиб боришим керак. Чунки оиламни Усмонли деб билишади. Зиён етказишлари мумкин. Шундан хавотирланяпман.

– Тўхтаб тур-чи, бирон гап бўлар, вазиятга қараймиз-да.

– Яхши.

У ҳақли эди. Борган жойларимизда аксарият зобитларнинг ёр-дўстлари бизга ёрдам бергани учун, бизга хизмат қилгани учун урбанлар ёки инглизлар томонидан Усмонлилар тарафдори сифатида қўлга олиниб, қийноққа солинарди. Ҳатто мол-мулкини ҳам тортиб олишарди. Усмонли давлати ҳар тарафлама тугаб бормоқда. Очиқ-ойдин ҳолат шу эди. Баъзан ичимиздаги умид ниҳолларини кўкартиришга уринсак ҳам, ҳақиқат шу эди. Буюк давлатнинг аскари ҳозирда шимолга чекиниб, ўз ҳаётини қутқариш ҳаракатида эди. Аксариятимизнинг фикру хаёлимизда Усмонлини эмас, ўзимизни қутқариш иштиёқи бор эди. Афсуски, бу аччиқ ҳақиқатни тан олмасликнинг иложи йўқ эди.

Оқшом пайти тайёргарликларни кўрдик-да, йўлга чиқдик. Ҳар сафар қоронғида чекиняпмиз. Бу менга маъқул тушяпти. Биринчидан, бизни ҳеч ким кўрмайдиган пайтда йўлга чиқардик, иккинчидан, маҳаллий аҳоли кўз ўнгида Усмонлининг чекиниши эриш туюларди. Ҳам бизнинг, ҳамда Ватаннинг, буюк Усмонлининг боши узра қоронғилик пардаси тортилаётган эди. Кўрамиз-да, бу зулмат ичида яна қанча кун қоларкинмиз?

Айтилган манзилга етиб келиб, у ердаги вазиятни кўргач, ҳушимиз бошимиздан учди: 16 ва 19-дивизия аскарлари кўчишга тайёрланмоқда эди. Ни-

малар бўлаётганини тушуна олмай қолдик. «Булар нега хавотирда?» дея ҳайрон бўла бошладик. «Бироздан кейин ҳаммасини билиб оламиз», дея аскарларни тинчлантирдим.

Ёмон хабар тез ёйилади, деганларидек, ҳозирги ҳолатимиз жуда қалтис эди. Ҳамма гаплар тўғри бўлиб чиқмоқда: бурчакка қисилиб қолган эдик. Шимолда жанг олиб бораётган 7-ўрдумиз Бисан қўлдан чиққани туфайли Байти Ҳасан томонга зудлик билан чекина бошлабди. Шимол томондан бутунлай ҳимоясиз қолган 16 ва 19-дивизияларимизга эса Наблусни ҳимоя қилишдан воз кечиб, бу жойдан ягона чиқиш йўли бўлган Шариа дарёси яқинидаги Тел-Аҳмар деган жойдан ўтиб, тезроқ шимоли-шарқ тарафга чекиниш буюрилибди.

Бошимдан қайноқ сув тўкилгандек бўлди. Ғазабим қайнай бошлади. Ё шу жойда жанг қиламиз, ё асир тушамиз – кўзимизга ҳозир фақат шугина кўринарди. Дивизия эса тезроқ ўша кечув жойига етиб олишни кўзларди. Биз ҳам тонгда йўлга тушар эканмиз, яъни душман ҳужумга ўтгудек бўлса, уларни маълум вақт ушлаб туришимиз керак экан.

Ўзимизни яна бир бор фидо қилиш имконияти туғилди. Полкимиз яна бир бор кўздан йироқ тутилаётган эди. Яна бир бор қуролдош дўстларимиз учун жондан кечишимиз керак эди. Буларнинг барига розимиз, яна жанг қиламиз, токи дивизия тезроқ кечувдан ўтиб олсин. Бу ерда биз ҳамма нарсага тайёр эдик. Мен буни юракдан айтяпман. Мана шу тушунчагина бундай вазиятда инсонга умид бахш этади, ҳаёт бахш этади.

Абдулваҳҳоб жойида туролмай қолди. У ҳам Наблусни ҳимоя қилишдан воз кечилганини эшитганди. У яна ёнимга келди.

– Қўмондоним, шу тўғридаги водий ичидаги уйларни кўряпсизми?

– Ҳа, кўрдим.

– Ўша жой Наблус... Бу ерлар ҳам Наблуснинг сарҳадлари. Оилам не аҳволда экан? Қўмондоним, менга рухсат берсангиз, бир бориб кўриб келсам...

– Йўқ, Абдулваҳҳоб.

– Рухсат йўқми?

– Йўқ... Кўриб турибсан, кетяпмиз. Қани, сен ҳам кетишга тайёрлан. Балки йўлда сен учун бошқа фурсатлар чиқиб қолар.

– Чиқмаса-чи?..

– Кўрамиз-да...

У боши эгилганча нари кетди. Наблусга шунчалик яқин эканмиз, рухсат берсаммикин? Хаёлимда Карим жонланди. «Йўқ!» дедим... Йўқ...

Куни билан иложи борича тез юриб, Самрия қишлоғига етиб келдик. 1918 йил 22 сентябрь...

Хазонрезги куз атрофни забтига олган. Буюк Усмонли давлати ҳам япроқларини бирма-бир тўкяпти. Бу жазирама чўлларда ўғлонларини қумларга, қояликларга ташлаб кетяпти. Бутун бошли бир давлат қумларга ботиб боряпти.

Сал нарида барча пиёда аскарлар батальони бир жойга жам бўлди. Улар Шариа дарёсининг Тел-Аҳмардаги кечувидан ўтиш учун навбат кутишар, шу билан бирга, барча ҳозирликларни кўздан кечиришарди. Ҳамма хавотирда, саросимада... Тезроқ шу кечувдан ўтиб, шимоли-шарқ томон юриш ва Шом сари поездларга чиқиш фикри миямизни қуртдек кемирарди. Аскарлар шунинг учун асабий эди. Асир тушишнинг шармандалигини қўя турайлик, бизни

эзаётган нарса – бу заминдан оёғимиз узилиши эди. Асир тушиб қолишни эса ўйлашни ҳам истамасдим. Ундан кўра ўлганим афзал.

Аскарлар кечув сари интилишарди. Дарё устида торгина кўприк бўлиб, ҳамма шу ердан ўтиши керак. Нариги қирғоққа ўтиб олсак, бироз бўлса-да хотиржам бўламиз. Полкимизга кечувни қўриқлаш ва аскар хавфсизлигини сақлаш топширилди. Тартиб билан ён-атрофга тарқаб, қояликларга жойлашдик. Душман бостириб келса, қаршилик кўрсатамиз, сўнг охирида ўзимиз ҳам ўтамиз бу кўприкдан.

Қоялар ортига яшириниб олгач, бир кўзимиз душман келиши мумкин бўлган олд томонда, бир кўзимиз эса кечувга яқинлашаётган қўшинда эди. Ҳаммамиз ҳаяжондамиз. Кўприкка етмасдан тор бўғоз бор экан, унинг ҳимояси ҳам бизга топширилган. Қолган кучлар тепаликларга ёйилди. Қўшин кўприкдан ўта бошлаганда қандайдир овоз барчани саросимага солиб қўйди. Бу ҳаммамизга таниш бўлган душман учоқларининг овози эди. Улар кўприкка яқинлашиб келарди. Аскарларимиз бомбардимон ичида қоладиган бўлди-да.

Ўйлаганимдек бўлди. Биринчи бомба тўғри кўприк устига келиб тушдию, кўприкнинг бир қисми қулади... Аскарларимиз шошиб қолди, сувга тушганлар суза бошлашди. Қўшиннинг аксарият қисми ортга қайта бошлади. Учоқлар учун осон ўлжага айланган эдик. Пулемётлар билан қарши туришга ҳаракат қилардик, аммо бефойда. Тор кечувда сиқилиб қолган аскаримиз устига бомбалар ёғила бошлади. Кўприк ҳам батамом бузилиб кетди.

Санжоқ ташийдиган бригадага қарадим. Улар ҳам саросимада. Бадал Рашид худди байроққа ўралиб олгандек тепага тирмашарди. Ортидан эса тўрт на-

фар аскар уни ҳимоя қилиб борарди. «Эҳ, Рашид!..» дейман ичимда...

Учоқлар яна қайтиб келиб, яна кўприкка бомба ёғдиришди. Энди нариги соҳилга ўтишнинг имкони қолмади. Дарёда сузишга ҳаракат қилган аскарларимиз эса учоқлардаги пулемётлардан ўққа тутиларди. Бир зумда Шариа дарёсининг суви қонга бўялди. Кечувдагилар саросимада тарқалиб, аскарлар қоча бошлашди. Биз эса бу даҳшатли манзарани қаттиқ изтироб ва алам билан ноилож томоша қилардик. Негадир инглиз пиёдалари кўринмас, отлиқ аскарларигина қарши тепаликдан яқинлашмоқчи эди.

Ҳар тарафдан қўмондонларнинг бақириқлари эшитиларди.

– Шимолроққа, янада шимолга чекининглар! Тезроқ, тезроқ!..

Ҳимояда турган жойларимизни яна бир бор кўздан кечириб, дарё бўйлаб шимолга силжий бошладик. Бу сафар Барор кечувидан ўтишга қарор қилдик. Бу бизнинг сўнгги имкониятимиз эди. Ўша жойдан ўта олсак, шимолдаги темирйўл орқали Шомга етиб олиш мумкин.

Гўё оёғимизни қўлга олиб югурардик. Маълум вақт ўтиб секинлардик, чунки ниҳоятда чарчаган эдик. Сувимиз ҳам тугаган, мадоримиз ҳам қуриб борарди. Хаёлимизда нариги қирғоқдаги душман отлиқ аскарлари, аммо улар ҳозирча кўринмас эди. Икки дивизия аскари кечувга етиб олиш учун югурар, аммо аслида югуриб эмас, судралиб борарди.

Полк байроғига қарайман. Бадал Рашид билан тез-тез кўзимиз тўқнашяпти. Унинг кўзлари ёшга тўлган. Мен унга табассум қилардим, лекин у кулмас эди. Нигоҳларида қора маҳзунлик акс этарди. «Эҳ, Бадал Рашид...», дер эдим ичимда.

Аскарнинг сафи чўзилиб кетди. Бу эса бизга қийинчилик тугдирарди. Секинлашамиз, хаёлимиз эса инглизлар томондан келадиган хатарда эди. Аммо қанчалик хавотирга тушсак ҳам, бошқа чорамиз йўқ. Бостириб келишса, жанг қиламиз.

Абдулваҳҳоб ёнимга суқилди:

– Қўмондоним... Менга рухсат беринг! Бу кечувдан ҳам ўта олмасак-чи?

– Йўқ, ўтамиз!

– Қўмондоним...

– Ўтамиз дедим-ку!

Яна оқшом тушди. Барор кечувига ҳали анча бор. Яна тунда йўлга тушдик. Балки кечувдан ҳам ўтишни бошлармиз... Балки инглизлардан аввалроқ етармиз у жойга... Яна жаҳлим чиқа бошлади. Мавҳумликларга тўла бу кечув бўйидаги аҳволимиз жуда ачинарли эди... Юрагимдаги довуллар тиним билмас, ҳеч нарсани қабул қилолмасдим...

Хаёлга берилишнинг мавриди эмас, аммо яна кўз ўнгимда Гулниҳол пайдо бўла бошлади. У бир сабодир, куйган бағримни саринлатувчи, зилол сувдир руҳимга фараҳлик бахш этувчи. Ўз ичимга кўмиламан, бир онда бу ердан олис-олисларга бош олиб кетаман. Ўша кеча тонггача ўйлай-ўйлай, сўнгги мактубимнинг жонга яқин сатрларини яна ўқий бошлайман.

Гулниҳол!

Бизнинг тупроқларни биласанми? Ҳалиги, юз йиллардан буён юрт қилиш учун ҳаракат қилганимиз, қонлар тўкиб, жонимизни фидо қилган тупроқлар боркуу... Муқаддас дея бошимизга кўтарганимиз ва бунга юракдан ишонганимиз тупроқлар...

Битта чўпию тошини ҳам бировга беришни истамайдиган, хотири учун қанча қуёшлар ботган тупроқлар...

Гоҳи тақир, гоҳида унумдор; гоҳ яланғоч қоялар билан безанган, гоҳи ям-яшил кўрпа мисоли ўрмонлар билан қопланган тупроқларни биласанми?

Гулниҳол!

Бу тупроқлар учун биз жуда кўп қонлар тўкдик, лекин ўша қонларни дуоларга йўғириб оқиздик. Бизнинг курашимиз фақат жаҳонгирлик мужодаласи бўлмаганидек, энг олд сафларда қилич яланғочлаб, душман устига бостириб боришимиз ҳам оддий чавандозлик эмас эди. Оламга низом келтириш, Ҳақнинг ризосини топиш ва бир даъво учун ҳар нарсадан бир онда воз кечиш эди бизнинг курашларимиз...

Ҳатто жанг қилатуриб ҳам оддий чумолига озор бермаслик, нафси ва жаҳли туфайли ғазабига ҳоким бўлиб, душманига ҳам раҳм-шафқат кўрсатиш... Қурук жанговарликдан йироқ бўлган минг-минглар ичида бирлашиб, бир бўлишдир бизнинг курашимиз.

Бизнинг тупроқларда дали-ғули норғул йигитларни бир қалб арбобига айлантирганлар кўпдир, билсанг. Бу заминда ҳатто чумолининг ҳам сувсизлиги энг буюк дардимиз ҳисобланган. Бир капалакнинг қаноти синса, биз изтироб чекар эдик. Лайлакнинг қаноти синса, ўз қўлимиз сингандек ичимиз оғриб, азобланамиз. Гул-чечакларга оддий назар қилмаймиз, балки уларни омонат деб биламиз.

Гулниҳол!

Бизнинг тупроқларда йигитлар кўзи қора, дали-ғули бўладилар. Лекин улар учун кўраётган кўз кўз эмас, балки улар учун кўз – ҳар нарсага қалб ила боқар кўздир. Фақат ва фақат кўриши керак бўлгангагина боқар, ғайрисига кўз юмарлар.

Бизнинг тупроқларнинг йигитлари жар ёқасидаги қояларда ўсувчи «Пайғамбар чечаги»[49] кабидир. Ёрларнинг тубсиз жарликлари қўрқита олмайди уларни. Зеро, қанчадан-қанча дўзах чуқурларидан ҳам омон чиққанлар. Ҳаёт ва ўлим ўртасидаги қилдан ингичка чизиқ узра умр бўйи от чоптириб ўтганлар. Тиғ устида юриб, сон-саноқсиз ўқларга нишон бўлганлар.

Шунинг учун бу тупроқлар бошқача, Гулниҳол... Бу замин йигитлари ҳам бошқачадир, буни яхшилаб идрок этарсан.

Гулниҳол!

Боя айтдим-ку, жар ёқасида яшашга ҳам кўникканмиз, деб. Биз ўша жарга орқа ўгиришимиз мумкин, аммо душманга асло орқа ўгирмаймиз...

Гулниҳол!

Бу тупроқлар учун сен билан хиргойи қилувчи қанчадан-қанча қўшиқларимиз, ўланларимиз бор. Бу куй-қўшиқларимиз ҳам тилимизда, ҳам дилимиздадир.

Бу тупроқлар учун саноқсиз ҳулёларимиз бор эди. Шуни ҳис қилиб турибманки, бу кетишим бир интиҳонинг ибтидосидир. Қоришиқ туйғулар оғушидаман. Сендан узоқ қолишим бир ён, аммо асл изтиробим – Ватан тупроқларидан айрилиб қолишимдир. Мен кетаётган Фаластин тупроқларидан қайтиш эҳтимолим жуда кам деб ўйлайман.

Сени изтироблар ичра қолдириб кетишим ва қачон қайтишимни ҳам билмаслигим мени ҳам еб адо қилади. Ўзим учун эмас, фақат сен учун фарёд қиламан. Шунинг учун бу муҳорабали даврларда зобит аёли бўлиш ҳам, унинг қаллиғи бўлиш ҳам осон эмас... Бизлар ишқ савдосининг энг улуғ туйғуларини яшар эканмиз, елкамизга қулаб бораётган Ватаннинг парвона-

[49] Тоғ ён бағирларида ўсадиган камёб ўсимлик.

ларимиз, доим олов билан ўйнашиш, оташларга ўзимизни мубтало қилиш вазифасини олганмиз. Парвоналарнинг шундай сири борки, уни сен ҳам яхши биласан: оловга бир қанот катталигича масофада яқинлашадилар. Биз эса доим оташ ичидамиз. Парвоначалик оловга яқин келиш биз учун ўлимдан ҳам, оташдан ҳам қочиш бўлади, биз кўзимизни юммасдан олов бағрига сингдик. Бу сафар узоқ иссиқ диёрларда оловларга дуч келишимни яхши биламан. Қайтишим ҳам номаълум... Лекин сен мендан рози бўл. Тақдир бизни яна бир бор учраштирса, ўшанда гаплашамиз, ҳозирча эса бундан умид йўқ. Ўша тупроқларда шаҳид кетсам, руҳимни эъзозла, мени унутма.

Бордию шаҳид бўлганим қулоғингга етиб борса, унаштирилганимиз бекор бўлади, ўзга билан турмуш қуришинг мумкин. Бу мавзуда сендан бир ўтинчим бор: у ҳам бўлса, ҳаётингни ғозий инсон билан боғлашингдир. Уни севишинг ва жанг майдонларида тобланган бу инсонга меҳр билан кўмакчи бўлишингни истайман. Балки шундагина руҳим мангу ором олар...

Мен эса бу жаҳаннамнамо чўлларда сени ўйлаб, сени гулли кўйлагингда тасаввур қилганча жон бераман...

Мен учун аза тутишингни, куйиниб йиғлашингни истамайман. Ҳаммаси кўнглинг хоҳишига кўра бўлақолсин.

Унутма: мен гул учун оҳу зор этувчи бир булбулман. Булбул ўлса, бир умр ошиқ бўлган гулининг япроқларига кафанланар экан... Бизларни ҳам балки бир умр муҳорабаларда доим тик тутиб, олға босган байроғимизга кафанлашар... Худди булбулдек...

Энг самимий ҳурмат ва севгиларим ила...

Аҳмад Музаффар...

Сўнгги нуқтани ҳам қўйдим. Кўнглим анча таскин топгандек бўлди. Қулоқларимда булбулнинг фарёди акс садо беради. Дарди борлар фарёд урармиш. Мен эса дардимни севаман, шунинг учун жимман, барини ичимга ютаман. Пешонамизга ёзилган қисмат ёзувини ўқиш вақти келди деб ўйлайман. Ичимда ҳаммага хайрлисини тилайман. Тилимда дуо, юрагимда эса ҳар ёнимни тилимлагувчи ўткир тиғли ханжар.

Инсоннинг тақдир измида юравериши ғалати бўларкан. Мана, кетяпмиз... Юрагимиз олиб борган жойга қадар борамиз. Биз сафарга чиққан йўловчилармиз. Жабҳаларда, талотўп жангларда жон олиб, жон берувчи йўловчилар... Ватанига ошиқ булбуллармиз. Ўлимига ҳам севинч ичра юриб борувчи йўловчилар... Тақдир олиб ўтган сўқмоқларда бир ўзи бўлса ҳам йўлида давом этувчи йўловчи...

– Абдулваҳҳоб!

– Эшитаман, қўмондоним...

У бир нафасда ёнимга етиб келиб, нима дейишимни ҳаяжон билан кутиб турарди. Уни нега чақирганимни ўзим ҳам билмасдим.

Беихтиёр:

– Кетадиган вақт бўлди, – дедим.

– Тушунмадим, қўмондоним.

– Сен бундан буён эркинсан. Оиланг ёнига қайтишинг мумкин. Ҳеч кимга кўринмасдан, кечаси Наблусга кет. Сен учун ҳам, биз учун ҳам энг яхшиси шу бўлса керак.

– Сизлар-чи?

– Бизнинг тақдиримиз аниқ, Абдулваҳҳоб. Буюк Усмонлини қутқара олмадик. Наблусни қутқара

олмадик. Қутқаролмадик... Ҳеч бўлмаса сен оилангни қутқаргин. Югур уларнинг олдига. Ҳаммаси шу жойгача экан, Абдулваҳҳоб. Илк бошда сендан шубҳаланиб юрган эдим, аммо адашган эканман. Яхши-ёмон гапирган бўлсак, бизлардан рози бўл.

Кутилмаган бу гапдан Абдулваҳҳоб карахт бўлиб қолди. Кўзларидан чиққан ёшлар ёноқларига думалар экан, бир-икки қадам одимлади. Отасини қучоқлагандек мени қучди ва «Қўмондоним...» дея олди, холос. На унинг кўзларига қарай олдим, на бир оғиз сўз айтдим. Мен ҳам айрилиқ изтиробини ичимда ҳис қилганча бостириб келаётган қоронғилик ўртасида мармар ҳайкалдек қотиб турардим.

1918

1918 йил 23 сентябрь.

Бугун қуёш уфқдан маҳзунлик билан чиқиб келди. Кечаси билан мени чулғаб олган зулмат кундузи ҳам тарк этмади. Юрагим сиқилар, бир томони чанқоқ қийнарди. Ҳарбий қисмлар ўз ичида чайқалиб турибди. Гавур Аҳмад чопиб келди.

– Абдулваҳҳоб қочиб кетибди! Сиз ҳақ бўлиб чиқдингиз.

– Йўқ, у қочмади.

– Қанақасига қочмайди?

– Унга ўзим рухсат бердим.

– Ахир...

– Хаёлингга нималар келаётганини билиб турибман. Фақат оиласини қутқариши учун унга сўнгги имконни бердим, холос. Ўртамизда қолсину, аммо бундан буён аскар қочибди, дейилса ҳам зарари йўқ.

– Хўп бўлади, қўмондоним.

Қаршимиздаги тепаларга қарайман. Атрофимизни ўраб турган тепаларга, водийларга... Худди бу ерларга сўнгги бор боқаётгандекман. Ичимдан зил кетди.

16 ва 19-дивизия батальони Барор кечуви сари ҳаракатга ўтган пайтда қаршидаги тепалардан инглиз отлиқлари кўринди.

– Қани, ҳамма кечувга яқинлашсин! – деди полк қўмондони ҳожи Меҳмет Амин бей. Ўзи эса тўппончасини чиқариб, отишмага тайёрланди. Ҳаммамиз

иложи борича олдинга интилардик. Бу орада душман отлиқларини кутиб олишимиз, қўшиннинг нариги соҳилга ўтиб олишига ёрдамлашишимиз керак эди. Взводим билан қулай жойга ўрнашиб, ҳимояга шайландик. Ортимиздан эса санжоқ муҳофаза бригадаси жойлашди. Бадал Рашид байроқни маҳкам тутганча яширинди.

Аввалига отлиқларга ҳужум қилсакмикин, деб ҳам ўйладик, аммо бундан воз кечдик. Уларнинг ўзи келишини кутиб, вақтдан ютмоқчи бўлдик. Инглиз отлиқлар эса худди мақтанаётгандек, сафланишарди. Кутилмаганда душман иккига айрилди. Тўпнинг бири шимолга силжий бошлади, иккинчи қаноти эса секин-аста биз томон юра бошлади. Бироз яқинлашгач, ҳужумга шайланишди.

Шу пайт пулемётдан устимизга ўқ ёмғири ёға бошлади. Биз ўзи шуни кутиб турган эдик. Қилар ишимиз эса яқин келган аскарларни отиш эди.

Мана, шу ерда эриб, адо бўлсак керак.

Гавур Аҳмад ёнимга келди:

– Ёмон келяптими булар?

– Ҳа... Ҳар нарсанинг охири, ниҳояси бор, Гавур Аҳмад. Ҳар нарсанинг...

– Майли, шундай бўлақолсин.

– Ҳа, шундай.

– Диққат, душман яқинлашяпти!

Душман пулемётлари тиниб, ўрнига отлиқлар ҳужумга ўта бошлади. Улар биз томонга от солиб яқинлашар, биз эса ўт очиб, яқинлашганларни қулата бошладик. Улар жуда тез ҳаракат қилиб, ҳатто ёнимизгача етиб келганлари ҳам бўлди. Улар отлиқ, биз пиёда, тўқнашувнинг ярми очиқ майдонда, ярми эса паналарда давом этарди. Бир маҳал Гавур Аҳмадни от устида кўрдим. У душман томон-

га от солди. Мен турган жойимдан ўт очавердим. Сон-саноқсиз отларнинг ҳуркиб, кишнаб, кўзлари косасидан чиққудек устимизга бостириб келиши юракка ваҳима соларди. Битта от жуда тез югуриб, орамизга кириб келган эди, «Ўнбоши, шуни йиқит!» дея ҳайқирдим. Ўнбоши бошқа томонга ўт очарди. От эса устида суворийси билан мен турган томонга ўқдек учиб келарди. У мени нишонга олгани аниқ эди. Жуда яқин келиб қолгач, қараб туролмай, тўппончамни чиқариб, отлиққа ўт очдим. У фарёд уриб ерга қуларди, оти эса ҳамон чопишда давом этарди. У ҳаммамизни эзиб кетади, деб турганимизда сал наримизга келиб йиқилди. Бечора от оёқлари билан депсинганча жон таслим қилар эди. Унга қараб чалғиб қолибман, бир инглиз устимга ташланди. Иккимиз ерда думалай бошладик. Кучли аскар экан, қўли билан мени бўға бошлади. Нафас ололмай қолдим, кўз олдим қоронғилашиб, кучим тобора камая бошлади. Фақат типирчилардим. Ўлишимга бир баҳя қолди. «Охири шу ергача эканда» деб ўйлашим билан душманнинг қўли бўшашди, кўзлари пиёладай бўлиб кетди. Оғзидан қон келиб, ён томонга йиқилди. Ўнбоши Вали унинг орқасидан найза урган экан.

– Ўнбоши...

– Буни ўзига тилаб олди, қўмондоним.

– Соғ бўл, раҳмат...

Чанқоқдан тилимиз танглайимизга ёпишиб қолгани учун отга ўхшаб, оғзимиз кўпириб жанг қилардик. Шу пайт ўнбоши жойини ўзгартираётганида ўқ еди. У томон чопар эканман, биттаси оёғимга осилди. Ўзимни эплай олмай, ерга йиқилдим, лекин бу гал ҳушёр эдим. Тош билан бошига солдиму, тиндирмай уравердим... Кейин ўнбошининг ёнига шошилдим.

– Ўнг қўлимдан ўқ едим... Милтиқ отолмайман, қўмондоним.., – деди у.

– Мен сени шу қоятош ортига яшириб қўяман. Сами топиб келса зўр бўларди...

– Майли, бундан кейин ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ, қўмондоним...

– Менга суян...

Биз зўрға оёққа туриб, уришаётганлар орасидан ўтиб бора бошладик. Бақириб-чақирганлар, ўқ еб ерга қулаганлар, қочган-қувган, хуллас жаҳаннамнинг ўзгинаси эди бу ер. Гавур Аҳмад етиб келди:

– Вазият жиддийлашяпти, қўмондоним! Майли, сиз йўлингизда давом этинг, мен пана қилиб тураман!

– Йўқ, бунақаси кетмайди, – дедим.

Ўнбошини бир тош тагига ётқизиб, дарҳол ортга қайтдим. Шаҳид бўлганларимиз ҳам, ярадорларимиз ҳам жуда кўп эди. Жанг эса ҳали тугагани йўқ. Бу ердан осонликча қутулиб кетолмаслигимизга кўзимиз етиб қолди. Лекин кутилмаганда инглизлар чекина бошлашди. Кўзларимга ишонмай, бор овозим билан ҳайқирдим:

– Чекинишяпти!

Ниҳоят, дивизиямизнинг кечувдан ўтиб олиши таъминланди. Уларга ёрдамимиз текканидан бахтиёр эдик. Яна умид учқунлари пайдо бўла бошлади. 57-полкнинг «Чанқоқ арслонлари» яна бир бор душманни ортга чекинишга мажбур қила олди. Қочаётган душманнинг ортидан қараб қолдик. Яна бир бор ўлим оғзидан омон қайтдик. «Дивизия аскарлари Барордан ўтиб, дарёга етиб олишдимикин?» дея ўйлай бошладим. Ўтиб олишгандир... Биз тарихий вазифани бажардик, деб ўйлардик, чунки

бирга-бир жанг қилишни кўзга олиб қўйгандик, бу ёғига нима ғам.

Ортимиздаги санжоқ бригадаси бироз ўтиб, кечувнинг энг чўққисига байроғимизни ўрнатди. Аскарлар шундагина ўзига келиб, янгидан туғилгандек ҳайқира бошлашди. Ҳамма нарсани унутгандик. Шаҳидларимизни бир четга тўплаб, яралорларга ёрдам кўрсата бошладик.

Шу пайт хабарчи келиб қолди. У тезда полк қўмондонини кўриши кераклигини айтди. Юзидан даҳшатли қўрқув аломати сезилиб турарди. Ёмон хабарлигини сездим. Ичимга яна қурт тушди. Бироз ўтиб, полк қўмондони аччиқ хабарни эълон қилди:

«Шимолдан ҳаракат бошлаган душман қўшинлари 16-дивизияга ҳужум уюштирибди, пароканда бўлган аскарлар инглизларга асир тушибди. Ўз дивизиямиз эса дарёга яқин жойда жанг қилаётган экан. Инглизларнинг устунлигига қарши туролмаслигини билиб, охирги томчи қонимиз қолгунча шу ерда жанг қиламиз, дейишибди. Муҳим қоғозларни, полкнинг ҳарбий қайдларини, режа ва хариталарни дарҳол йўқ қилинглар. Шаҳодатга тайёр туринглар.

Аллоҳ ҳаммамизнинг ёримиз, ёрдамчимиз бўлсин...»

«Энди умидланаётган эдик, яна алам-изтиробларга ғарқ бўлдик... Қанчалар азоб! Роббим, шу ерда шаҳид бўлайин, асирлик ғамини кўрмайин...» дея дуо қилдим ичимда.

Бироз ўтиб, 19-дивизиянинг ҳам енгилгани, тирик қолган зобит ва аскарлар асирга тушгани ҳақида хабар келиб, жон жойимиздан яралади. Ортимизда ҳам, олдимизда ҳам инглиз аскарлари турарди.

Полкка оид ҳужжатларни ёқа бошладик. Тутунлар биз шўрпешоналарнинг ҳолимизни яшираётгандек, атрофга ёйила бошлади. Санжоқ бригадаси дарҳол тепаликдан байроғимизни туширди. Ичим яна ғамга тўлди, яна ўлимни орзулай бошладим. Энди душманни кутиш қолди, холос. Афсуски, дивизияларимиз Шариа дарёсини кечиб ўтолмаган эди.

Чорасизликда душманимизни, тақдир ёзиғимизни кутиб ётардик. Ўнбоши Вали, Сами, Гавур Аҳмад ва бошқа тирик қолган аскарлар ёнимга йиғилишди. Ҳамма ғамгин.

Уларга юзландим.

– Қанчалик кўп эдик... Тўғрими, Гавур Аҳмад?

– Ҳа, кўп эдик, лекин тобора йўқ бўлиб боряпмиз.

– «Биз булбул кабимиз», – дедим.

Нима демоқчи бўлганимни тушунишмади.

– Ҳа, булбулга ўхшаймиз. Эгнимиздаги мана бу ҳарбий либосга бир қаранглар. Чанг-тўзон, ифлос, қон юқи, илма-тешик бўлиб кетган. Бу биз бир умр фарёд этиб, жон берган давлатимизнинг ҳарбий кийими. Худди булбул каби... У ҳам гул учун бир умр йиғлар экан-ку... Сўнгги нафасини олгач, уни ўша гулнинг япроқларига кафанлар эканлар... Биз ҳам шу давлатнинг кийими ва байроғи остида жон бериб, кафанланамиз... Шунинг учун биз – булбуллармиз... Ватани учун, шу буюк Усмонли учун сайраган, унинг яшаб қолиши учун жонини фидо этувчи булбуллармиз... Қаранг, ўша гулнинг исини фақат биз ҳидлай оламиз, ҳис эта оламиз. Чунки бу – шаҳодат ифоридир...

Куйинманг, бу тупроқларда мумдек эриганимизни, ўлимга, оташга ўзимизни фидо қилганимизни биздан кейин келувчилар, албатта, биладилар, қанчалик оғир ва машаққатли вазифаларни уддалага-

нимизни ҳам тақдирлайдилар. Тарих изларимиз шу ерларда қолганини келажак авлодга етказади. Биз учун муҳими ҳам шу.

Ҳар ишнинг ниҳояси, бир интиҳоси бўлгани каби ҳаётнинг ҳам охири бор. Роббимдан битта тилагим – жасорат кўрсатмасимиздан жонимизни олмасин. Жасорат кўрсатиб ўлсаккина ўлим биз учун муждали хабар бўлади.

Ҳам гапирардим, ҳам аскарларим билан бирга кўз ёш тўкардим. Бироз ўтиб, ёнимда бир соя пайдо бўлди. Бу – санжоқ эди. Бадал Рашид байроқни келтирибди.

Ёш тўла кўзларимиз билан шонли байрогимизга тикилдик.

Ҳеч бўлмаса шугинани қўриқлашимиз, асрашимиз керак эди. Муқаддас вазифаларимиздан фақат шу иш қолганди, холос. Тўп-тўп бўлиб, ҳар тарафга тарқалдик. Нарида эса душман кутиб ётибди. Биз уларга осон луқма эдик. Бироздан сўнг уларнинг орасидан бир отлиқ олдинга чиқди. Унинг қўлида оқ байроқ бор эди. Полк қўмондонимиз:

– Биздан ҳам кимдир чиқсин, – деди.

7-взвод қўмондони Ҳилми чиқди. Иккиси ўртада учрашди.

– Таслим бўлишингизни истаймиз, беҳуда қон тўкилмасин.

– Биз таслим бўлмаймиз, шунга қарор қилганмиз.

– Ўзингизга ёмон бўлади. Охирги марта сўраяпман.

– Йўқ, асло!..

Қайтишди. Ҳилми дарғазаб ёнимга келди.

– Таслим бўлишимизни сўрашяпти.

– Йўқ, таслим бўлиш йўқ.

Полк қўмондонимиз тўқнашув учун жойлашиб олишимизни буюрди.

– Байроқ душман қўлига тушмайди, шунга ҳозирланинглар, – деди.

Байроғимизни ҳимоя қилиб ўлиш учун ҳаммамиз жондан кечишга тайёр эдик. Инглизларда эса ҳеч бир ҳаракат сезилмасди. Балки фикримиз ўзгаришини, таслим бўлишимизни кутишаётгандир. Улар худди овини пойлаётган овчидек сабр билан кутишди.

Биз ўлгудек чанқагандик, аммо бундай вазиятда чанқоқ ҳам эсга келмади. Аскарларнинг баъзилари иссиқ тошларга, айримлари эса милтиғининг қўндоқларига қўл суриб, таяммум қилишарди. Биз бутунлай бошқа иқлимларда эдик. Ҳаммамизнинг орзуимиз ана шундай танг вазиятларда ҳам Аллоҳнинг ҳузурида туриш эди. Секин-аста сафга тура бошладик. Ўнбоши Вали олдинга ўтди.

– Ҳаётимизнинг сўнгги дамларида ўз жаноза намозимизни ўқишга ният қилайлик! Аскар нияти билан, Аллоҳу акбар!

Инглизлар ҳайрон эди. Ҳар ҳолда бизнинг нима қилаётганимизни тушунишга ҳаракат қилаётган бўлишса керак. Баъзилар устидаги бор нарсасини бир четга қўйиб, кимдир қачондир буларни оиласига юборишини умид қилиб, манзилларини ҳам ёзиб қўя бошлади. Биз, яъни 57-полкнинг «Чанқоқ арслонлари» ҳаётимизнинг шу сўнгги дамларида ҳам вазифамизни энг аъло даражада бажаришга иймонимиз комил эди. Дунёга оид ҳар нарсани унутган эдик. Ақлимизда битта нарса: шараф билан ўлиш ва байроғимизни душман қўлига туширмаслик эди.

Кейин яна ҳужумни кута бошладик. Яна жимжитлик. Душман ҳали ҳам таслим бўлишимиздан умидвор, шекилли.

«Аслаҳаларимиз қай ҳолатда?» деди қўмондон.

– Жуда оз.

– Майли, тугагунча ишлатилади, кейин найзали жангга киришамиз!

– Бош устига...

У гапини тугатиши билан бизни рўпарадаги пулемёт ўққа тута бошлади. Бу огоҳлантириш эди. Бир инглиз зобити туркча гапирди:

– Таслим бўлинглар!

– ...

– Сўнгги бор огоҳлантиряпмиз.

– ...

Шундагина биз томондан жавоб ўқи отилди. Инглизлар ҳам жавоб қайтара бошлашди. Бадал Рашид қўлига байроқни тутганча энг ортда, хавотирда турар эди. Энди душман ҳам тўқнашувга тайёр бўлди.

Инглизлар тобора шиддатли ўт очар, биз ҳам сўнгги ўқларимизни ишлатаётган эдик. Нима бўлган тақдирда ҳам, бу йўловчиларнинг сафари қариган эди, ҳаммамиз сўнгги манзилга етиб келган эдик. Бор ҳирсимиз, ғазабимиз ва ишончимиз билан ўқ отар эдик, аммо кучимиз борган сари камайиб борарди. Майли, кучимиз етганча жанг қиламиз.

Бироз ўтиб, душман аскарлари ҳужумга ўтди. Улар жуда тез яқинлаша бошлашди. Биз ҳам улар томон югурдик. Бир лаҳзада бир-биримизга қоришиб кетдик. Сон жиҳатидан биздан устун бўлса-да, душман захира кучларини ҳам тўқнашувга жалб қилгач, вазият ўзгара бошлади. Инглизлар бизни таслим этишни исташарди. Шунинг учун ҳужумга ўтган аскарларимизни қуролсизлантириб, асир ола бошлашди. Биз ўлиш учун ҳужум қилсак ҳам, бу уринишларимиз дарҳол бартараф этилаверди. Асир тушишни истамасак-да, кучлар тенг эмаслигидан, бунинг иложи бўлмай қолди.

Полк қўмондонимиз фарёд ура бошлади: «Санжоқ!»

Душман аскарлари ортимиздаги байроғимизни қўлга киритишни, аскарларини асир олишни кўзларди. Менинг взводим ўша жойга яқин эди.

– Мени пана қилиб туринглар! – дедим ва ортга чопа бошладим.

Гавур Аҳмад ёнида ўнбоши Вали, Сами ва яна бошқалар бўлса ҳам, тинмай бақирарди:

– Қўмондоним, байроқни қутқаринг, биз уларни чалғитиб турамиз!

Ҳеч нарса демасдан шу томонга отилдим. Атрофимга огоҳлантириш ўқлари келиб тушди, аммо эътибор қилмадим. Бир-икки марта ортга қараб қўйдим, холос.

Аскарлар тобора яқинлашаётган инглизларга найза билан қарши чиқишга тайёр бўлиб, кутиб туришарди.

– Бадал Рашид! Мен билан юринглар, тезроқ, – дедим.

Биз югура бошладик. Байроқни олиб, қочиб кета бошладик. Байроқчи бригаданинг бошқа аскарлари ҳам ортимиздан чопа бошлади. Бироз югурдик, кучимиз қолмагач, тўхтадик. «Атрофни бир кўздан кечирайлик, вазият қандай?»

Анча нарида, аскарларим турган жойда тўқнашув бўляпти, аммо улар узоқ дош бера олишмайди.

– Қани, кетдик, – дедим.

Яна югура бошладик.

Қувиб келишаётган бўлса деб, тузоқ қўйиб, пистирмадан ҳужумга ўтишлари учун бригаданинг тўрт аскарини шу жойда қолдирдик. Душманни чалгитиб туришади. Лекин ортимиздан ҳеч ким тушмаган экан. «Тезроқ югуринглар!» – дедим.

Биз дарё бўйлаб югуравердик. Бирон торроқ жой бўлса, нариги томонга ўтиб олишни кўзлардик. Агар инглизлар ортимиздан тушса, кўп ўтмай бизни топиб олишлари мумкин, чунки уларда отлиқлар бор. Биз эса бор кучимизни ҳам йўқотиб бораётган эдик.

– Охири шу ергача экан, Рашид!

– Қўмондоним, байроқни қутқаришимиз керак.

– Иншааллоҳ...

Атрофни яна бир бор кузатдим. Узоқда чангга ўхшаш булут кўзга ташланди. Демак, отлиқлар ортимиздан келишяпти.

– Байроқни бер! – дедим.

Эгнимдаги бор қоғозларни чиқардим. Улар орасида Гулниҳолга ёзган учта мактубим ҳам бор эди.

– Қўмондоним!

– Байроқни йўқ қилиш керак, Рашид! Ортимиздан келишяпти. Вақтимиз оз қолди. Дарҳол ўтинчўп йиғинглар. Гугурт ёки чақмоқ борми?

– Йўқ.

– Ё Аллоҳ! Сал наридаги қоятош олдига бориб, соатимнинг ойнасини тошга уриб синдирдим. Уни қуёшга тутиб, қоғозларни ёқмоқчи эдим.

– Муҳофаза қутиси қаерда?

– Шу ерда...

– Хўп...

Гулниҳолга ёзган мактубларни ўтга отдим, баъзи ҳужжатларни ҳам ёндириб, оловни кучайтирдим.

– Рашид, байроқни бер, – дедим.

Овозим ҳам, байроққа узатган қўлларим ҳам қалтирарди. Шундай аламзада эдимки, томирларимни кесса ҳам бир томчи қон чиқмасди шу онда. Байроқ-

ни уч карра ўпиб, пешонамга суртдим. Кейин оловга яқинлаштирдим. Аммо уни ўтга ташлай олмадим. Кўнглим бузилиб кетди, аскарлар ҳам кўз ёш тўкишарди. Кўзларда ёш, юракларимизда эса қон, изтироб чекардик. Шу пайт Бадал Рашид такбир айта бошлади:

«Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар. Лаа илааҳа иллаллоҳ...»

Унга бошқа аскарлар ҳам жўр бўлди. Такбирлар айтилар, мен эса ҳамон байроқни ўтга ташлай олмасдим. Қўлим олов устида қотиб турарди. Қўлларим куя бошлади, аммо байроқни ўтга отолмадим. Ҳақиқатан ҳам, ўзимизни парвонадек ўтга бемалол отардик, аммо байроқни бундай қилолмас эканмиз. Жоним оғрий бошлади. Чидаб бўлмас ҳолатга келиб қолганда байроқнинг бир учига олов илашди. Жим йиғлаётган аскарлар бор овозда ҳўнграй бошлашди. Бирдан олов кучайиб, тутун кўпайди. Ёнаётган байроқ эмас, буюк Давлатимиз эди. Бу ҳақиқатни кўришни асло истамаган эдим. Бу ҳолатга гувоҳ бўлгандан кўра ўлишга мингдан-минг рози эдим...

Кўзларимиз ловуллаб ёнаётган байроқда эди. Ҳаммамиз ғамгин, қайғу ичида эдик. Бу ерда, Фаластин тупроқларида буюк бир давр ниҳоясига етаётган эди. Ким билсин, яна қачондир бу ерларда янги даврлар бўлармикин?

– Рашид, атрофга қара-чи, келишяптими?

– Ҳали узоқда, қўмондоним.

– Яхши...

– Қутини беринглар...

Аскарлик ҳужжатларимизни ҳам оловга ташладик... Кейин байроқ ёнган кулнинг бир парчасини ҳам ерга туширмай, авайлаб қутига жойладик. Тезлик билан бир жойга кўмдик. Устини текислаб, тошлар билан билинмайдиган қилиб қўйдик.

– Бошингиз омон бўлсин, – дедим.

Энди қиладиган биргина ишимиз қолди: душманга қарши туриш... Бор-йўғи саккиз киши эдик, атрофимизни эса саккиз юз кишилик душман аскари ўраб олган. Аммо биз таслим бўлишни хаёлимизга ҳам келтирмадик. Душманга қарши найза жангига ўтдик. Бир-икки аскарни яраладик, кўп ўтмай, бутунлай қуршаб олиндик...

Аввал 16-дивизия, ортидан 19-дивизия ва ниҳоят, Траблусда[50], Болқонда, Чаноққалъада, Галичя ҳамда Фаластинда жанг қилган, достонлар ёзган «Чанқоқ арслонлар»нинг 57-пиёда полки таслим бўлди...

Фақат шонли байроғимизгина душман қўлига тушмади.

* * *

Қўлларим боғлиқ. Аскарлик нишоним ҳам йўқ. Катта эҳтимол билан мен ва байроқдор бригада аскарларини шаҳид деб қайд этсалар керак. Шу пайт Гулниҳолга ёзган мактубим ёдимга тушди. «Шаҳид бўлсам, унаштирилганимиз бекор бўлади» деб ёзгандим унга. Ҳозир эса биз тирик шаҳидлар эдик...

Кўзларим уфқда ботаётган қуёшга қадалиб қолган, бу тупроқлар ҳам, биз ҳам чўл қумларига ботиб, йўқ бўлиб кетаётган эдик...

Инглиз аскарининг оғзимга тутган сув идишидан базўр бир қултум сув ичдим... Орзиқиб кутилган бир ҳўплам сув ҳам асирликда заҳар-заққумдек туюлди. Бундай аянчли манзарага хоҳламасам ҳам гувоҳ бўлдим...

Қуёш тепалар ортига ботиб кетди... Худди буюк Усмонли каби, бизлар каби... Худди 57-полк каби...

[50] Триполи

Фаластиндан шу кунларгача 57-полк

Фаластинда асир тушгач, 57-полк Озодлик курашида, Миллий мудофаа вазирлигининг 1921 йил17 июлдаги, Ўрду Штаби 1-шўъбасининг 16.662-сонли буйруғига биноан янгидан ташкил топди.

Полк қароргоҳи билан 1-батальонни Анқарадаги 31-пиёда полкининг янгидан асос солинувчи икки полки ташкил этади. 31-полкнинг таъқиб этилаётган 2 ва 3-батальонлари кейинчалик ташкил этилувчи батальон билан кучайтирилиб, Анқара қўмондонлиги тасарруфида алоҳида полк ҳолига келтирилади.

57-пиёда полкининг 3-батальони Даракўйдаги 15-дивизион қўмондонлиги таркибида ҳужум батальони сифатида иш бошлайди. Кейинчалик 1921 йил 15 августда 2734-сонли буйруққа асосан Ҳаймана деган жойда Ғарб жабҳа қўмондонлиги тасарруфига ўтказилади. Бейпазарида жойлашган 57-полкнинг 2-батальонига Ғарб жабҳаси қўмондонлигининг 1921 йил 17 июлдаги[51] буйруғига биноан, Миҳалич кўпригини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилади.

Ғарб жабҳа қўмондонлигининг 1921 йил13 сентябрдаги буйруғи билан 57-полкнинг 3-батальони 3-корпус томонидан ҳайъатдан чиқарилиб, зобит

[51] Аслида бу сана 1921 йил15 августдан сўнг бўлиши керак (И. Билгин).

ва аскарлари, уловлари билан бирга бошқа дивизияларга тарқатиб юборилади.

57-пиёда полкининг Истиқлол жангига оид ҳарбий кундалиги бўлмагани боис, бу санадан сўнг полк билан боғлиқ ҳеч қандай маълумот ва ҳужжатлар мавжуд эмас.[52]

57-пиёда полкининг давоми ҳам тарихда жуда муҳим муҳораба саналган 1971 йил 7 майда Сариққамишда 9-дивизия тасарруфида, кейинчалик эса 1973 йил 1 июнда Тоғ ва Қишки ўқув полки сифатида хизматини давом эттиради. 1990 йил 17 апрелда эса батальон даражасига туширилиб, Сариққамиш 57-полк батальони сифатида ҳали ҳам хизматини давом эттирмоқда.

Шубҳасиз, турк тарихида муҳим ўрин тутувчи жабҳаларда (Траблусғарб, Болқон, Чаноққалъа, Галичя, Фаластин, Сакаря муҳорабаси), ҳозирги кунда эса Сариққамишда ўзига юклатилган вазифани катта йўқотишлар билан бажараётган 57-пиёда полки янада кўпроқ гапирилиб, эслашга арзийди.

Азиз шаҳидларимизнинг
руҳи шод бўлсин...
Тамом

[52] Миллий мудофаа вазирлиги, 57-пиёда полки, 107-бет.

57-ПОЛК. ФАЛАСТИН

Исмоил БИЛГИН

Босишга 24.01.2022 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$
Гарнитура «Pt Serif». Офсет қоғози.
Босма табоғи 18 Шартли босма табоғи 18
Адади 10000 (I завод 1000) нусха. Буюртма № 16.
Баҳоси келишилган нархда.

«Factor books» нашриётида босмага тайёрланди.
Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, Э1 мавзеси 64 уй.

«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди. 100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.



Ўқ ёмғирлари остида инглизлар томон югура бошладик. Мумдек эриб битиш учун, чўлларда, қоялар остида жон бериш учун кетаётган эдик. Аммо бизнинг ўлимимиз бошқаларга ҳаёт бахш этиши тасалли берарди. Жазирама иссиқда терга ботганча яна олдинга интилдик. Аскарлар ўзидан кетган, дунёдан батамом узилиб, охират ҳаётини ҳозирдан бошлаб юборгандек эди, ажал ҳам кўзимизга кўринмасди. Ҳатто қаршимиздаги душманни менсимаётгандек ҳаракат қилаётган бу аскарни ҳеч нарса тўхтатиб қололмасди. Буни ҳаммамиз яхши билардик, чунки ўлим мусобақасига кўнгилли бўлиб кираётгандек эдик. Томоқларимиз йиртилгудек, бор овозимиз билан «Аллоҳ, Аллоҳ!!!» дея бақирардик.

ISBN 978-9943-7667-5-4

misbahkitoblar
www.misbahkitoblar.uz